


5702  
89  
P-20

АБДУҒАФУР РАСУЛОВ

# БЕТАКРОР ЎЗЛИК



TOSHDO'TAU



0000000588

Узб. 2  
89  
P-26

Абдуғафур РАСУЛОВ\*

~~Ўзбек филологияси  
факултети  
О'QUV ZAL~~

# БЕТАКРОР ЎЗЛИК

Адабий-танқидий мақолалар



33847

ALISHER NAVOIY NOMIDAGI  
~~2104~~  
**TOSHO'Z**  
AXBOROT-RESURS MARKAZI

Тошкент  
«MUMTOZ SO'Z»  
2009

~~Ўзбек филологияси  
факултети  
KUTUBXONASI~~

ISBN

978-9943-363-49-6

Расулов, Абдуғафур.

Бетакрор ўзлик: адабий-танқидий мақолалар /  
А.Расулов; маъсул муҳаррир Ҳ.Болтабоев. – Т.:  
MUMTOZ SO'Z, 2009. – 288+8 б.

ББК 83.3(5Ў)

*Профессор Абдуғафур Расуловнинг янги китоби ўқувчиларни XX аср адабиётининг дарғалари билан учраштиради, суронли йиллар адабий авлодининг турмуш ва ижод муаммоларидан баҳс юритади. Болаликнинг беғубор дунёсига олиб киради ва танқид оламидаги талқинлардан сўз очади.*

*Китоб таниш адабий сиймолар ҳақида янги кузатишлар билан ўртоқлашишни истаганларга мўлжалланган.*

**Маъсул муҳаррир:**  
**Ҳамидулла БОЛТАБОЕВ**

**Тақризчилар:**  
**Умарали НОРМАТОВ,**  
**Иброҳим ҒАФУРОВ**

ISBN 978-9943-363-49-6

© Абдуғафур Расулов, 2009

© «MUMTOZ SO'Z», 2009

## ИСТЕЪДОД ҚАДРИ

Ҳар бир одам — ўзига хос тирик сайёра. Милоддан олти асрлар муқаддам қадим Юнонистоннинг Фригия шаҳрида Эзоп деган зот яшаб ўтган. Ҳақ таоло унинг қалбига бир олам гўзаллик туйғусини, миясига тез, беҳато ишлайдиган ақлни жо этди-ю, саҳти-сумбатини беўхшов, толеини нигун қилиб қўя қолди. Гўзал қалб, теран ақл, самовий инъом бирикувидан юксак истеъдод соҳиби пайдо бўлди. Ўша хуниққина Эзоп — Иадмон бойнинг қули фаройиб топқирликлари, ўлмас масаллари билан “Эзоп тили” номли мангу эътироф соҳиби бўлди. Адибнинг асарлари, топқирликлари асосида ҳақиқат-парастлик ёмбидай ёниб турарди.

Чин сўздан ўзгани демаслик — истеъдоднинг ёрлиғи. Истеъдод ҳам шараф, ҳам алам-ситамлар водийсидан ўтиш азоби. Имоиддин Насимий, Бобораҳим Машраб, Фурқат, Чўлпон, Мусо Жалил буюк адиблар эътиқоду истеъдодлари туфайли азоб-уқубат кўрдилар, ноҳақлик қурбони бўлдилар. Қотил мустабидлар ўтди-кетди, истеъдодлар номи, шарафи асарларида яшаяпти. Амир Темур, Мирзо Улуғбек, Ҳусайн Бойқаро, Заҳириддин Бобур, Амир Умархон каби улуғ ҳукмдорлар ҳам истеъдодлар қадрига етганлар. Президент Ислоҳ Каримовнинг “Адабиётга эътибор — маънавиятга, келажакка эътибор” рисоласи (—Т.: Ўзбекистон, 2009)даги мана бу фикрлар ниҳоятда қимматли: “Менинг фикримча, ёзувчилик — бу оддий касб эмас, Худо берган истеъдоддир. Бу қисмат, пешонага ёзилган тақдир. Бу касбга ҳеч қаерда ўқитиб, ўргатиб бўлмайди... Истеъдод, истеъдод ва яна бир бор истеъдод соҳибларини топиш, тарбиялаш ва уларнинг меҳнатини муносиб қадрлаш энг асосий вазифамизга айланиши керак”<sup>1</sup>. Истеъдод ва унинг бетакрорлиғи ҳақида айтилган бу мулоҳазалар ижтимоий-маънавий, тарбиявий-маърифий мафкура-

<sup>1</sup> Ислоҳ Каримов. Адабиётга эътибор — маънавиятга, келажакка эътибор. — Т.: Ўзбекистон, 2009. — Б. 17, 20.



мизнинг инсонпарварлик моҳиятини бус-бутун акс эттиради. Иккинчидан, 73 йил ҳукмронлик қилган шўро давлати, коммунистик мафкура бадий ижод, истеъдод эгаларини не-не қийноқларга солмади, бадий адабиёт соҳасини ўйловсизлик билан амалга оширилган тажрибалар синовхонасига айлантормади дейсиз?! Кўҳна тарих, инсоният хотираси “лаборатория усули”да ёзувчи тайёрлаш тажрибасини эслайдими? Бу ўта бемаъни тадбирни амалга оширган адабиётдаги амалдорлар ҳақиқий истеъдодлар бошида ёнғоқ чақа бошладилар. Фитрат, Абдулла Қодирий, Чўлпон, Ойбек, Владимир Маяковский, Александр Фадеев, Константин Федин, Эдуард Багрицкий, Михаил Пришвин сингари истеъдод эгалари Леопольд Авербах, Юрий Либединский, Михаил Шевердин, Владимир Ермилов сингари адабиёт соҳасининг сиёсатдонлари зулм-сиқувидан юракларини олдириб қўйдилар. Мажбуран ёзувчига “айлантирилганлар” ўзларига топширилган барча ишларни “қойилмақом” қилиб уддаладилар. Лекин биронта ҳақиқий бадий асар ярата олмадилар. Адабий сиёсатдонлар истеъдод соҳиблари қалбига қўрқув, ҳадик, мутелик туйғусини мустаҳкам ўрнатиб кетдилар. Ҳанузгача юракларда макон топган қуллик, итоатгўйлик ўзини кўрсатиб-кўрсатиб қўяди. Чунки қўрқув, ҳадик – истеъдод парвозининг кушандаси, учар тулпорнинг қанотини қирқадиган қилиб қўядиган ёвуз куч.

Мустақиллик йилларида истеъдоднинг эмин-эркин униб-ўсиши учун имконият яратилди. Мен ҳозирги ёзувчиларга, айниқса, ёшларга ҳавас билан қарайман: улар Л.Авербах, В.Ермиловлар зулмини, уларнинг миллий адабиётлардаги “дум”лари қилғилиklarини билмайдилар. Кексаю ёш ижодкор аҳли чўчимасдан, ҳар хил хавф-хатарларни хаёлларига келтирмасдан ижод қиладилар.

Англашимча, “Адабиётга эътибор – маънавиятга, келажакка эътибор” китобида билдирилган мулоҳазалар истеъдодни улуғлаш, истеъдодларни эъзозлаш руҳи

билан йўғрилган. Рисола муаллифи фикр йўсинида: “Истеъдодларни ҳимоя қиламан, уларнинг таъқиб-таъйиб қилинишига йўл қўймайман”, — деган концепция аниқ кўриниб туради. Ҳозирги адабиётимиз ҳақида мулоҳаза билдираётган сиймо бутун борлиги билан мустақил Ўзбекистонга фидойи хизмат қиляпти. У истеъдод эгаларидан ёниб яшашни, мустақиллик моҳиятини бадий талқин этишни сўраяпти. “Ёзувчиликнинг мактаби ҳам, дорилфунуни ҳам битта. У ҳам бўлса, бир умр ҳаётнинг ичида бўлиш, ўз халқи билан ҳамдарду ҳамнафас бўлиб яшаш, ҳақиқат ва адолатга садоқат билан хизмат қилишдир”<sup>2</sup>, — деб ёзади рисола муаллифи.

Ёзувчи — халқ фарзанди, жамиятнинг онгли аъзоси. У ҳақиқатни халқдан яшира олмагани каби жамиятдан четда туриб, ундан юз ўгириб асар ярата олмайди. Ҳозир айрим адабиётшунослар адабиётнинг ижтимоий функциясини рўй-рост инкор этмоқдалар. Ана шу жиҳатдан профессор Н.Раҳимжонов “Умумбашарий қадрият” мақоласида Роберт Уоррен, Жан Поль Сартр мақолаларини бундай талқин қилади: “...ижтимоий манфаатдорликдан четда турган адабиёт ўз вазифасини бажармайди. Зеро, халқ гами ёзувчининг ҳам дард-ташвишидир. Эл-юрт ўз бошига ёққан қорни кураш билан банд бўлганда, адабиёт ўз ҳолича, бир чеккада ўз ҳою ҳаваслари оламида куймаланиб юрмайди. Халқнинг бошида балққан офтоб адабиётнинг кўчасига ҳам байрам олиб келади”<sup>3</sup>. Ижтимоий ҳаёт билан боғланмайдиган адабиёт бўлиши мумкин эмас. Бадий асар, унинг муаллифи ижтимоийликка дахлдор ҳодиса. Ижтимоийлик ва ижод, истеъдод бир-бирини тўлдиради, ўзаро уланиб кетади.

Истеъдод — Яратганнинг суйган бандаларига инъоми. Истеъдодни берган Куч уни қайтариб олиши ҳам мумкин. Қанча-қанча истеъдодлар шу бебаҳо бойликларидан айрилиб руҳий азоб-андуҳда ўтганлари маълум. Истеъдод инсондан ғаройиб хислатларни, улуғворлик, юксакликни

<sup>2</sup> Курсатилган асар. — Б. 17-18.

<sup>3</sup> Раҳимжонов Н. Умумбашарий қадрият // ЎзАС. — 2009. - 7 август.

талаб қилади. Истеъдодни моддий бойлик, сохта шон-шуҳрат, шахсий манфаат йўлида сарфлаганлар руҳий жазоланадилар. Таъбир жоиз бўлса, истеъдод соҳиби маънавият, руҳоният булоғининг эгаси. Унинг бойлигидан нафақат ҳозирги кун кишилари, балки келажак авлодлар ҳам манфаат кўриши зарур. Истеъдодли зот — сўзи ўлмас, таъсири кучли инсон. Унинг кушандаси ҳамиша топилади. Шўро ҳукумати юзлаб, минглаб ёзувчи, санъаткорларни маҳв этди. Юртбошимиз ўз мулоҳазаларида шулардан икки нафари, яъни Абдулла Қодирий, Ойбек номини тилга олади. Коммунистик мафкура ҳукмронлиги йилларида истеъдоддилар ҳамиша чоҳ ёқасида турганларини, қилич дамида юраётганликларини ҳис этиб туриб ижод билан машғул бўлдилар. “...Коммунистик тузум инсоннинг, бинобарин, миллат ва халқнинг эркин ва озод яшашига, миллий тафаккур, диний қадриятларга қарши бўлганини ижод аҳли ҳаммадан кўра чуқурроқ англаган.

Табиийки, давр тақозосига кўра, ёзувчилар яшаш учун, ўз истеъдодини рўёбга чиқариш учун коммунистик тузум билан муроса қилишга мажбур бўлган. Шу маънода, мустабид тузум даврида виждон азобини ким кўпроқ тортган, деса, мен, доимо бу ҳаётнинг маъно-мазмунини, инсоннинг қадр-қиммати, эл-юрт тақдири ҳақида қайғуриб яшайдиган одамлар ва уларнинг олдинги қаторида бўлган ижод аҳли, деб айтган бўлардим”<sup>4</sup>.

Шўро даврида яшаб ўтган ёзувчилар ижодини ҳар томонлама, мукамал ўрганиш, бугунги кун талабидан келиб чиқиб, улар томонидан яратилган асарларнинг сарагини саракка, пучагини пучакка ажратиш адабиёт-шунослик олдидаги вазифа бўлиб турибди. Бу ишда бизга маёқ вазифасини ўтайдиган намуналар борми? Алишер Навоий, Муҳаммадризо Огаҳий, Муқимий, Қодирий, Чўлпон, Фитратнинг ижоди замон, тарих, халқ синовидан ўтди. Улар томонидан яратилган буюк асарлар ҳам мустақиллик шароитида қайта холис талқин қилинишни лозим.

<sup>4</sup> Ислоҳ Каримов. Адабиётга эътибор — маънавиятга, келажакка эътибор. — Т.: Ўзбекистон, 2009. — Б. 11.

Суюкли бандаларига Оллоҳнинг инъоми — қобилиятнинг даражаси ҳар хил. Санъаткор иқтидорли, истеъдодли, даҳо бўлиши мумкин. Алишер Навоий — даҳо санъаткор. Навоий ҳақида ўтмишда ҳам, ҳозир ҳам ўзимизда ҳам, хорижда ҳам юзлаб тадқиқотлар, минглаб бадиий асарлар яратилган. Юртбошимиз Ислом Каримов Навоий даҳосини юксак қадрлаган, унинг асарларини ҳамиша, ҳамма ерда тарғиб-ташвиқ қилиб келаётган сиймолардан. Ўзбек санъатининг барча турларида Навоий мавзуси кенг талқин қилинмоқда. Навоий ҳайкаллари Тошкент, Самарқанддагинамас, узоқ Японияда, денгиз қирғоғи Бокуда, Москвада савлат тўкиб турибди. Навоийшунослик — ўзбек адабиётшунослигининг ўзак йўналиши ҳисобланади. Лекин Навоий ҳаёти, ижодини ўрганиш, жаҳонга кўз-кўз қилиш кўнгилдагидай эмас. Тўғри, навоийшуносларимиз баракали ижод қилмоқдалар, Республика телевидениесидан “Навоийни англаш” кўрсатуви муқим ўрин эгаллади, радиода Навоий ҳақидаги эшиттиришлар кўп. Лекин Олий ўқув юртларининг барча талабалари Навоийни яхши биладилар, дея олмаймиз. “Адабиётга эътибор — маънавиятга, келажакка эътибор” рисоласида Навоийни ўқиш, уқиш, ўзлаштириш масаласига алоҳида тўхталинган. “Айни вақтда ана шундай замонавий воситалар ёрдамида мумтоз адабиётимизни, жумладан, Алишер Навоий асарларини халқимизга яқинлаштириш, бу ноёб меросни ҳақиқатан ҳам маънавиятимизнинг ҳаётбахш манбаига айлантириш барчамиз, аввало, адабиёт аҳлининг вазифаси, десак, ҳеч қандай хато бўлмайди”<sup>5</sup>.

Хуллас, юртбошимиз истеъдод, истеъдодлилар ҳақида, уларни асраб-авайлаш, асарларини вақтида чоп этиш ҳақида зарур гапларни айтган. Энди яширишга ҳожат йўқ: етмиш йил мобайнида Ёзувчилар уюшмасига кимлар аъзо бўлмади, ҳатто унга етакчилик қилмади, дейсиз?! Ёзувчилар уюшмасидай муқаддас даргоҳ бедарвоза

<sup>5</sup> Кўрсатилган асар. — Б. 16-17.

қолмаслиги аниқ бўлди: “Ёзувчилар уюшмасининг сифат таркибини ҳам кўриб чиқиш зарур, деб ўйлайман. Бу муқаддас даргоҳ не-не улуғ ижодкорларнинг қутлуғ номлари, ижодий мероси билан боғлиқ. Шундай экан, Уюшма ўзининг обрў-эътибори ва юксак мақомига муносиб бўлиши, адабиётни ўз ҳаётининг маъно-мазмуни деб биладиган фидойи инсонларгина бу ташкилотга аъзо бўлиши керак”<sup>6</sup>.

“Адабиётга эътибор – маънавиятга, келажакка эътибор” рисоласида китобхонликнинг сусайиб кетганлиги, жаҳон адабиёти билан ҳозирги ўзбек адабиётининг боғлиқлиги, адабиётшунослик ва танқидчилик муаммоларию уларнинг ечими ҳақида теран фикр билдирилган.

Китобхонликнинг сусайиб бораётганлиги – бор гап. Қайси зиёли, ёзувчи, донишманд билан суҳбатлашманг, ҳаммасининг ҳасратидан чанг чиқади. Мен эллик йиллик фаолиятим давомида не-не ўқимишли, тишини ушатиб китоб ўқийдиган одамларни кўрмадим, ўзга миллатга тааллуқли талабалардан қанча-қанчаси “Ўткан кунлар”, “Қутлуғ қон”, “Синчалак”, “Муқаддас”, “Қадрим” асарларидан катта-катта парчаларни ёдаки ўқиганига гувоҳман. Афсуски, бир магистр ўз диссертацияси мавзуси бўлган асарни наридан бери ўқиб, катта иш ёзишга киришганини ҳам кўрдим. Туппа-тузук одамлар такрорланмас умрлари дақиқаларини кроссворд ечиш, қўл телефонини “титиш”, олди-қочди “асарлар”ни ўқишга сарфлаётганларига ачиниб кетаман. Интернет, телевидение, компьютер ёшларнинг доимий ҳамроҳига айланди. “Ота-онаси, ўқитувчилари минг тарғиб-ташвиқ қилмасин, бугунги ёшлар “Ўткан кунлар”, “Уруш ва тинчлик” каби мумтоз романларни ёппасига ўқияпти, дея айта олмаймиз”, – деб ёзади Президент ўз рисоласида. – Модомики, шундай экан, энди одамлар, ёшлар китоб ўқимай қўйди, деб нолиб ўтирмасдан, ана

<sup>6</sup> Курсатилган асар. – Б. 28.

шу таъсирчан замонавий ахборот воситалари орқали адабиётшунослигимизни кенг тарғиб этиш, хусусан, Интернет имкониятларидан фойдаланиб, етук бадий асарларни ёшларга етказиш устида ҳам жиддий бош қотириш зарур, деб ўйлайман”<sup>7</sup>.

Ўзбек тилидаги Интернет адабиётини шакллантириш, шоир ва ёзувчиларнинг веб-сайтларини яратиш мушкул юмуш. Ундан ҳам мушқули шундаки, Интернет адабиёти, веб-сайтлар танқидчилигини шакллантириш зарур. Мен ҳозиргача Интернет адабиёти, ёзувчи веб-сайти ҳақидаги жиддий мақолани ўқиганим йўқ. Миллий адабиётимизнинг юксак намуналари Интернет тармоқлари орқали тарғиб ва ташвиқ қилинмаётгани ҳам ачинарли ҳол.

Ҳозирги ўзбек адабиёти — жаҳон адабиётининг бой, ривожланаётган, бадийлиги юксак таркибий йўналишларидан бири. Аммо адабиётимиз жаҳонда донг таратяпти, дея олмаймиз. Аксарият ёзувчилар асарлари бир неча хорижий тилларга таржима қилинган. Аммо уларни талқин, таҳлил қилиш, ташвиқ-тарғиб этиш паст савияда. Бунинг қандай сабаблари бор? Аввало, ўзимизда ўзбек адабиёти мухлисларини, машҳур асарлар шайдоларини кўпайтириш лозим. Юртимизда инглиз, олмон, француз, испан, араб, рус, ҳинд, япон, хитой форс, уйғур тили ва адабиётини ўргатадиган Давлат жаҳон тиллари университети, Давлат шарқшунослик институти, деярли барча маҳаллий университетларнинг хорижий филология факультетлари бор. Англо-Америка, Германия, Франция, Испания, Япония, Ҳиндистон, Эрон сингари мамлакатлар адабиётлари бўйича юқори малакали мутахассис — фан докторлари, фан номзодлари бор. Манتيқан хорижий адабиётлар бўйича диссертация тайёрлаган олим ўзбек адабиёти, унинг намояндалари ижодини сувдай билиши лозим.

---

<sup>7</sup> Кўрсатилган асар. — Б. 16.

Афсуски... Олий Аттестация Комиссиясининг филология соҳаси бўйича эксперти сифатида ачинарли ҳолларга гувоҳ бўлдим. Ёш, гўзал, билими етарли, диссертациясини кўнгилдагидай ҳимоя қилган олиму олималар эксперт комиссиясига бот-бот таклиф қилинади. **Уларнинг аксарияти ўзбек тили ва адабиётини билмайдилар.** Улардан ўзбек адибларининг энг машҳур асарларини ўқиган-ўқимаганликлари сўралганда, “Мақтабда ўқиганмиз, эсан чиқиб кетган”, – деб тураверишади. Ваҳоланки, ўз адабиётини билмаган, унинг тараққиёти билан қизиқмаган “олим” аллақайси юрт адабиёти бўйича яхши мутахассис бўла олмайди. Қолаверса, шу мутахассиснинг илмий ишини узоқ юртдаги олимлар ўқийди, деб ўйлайсизми? Хорижий адабиёт бўйича олимлик даъвосини қилувчи, аввало, ўз адабиётини дунёга тарғиб қилиши, ҳеч бўлмаганда, ўша юрт – халқ тилига ўгирилган ўз асарини талқин қилиб, мақола ёза олиши керак. Яқинда Англия – Америка адабиёти бўйича таниқли олимнинг диссертацияси ҳақида эксперт комиссиясида фикр алмашув бўлди.

– Сиз америкалик ёзувчиларнинг сатирик романлари ҳақида докторлик диссертациясини ҳимоя қилибсиз. Унда Америка адабиётидаги болаларга аталган асарларда сатира мавзусига урғу берибсиз. Айтинг-чи, машҳур ёзувчимиз Худойберди Тўхтабоевнинг сатирик романларини Америка болалар адабиёти намуналарига қиёслаб кўрдингизми? – дея савол бердим.

Диссертант менга ҳайрон бўлиб қаради. Комиссия аъзоларига кўз югуртирди:

– Сиз номини айтган ёзувчини билмайман. Романлари ҳақида эшитмаганман, – деди ва ескингина кўшиб қўйди. – Бундан кейинги фаолиятимда ўзбек адабиёти материалларидан фойдаланишга ҳаракат қиламан...

Ўша олимнинг бир неча шогирди Фарб, Америка адабиётидан диссертация ёқлади. Улар ҳам ўзбек адабиёти

материалларидан мутлақо фойдаланмаганлар. Бундай диссертацияларни маконда ломакон тадқиқотлар дейиш мумкин. Уларнинг ўзбек адабиётига алоқаси деярли сезилмайди. Тўғри, соҳаларга кўра шифрлар кўп. Фарб, Шарқ мамлакатлари адабиёти учун алоҳида шифр (мутахассислик белгиси) бор. Иш ўша шифрга мос бўлиши мумкин. Лекин одамда фуқаролик масъулияти, ўзи яшаб турган юртга нисбатан ҳурмат туйғуси бўлиши керак-ку?! Мустақил бўлганимизга 18 йил, ўзбек тилига Давлат тили мақоми берилганига 20 йил тўлди. Шу муддат давомида ўзбек тилининг илм-фан, иқтисод, савдо-сотиқ бўйича йўналишлари шаклланди. Жаҳон адабиёти даражасидаги ўзбек адабиёти намуналари яратилди. Юртимиздаги хорижий тиллар мутахассислари ҳеч бўлмаганда биттадан ўзбек тилидаги бадиий асарни талқин, таҳлил қилиб берса, адабиётимизнинг жаҳонга чиқишига ҳисса қўшилган бўларди. Хорижий адабиётлар бўйича диссертация ҳимоя қилувчиларга жаҳон матбуотида ўз адабиёти бўйича камида битта мақола нашр эттиришни зарурий талаб қилиб қўйиш ўринлидир. Иккинчидан, Ўзбекистондаги хорижий филология мутахассислари ўзбек адабиёти, унинг намояндаларидан Аҳмад Яссавий, Юсуф Хос Ҳожиб, Лutfий, Бобур, Машраб, Огаҳий, Фурқат, Абдулла Қодирий, Чўлпон, Фитрат, Ойбек, Фафур Фулом, Шайхзода, Миртемир, Зулфия, П.Қодиров, О.Ёкубов, Э.Воҳидов, А.Орипов, Р.Парфи, Шавкат Раҳмон, Тоғай Мурод, Муҳаммад Юсуф, Эркин Аъзам ижодини ўрганиши зарурлигини таъкидлаш жоиз. Улуғ Алишер Навоий ижодини мактаб, лицей, институт, университетларнинг барча факультетларида ўрганишни таълим стандартига киритиш лозим. Хорижий филология бакалавр, магистрант, аспирантларига дарслик, ўқув қўлланмалари тайёрлаш зарур.

Ўзбек адабиётини жаҳонда кенг тарғиб қилиш қанчалик муҳим бўлса, жаҳон адабиёти намуналарини асосли ўрганиш долзарб вазифадир. “Адабиётга эътибор —



маънавиятга, келажакка эътибор” рисоласидаги мана бу фикр ниҳоятда ҳаётӣ, қимматли: “Назаримда, биз бир вақтлар раҳматли Озод Шарафиддинов бошлаган муҳим бир ишни эътибордан четда қолдиргандекмиз. Яъни у киши “Жаҳон адабиёти” журнали орқали бошлаб берган дунё адабиётининг энг яхши намуналарини таржима қилиш, чоп этиш, ўрганиш билан боғлиқ тажрибалар, чет эл ёзувчилари билан алоқаларни янада ривожлантириш масаласига бугун етарлича аҳамият бермаяпмиз. Ҳолбуки, биз маънавиятимизни юксалтириш, ёшларимизни миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳида камол топтиришга интилаётган эканмиз, ҳеч қачон ўз қобигимизга ўралашиб қолмаслигимиз керак.

Қисқача айтганда, бошқа соҳалар қатори адабиёт соҳасида ҳам халқаро алоқаларни кучайтириш зарур”<sup>8</sup>. Ўзбек таржимонлари жаҳон адабиётининг етук намояндаларидан Л.Толстой, Ф.Достоевский, Ф.Нитше, Р.Тагор, М.Пруст, Ж.Жойс, М.Шолохов, А.Твардовский, Р.Ҳамзатов, Г.Маркес, Ч.Айтматов, Ҳ.Мураками асарларини ўзбекчага ўгирдилар. Мазкур таржималар, модернизм ҳақидаги тадқиқотлар адабиётшуносларимизни ром этди. Модернизм ҳақида кўплаб мақолалар ёзилди. Лекин, очиғини айтганда, модернизм, ундаги ўсиш-ўзгариш (неою-, пост-, нео-, ню-)лар ҳақидаги тушунчаларимиз чекланган, саёз экан. И.Ғафуров, Х.Дўстмуҳаммад, Н.Эшонқул, У.Ҳамдам, Т.Жўраев мақолаларида модерн адабиёт, унинг моҳияти, йўналишлари ҳақида фикрлар билдирилган. Бизда Ф.Кафка, А.Камю, Ж.П.Сартр, Ж.Жойс ҳақида очерклар ёзилган, тадқиқот олиб борилган. Адабиётшуносларимиз орасида “Улисс” асарини теран англайдиганлар кўп эмас. Таржимон – мунаққид Иброҳим Ғафуров XX аср романларининг романи – “Улисс”ни русчадан таржима қилди. Табиийки, у романнинг руҳини, қаҳрамонлар моҳиятини, Жойс услуби нозикликларини англаб етди. Модерн адабиётини

<sup>8</sup> Ислом Каримов. Адабиётга эътибор – маънавиятга, келажакка эътибор. – Т.: Ўзбекистон, 2009. – Б. 32.

тушунишда, хусусан, Жеймс Жойснинг “Улисс” романини англашда Тиловолди Жўраевнинг “Онг оқими. Модерн” (“Фарғона” нашриёти, 2009) китоби асосли манба бўлди. Муаллиф “Улисс” романи руҳи, моҳиятига чуқур кира олган, қаҳрамонлари ҳақида шундай гапирадики, гўё ҳозиргина ўша қаҳрамонлар билан суҳбат кургандай. Т.Жўраев романдаги монтаж усули, контекст, матности маъноси ҳақида тўхталинади. Жойс ўз асарини “Одиссея” билан узвий боғлиқ бўлишини истаган, кўп қаҳрамонлари Ҳомер дostonлари тимсолларига муқояса қилинганлиги айтилади.

Янги Фарб адабиётининг ашаддий мухлисларидан бирининг фикрича, модернизм ҳаётнинг энг нафис, теран ва юксак ҳамда сунъийлашган қирраси. Санъат заминиди униб чиққан модернизм адабиётшунос учун ҳам муҳим назарий манбадир. Модерн адабиёти назариянинг кўп жиҳатларини янгича англаш, талқин қилишга ундайди. Модернизм ҳаммамиз кўрган, кўниккан реалликдан инсон руҳиятига, “тирик сайёра” дунёсига тамоман кўчиб ўтди. “Жойс қаҳрамоннинг замон ва макондаги ҳаракатини эмас, “тафаккур оқими”ни кузатади, қоғозга туширади. Жойс қаҳрамон онги фаолиятини бемалол ўқийди, ўқийдигинамас, уни худди аслидагидек стихияли, асов ҳолда қоғозга тушира билади”, – деб ёзади Т.Жўраев<sup>9</sup>. Кенгликларда, тоғу тошларда, адоғи кўринмайдиган даштликларда улғайган китобхон Жойс тасвирлаётган дунёга сифмайди, юраги “тарс” ёрилай дейди. Европа халқи торгина маконга кўниккан, аксарият вақтини уйда, чекланган муҳитда ўтказган. У “Улисс”га ўхшаш асарларни табиий тарзда ўзлаштирган. Бундан кейин китобхонлар, аксарият, реалист ёзувчилар Жойс муҳит-маконига “кўчиш”га мажбур бўлади. Япон модерн адабиётига унча қийналмай ўтдилар-ку! Модерн адабиёти махсус тайёргарлиги бор китобхонни ўзига жалб қилади. Реализм, унинг янги-

<sup>9</sup> Журасв Т. Онг оқими. Модерн. – Фарғона, 2009.

янги кўринишлари кишилар онгига чуқур сингиб кетганки, адабиётшуносларимиз томонидан гарчи янги, истиқболли бўлса-да, модернизмни қабул қилиш қийин кечаяпти. Тарки одат амри маҳол, деб шунга айтилса керак-да. Қолаверса, бадиий адабиёт янгилиги билангинамас, неча-неча асрли миллий урф-одатлари, фикрлаш тарзи, сўзларни халқона йўсинда қўлланиши, ўзига хос, мос оҳанги, нозик мутаносиблик (симметрия)лари билан жозибалидир.

Адабиётшунослик тўғрисидаги мулоҳазалар узвий равишда адабий танқид масалаларига уланиб кетади. Ҳозир аксарият зиёлилар ўзбек танқидчилиги ўз мавқеини йўқотганлиги, сусайиб қолганлигини рўй-рост айтмоқдалар. Тўғри, шўро давридаги танқиднинг танглайи жангарилик руҳи билан кўтарилганди. Шўролар давридаги коммунистик руҳдаги танқиднинг йўли шонли эмас эди. Қатағон, қатли омлар шароитидаги хунрезликлар пичоғини адабий танқид қайраб берган эди. Вадуд Маҳмуд сингари билимли мунаққидлар “оқ”ни “қора” демадилар. Баъзи танқидчилар янглишди, қоқинди, лекин эси борида этагини йиғиб олди. Ўзбек танқидчилигида Ойбек, М.Қўшжонов О.Шарафиддинов, Н.Шукуров, Н.Каримов, Б.Назаров, У.Норматов, И.Фафуров сингарилар босиб ўтган йўл нурли, рангинлиги билан диққатни жалб этади. Шўро танқидчилиги майдони уриш, йиқитиш, фош қилиш, қасд олиш, ялтоқланиш, гуруҳбозликларга тўла эди. Билимли, маданиятли, тажрибали, одамохун танқидчилар ҳамиша голиб бўлдилар. Бир танқидчи бўларди, у кимни танқид қилишни, кимни мақташни аввалдан режалаштириб кўярди. Ўзига ёқмаган ёзувчи зўр асар ёзса ҳам уни танқид қиларди. Фаолияти давомида кашфиёт яратишга яқин келмаган бу танқидчи ҳаммадан кашфиёт талаб қиларди. Мана шундай сохта, юзаки танқидчилик “Ўткан кунлар”, “Меҳробдан чаён”, “Қутлуғ қон”, “Навой”, “Жалолиддин Мангуберди”, “Олтин зангламас”, “Чинор”, “Келинлар кўзғолони”, “Юрак сирлари”, “Юлдузлар тунлари”, “Ашудлар доवони”,

“Улуғбек хазинаси” сингари романларга хужум уюштирди. Не-не ёзувчи, асарлар ноҳақ хужумлар қурбонига айланди. Сохта танқидчиликдан безор бўлган шоир Жамол Камол “Адабий танқид” шеърисида ёзади:

Шунчалар қон тўкмиш қаламинг сенинг,  
Айт-чи, нимадандир аламинг сенинг?  
Қўлингда ҳамиша шайдир бешотар,  
Магар бобонгмидир Муқбил тошотар?

Адабий танқид, табиийки, танқид қилиши, нотўғри йўналишларни, бадиий ночор асарларни фош этиши шарт. Тишли-тирноқли ҳар жиҳатдан исботланган мақолалар ҳар бир танқидчи ижодида бўлиши лозим. Лекин сўнгги йилларда жўн, саёз “асарлар” болалаб кетди. Танқидчилик, истаса ҳам бундай асарларни танқид ва талқин қилиб улгура олмайди.

Ҳозирги танқидчилик моҳиятан адабиётшуносликка яқинлашиб бормоқда, илмий-методик қарашларни асос қилиб олмоқда. Бугунги танқидчиликни структурализм, герменевтика, аксиология каби талқин йўсинларисиз тасаввур этиб бўлмайди. Иккинчидан, битта жиддий мақола ёзиш учун танқидчи қанчадан-қанча илмий, бадиий адабиётни ўзлаштириши, ёзган мақоласини ялиниб-ёлвориб нашр эттириши ва ...деярли моддий манфаат кўрмаслиги қундай равшан бўлиб турибди. Нашриётлар, оммавий ахборот воситалари адабий-танқидий мақолаларни буюртма асосида ёздириши, муаллиф меҳнатини қадрлаши зарур.

“Адабиётга эътибор — маънавиятга, келажакка эътибор” рисоласи танқидчиликнинг қамров доираси кенг бўлишини кўрсатади. Шу пайтгача Интернет адабиёти, ёзувчиларнинг веб-сайтидаги асарлар танқидчилиги ҳақида гапирилмаган эди. Ҳозир таржима адабиётида қизиқарли, ўрганилиши лозим бўладиган ҳолатлар пайдо бўлмоқда. Демак, таржима танқидчилиги шаклланиши, тараққий этиши лозим. Учунчидан,

анъанавий танқидчилик модерн асарларни талқин қилиши, илғор назарий қарашларни чуқур ўзлаштириши зарур бўлиб қолди. Ҳаётнинг ўзи янгича фикрлайдиган танқидчи-мутахассислар тайёрлашни тақазо этмоқда. Этакчи университетларда танқидчи мутахассислар тайёрлашга жиддий эътибор қаратиш зарур бўлиб қоляпти.

Президентимизнинг фикр-мулоҳазаларида ёш истеъдодларни топиш, тарбиялаш масаласига эътибор қаратилган. Ёш ёзувчилар янгича шароитда шаклланимоқдалар. Улар миллий адабиёт билан бир қаторда жаҳон адабиётидан унумли фойдаланиш имкониятига эгалар. Муҳими, ёш ижодкорлар руҳида мутелик, ҳадик, қўрқув туйғуси йўқ. Ёшлар истаган мавзуларида, йўналишларида ижод қилишлари мумкин. Шодмонқул Саломов, Муҳиддин Абдусамад, Муҳаммад Сиддиқ, Беҳзод Фазлиддин, Нодир Жонузоқ, Баҳодир Баҳром сингарилар асарларида ўзлик, янгича овоз аниқ эшитилади.

Эндигина 20 ёшга тўлган Баҳодир Баҳром ёзади:

Умрим қисқа, менинг ҳаётим қисқа,  
Бир лаҳза тин олмай шошиб кетгайман.  
Бу тоғларинг нима бўлибди дунё,  
Ҳали қуёшдан ҳам ошиб кетгайман...




Бугун сайёрада дўппили, тўнли,  
Шеърят оламин тузиб кетгайман.  
Кетсам ҳам дунёга ўзбекистонлик  
Баҳодир Баҳром деб ёзиб кетгайман.

Насрдаги изланишлар мураккаброқ кечмоқда. Баҳодир Қобулнинг “Нафақа” ҳикоясида матннинг пишиқлиги, тасвирнинг тиниқлиги, қаҳрамон характеридаги ўзик беҳато топилганлиги диққатни тортади. Ёш таржимон — танқидчи Алишер Отабоев ёзади: “...айрим газета ва журналларда берилаётган таржималарни аслияти билан солиштирганда анча-мунча нуқсонлар кўзга ташланади. Менимча, бунга сабаб таржима танқидчилигининг сустлиги”.

Ёшларда шижоат, ғайрат кучли. Улар газета-журнал тахририятларига дадил кириб борадилар. Ҳозирги кунда Ёзувчилар уюшмасидан ёшлар қадами узилмайдиган бўлиб қолди. "...Ёш ижодкорларнинг биринчи китобини давлат ҳисобидан чоп эттириш", "Ёзувчилар уюшмаси қошидаги ёш ижодкорлар билан ишлаш кенгаши фаолиятини тубдан қайта кўриб чиқиш" сингари таклифлар "Адабиётга эътибор – маънавиятга, келажакка эътибор" да акс этганки, ёшлар ишонч билан олға интила бошладилар. 2009 йил 21 августда "Ўзбекистон адабиёти ва санъати" газетасида бир гуруҳ ёш ижодкорларнинг давра суҳбати чоп этилди. Ёшлар муҳим мулоҳазаларни, адабиёт ҳақидаги қарашларини баён этганлар.

"Адабиётга эътибор – маънавиятга, келажакка эътибор" рисоласидаги таклиф, вазифа, режалар амалга оширила бошланди. Шўро замонида Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг бир қанча қурултой (съезд)лари бўлиб ўтган. Уларда кўтарилган масалалар тадбир сифатида қоғозда қолиб кетар, амалиётга кам тадбиқ қилинарди.

Фикр юритаётганимиз ҳужжатда ҳаётий, долзарб масалалар ўртага қўйилган. Улар амалга оширилса, шаксиз, адабиётимиз ҳар жиҳатдан бойийди. Шу ўринда Чўлпоннинг ёмбидай фикри саксон йил давомида онгимизни ёритиб келиши баробарида Президент рисоласида унинг тилга олиниши такроран хаёлга келади: "Адабиёт яшаса, миллат яшайди".



### *ХОТИМА-ХОТИРА АСАР*

Садриддин Айний – тупроғи енгил ёзувчи: у ҳақда ўнлаб китоблар, минглаб мақолалар ёзилган. Устоз билан учрашган зиёли борки, у ҳақда ниманидир ёзишни, қизиқ ҳангомани айтиб беришни кўнглига тугиб қўйган. 1971 йилнинг саратони Ургутнинг Мерганча қишлоғида, Қутбиддин эшон Муҳиддинов боғларида Озод ака, Бегали, Хайрулла, Қодиржон гурунглашяпмиз. Дастурхон шоҳона безалган. Муслиҳиддин, Исҳоқхонлар мезбонликни ўрнига қўймоқда.

– Отам, отам келяптилар, – деди Муслиҳиддин. Ҳаммамиз ястиқлардан бағримизни кўтардик, қўйлақларни тўғрилаган бўлдик. Эшон бобо кўринишлари билан ўрнимиздан турдик, мўътабар зотни тўрға ўтказмоқчи бўлдик.

Домла супанинг қуйироғига ўтирдилар.

– Сизлар меҳмон. Ахир, меҳмон улуг-ку... – дедилар, қисқагина дуо ўқиб, фотиҳа тортдилар. Устоз ниҳоятда камтар, юзларидан пирларга хос табассум аримасди. Гап айланиб Айний домлага тақалди.

– Бир куни бозордан қайтаётсам оломон икки киши орасидаги савдо-сотикни берилиб кузатяпти. Сотилаётган, нархи келишилилмаётган матоҳ-хуржун: сотувчи бир сўм кўп сўраяпти, олувчи бир сўм устида талашяпти. Қарасам, хуржун харидори – устоз Айний. Ғалати бўлиб кетдим. Орани ёриб ўтдим, устоз билан омонлашдим. Устознинг хаёллари ҳамон савдо-сотикда.

– Ўша бир сўмни мен бераман, – деб юборганимни билмай қолдим. Хуржунни қўлтиқлаб олдим, бозордан чиқдик. Устоз ҳануз ўзларига келмайдилар:

– Агтанг, агтанг... Бир сўм ҳайф кетди.

Бундай воқеалар зинҳор Айний обрўсини пасайтирмайди. Аксинча, қийинчилик кўрган, меҳнат юннини еб улғайган, қаноатли одамга бўлган ҳурматни неча чандон орғтиради.

Айний устоз 76 йил умр кўрди. Қарийб 70 йил меҳнат қилди: муштдай боши билан етим укаларини боқди, бобоси, момоси, Тўхтапошша, Абдуллахўжа ҳолидан хабар олди. Кир ювиш, фаррошлик қилиш, бойваччаларга овқат пиширишдан ор қилмади.

Садриддин маҳалла имомидан, отасидан, Саид Икромдан, қанчадан-қанча билимдонлардан илм олди. Ёш Садриддин Бухорода нимжонгина, касалванд, бечораҳол Пирак билан танишди. Шу боладан-да «льдина — ях», “хлеб — нон”, “часы — соат”, “снег — барф”, “душа — жон”лигини билиб олди. Русчадан илк сабоғини олди. У юрагида ўти бор Пиракдан қарздор бўлиб қолмади. Оддий русча, ўзбекча, тожикча сўзлардан шеърсифат бир нарса тўқиди:

Льдина-ях, часы-соат, хлеб-нон,

Снег-барфу душа-жон, ёмғир-борон.

Шеърни тинглаб Пирак дик этиб ўрнидан турди, бармоқларини қарсиллатиб, эшилиб-буралиб дўстининг шеърига бир рақс тушдики, Садриддин ҳузур-ҳаловат нималигини илк бор ҳис қилди-ёв.

Инсоннинг филдай бақувват, чидамлилигини Айний тақдирида аниқ кўриш мумкин. У бобо-ю момолари, ота-онаси, инилари, Ҳайратдай дўсти, юзлаб қадрдонлари ўлимини кўравериб дийдаси қотиб кетди. Сиёсий бўҳронлар қутурган денгиздаги кема мисоли уни гоҳ у ёққа, гоҳ бу ёққа урди. Сал кам қирқ ёшида Амир буйруғи билан улуғ инсон — Айнийни ўласи қилиб урдилар. Фафур Фуломнинг: “Вой бечора жоним!” — хитоби аслида Айнийга айтилгандай.

Шўро йилларида Садриддин Айний Беҳбудий, Фитрат, Қодирий, Шакурый, Вадуд Маҳмуд, Айн сингари сафдошларидан айрилди: дили ўртанди, қадрдонларини 30-40 - йиллар қатағонларидан сақлаб қололмади. У соцреализмнинг ўта жўн қоидасини ўзлаштириб олди: “Одина”, “Дохунда”, “Эски мактаб”, “Етим”, “Куллар” асарларини яратди. Айнийнинг билими дарё эди: у шарқ



мусулмон адабиёти, тарихи, фалсафаси, педагогикасини сувдай ичиб юборганди. Академик Айний “Устод Рудакий”, “Алишер Навоий”, “Камол Хўжандий”, “Шайху-р-раис Абу Али ибн Сино”, “Шайх Муслиҳиддин Саъдий Шерозий”, “Фирдавсий ва унинг “Шоҳнома” ҳақида” сингари асарларида илм уммонида балиқдай эркин сузади. Айний биринчилардан бўлиб Шарқ адабиёти, форс-тожик, ўзбек адабиёти ҳақидаги ҳақиқатни баралла айтди. Айний тилида янги тузумни куйласа, бадий асарлар ёзса-да, дилида диний адабиёт мукамалликларини теран ҳис қиларди. Айний анча мураккаб шахс эди, лекин унинг одамохунлиги замондош адибларга, олимларга, шогирдларга нисбатан манаман дея кўриниб турарди. Адиб узоқ умри давомида ўзбеку тожик аро олтин кўприк бўлди: у нафақат ўзбек, тожик тилида бадий, илмий ижод қилди, балки ҳар икки халқнинг оға-инилигини, Ўрта Осиёдаги энг тамаддунли, маънавият элли эканлигини исботлаб ўтди. Умр ўткинчи деганларидай, устоз Айний, унинг бевосита шогирдлари ўтиб кетди, аммо улар бошлаган ҳаётбахш анъаналар ҳамон давом этипти.

## II

Айний донишманд, билимдон, ҳаётнинг паст-баландини нозик ҳис қиладиган санъаткор эди. Устод XX асрнинг I ярмида, умри поёнигача мисоли шамшир тифида, дорбознинг сим арқонида юрди. Етмиш ёшга келиб у Шўро давлати, коммунистик фирқа ишончини қозонди: сиёсат ҳаддидан четга чиқмади, социалистик реализм методида трилогиясини, очерку ҳикоя, шеър, публицистикасини ёзди. “Судхўрнинг ўлими”да характер яратиш маҳоратини, тўқ матн тузиш санъатини намоён этди.

“Судхўрнинг ўлими” зўр асар, бироқ “Эсдаликлар” адиб ижодининг чўққиси. “Одина”, “Дохунда”, “Эски мактаб”, “Куллар”, “Етим”да Айний ўзини бор. Аммо

санъаткор Айнийнинг қалби “Эсдаликлар” моҳиятида. Миртемирнинг “Ёдгорлик” (1978) тўпламига киритилган “Бетоблигимда...” (1972) шеъри бор. Унда унвонми, унвонсизми, пулдорми, ўртаҳолми, амаллими, амалсизми, ҳимматлими, гуноҳлими, савоблими кетиш тадорогини кўра бошлаган инсон руҳияти, одам ва олам бутунлиги масаласи рўй-рост кўйилган:

Мажнунтол тагига ўтқазинг мени,  
Қушлар овозига қулоқ солайин.  
Мажнунтол тагига ўтқаздинг мени,  
Хаёл оғушида ором олайин.  
Мажнунтол тагига ўтқазинг мени,  
Шу кунгача ўзни мен чеклаб бўлдим.  
Мажнунтол тагига ўтқазинг мени,  
Мен учун йиғласин, мен йиғлаб бўлдим.

Миртемирнинг бу шеъри Айний вафотидан сал кам йигирма йил кейин ёзилган. Лекин мен ишонаман: чеклай-чеклай пир ёшига етган Садриддин Айний ўзининг дил қўшиғини айтмаганини азтаҳидил англарди. У адабий-мафкуравий сиёсатни, социалистик реализмнинг сохта талабларини бир чеккага суриб қўйди. Туғилган Маҳаллай Боло, Соқторе қишлоғи, қариндошлари, отаси Саидумархўжа Саидмуродхўжа, онаси Ҳамрохон қизи Зеварой, акаси Муҳиддин, укалари Сирожиддин, Киромиддин, эртақчи момо Тўхтапошша, амакилари, тоғалари ҳақида чин гапларни бадий ифода этади. Ажаб, Айний Абдувоҳид қози — Сарир шоирни халқпарвар қилиб тасвирлайди. Бухоро амирининг яқин амалдорларидан Аҳмад Дониш соцреализм адабиётининг ижобий қаҳрамони бўлиши мумкинмиди? Айний Аҳмад Донишни зулмат кучоғидаги нурдай тасвирлайди. Маҳдумнинг уйидан зиё таралаётгандай, шинамгина ҳовлисидан жаннат

кўриниши акс этаётгандай бўлади. Ёзувчи маҳорати шундаки, у Аҳмад Донишни сиртдан димоғдор, унча-бунгача парво қилмайдиган, салому тавозеларга эътибор бермайдиган, ҳамиша ўз хаёл, фикрлари қуршовида бўладиган зот қилиб тасвирлайди. Аслида, Дониш оддий халқ яшайдиган маҳаллада, кўзга ярқ этиб ташланмайдиган хонадонда истиқомат қилади. Уникига шоҳу гадо эрта-ю кеч ташриф буюраверарди. Аҳмад Дониш барча меҳмонларга пешвоз чиқмас, вақтини қизғанарди. Аммо унинг хонадонидан ҳеч ким нон-туз татимай кетмасди.

Умр қадрига етиш, вақтни билиб ишлатиш санъаткор-донишманд Айнийнинг ўзгармас қоидасига айланганди. Унинг барча асарларида қўлидан иш келадиган, ғайратли, тадбиркор, билафон одамлар улуғланади. Садриддиннинг тоғалари, амакилари, тоғаваччалари кўп эди. Ёзувчи ўз қариндошларидан “аллақачонлар ўлиб кетган Абдулқуддусхўжа амаки”нинг хотини, суягию териси қолган Тўхтапошшани, қўли гул уста Устахўжани, отаси Саидмуродхўжани алоҳида ҳурмат билан тасвирлайди. Тўхтапошшанинг на мол-мулки, на кийим-кечаги, на дурустроқ бошпанаси бор. У яккка-ю ёлғиз яшарди. Лекин унинг атрофида ҳамиша болалар, аёллар кўп бўларди: кампир момо афсона-ю эртақлар, достону ҳикоялар хазинаси эди. Устахўжанинг қўлидан келмайдиган иш йўқ. Ҳозирги ном билан айтганда, Уста амаки амалий санъатнинг асосчиси эди. Саидмурод сира ишдан қочмасди, қўлидан келмайдиган иш йўқ эди. У ҳалол ишларди, гапни ҳам катта гапирарди, сипориш, юзхотирчиликка эътибор бермасди. Бор гапни шартга айтар, тез, қатъий қарор қабул қиларди. Қишлоқдошлари ундан чўчиб туришарди, айни вақтда самимий ҳурмат қилишарди. Отасидаги ишчанлик, мақсад сари интилиш, қатъият Айнийда бор эди. У қирқ ёшдан ошганда ижод, илм билан шуғулланди. Трилогия, роман, қиссалар, ҳикоя, ўтли мақолалар ёзди. Пишиқ-пухта илмий асарлари билан академик, Тожикистон Фанлар академияси Президенти бўлди.

Шўро ҳукумати ҳам меҳнат кишисини идеал қилиб кўтарарди. Аммо Шўро давлати, фирқа мафкураси инсоннимас, унинг меҳнатини шарафлайди. Аслида, ҳам доим, ҳамма замонда қадр-қиммат ақлий, жисмоний меҳнат орқали топилган. Қадрли одам ҳеч моддий хорвор бўлмаган. Қадр топган одамни инсонпарвар жамият ҳеч қачон кераксиз матоҳдай улоқтириб ташламаган. Шўро замонида минглаб Меҳнат, Иттифоқ қаҳрамонлари, шода-шода орден-медал соҳиблари касалликка чалиндилар, моддий тангликда ҳаётдан ўтиб кетдилар. Ваҳоланки, ишчан, ғайратли, тадбиркор одам ҳам ўзини, ҳам жамиятни боқадди, гуллатади. Садриддин Айний “Эсдаликлар” асарида меҳнатни, тадбиркорликни қадр-қиммат топиш йўлидаги жиддий восита деб англайди. Баъзилар Садриддин Айнийни бадиий маҳорати унча юксак бўлмаган ёзувчи деб хато қиладилар. “Эсдаликлар”да “Лутфулла-гўппон” деган боб бор. Мен Айнийнинг ушбу асарини неча бор ўқиган бўлсам, Лутфулланинг девдай кучига, иш пайтидаги хатти-ҳаракатига топқирлигига қойил қоламан. Лутфулла еб тўймайдиган, ишлаб чарчамайдиган ёшда. У Абдушукур-хўжа билан тўлиб оқаётган Марзангон ариғини тўсишдан гаров боғлайди. Гаров шарти - битта нон, бир сиқим мойли ҳолва. Гўппон шундай ишлайдики, ҳамма гаровни унутади, абжир йигит кучи, уқувига қойил қолади: “Лутфулла фурсатни қочирмай, сув йўлига ёнбошлаб, кўндаланг ётиб олиб, боши ва елкаси билан бир томондаги, оёқлари билан иккинчи томондаги ўзи тортган тупроққа тиралиб, уни сув ювиб кетишдан сақлаб қолди ва шу вазиятда кетмонни олиб, сувнинг келиш томонидан ариқ остидаги лойни ўйиб ўз гавдасига тираб қўя берди. У кетмонни шундай тезлик билан урардики, қўлининг ҳаракатини санаб бўлмасди” (62-бет).

Ота-онаси ўлган йили Садриддиннинг ўзи шундай деҳқончилик қиладдики, ўн ёшли боланинг ғайрат-шижоатига қишлоқ аҳли тасанно айтади.

Қиссадаги Мажид Каҳқашоний ҳам ҳурматга сазовор кишилардан. У меҳнатқаш, фидойи, ҳалол инсон: “Кўриб турибсиз-ку, пахтакашлик қилаётирман. Бу осон иш эмас, тирноқлар кўчади, билаклар шишади, бироқ ҳалол меҳнат. Номус ва ғайрати бор одам бундай меҳнатдан кўрқмайди” (228-бет). Меҳнатқаш инсон, айтилганидай ўз қадрини билиши керак. Қадр дегани номус-орини сақлаш. Мажид ўз қадри, номуси учун тенгсиз жангга киришади ва ғалаба қозонади. Хуллас, С.Айний қиссасида меҳнатқашлик ва қадрият эгизак тушунча. Инсон меҳнатқаш бўлса-ю, қадрини билмаса ёхуд қадрини улуғлаб меҳнатини менсимаса, на униси ва на бунисидан самар йўқ.

“Эсдалиқлар” асари воқеаларнинг аниқ ва тиниқлиги, характерларнинг ишонарлилиги ва бетакрорлиги билан диққатни жалб қилади. Айний ўз трилогиясида воқеаларни тўқиган, бўрттирган, сохта метод талаблари даражасига кўтарган. “Эсдалиқлар” қалбдан мустаҳкам ўрин олган воқеа ва инсонларнинг асарга моҳирлик билан ўтказилиши. Ҳозирги адабиётшунослик мемуар жанри, унинг намуналари, намояндалари ҳақида кўб ва хўб ёзмоқда. Айний “Эсдалиқлар” ини ёзганда шўро адабиётида мемуар асар бармоқ билан санарли миқдорда эди. Ажабки, Айний Фарб адабиётшунослигининг мемуар жанр ҳақидаги назарий қарашлари билан танишмай хотира жанридаги ноёб асарни яратди. Нега шундай бўлди? Устоз Айний қарийб 70 йил қалбига ажойиб хотираларни танлаб-танлаб, чертиб-чертиб “ёзиб” борди. Қалбга битилган ёзувлар, табиийки, онгдан сизиб ўтади. Инсонни, айниқса, адибни қалби алдамайди. Аксинча, у онг ости, ғайришуурий қараш-туйғуларини тасбеҳдай териб боради. Садриддин Айний хотираларининг аксарият қисми болалик билан боғлиқ. Ёзувчи Маҳаллаи Болодаги қум кўчиси фожиаси, қум остига “тирик” кўмилган навнихол, кургаклаётган ток “йиғиси” ни аниқ кўради. Абдуллахўжа амаки, қомати дол Тўхтапошшани кўрмаган, билмаган одам бундай аниқ тасвирлай олмайди. Жилвон чўли кўриниши моҳир мусаввир асаридай таассурот қолдиради.

Амир арки, у ерда рўй берадиган гайриинсоний фожиалар ҳақида кўп ёзилган, фильмлар олинган. Аммо ёш Садриддин, ўсмир Пирак ўша ҳолатларни кўзда ёш, дилда армон билан кузатадилар. Мулла Туроб, Мулла Бозор, эшакчи Насимнинг бўғизланадиган чуқурча томон ташлаган ҳар бир қадами фиғон, ҳақсизликка исён, Бухорода сақланиб қолган ваҳшийликка лаънат тимсолидай туюлади. “Гулбандидан учигача бир қарич келадиган... ингичка, дудама” пичоқни абжирлик билан ишга солган жаллоднинг “моҳирлиги” бола қалбидан ўчиб кетади, дейсизми?!

Арк майдонидаги кал, маразларнинг қилмишлари инсон деган махлуқ нақадар тубан эканлигини кўрсатади.

Садриддин Айний XIX-XX аср оралиғидаги Бухоро ҳаётини мукаммал биларди, дейиш камлик қилади. Бу пайтдаги Бухорода ижтимоий гуруҳлар қават-қават жой олган эди. “Эсдалиқлар”нинг тўлдирилган, мукаммал “Бухоро” китобида чапанилар тоифаси, уларнинг яшаш тарзи тасвирланади. Аср бошларидаги Бухорода аравакашлар, мешкобчилар касабаси мавжуд эди. Демократик тузилманинг энг оддий кўриниши бўлган касабачилар ҳаракати маълум ижтимоий гуруҳ манфаатини содда усулда ҳимоя қиларди. Садриддин Айний, табиийки, Бухоро адабий гуруҳи, санъати, санъаткорлари ҳақида нозик кузатишларни ифодалайди. Бўлғуси адиб ўн ёшда бухоролик Абдувоҳид билан байтбарак ўйнайди. Енгилаётганини сезган Садриддин тасодифан:

Жожу жожу жожу жожу жож,  
Ин ҳама жожаст сарто пой жож

деган қофияли, лекин мазмунсиз байтни айтиб юборади ва илк бор ғолиб бўлади. “Агар бу икки йўллик тизмани “назм” дейиш мумкин бўлса, менинг энг аввал айтган назмим шу бўлади”, деб ёзади муаллиф “Эсдалиқлар”да (154-бет). Мемуар билан илмий иш бир-бирига яқин.

Ёдда қолган ҳодиса-воқеаларни хотиранавис бот-бот такрорлайди: пишитади, ортиқча ўринларни чиқариб ташлайди, “лоп” этиб хаёлга келиб қолган ёмби фикрларни қўшади. Мен академик Ботурхон Валихўжаевнинг “Самарқандда олий таълим-мадрасайи олия - университет тарихидан лавҳалар” (Т.: Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 2001), Абдулазиз Муҳаммадкаримовнинг “Гўзаллик маскани” (Т., 2002) китобларини ўқиб, беихтиёр Айнийнинг “Эсдалиқлар” асарини эсладим. Айний қарийб ўн йил Бухоро мадрасаларида ўқиди, ишлади, ижарада туриш қийинчиликларини бошидан ўтказди. У мадрасалар тузилиши, ҳужралар, дарсхоналар, мударрислар, дарсларни ўзлаштириш қийинчиликлари ҳақида ишонарли, аниқ (деярли илмий) маълумот беради. Айний мадрасаларда ўқитиладиган “Кофия”, “Шарҳи Мулло” ва унга Абдуғафур Лорийнинг “Ҳошияси”, “Ақойид”, “Мулло Жалол”, “Шамсия” сингари фанларни санаб ўтади. Мадрасаларда дарслар 22 сентябрда бошланиб, 22 мартда тугалланарди. Талабалар айни баҳорги, ёзги юмушлар бошланадиган ойларда таътилда бўларди: кимдир деҳқончилик, кимдир тижорат, кимдир имом-хатиблик қиларди. Дарслар тўрт кун-шанба, якшанба, душанба, сешанбада бўларди. Иқтисодий таъминотига кўра талаба ҳамиша ёхуд вақти-вақти билан дарсга қатнашарди. Машхур мударрислар бир жойда — ё уйда, ё ҳужрасида дарс ўтардилар. Айний мадраса ҳаётини, талаба руҳиятини, ўй-қарашларини теран билади, тиниқ тасвирлайди.

Бухоро шаҳри ҳақида юзлаб ўзбек, тожик, яҳудий, рус, туркман, қирғиз ёзувчилари асар ёзганлар. Замондошларимиздан Неъмат Аминов, Омон Мухтор Бухоро, бухороликлар ҳақида новелла, қисса, роман ёзганлар. Лекин Айнийнинг санъаткорлик нигоҳи қадимий шаҳарнинг бетакрор, ўзингана хос томонларини топиб-топиб тасвирлайди. Менда шундай таассурот борки, Айнийгина Бухорога хос исни,

рангни, оҳангни бехато ифодалайди. Рус рассоми Василий Васильевич Верещагин (1842-1904) кўҳна Бухоро ҳақида асарлар яратган. У, инсоф билан айтганда, истеъдодли санъаткор бўлган. Аммо унинг асарларини томоша қилсангиз, виждонингиз қийналиб кетади, “наҳотки, наҳотки...” деган сўз қўрқув-ҳайратингизни ифодалайди. Айний XIX-XX аср оралиғидаги Бухорони ҳолис, реалистик тасвирлайди. Лекин, эътибор беринг-а, Айний бухороликларнинг қашшоқлигини, амирликнинг тубанликларини ҳар қанча тасвирламасин, матннинг қатқатида халққа, юртга нисбатан меҳр-жозоба товланиб туради. Ҳабиба қизнинг шоирона қалби, юксак, самимий севгиси кимни бефарқ қолдиради, дейсиз? Ўйлаб кўрилса, ёш Садриддиндаги инсонийлик, ғунчадек муҳаббатни илк бор Ҳабиба уйғотганлиги англашилади.

“Эсдаликлар” Ҳабиба севгиси, Тўхтапошша эртаклари, она қишлоқ ҳақидаги хотиралар билан бошланган бўлса, Мулла Бурҳон ва Пошшахон ўртасидаги севги, сентиментал муносабатлар билан тугалланади. Пошшахон — Кумушу Раъно (А.Қодирий), Лаълихону Гулнор (Ойбек), Тўтихон (М.Исмоилий), Ойпопук (Ў.Умарбеков), Гавҳар (П.Қодиров), Муқаддас (О.Ёқубов) сингарилар билан ёнма-ён турадиган тиниқ тимсол. Лекин ёзувчи Пошшахон, унинг тутинган синглиси Ситоранинг фожиали ўлиmidан кўра Мулла Бурҳон қалбида мангу ёнадиган интиқом оловига, қалби кўмирдан-да қора Мутаваллининг яшаш тарзига нафрат туйғуси билан диққатни тортади. Мулла Бурҳон ва Мутавалли тимсоли рамз даражасига кўтарилган. Бухоронинг истиқболи Мулла Туроб, Мулла Бозор, Мажид Қаҳқашоний сингари кишилар билан боғлиқ эди. Улар Аҳмад Дониш, қози Абдувоҳид бошлаган ишларни давом эттирдилар. Айний, Мунзим, Шарифжон Маҳдумлар эртанги Бухоро кишилари эдилар.

Айний ҳам ўзбек, ҳам тожик тилида ёзган. Эҳтимол, устоднинг тожикча бадиий матнлари силлиқроқ чиққандир. Лекин санъаткор қайси тилда ёзмасин, матн



чўғи ўзга тилга қилинган таржимада сўнмайди. Бошқача ифодалаганда, матннинг салмоғи таржимада сира тушиб қолмайди. Айний — билимдон, зиёли ёзувчи эди. Теран фикр, илмий изчиллик, аниқ, оҳорли ўхшатишлар у яратган матнда акс этган. Абдулла Қодирийдай санъаткор Айний матнига қўл уришдан ўзини тийган (бу ҳақда Х.Қодирийнинг “Отам ҳақида” китобида ёзилган).

Матнда таҳрирбоп ўринлар бўлиши табиий. Лекин санъаткор матнни шундай нозик, қалдирғоч уясидай мустаҳкам қурадики, уни ҳар қандай муҳаррир “тўғрилаб”, шартга ўзгартириб ташлашга ботина олмайди. “Ким табиб — бошидан ўтган табиб”, деб бекорга айтилмаган. Услубига эга ижодкор ўзга ёзувчи асарига ниҳоятда эҳтиёткорлик билан ёндашади. Ҳабибулла Қодирийнинг “Отам ҳақида” китобида ибратли бир воқеа бор. Қайсидир йили устоз Айний: “Мулло Абдуллоҳ, мана шу битигимизни бир кўриб берсангиз”, — деб асарларини қолдириб кетдилар. Дадам Устоз асарини кўришга жиддий эътибор бердилар: алоҳида дафтарга “битик” ҳақидаги қарашларини эринмасдан, исботлаб ёзиб чиқдилар. Дадамнинг бундай эҳтиёткорлиги мени — тажрибасиз ўсмирни ҳайрон қолдирди.

— Ада, бунча эътибор билан синчиклаб кўряпсиз?

— Ўғлим, Айний домла ниҳоятда билимдон. У ҳар бир сўзни мисоли тарозуда ўлчаб қўллайди”.

“Отам ҳақида”ги фикр моҳиятини эркин баён қилганлигим учун китобхондан узр сўраган ҳолда, Айнийнинг услубчи, матн устаси эканлиги “Судхўрнинг ўлими”, “Эсдалиқлар” асарида аниқ кўзга ташланганлигига диққатни жалб қилмоқчиман. Бадиий матн санъаткор онги, қалбининг тиббий битиги, мисоли. Асарда санъаткор кўринмайди, аммо матн ёзувчи кайфияти, фикрлаши, ҳолати, изланишлари, муносабати, қалбининг аллақасерида рўй берган ўзгариш, ғайришуурийлик, онгсизлик биллиниб туради. Ҳақиқий танқидчилик матнни беҳато ўқиш, атрофлича тушуниш, оҳорли талқин

қилишдир. Матн — услубнинг таркибий қисми. Ҳар бир асар ўз услубинигина эмас, матнини, ифода йўсинини талаб қилади. “Эсдалиқлар” тез, қизиқиш билан ўқилади. Аммо асар матни тез оқар наҳрга ўхшайди. Портрет тасвирида Айний қисқалиқ, тиниқликка эътибор беради. Бошқача айтганда, “Эсдалиқлар”да таниш шахслар, кечирилган воқеалар тасвирланади. Тўхтапошшани Айний, масалан, шундай лўнда, аниқ кўрсатадики, рассом уни дарҳол полотнога кўчириши мумкин. Шундай фикрни Аҳмад Дониш тасвири ҳақида ҳам айтиш мумкин.

Садриддин Айний матнида теранлик, қамров доирасининг улканлиги диққатни жалб қилади. Маҳаллаи Болода қум остида қолган уйларни, қумга лиқ тўлган рудни, қум остида “жон таслим этаётган” ток куртагини, молхоналарни бир йўла, мукамал тасвирлайди. Катта майдон. Лиқ тўла одам. Юзлаб жуфт кўзлар қатлгоҳ томон бораётган Мулла Туроб, Мула Бозорни кўзлар. Икки жуфт кўз — Садриддин ва Пирак қалби каптардай питирлайди. Айниқса, ёш Садриддин нигоҳидан ҳеч нарса четда қолмайди. Китобхон ўзини даҳшатли қатл томошабинига айлангандай сезади.

“Эсдалиқлар”да матн воқеа, сюжет ривожи, иштирокчиларнинг ёши, билими, маданиятига кўра ўзгариб — гоҳ сокинлашиб, гоҳ мураккаблашиб, гоҳ тезлашиб боради. Айний мадрасада ўқитиладиган фанлар ҳақида ёзаркан, матн салмоқлашади, мураккаблашади. Пирак ва Садриддиннинг ўрис тилини ўрганишдаги ҳолати шўхчан, енгил матнда ифодаланади. Ҳабиба ва Пошшахон севгиси тасвирида назокат, гул иси уфураётгандай бўлади. Хуллас, матн - санъаткор қалби ҳаракатининг намоён бўлиши, “жон” ўртанишлари, интилишлари, хоҳишларининг кўзга ташланиши. Тўғри, матн моҳиятининг бус-бутун намоён бўлишида таржимон, муҳаррир, ҳатто мусаҳҳиҳнинг ҳиссаси улкан бўлади. Лекин барибир санъаткор матни асос: қозонда бори чўмичга чиқади, деб бекорга айтилмаган.

Мемуар асар моҳиятини биографик ёндашув белгилайди. Санъаткор хотира асарда кўрган-билганларини, ҳис қилган, тўлқинланган воқеаларни ёзади. Муҳими, мемуарда ёзувчи қалб бисотини, онг қатламларини эринмасдан “элак-элак” қилади. Садриддин Айний ҳамиша эл-юрт орасида бўлган, минглаб характерларни кўрган, билган, баҳолаган. “Эсдаликлар” асари юзлаб характерлар ҳақидаги ўзига хос энциклопедия. Ёзувчи “Эсдаликлар”нинг 14, 52, 55, 66, 179, 244 ва бошқа саҳифаларида тасвирланаётган қаҳрамон яна қайси асарида тасвирланганлигини китобхонга эслатиб боради.

Масалан, “одамлар кулишиб тарқалдилар. “Аҳмади девбанд” деган очеркимда Лутфулла — Гўппонни эслаганман” (69-бет). “У менга ўз бошидан кечирганларини ҳикоя қилиб берди. Бу чол ўша Раҳимдод эдики, етти яшарлигида Ҳиротдан топилиб, Неққадам (Неқадам) номи остида қул қилиб сотилган эди (бу чолнинг воқеасини мен 1928 йилда “Қулбобо” номи билан очерк тарзида ёзиб, “Маориф ва ўқитувчи” журналида бостирган эдим. 1934 йилда босилган “Қуллар” романининг биринчи бўлими сюжетини ҳам асосан шу одамнинг таржимаи ҳоли ташкил қилган)” (224-бет).

Хуллас, ҳозир жаҳон адабиётида кенг қўлланилаётган мемуар (хотира) жанрининг мукамал намунасини устоз Садриддин Айний XX асрнинг ўрталаридаёқ яратиб берган. Айний ҳам Шарқ мусулмон адабиётини мукамал билар, ҳам XX аср адабиётдаги йўналишлардан хабардор эди. “Эсдаликлар”нинг бир ўқилдизи тазкирага, иккинчиси, Монтень асос солган мемуар жанрига кириб боради.

Айний — санъаткор ижодида “Эсдаликлар” алоҳида ўрин эгаллайди.

## АБДУЛЛА ҚАҲҲОР УНИВЕРСИТЕТИ

Касблар таснифи (классификатор)да «шоир», «ёзувчи» йўқ. Ваҳоланки, жаҳон адабиётини неча-неча замонлардан буён минглаб ёзувчи, шоир, драматурглар яратган. Лекин ҳеч қачон, ҳеч кимга аҳли қаламлиги учун маош тўланмаган. Ёзувчидир, санъаткордир истеъдоди самараси рағбатлантирилади, мукофотланади (гонорар, унвон, нишон...). Аксарият санъаткорлар биронта касб бошини тутганлар: таржимон, муҳаррир, ношир, адабий ходим... Абдулла Қаҳҳор аввали охир ёзувчи бўлган. Лекин у ўзини ҳамиша олий ўқув юрти ходими — талаба, аспирант деб ҳисоблаган. У қарийб ўн йил атрофида аввал САГУ (ҳозирги ЎзМУ) ишчи факультети, сўнг (1930-1933) педагогика факультетининг талабаси, 1934 йилдан Фанлар қўмитаси ҳузуридаги Тил ва адабиёт илмий-текшириш институти аспиранти бўлган. Бўлажак ёзувчи талабалик, аспирантликни ўқиш-ўрганиш, изланиш, ижодий йўл, мақсадни белгилаб олиш деб англаган. Киши нимага сидқидилдан интилса, мақсаду истаги табиатига сингиб кетади. Абдулла Қаҳҳор ҳеч қачон ўқиш-ўрганишдан ўзини тортмади. Унинг асарларидан янгилик нафаси уфуриб, изланиш самараси сезилиб тураверди. Қолаверса, адиб асарларида зиёлилар — талаба, аспирант, профессор-ўқитувчи тимсоллари анчагина яратилган. «Сароб»даги Саидий, Мунисхон, Шафрин, Шарифлар ҳозирги Миллий университетнинг XX аср 20-йиллари пировардидаги талабалар намояндаларидир. Улар XX аср бошларидаги университет руҳини, талабаю профессорлар кайфиятини аниқ кўрсатганлар.

Абдулла Қаҳҳорнинг «Мастон» ҳикоясидаги бош қаҳрамон, унинг дугонаси Турғуной ўқиш умидида шаҳарга йўл олади. Нисо холанинг икки қизи ўқишга кирадио Нурматжон эшонзода маҳрами бўлиб қолишдан қутулиб қолади. «Адабиёт муаллими» ҳикоясида навнихол Ҳамиданинг рабфак талабаси бўлганлиги айтилади.

Ёзувчининг «Зилзила» қиссасида филолог-ўқитувчи Собир Салим ва унинг хотини Гуландом бошига тушган офир савдолар тасвирланади. Ушбу қиссада қатагон замонидаги профессор-ўқитувчилар, уларнинг оила аъзолари тортган маънавий-руҳий, жисмоний уқубатлар ҳаққоний тасвирланган. Абдулла Қаҳҳор асарларида Эҳсон («Сароб»), Козимбек («Синчалак»), Каримжон ва Умида («Аяжонларим»), Мурод Али («Муҳаббат») сингари зиёли-шифокорлар образлари яратилган. Ёзувчи «Тўйда аза», «Адабиёт муаллими», «Санъаткор», «Оғрик тишлар» сингари асарларида олий ўқув юртида ўқиган, лекин чин зиёли бўла олмаган чаламулла, худбинлар тимсолини кўрсатади.

Абдулла Қаҳҳор ҳамиша талаба-ёшлар, профессор-ўқитувчилар даврасига интилар, у ердаги баҳс, маъруза, суҳбатларда қулфи дили очилар, юрагидаги гапларини тўкиб соларди. Адиб умрининг сўнгги ўн йилида ҳозирги Ўзбекистон Миллий университети филология факультетидаги адабий-ижодий анжуманларда бот-бот иштирок этди. Бунинг боиси шундаки, умумиттифок адабиёти, адабиётшунослигида пайдо бўлаётган янгича қарашлар дастлаб университет ўқитувчилари, талабалари баҳосини олар, синовидан ўтарди. Хусусан, адабиёт инсонсеварлик муаммосини, гўзалликни акс эттириш миқёси даражасини ўртага қўяркан, илғор ёшлар бу долзарб муаммоларни ҳар томонлама талқин қилардилар, Абдулла Қаҳҳор «Синчалак» қиссасида, Пиримқул Қодиров «Уч илдиз» романида, Одил Ёқубов «Муқаддас» асарида, Баҳром Раҳмонов «Юрак сирлари» драмасида инсонни янги ракурс — нуқтаи назардан тасвирладилар. Тошкент Давлат университетининг Озод Шарафиддинов, Матёқуб Қўшжонов, Тоҳир Пидаев, Адхам Акбаров сингари ўқитувчилари талабалар онгига янгича, илғор қарашларни сингдирдилар. Ўлмас Умарбеков, Фани Расулов, Иристой Кўчқортоев, Элбек Мусаев, Тилаб Маҳмудов, Гулчеҳра Жўрасва, Эркин

Воҳидов, Анвар Эшонов, Анвар Исроилов, Талъат Солиҳов, Норбой Худойбергенов, Абдулла Орипов, Иброҳим Фафуров, Ўткир Ҳошимов, Омон Мухтор, Гулчеҳра Нур, Ҳасан Тўрабеков, Дадахон Нурий, Ойдин Ҳожиева, Тўлан Қўзибоев сингари талабалар янгича адабий-эстетик қарашлар руҳида тарбия топдилар. Абдулла Қаҳҳор университет ўқитувчилари, илғор талабалар қарашларида, руҳида пайдо бўлаётган янгиликларни нозик ҳис қилди. У университет ўқитувчилари, илғор фикрли талабаларига умид билан қаради, уларни ўз маслакдоши, мустаҳкам қанотлари деб билди. Шундай бўлдики, Абдулла Қаҳҳор янгича адабий-эстетик қарашдаги зиёлиларнинг норасмий йўлбошчисига айланди. Бошқача айтганда, Абдулла Қаҳҳор ҳозирги Миллий университетнинг илғор қарашдаги филологу журналистларини ёқтира-ёқтира, сермушоҳада, изланувчи профессор-ўқитувчилар билан дўстлаша-дўстлаша, иқтидорли ёзувчиларни атрофига уюштира-уюштира ўзи бетакрор университет яратди. Одатда, олиму адибларнинг илмий, адабий мактаб яратганлигини ёзадилар. Лекин, XX асрнинг 60-йиллари ёнверисидаги ҳолат, кайфият, изланиш, янгилик эҳтиёжи ўзига хос университет барпо этишни тақозо этарди. Бундай илмий-адабий-эстетик-бадий университет етакчиси бўлиш Абдулла Қаҳҳорга насиб этди. Янги университет, аввало, жаҳон адабиётида рўй бераётган жараёнлар, йўналиш, тамойиллар «мағзини чакди». Иккинчидан, 60-йилларгача бўлган шўро адабиётидаги жиддий камчиликларни — инсонсеварлик «чала», бир ёқлама талқин қилинганлиги, гўзалликни фақат ижтимоий фаолият натижаси деб ўқтирилганлиги; инсон тимсоли жамодот, набототдан ажратилган ҳолда кўрсатилганлигини танқид қилди. Учинчидан, бадий асар ёзувчи ҳоли-ҳаётга боғлиқ ҳолда тасвирланиши ўқтирилди. Абдулла Қаҳҳор университетининг М.Қўшжонов, О.Шарафиддинов, Н.Боролина,

П.Қодиров, О.Ёқубов, Ҳ.Ёқубов, Ҳ.Абдусаматов, У.Норматов, М.Султонова сингари алломалари, И.Кўчқортоев, С.Умиров, С.Содиқ, Р.Кўчқор сингари тадқиқотчилари пайдо бўлди. Қаҳҳоршунослик ўзига хос баҳс-мунозара марказига айланди: «Сароб», «Кўшчинор», «Тобутдан товуш» атрофидаги баҳслар овозаси ҳамон машҳур. Абдулла Қаҳҳорнинг ўтли, тишли-тирноқли публицистикаси ижтимоий ҳаётда зилзила пайдо қилганлиги ҳақида кўп ёзилган. Ниҳоят, Абдулла Қаҳҳор ижоди, асарларига ноҳақ тош отишлар, била-кўра туриб уларни ноилмий «ёритишлар» равшан. Абдулла Қаҳҳор университетиде ҳамон ҳаёт қайнамоқда: қаҳҳоршунослик ҳар хил — гоҳ холис, гоҳ нохолис баҳоланмоқда. Қисқаси, Абдулла Қаҳҳор ижоди, мисоли мевали дарахт: унга тош отилган, отиляпти...

Абдулла Қаҳҳор - сўз заргари: ҳикоячиликда мактаб яратган устоздир. XX асрнинг йирик реалистларидан бири, бетакрор, жасур сиймо. Айни вақтда у алоҳида шаҳар мақомини олишга лойиқ адабий аҳоли — тип, характер, тимсол, қиёфалар яратган. Бу ғаройиб шаҳар, унинг аҳолисини демографлар ҳар хил талқин қилишлари мумкин. Биринчидан, Абдулла Қаҳҳор яратган аҳоли орасида ўзбеклардан ташқари руслар, тожиклар, қозоқлар, ҳиндлар, америкаликлар, турклар бор. Ёзувчи миллат, ирқ, дин вакилинимас, адабий характер яратишни мақсад қилиб қўяди. Китобхон адабий аҳолини кўришигина эмас, қалби, табиати, руҳини англаши жоиз. Ёзувчи ижодида Саидий, Сиддиқжон, Саида, уста Абдуқаҳҳор, Анвару Муҳайё, Аҳмаджон, Кўчқор сингари роману қиссага бош қаҳрамон бўлган характерлар қатори Тўпа, Остона, Урайим («Сароб»), Обиджон, Тўлаган, Анзират, Тўпанисо («Кўшчинор чироқлари»), Ҳамидулла, Зулфиқоров, Меҳри, Алибобо, Қодиров («Синчалак»), Бабар, Кулала, Азим дудуқ, Али лайлак, Додархўжа («Ўтмишдан эртақлар») сингари увоқ тимсоллар бор. Персонаж — асардаги «меҳмон»

тимсол: у ров кўринадияу ғойиб бўлади. Лекин у китобхон қалбида биронта белгиси, қилиғи, гапи билан мангу қолиши шарт. Санъаткорнинг зўри увоқ тимсол яратади. Персонаж, мисоли олмос: унинг қирралари, нур таратувчи йўналишлари кўп бўлади.

Синчков кузатувчи одамларни гуруҳларга тез, беҳато ажратади. Ўйлаб кўрилса, одам одамга ўхшайди. Аниқроғи, ҳар бир кузатувчи назарида ўн-ўн беш турли одам бўлади. Кимнидир тасодифан кўриб қоласиз-да, бсихтиёр: «Фалончига ўхшаркан», — деб кўясиз. Ҳар бир одамда фалончи қиёфаси, табиати ҳамиша сергак туради. Янги кўрилган, билинган кимса фалончилардан бирига албатта ўхшайди. Бун ички нигоҳ, руҳий тафтиш, беқиёс ўлчагич дейиш мумкин.

Абдулла Қаҳҳор яратган характер, тимсол, увоқ қиёфаларни руҳимиздаги саралагич воситасида гуруҳлаштирамиз. Масалан, Асрорбобо, Олим новвой, Арслонбек, Мурод Али — миллий типлар, халқ донишмандлигини табиатига сингдирган характерлар. Асрорбобо — ҳаёт қозонида обдон қайнаган, азобу ситамларни кўравериб пишиб кетган одам. Ўғлидан «қора хат» келганини эшитган, юрак-бағри эзилган. Лекин ҳеч кимга дардини айтмайди, кўзидан томчи ёш оқизмайди. «Мен йиғламайман! То ўғлимнинг гўрини қучоқлаб, тупроғини кўзимга суртмагунимча кўзимдан ёш чиқмайди...» — дейди Асрорқул.

Арслонбек Қаландаров Асрорқулдан пича ёшроқ. Лекин хўжаликка раҳбарлик қилиш, одамлар билан мулоқотда бўлавериш уни пишитиб юборган. Унинг амал қиладиган тайин (принцип)ларидан бири мана бундай: «Одамнинг чиқити бўлмайди; биров гул, биров тикан. Ҳар бири ўз ўрнида керак». Олимбобо эсини танибдики, нон ёпади, новвой сифатида танилган. Ёлғизқўл бўлгани боис нонни саватга солиб, эшиги олдига чиқариб қўяди. Ҳар ким чақасини ташлаб нондан олиб кетаверади. Ноннинг пулини санар экан, Олим бува жиғибийрон



бўлади; кимдир ноннинг чақасини ташламай кетган. Нонвой бобо пулнинг кам чиққанидан эмас, кимдир гуноҳга ботгани, имонсизлик қилгани — текин нон егани учун куйиб-ёнади. Бу ўзбек-мусулмонга хос эътиқод. Ҳикмат бобо ҳам, Бўстон ая ҳам ўз дунёси, синалган ақидаларига эга.

Абдулла Қаҳҳор ижодида аёллар тимсоли алоҳида эътибор, меҳр билан яратилинади. Мана, Савринисо («Ўтмишдан эртақлар»), Унсиной («Даҳшат»), Хайри («Ўтмишдан эртақлар»), Ўқувчи қиз («Майиз емаган хотин»). Булар мисоли фаришта, кўк малаклари. Уларнинг орзулари пок, интилишлари самимий. Савринисо хаёл оғушида ўтираркан, поезд чинқириви эшитилади:

— Олиб кет, мени узоқ-узоқларга олиб кет, поезд!» — дейди. Савринисо мана шу роз, қалб изҳори учун жоҳил ота тепкисини ейди: ўзига келолмай, вафот этади.

Унсиной асли ганжиравонлик. Тақдир тақозоси билан кекса, жоҳил Олимбек додхоҳга саккизинчи хотин бўлган. Унинг ёлғиз орзуси Олимбек додхоҳ «зиндони»дан озод бўлиш. Тасодифан Олимбек додхоҳ Унсин олдига ўта қалтис вазифа қўяди: жувон ўша юмушни бажарса, эри унинг талогини беради. Унсиной мард йигитлар ҳам жазм қилмайдиган юмушни ҳеч иккиланмасдан бажаришга киришади. Юмушни удалайди. Айни вақтда юраги ёрилади... Унинг жасадини Ганжиравонга олиб кетишади.

Хайри - она сути оғзидан кетмаган қизалоқ. У балоғатга ҳам етмаган. Аммо қари Тўракул вофуруш қизни ўз мулкига айлантирган — хотин қилиб олган. Ҳар тонг бозорга жўнаркан Вофуруш эшикни кулфлайди — Хайрини ёлғиз уй бандисига айлантиради. Холиқ деган йигитча Хайрини ёқтирарди. Банди қизга ачинади. У Вофуруш ҳовлисидан оқиб ўтадиган ариққа гоҳ қирмизи олма, гоҳ гул, гоҳ пишган меваси билан синдириб олинган гилос новдасини ташлайди: уларни Хайри тутиб олади, ёлғизлигини унутади.

Абдулла Қаҳҳор ижодини Муниҳон («Сароб»), Канизак («Кўшчинор чироқлари»), Ҳафиза («Шоҳи сўзана»), Мастон, Турғуной («Мастон»), Мастура («Минг бир жон»), Саида («Синчалак»), Муҳайёсиз («Муҳаббат») тасаввур этиб бўлмайди. Булар, шоир ёзганидай, «бир марта очилмай сўлган гуллар» мисоли. Ёзувчи Муниҳоннинг гўзаллик осмонидан тубанлик чоҳига кулашини, Ҳанифанинг Канизакка айланиши фожиасини, Мастуранинг ўлиб тирилишини, Муҳайёни ит қандай ҳаром қилганини шундай тасвирлайдики, китобхон характерлар моҳиятини аниқ-тиниқ кўриб, билиб олади. Тўғри, Ҳафиза, Саида, Мастонлар истиқболга интилаётган, умиди сўнмаган аёллар. Лекин, ўйлаб кўрилса, улар ҳаётга келиб нима кўрдилар? Ҳафиза, Саида туну кун иссиқни иссиқ, совуқни совуқ демай меҳнат қиладилар. Саида тирик экан, пичоқланган онасининг жасадини, қотил ота қиёфасини унутармикан?! Лекин эзгу ният Саидани олға бошлайди. У «Бўстон» колхозида Арслонбекни кўргач, унинг совуқ муомаласига дуч келгач, дард дунёси қоронғу бўлиб кетади. Кейинчалик Саида Қаландаровдаги самимийлик, соддалик, меҳнатсеварлик, фидойиликни кўриб, раисга нисбатан муносабатини ўзгартиради. Хуллас, Абдулла Қаҳҳор аёллар образини ҳам маҳорат, ҳам меҳр билан яратади.


Абдулла Қаҳҳор ижодида Эшон («Синчалак»), Ризамат («Оғриқ тишлар»), Юсуф («Тобутдан товуш»), Жонфигон (Жонфигон), Нурматжон («Қизлар») сингари типларнинг ўрни, моҳияти ўзгача. Булар масъулиятдан қочадиган, кимларнингдир пинжи, панасида жон сақлайдиган дарди бедаволар. Уларни дарахтга чирмашиб кетадиган чирмовуққа менгзаш мумкин. Эшон ўзининг яшаш тарзини бундай ифодалайди: «Отам... қозиқнинг учи ҳам бўлма, боши ҳам бўлма, ўртаси бўл; учи бўлсанг ерга кирасан, боши бўлсанг тўқмоқ ёйсан деганлар». Эшон — Арслонбек

чирмовуғи. Ризамат жияни Хуморхонга эргашиб Заргаровникига келиб қолган. У куёви Заргаровнинг югурдаги, махрами, отган ўқи... Юсуф ҳам Шобарот, Сухсуров сингарилар атрофида ивирсиб юради.

Абдулла Қаҳҳор ижодида қанотсиз читтаклар тимсоли талайгина. Набигул («Қанотсиз читтак»), Жавлон («Муҳаббат») Гўзал йигит («Қайғулар»), Зухра («Нурли чўққилар»), Хуморхон («Оғриқ тишлар») сингарилар енгилнинг устидан, оғирнинг остидан ўтиб яшашга одатланган такасалтанглар. Улар ҳаёт мазмунини ўйин-кулгу, маишат деб биладилар.

Ёзувчи ижодида Мулла Норқўзи, («Майиз емаган хотин»), Ҳожи Мирсирож («Йиллар»), Низомиддинов («Мунофиқ»), Тавҳидий ва Мирза Баҳром («Миллатчилар») сингари тили бошқаю дили бошқалар образи талайгина. Улар ғимирлайдилар, нифоқ уруғини сочадилар, инсонларни ёмон кўрадилар. Бундай «майда одамлар» қанча кўп бўлса, халқнинг ўсиши, униши мушкул бўлади.

Хуллас, Абдулла Қаҳҳор ўнларча бетакрор, ўз моҳиятига эга тимсолларни яратган санъаткордир. Ёзувчи яратган адабий университетнинг ҳали узоқ яшашига, кишиларни маънан-руҳан тарбиялашига шубҳа йўқ.



## САРАЛАР САНОФИДАГИ РОМАН

«Сароб»нинг тўлиқ босилганига етмиш йил тўлди. Бу муддат ичида асарнинг қора кунлари ҳам, бахтли онлари ҳам анчагина бўлди. Романнинг толеи шундаки, гарчи асар ур калтак, сур калтак қилинган, маломат тошларига нишон бўлган, турткиланган, кутқиланганига қарамай, китобхон қўлидан тушмади: олти бор ўзбек тилида босилди, рус, украин, туркман, тожик сингари китобхонлар диққатини тортди. «Сароб»нинг тупроғи енгил бўлди: у ҳақда ёзилган тадқиқот, мақола, тақриз, баҳсу мунозараларнинг матн баёни икки-уч китобга аранг жо бўлади.

Сир-синоатли, қулфи бору калити топилмаган асар ҳамиша қизиқиш, баҳс, мунозарага чорлайверади. «Сароб» – жумбоқ роман: унга тушадиган калит XX асрнинг 20-йиллари охири, 30-йиллар бошидаги шўро тузуми хаосига ташлаб юборилган. «Сароб»да тасвирланган ижтимоий-сиёсий ҳаёт, асар қаҳрамонлари ҳақидаги ҳақиқатлар ойдинлашмас экан, роман сирли-синоатлигича қолаверади. Абдулла Қаҳҳор романига қайси нуқтаи назар – ракурсдан қаралмади, қандай фикр-мулоҳазалар айтилмади? Романда социалистик реализм талабига монанд бош қаҳрамон йўқ, дейилдими? Дейилди. «Сароб» – сиёсий роман дейилдими? Дейилди. Асардаги замонавий, чирсиллаб турган муаммо миллатчилар, миллатчилик дейилиб, унинг ортидаги бош концепция панада қолиб кетмадими? Қолиб кетди. Саидийнинг ким, қандайлиги ҳануз баҳслар марказидами? Ҳа, марказида. Қайси танқидчи Тўпа, Остона, Саидийнинг опаси, Урайим чоракорни асос қилиб олдию, инсоннинг чин қадр-қимматини ёритиб берди?..

Роман дегани тугалланган жараён, тарих мулкига айланган воқелик ҳақида ёзиладиган жанр. «Сароб» ловуллаб отилиб турган вулқондай мураккаб ҳаёт тасвирланган асар. Хўш, тиниб улгурмаган воқелик тасвирининг берилиши асар ютуғими, камчилигимми?

«Сароб» яратилган пайтда, ҳатто орадан 40-50 йил ўтгач ҳам кўпчилик жорий ҳаёт тасвирининг ҳақиқий моҳиятини очиб беролмади. Ниҳоят, Ўзбекистон Мустақил бўлгач, янгича ижтимоий-маданий, руҳий-маънавий муносабатлар юзага келгач, «Сароб»даги жорий воқелик, қаҳрамонларнинг қилмиш-қидирмиши асл моҳиятини намоён этмоқда. Бошқача айтганда, «Сароб» қайсидир маънода мозаика санъатини ёдга солади. Шиша парчалари, рангли тошлар, ёғоч парчалари сингари ашёларни зичлаб теришга асосланган бу санъат узоқдан туриб томоша қилишга, ашёларни уйғунликда кўриш, англашга мўлжалланган. «Сароб»да тасвирланган мураккаб ҳаёт, кишилараро муносабатлар энди-энди ўзини яхлит намоён этяпти. «Сароб»га тушадиган сирли калитни излаш йўсини уч бермоқда. Муҳими, неча-неча ўн йилликлар давомида айтилганидек, «Сароб» ижтимоий-сиёсий роман деб қаралди: у ижтимоий-сиёсий мезонлар нуқтаи назаридан талқин қилинди. Тўғри, кўпчилик тадқиқотларда «Сароб» биографик асар сифатида ўрганилди. Лекин, афсуски, биографик таҳлил, кўпинча, ижтимоий-сиёсий муносабатлар томон буриб юборилди. Хуллас, «Сароб», унинг қаҳрамони Саидий ижтимоий-сиёсий қарашлар майдонига йўналтирилди.

«Сароб» етмишга кирибдию, биронта тадқиқотчи роман матнига, структурасига, ёзувчининг жумла тузишдаги ютуқ ва камчилигига эътибор бермабди. Абдулла Қаҳҳор романини ўқиган китобхон борки, Саидий ва Сорахон тўйини, Муродхўжанинг бу оилавий тантанага роса тайёргарлик кўргангани эслайди. Китобхон «Товуқдай қақаглаб юрган корчалон хотинлар»ни аниқ кўради, «қуюқ қандин нишолда»ни нақ татиб кўради. Бирдан унинг қулоғига таниш куй, қадрдон қўшиқ киради. Шошманг... Фалатироқми?!.

Бошима ишқинг тушиб, савдо бўлурму мунча ҳам,  
Кўз деган оху каби шаҳло бўлурму мунча ҳам.

Мавлоно Муқимий «Бошима...» демаганлар-ку?

Муҳими, кўз ҳам охуга ўхшайдими?.. Билинадики, «Мунча ҳам» газали матни бузиб ёзилган? Нега бундай қилинган?..

Бошлара ишқинг тушиб, савдо бўлурму мунча ҳам, Оллоҳ, Оллоҳ, кўз деган шаҳло бўлурму мунча ҳам.

Абдулла Қаҳҳор «Сароб» романида воқеликни реал кўрсатган. Лекин у воқеликни шўро тузуми талаблари асосида бир мунча ўзгартирган. Маълумки, 20-йилларнинг охиридан динга қарши кураш ҳаддан ташқари кучайди. Ёзувчилар диний масалаларни четлаб ўтдилар, динчиларни мазах қилдилар, худосизликни рўй-рост кўрсатдилар. А.Қаҳҳор «Сароб»да динни, диний қарашларни, қаҳрамонлар табиатидаги эътиқод-диндорликни тамоман четлаб ўтиши мумкин эмас эди. Англашимча, Мунисхоннинг Саидийга айтган: «Мен сенга тегмайман-да!», - гапининг салмоғи, роман арқоғидаги ўрни шунчалар муҳимки, уни айтиб адо қилиш мушкул. Мирзакалон Исмоилийнинг «Фарғона тонг отгунча» романида «Мен сенга тегмайман-да!» гапининг бир улушинигина ёритилади. Абдулла Қаҳҳор «Сароб»да Мунисхоннинг «хўжа», Саидийнинг «қорача»лигини, улар орасидаги ижтимоий фарқ еру осмончалигини айтиб ўтирмайди. Асар воқеалари орқали ёзувчининг айтиб қўя қолмаган гаплари руҳан исботланиб, тасдиқланиб борилади.

«Сароб»да яна бир қизиқ ҳолат учрайди. Ёдингиздами, Муродхўжа домла тантиқ Сорани Саидийнинг хонасига олиб киради-да: «Сўраш, ўрисча, знаком бўлинглар...», — дейди. Домла қараса, «знаком»лик анча чуқурлашиб кетяпти. Шунда Муродхўжа ҳалол оила, поклик, никоҳнинг аҳамияти ҳақида яна образли гап айтади: «Ҳар ишнинг вақт-соати бор... Рўзани дастурхон устида туз билан очадилар...» Никоҳ покиза оилавий ҳаётнинг

ибтидоси бўлса, талоқ — оиланинг барбод бўлиши, тақдирлар фожиаси. Муҳаммадражаб Саидийнинг опасини уч талоқ қилади... Кўринадики, шўро ҳукумати илк қадамини маънавият, руҳият, тамаддун, эътиқод таянчи — динни фораг қилишдан бошлади. Ёзувчилар диний атама ибораларни қўлламаган бўлсалар-да, қаҳрамонлар табиатидаги диний-ижтимоий қарашларни бекаму кўст акс эттирдилар. «Сароб» романи дин, диндорлар, диний эътиқодга ҳужум авж олган паллада ёзилди. Лекин ёзувчи қаҳрамонлар характерини ёритишда ботиндаги ҳолатларни ишонарли ёритди.

«Сароб» романи, тушунишимча, қаҳрамон, образ, персонажларнинг сиртидан ботинига изчил кириб борувчи, воқеа-ҳодисаларнинг сарасини сарага қатъият билан ажратувчи психологик асардир. Асар бошланишида анор шарбатидай гўзал Мунисга, суқсурдай Саидийга ҳавас билан қараймиз. Роман охирида Мунису Саидийнинг емирилган руҳияти, махлуқийликка юз тутган қиёфаси кишини эзиб юборади. Миллатпарвар, зиёли бўлиб кўринган Муродхўжанинг бош мақсади пул, бойлик эканини кўриб китобхон бошқа миллатчиларни ҳам кўз ўнгида гавдалантиради. Муродхўжа домла бот-бот халқ, қишлоқ аҳли ҳайвонлашаётганини айтади. Хўш, Муродхўжа, Мирза Муҳиддин, Мухторхон, Аббослар тилларида миллат, озод юрт ҳақида гапирдилару, аслида, умумтараққиёт ҳақида ҳеч нарса қилолмадилар. Саидий ўз раҳнамолари моҳиятини англаб ета боради — яқинлашаётган саробни ҳис этади.

«Сароб» романининг фалсафаси, концептуал асоси шундаки, ёзувчи гарчи XX асрнинг 20-30 - йилларидаги одамларни кўрсатса-да, инсон, унинг моҳияти, ниҳоятда секин ўзгарадиган ўзлиги, «эго»си ҳақида теран қарашларни бадий ифодалайди. Кўпчилик тадқиқотчилар «Сароб»даги қаҳрамонларни танидилар: Муродхўжа фалончи, Аббосхон, Улфат пистончи дедилар. Мақолаларда «Сароб»даги биографик ўринлар,

Саидий ва Абдулла Қаҳҳордаги умумий томонлар топиб-топиб кўрсатилди. Лекин «Сароб» моҳиятини таниш кимсалар, маълум ижтимоий гуруҳ, конкрет замон кишилари белгиламайди. Абдулла Қаҳҳор «Сароб» романида инсон, унинг асл моҳияти ҳақида ўз гапини айтган, фалсафий-эстетик қарашини тиниқ ифодалаб берган. Мана шу жиддий ўзак «Сароб»нинг умрига умр қўшади, тилга, дилга тушган асарлару қаҳрамонлар билан қиёслаш, монандлаш имконини беради.

Абдулла Қаҳҳор асарлари, хусусан, ҳикоя, драмаларидаги сиқиклик, лаконизм ҳақида кўп ёзилган. Унинг «Сароб»и бу фазилатдан маҳруммас: роман ҳажми, нари борса, 10 босма табоққа етар-етмас миқдорда. Абдулла Қаҳҳорни сўз заргари, устаси дейдилар. Ёзувчи ҳар бир сўзни етти ўлчаб бир қўллаганини ёзадилар. Лекин «Сароб» – ёзувчининг илк йирик асари бундай ноёб фазилатга эгамас. Жумлада битта сўзнинг икки бор қўлланилиши ҳолати кўзга ташланади. Ёзувчи «лабини тишлади», «остки лабини тишлади» иборасини мўл-қўл қўллайди. «Айнима сурат», неговқовоқ, музалла, зарчўва сингари сўзлар ўрнига тушмагандай кўринади. Лекин романдаги айрим ноўрин сўз, қайтариқлар унинг бадиий қимматини пасайтирмайди. Чунки роман концепцияси ниҳоятда теран, ҳаётийдир.

### **«Сароб» ҳозирги ёшлар назарида**

XXI асрда янги авлод шаклланди. Бу авлод миллий удум, умуминсоний қадриятлар, диний-дунёвийдан, ижтимоий-сиёсий, маданий-адабий янгиликлар бохабар. Янги авлод ўтмишда донг таратган мутафаккир, олим, меъмор, адиб, санъаткорларга нисбатан ҳозирги машҳур спортчиларни, эстрада юлдузларини, шоуменларни, бизнес олами етакчиларини яхши танийди. Муҳими, ҳозирги ёшлар ўз «мен»ини ифодалайди, уни ҳимоя қилишга интилади; фикрлайди, ҳаётда ўз ўрнини топишга ҳаракат қилади.



2006-2007 ўқув йилида ЎзМУ Ўзбек филологияси факультети 1 курс талабаларига мустақил иш сифатида «Сароб»ни синчиклаб ўқиш, у ҳақда қисқа, лўнда фикр ёзиб беришни топширдим. Муддат белгиланди. 73 талаба вазифани бажаришга киришди. Белгиланган муҳлат тугаган бўлса-да, ҳеч ким мустақил топшириқ ҳақида индамади. Ниҳоят, «Сароб» муҳокамасига бағишланган дарс бошланди. Аудитория сув куйгандай тинч. Ҳеч ким биринчи бўлиб гап бошлай қолмайди.

Ниҳоят, фаол талабалардан бири ўзига ўзи гапиргандай секин гап бошлади:

– Романдаги «ер ислоҳоти, Октябрь самараси», фирқа, комсомол ячейкаси», «мамлакатимиз зироат мамлакати», «уч юз бой хўжаликлар беш юз таноблаб ерга эга» сингари гапларга тушунмадим...

– Тўғриси қайси: чоракорми, чойракорми, чоракорми?...

Мулоҳазалар салмоқлана бошлади:

– Мунисхон, Саидий муносабатлари ҳам жозибали, ҳам сирли. Мунисхон ўзини нега отди? Саидийда ўлимдан бошқа йўл қолмаганмиди?...

Ажаб, курсдаги биронта талаба миллатчилик, миллатчилар ҳақида гапирмади. Саидий тасаввуридаги ғалати механизм, Ёқубжон, Салоҳиддин, Мухторхон сингариларнинг детективнамо қилмишлари ҳеч кимнинг диққатини жалб этмабди. Лекин синчков талаба бир гапни айтиб қолди:

– Менимча, роман матнида салқилик, аллақандай мажруҳлик бордай...

Талаба-талаба-да! Баъзилар У.Норматовнинг А.Қаҳҳор ҳақида эндигина чоп этилган китобидаги фикрларни ўзлаштириб гапирдилар. Кимдир Саидий ва Мунисхон ўзимизнинг дорилфунун талабаси бўлганини ёдга солди. Саидий характери ҳақида кўп гапирилди. Кўпчилик талабалар ундаги бўш-баёвликни қоралаганлари ҳолда ундаги «ўзлик» туйғусини ёқлаб гапирдилар. Мунисхоннинг хатти-ҳаракатлари жиддийгина баҳсга

сабаб бўлди. Кимдир Мунистонни ёқлаб гапирди, унинг бузуқ аёл кўринишдаги ҳолатини талқин қилмоқчи бўлди. Саидийнинг бузуқ Мунистонга нисбатан муносабати йигит талабаларга ёқиб кетди. Афсуски, талабалар Муродхўжанинг данғиллама уй-жойи дарбозасини «очмадилар», ичкарига бош суқмадилар. Сорахон, «Булбули гўё», Тўпа, Остона, Саидий унинг опаси ҳақидаги тасвирларни таҳлил қилмадилар. Лекин талабалар «Сароб»ни қабул қилдилар, ундаги маънолар қатлами, бадиий топилдиқлар билан қизиқдилар. Бошқача айтганда, янги авлод китобхони билан «Сароб»даги эстетик ровий аро контакт-муносабат бошланди. «Сароб»даги ровий, яширин китобхон, эстетик ўқувчи ўз функциясини албатта бажаради. Бунинг учун янги авлод китобхонида хоҳиш-истак, эстетик-руҳий эҳтиёж бўлса бас.

#### **«Сароб»да характер яратиш маҳорати**

Абдулла Қаҳҳор ҳамиша қисқа, лўнда ёзган. Характерларни тиниқ, ишонарли тасвирлаган. «Сароб»дай романда ўнлаб бетакрор характер, персонажлар яратилган. Иброҳимжон (Урайимжон) деган йигитча бир оғизгина соф фарғонача гапи, чойраккор йигит водийликларга хос сўз ўйини («Ўйнашдан айниб эрлик бўлмоқчиман») билан китобхон қалбига михланиб қолади. Тўпа, Остона, Мавлонқулова сингарилар биронта бетакрор қилмиш, гап-сўзлари билан ёдда қоладилар.

«Сароб» марказида Саидий, Муродхўжа домла характери туради. Романдаги ўзга образу персонажлар мана шу характерлар атрофидан ўрин оладилар. Абдулла Қаҳҳор дастлаб Саидий, Муродхўжани китобхонга «кўрсатади». Кейин уларнинг кийимларини «ечиб» ташлайди, эту устихонини бир чеккага «суриб» қўяди. Китобхон бу икки характер ўзагига дуч келади, «ўзлиги»ни ўргана бошлайди.

Мана, Саидий — 26 ёшдаги навқирон йигит. Ўқимишли, феъл-атворли, истеъдодли. Қаҳрамонимиз суврати иш берди: Мунистонни ром этди, Салимхондай доврўкли инсон, унинг улфатлари билан танишди. У авваллари Ёқубжон, Кенжа сингари журналистларга рўпара бўлишдан чўчирди. Салимхондай суянчиқни топгач, у газета таҳририятлари эшигини тепиб очадиган, манман деган журналистлар билан теппа-тенг олишадиган, баҳслашадиган бўлди. Икки-уч асари босилгач, Саидийда кибр-ҳаво, худбинлик аниқ кўринади. Ниҳоят, яширин миллатчилик гуруҳи борлигини билгач, ўзига ҳам топшириқ берилгач, ҳовлиқиб, босар-тусарини билмай қолди. Саидий ўрнида бошқа, ақлли-ҳушли одам бўлса, оёғини ердан узмаган, пуфланган пуфақдай кўкка кўтарилмаган бўларди. Халқда: «Одамга амал, бойлик бериб, сир айтиб синаб кўр» — деган гап бор. Саидий ҳамфикрлари ишончини ҳар томонлама оқламади. Кўпчилик Саидийдан кўлини ювиб кўлтиғига артди. Фақат Муродхўжагина Саидийдаги фойдаланилмаган имкониятни сезди. Хумдай бошидаги сочи бекорга тўкилмаган Муродхўжа битта ўқ билан икки куённи уришни режалаштирди. Биринчидан, Саидий ўқимишли, ёзув-чизувга уқуви бор, истеъдоди бўй кўрсатиб турган хушрўй йигит. Унинг қаламидан унумли фойдаланиш мумкин. Иккинчидан, хунуккина қизи бор. Худо ол кўлим деса, Саидий жарақ-жарақ пул ҳам топади, Сорахон эрли бўлиб қолади. Саидий табиатан кўникувчан, етовда юришни хуш кўрадиган одам эди. У Муродхўжанинг ичкари-ташқарили данғиллама уй-жойига маҳлиё бўлди. Иккинчидан, бўлажак қайнота Саидийни осмону фалакка кўтарди, катта оиланинг олтин устунни қилиб қўйди. Лақма Саидий Муродхўжа яратган сароб дунёсини ҳақиқат, чин деб билди. Устига устак, Салимхондай суянчиқлар уни яккалаб қўйдилар. Саидийнинг газета таҳририятидаги фаолиятининг ишқаликлари чиқа бошлади.

Саидий кундан кунга Муродхўжа хонадонининг бандисига айлана борди. Хонадон соҳиби, устаси фаранг Муродхўжа Саидийни фақат улуғлар, хизматкору чўрилар Саидийни «бегим» деб атардилар. Муродхўжа нима деса, йўқ демас: пул топиш учун кечаю кундуз тиним билмасди. Саидий Сорахонга ҳам ўргана борди: думбул қизнинг чала-чулпа, телба-тескари гап-сўзлари, юмушларидан фазилат излайдиган бўлди. «Булбули гўё» ҳам Саидийни тобе этиш йўлларини излай бошлади. Хуллас, Муродхўжа уни циркнинг ўргатилган отидай қилиб олди. Бора-бора Саидий Сорахондай эрка-тантиққа, думбулга муте бўлди. «Булбули гўё» Саидий тил-жағи, иродасини танғиб ташлаган қил арқон вазифасини ўтади.

«Катта ўйин»дан чиққан Саидий Муродхўжа қазитган ҳовузнинг тилла балиқчаси бўлди қолди. Ҳовузнинг суви бузилди, илдизу хазон, пўпанак, хас-чўп киши таъбини кир қиладиган даражага етди. Бу ҳовузнинг мутлақ ҳоқими, йиртқич наҳанги Муродхўжа, томоша балиғи Сорахон, заҳар-заққум газандаси «Булбули гўё», эрмак балиғи Тўпа, Остона, емиш балиғи Саидийнинг опаси бўлди. Тилла балиқча – Саидий ифлос ҳовузга кўникди. Муродхўжа ҳовузида Саидий миясига доно фикр келди: «Ҳаёт жомини кўтардинг, унинг шарбатини татиб кўрдинг; шунақа, ичган сайин тагидан тахири чиқа беради. Бас, энди, ҳаёт бозоридан харид қилиб бўлдинг, энди бемаҳалга қолмасдан қайт! Бемаҳалга қолсанг, қувғин ейсан» (288-бет, 3-нашр).

Хаёлга толаман: наҳотки Саидий, Муродхўжа, Мирза Муҳиддин, Мухторхон, Ёқубжон, Аббосхон, Улфатлар миллатчи бўлса? Миллатчилик, аввало, ўзини курашга тиккан, сиёсий дастури пишиқ-пухта ишланган кишилар гуруҳи. «Сароб»даги миллатчиларнинг бариси ўз юмуши, касб-кори билан банд одамлар. Қолаверса, на Мирза Муҳиддин, на Мухторхон, на Муродхўжа, на Ёқубжонда фидойилик бор. Тўғри, зиёли, оқ-қорани таниган шахслар сингари улар ўз юртларини севадилар, унинг мустақил

бўлишини истайдилар. Лекин Сталиннинг ички душман ҳақидаги назариясига биноан «Сароб»даги аксарият қаҳрамонлар аёвсиз, ёвуз кучлар: уларни таг-томири билан суғуриб ташлаш лозим. Ички душман ҳақидаги ғўр назария туфайли миллион-миллион кишилар қирғин, қатли ом қурбони бўлдилар. Ҳозир ҳам олий миллат, муқаддас ирқ, миллатчилар гуруҳлари бор. Ҳукумат бундай кучларни қирғин қилмайди, уларнинг хатосини эринмасдан тушунтириб боради.

«Сароб» қаҳрамонларини ижтимоий-сиёсий муҳит кишилари сифатида ҳам, ўзининг бетакрор «эго»сига содиқ кучлар кўринишида ҳам талқин қилиш мумкин. Саидий, Муродхўжа, Сорахон, «Булбули гўё», Мунисхон, Мухторхонлар ҳаётда ҳамиша бўлган, бўлади. Юзлаб, минглаб асарларда «Сароб» қаҳрамонлари монанд кишиларни учратиш мумкин. Абдулла Қаҳҳор «Сароб» романида XX асрнинг 20-30 - йилларида яшаган бетакрор одамлар характерини, тақдирлар ранг-баранглигини ўзигагина хос усул, услубда кўрсатиб берди. Шўро адабиётида, социалистик реализм методида яратилган минглаб асарлар нега ном-нишонсиз кетди? Чунки уларда инсон тақдири бадий талқин қилиниб, одамнинг бетакрор ўзлиги ёритиб берилмади. Аксинча, соцреализм қурбони бўлган асарларда инсон ижтимоий-сиёсий муҳитнинг вакили, иллюстрацияси сифатида кўрсатилди. Ҳақиқий, катта санъаткорлар инсонни тасвирлаганда одамзотнинг узилмас занжирини асос, пойдевор қилиб оладилар.

### **«Сароб»да ёзувчи маҳорати, бадий тасвир воситалари**

Қоғоз қоралаш — ёзиш-чизиш ҳамма саводлининг кўлидан келади. Аммо матнни жонлантириш унга интиҳосиз ҳаёт бахш этиш Оллоҳ суйганларнинг ишидир. Бадий тасвир воситаларини кашф қилиш, уларни ўрни-ўрнида кўллаш билиш маҳорат кўринишидир.

«Сароб»ни қайта ўқиб, муҳим ҳақиқатга амин бўлдим. Кашф этилган, ўрнида қўлланган образли фикр қимматбаҳо тош мисоли халқ мулкига айланиб кетаркан, қалбда асраб-авайланар экан. Ақлимни танибманки, тили бийрон, заҳаргина қайнона уддабурон, қўлидан иш келадиган келинни (куёв, қудани, хуллас, пинҳона рақибини) камситиш мақсадида: «Олган ойлигига берса тўртта тиррақи кўй беради», — дейди. Ёшгина Абдулла Қаҳҳор етмиш-етмиш беш йил илгари бу гапни «булбули гўё»га айттирган экан. Бу гап минглаб ҳикоя, юзлаб миниатюраларда айтилавериблиб оқ ем бўлиб кетди. Халқда: «Шарбатини сўриб бўлди, энди турпини туфлаб ташлаш қолди», — деган гап бор. Бу айтим «Сароб»да учрайди: «Муродхўжа домла Саидийдан оладиганини олди... Саидийнинг шарбатини сўриб бўлди, энди пўчоғини пуфлаб ташлаши керак».

«Истеъдод ёш танламайди» дегани рост экан. Ёшгина Абдулла Қаҳҳор «Сароб»да «Подшо «сен» деган кишини бутун мамлакат «сиз»лайди дейди!» (107-бет), «...кексаликдаги ҳузур-ҳаловатдан кўра ёшлиқда тортилган «оҳ» афзалроқ...» (216-бет) деб ёзадики, бундай фикрни, аслида, ҳаёт тажрибаси ниҳоятда катта одамгина айтиши мумкин.

«Сароб» романида фикрни бўрттириб, салмоғини орттириб айтиш маҳорати кўзга дарҳол ташланади: «Соққа ўйнаб чўнтагини ёнғоққа тўлғазган ёш бола, душманининг жанозасидан келаётган киши — ҳар қайсиси ўзича мамнун, ўзича бахтиёр, аммо булардан ҳеч қайсинисининг мамнуният ва бахтиёрлигини ҳозирги Саидийники билан тенглаштириб бўлмас эди.

Асаларининг ғинғиллаши, расида қизларнинг қийқириб кулиши, энди тили чиқа бошлаган гўдакнинг дастлабки айтган сўзлари — ҳаммаси қулоққа ёқади, аммо Муҳаммадражабнинг товуши Саидий учун булардан кам эмас эди» (174-бет)

Санъаткор — сеҳргар: у ҳамиша китобхонни лол, ҳайрон, қойил қолдириши лозим. Абдулла Қаҳҳор — санъаткорлик машқини мукамал эгаллаган уста. У нари борса ўн қаторли

матнда Саидий, Эҳсон, Муниснинг отаси вафотини тасвирлайди. Бойвучча қизнинг катта акаси дом-дараксиз йўқолгани, Салимхон акасининг Оренбургда бўлгани ҳам шу сиқик матнга қистириб ўтилади.

Мирза Муҳиддиннинг маст ҳолда кўчага чиқиши, тўнғиздай балчиққа булганиши, Муҳаммадражаб учраб қолмаса нақ ўлиб кетаёзиши эринмасдан тасвирланади. Мастлик — ростлик-да: Муҳаммадражаб Мирзо Муҳиддиннинг кўп сирларини билиб олади, уларни оқизмай-томизмай Саидийга сотади.

«Сароб» романида қаҳрамонларни бақамти тасвирлаш усулидан унумли фойдаланилади. Ёзувчи Мунисхон ва Мухторхон, Саидий ва Сорахон, Саидийнинг опаси ва Тўпа, Йўлчибой ва Урайимжонларни ёнма-ён тасвирлайди. «Мунисхон... анор сувининг томчисидай тиниқ суҳбати тонг шабадасидай кишининг баҳрини очадиган бир қиз Мухторхонга — қиринди, ташланди лойдан ҳафсаласизлик билан «олам» учун бир эрмак ҳам керак-ку, ахир» дея ясалган ҳайкалга... майл берди» (175-176-бетлар, 3-нашр).

«Сароб»даги аксарият воқеалар журналистлар, қалам аҳли орасида кечади. Журналист халқи, маълумки, теша тегмаган гапларга, янги латифаларга, қочиримларга, тимсолий фикрларга ўч бўлади. Газета муҳаррирининг мана бу зерикарликкина, лекин ниҳоятда аниқ ифодаланган фикрини ўқиймиз: Ишимиз нима? — Сут. Иш шаклимиз нима? — Қўшқулоқ. Иш шароитимиз нима? — Арава. Қаерга борамиз? — Социализмга. — Жанжал нима? — Йўлдаги ўйдим-чуқур. Демак, ўйдим-чуқур қанча кўп бўлса, аравамиз шунча нотинч бўлади. Арава нотинч бўлса, қўшқулоқдаги сут чайқалади, тўкилади» (122-бет, 3-нашр).

Асардаги Ёқубжон кўрсина, лекин гапни теша тегмаган қиёс, ўхшатишларсиз гапирмайдиган одам. У Саидийни гоҳ кўнғиз, гоҳ чумоли, гоҳ товуққа ўхшатади. Муҳими, ҳар бир қиёс Саидий моҳиятини очади.

«Яранинг юзини қирғич билан тирмалаш» (176-бет)ни ҳис қилиш, Мирза Муҳиддин пешонасини уқалаганда, қоғоз устига тушган юмалоқ-юмалоқ кирлар»ни (167-168-бетлар) кўриш оддий одам кўлидан келмайди.

Қисқаси, Абдулла Қаҳҳор «Сароб»да шунчаки гапирмайди, фикр айтмайди: у иложи борича тимсолларни мўл-кўл қўллайди. Ҳатто шундай таассурот туғилади: тимсолий фикрлар асосий гапни ўраб-чирмаб ташламаганми, керагидан кўра ортиб кетмаганми?! Таскин шуки, бадий адабиётнинг кўрки, файзи, жонлилиги оҳорли тимсоллар, тасвирий воситалар биландир.

### **«Сароб»да психологик тасвир**

Психологизм — бадий асар қисм, бўлакларини, қаҳрамонларини ич-ичидан мустаҳкам улайдиган жонли ришта. У сюжет таранглигини таъминлайди, қаҳрамонлараро кутилмаган вазият, ҳолатларни келтириб чиқаради. Психологик тасвирдан маҳрум асар, баайни, жонсиз жисм, мўрт дарахт, пойдеворсиз бино. Китобхонни асарга ипсиз боғлаб қўядиган муъжиза, имо-ишоралар маънисини англатадиган сеҳр — нозик руҳий тасвирдир.

«Сароб» руҳият ҳолатларини ранг-баранг алпозда тасвирлашга асосланган асар. Унда йўл-йўлакай айтиб юборилган битта ибора, қаҳрамон ҳолатидаги сезилар-сезилмас ўзгариш, албатта, исботланилади, руҳиятга боғланади. «Сароб»даги психологик характерлардан бири Мунисхон. Бу характер ички ва ташқи зиддият асосида яратилган. У Саидийни ёқтиради, аммо гап-сўзлари билан севгилисини ўзидан йироқлаштиради. Анор сувидай тиниқ, тонг шаббадасидай ёқимли Мунисхон Саидийдан маҳрум бўлгач, жону жаҳони руҳий алам, азобдан қийналади. Даҳшатлиси, уни Мухторхондай тавияга узатишди. Мунисхон ғам, алам, йўқотишдан қутилишга қанча интилмасин фожиалар домига дучор бўла боради. «Мунисхоннинг гўзаллиги ҳар кимнинг



кучоғида бир қатрадан қола бериб тугаёзди...» (194-бет) Бора-бора гўзал, беғубор Муниҳон йўқолди. «...Илғари кишини мафтун қиладиган кўзлари энди маст кишининг кўзидай қизил ва қисилган, худди ёшланиб тургандай кўринади: хусусан, кишига қараганда атайлаб кўзларини сузиб қарайди ва шу қараши билан гўё «мени яхши кўрмайсанми?!» деганга ўхшайди» (216-бет). Муниҳон ўзи билан ўзи олишаверди, юрагини ҳеч кимга ёрмади: бутунлай адои тамом бўлди. Муниҳон — аёлда! Ўзининг фожиасига фақат Саидий айбдор деб билди. Саидийга нисбатан юрагида шундай кин, қасос ўти пайдо бўлдики, ёзувчи даҳшатли ҳолат, кучни бундай ифодалайди: «Муниҳон Саидийнинг тиззасидан ирғиб турди ва тепишга тайёрланаётган курк товукдай тисарилди, сочлариниғижимлаб, Саидийнинг юзига тикилди ва қичқирди:

— Мен хотинингдан, ўша дастмолқовоқдан камми?.. Сен қўлимни ушлашга зор бўлиб юрган йигитларнинг битта ҳаром тукига арзимайсан! Ниманга ишонасан?! Чиройинггами?!.. Ит ғажиб ташлаган ошиқдайсан. Ёзувчилигинггами?! Ниманг бор?.. Айт-чи, қани ёзувчи бўлиб нима қилиб қўйибсан?! (218-219 бетлар).

Муниҳон Саидийнинг нозик жойини биларди. У худди шу нуқтага — Саидийнинг нўноқ ёзувчи эканлигига урғу бериб гапирди.

Менимча, шу нуқтада Муниҳон ва Саидий аро руҳий баҳс якунланди: Саидий ер-парчин бўлди.

Саидий Сорахонни ёқтирмайди. Аммо у ўзини-ўзи алдайди: ақлини ишга солиб Сорадан фазилатлар топа бошлайди. Иккинчидан, Сорахон қиз бола, Раҳимжон Саидий бўз йигит. Сорахон ундай қилади, бундай қилади: Саидий бошини айлантиради. Хуллас, Саидий Сорага уйланади, тагли-тахтли оилага куёв бўлади. Энди унинг Муродхўжадай қайнотаси, «Булбули гўё»дай қайнонаси бор. Сал фурсат ўтгач, «бахтли» оиланинг миси чиқа бошлайди. Кунчи Сора аслида бўлмаган бахти учун жон-

жахди билан курашади. Сорахон доимий оилавий томошаларнинг нўноқ актёри бўлса, «Булбули гўё» қўйиладиган кўп серияли хонаки спектакллар режиссёри эди. Саидий Сорахонни менсимайди: унинг довдир-совдир гапларига мос жавоблар беради — кўпик томошаларга ўт қалайди. Мана, битта мисол:

— Совуқ чой борми? — деди Саидий ўзини елпиб.

— Чанқабсиз-да, — деди Сорахон, — борган жойингизда чой дамлаб бермадимми?.. Саидий шу чоққача захрини ютиб келар эди, бугун гаши келди.

— Йўқ! Чойга аталган сувга чўмилишга тўғри келди, — деди» (210-бет).

Саидий Муродхўжа домладан кўрқмайди, Сорахондан тапт тортмайди. Аммо у «Булбули гўё»дан кўрқади: «Сорахоннинг онаси чойнақда чой олиб кириб, столга қўйди. Унинг ранги ўчган, кўкарган эди. У эшикдан кириши билан Саидийнинг юраги шув этиб кетди: «Оббо, бу касофатнинг йиғлаб ўтирганини кўрмаса гўрга эди» деди ичида ва бор кучини тўплаб, «Булбули гўё»га илжайиб қаради» (221-бет).

Кўринадики, Мунис, Сора, «Булбули гўё» муносабатлари шунчаки эркак ва аёл муносабатимас, ўз қараши, мақсадига эга ижтимоий-маиший гуруҳ кишилари аро кураш. «Сароб»да Муродхўжа мураккаб ижтимоий-руҳий муносабатлар марказида туради. У Салимхону Мирза Муҳиддинлар билан бир тилда, Кенжаю Ёқубжонлар билан бошқача тилда сўзлашади. Муродхўжа Саидий билан гаплашганда, сўзларини силлиқлаб, пахтага ўраб айтади. Саидийдан омад юз ўгириб, топиш-тутишидан путур кетгач, Домла тўнини тескари кияди: фикри-зикри ношуд, жинни куёвдан қутулиш бўлиб қолди. Муродхўжа одам танлайди: фойдаси тегадиган кимсани ялайди-юлқайди, Тўпа, Остона сингариларни оёқ учида кўрсатади. У, бир қарасангиз, ўзини донишмандлардай тутади, қизиқ-қизиқ воқеаларни сўзлайди; бир қарасангиз, бир пулни қирқ еридан тугадиган мумсикка айланади.

Хуллас, «Сароб» романининг ютуқларидан бирини руҳий тасвир белгилайди. Абдулла Қаҳҳор аёл ва эркек руҳини нозик биладиган санъаткор сифатида диққатни жалб қилади. Унинг ҳикоя, драмаларида, айниқса, «Синчалак» қиссасида психологик тасвир юксак нуқтада акс эттирилади.

Абдулла Қаҳҳор ижоди, хусусан, «Сароб» романи адабиётшуносликка энди-энди кириб келаётган гендер психологияси ҳақида тўхталишни тақозо қилади. Мен ўзбек адабиётшунослиги, танқидчилигида ҳозиргача гендер психологияси ҳақида мулоҳаза юритилган мақолани учратганим йўқ. «Гендер психологияси» атамасини фанга 1958 йилда америкалик руҳшунос Р. Столлер олиб кирди. «Гендер» истилоҳи «жинс» маъносида қўлланилган. Бора-бора «жинс»ни ҳам табиатшуносликка, ҳам жамиятшуносликка нисбатан қўллаш торлик қилиб қолди. Табиатшунослар ҳайвонот, наботот, жамодотдаги жинслар, улар аро мураккаб алоқалар ҳақида тадқиқотлар олиб бормоқдалар. «Гендер» атамаси орқали инсоннинг руҳий-ижтимоий муносабат, алоқалари кўрсатилинмоқда. Айниқса, XX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб жинс, унинг жамият билан алоқа воситалари кўпайди. Кўшжинслилик биологик ва ижтимоий-маданий-руҳий қатлам сифатида кескин фарқлана борди. Жинснинг ижтимоий-руҳий ўзига хосликлари америкалик руҳшунос П. Бергер, олмониялик жамиятшунос Т. Лукман томонидан ишлаб чиқилди<sup>10</sup>.

Ҳозир гендер психологиясига модерн, постмодернистик назардан қарашлар кўпайган. Фарб социологлари жинснинг камида олти (бесоқол, бачча, ҳезалак, ялла...) тури ҳақида ёзмоқдалар. Фарбий Европа, Англо-америка адабиётида ҳар хил, айниқса, ноанъанавий жинс кишилари ҳақида асарлар яратилмоқда, беҳаё фильмлар суратга олинмоқда. Яратганнинг марҳамати шуки, бизда бир жинс кишилари аро «севги», оила қуриш сингари шармандаликлар йўқ, бўлмайдди ҳам.

<sup>10</sup> Мақолани тайёрташда Д.В. Воронцовнинг «Жинснинг ижтимоий руҳияти» (Ростов-на-Дону, 2003) махсус курсидан фойдаланилди. «Топас» журнали, 2007 йил, 7-сон. Электрон вариант.

Қадимда Шарқу Фарбда инсоннинг бир жинсли модули ҳақида фикр юритилган. Инсоннинг жинси, тананинг физиологик тузилишимас, унинг диний-дунёвий-ижтимоий-руҳий моҳияти асос деб қаралган. Миф, асотир, дoston, диний ривоятларда одам ҳақидаги гаройиб қарашлар ифодаланган. Жинсий фарқлар моҳиятига чуқур кириб борилмаган.

XX асрнинг жўшқин шоирларидан Павел Антокольский: «Бизда шоира, шоир деб фарқлаш йўқ. Бизда аёлдир, эркекдир фақат шоир бор» — деганди. Ҳозир адибаю шоирлар асарларини гендер руҳшунослиги асосида талқин қилиш тамойили ортиб бормоқда<sup>11</sup>.

Абдулла Қаҳҳорнинг деярли барча асарларида аёл руҳияти теран, ишонарли ёритилган. Бошқача айтганда, Абдулла Қаҳҳор асарларини, хусусан, «Сароб», «Синчалак»ни гендер руҳшунослиги асосида алоҳида талқин, таҳлил этмоқ зарур.

### Саранжомлик

Машҳур санъаткорлар ижодида, саранжом-саришталик диққатни тартади. Уларнинг барча асарлари жой-жойига туша қолади. «Сароб» — Абдулла Қаҳҳор ижодининг бош китоби. Бу романдан сўнг яратилган барча катта-кичик асарларда бош китоб руҳи, қаҳрамон, персонажлари кўзга чалиниб қолади. «Қўшчинор чироқлари»даги Зуннунхўжа, лаби лабига тегмайдиган кампир ва Шарофатда Муродхўжа, «Булбули гўё», Сорахонга яқин томонлар бор. «Ташвиш» драмасидаги персонажларда Муҳаммадражаб, Садриддин, Мавлонқуловага ўхшаш томонлар кўриниб қолади. Хуринисони бошқа одамга узатмоқчи бўлганларида чапани, таваккалчи Арслонбек севгилисини олиб қочади. Нега шу ишни Саидий Мунисхонга нисбатан қила олмади?!

<sup>11</sup> Санкина И. Женская проза и гендер в современной литературной критике (на примере журнала «Дружба народов»), «Топас» журналы, 2007 йил, 7-сон. Электрон вариант.


Абдулла Қаҳҳор биографиясидан келиб чиқилса, саранжомлик аниқроқ кўринади. «Ўтмишдан эртақлар» қиссасида Абдулла Қаҳҳорнинг болалиги, қариндошлари, тенгқурлари, бирга ўқиган дўстлари образи берилган. «Сароб»да Абдулла Қаҳҳорнинг талабалик йилларидаги ҳаёти, интилишлари Саидий характериға «едириб» юборилган. Ёзувчи ҳаётининг 20-26 ёшлардаги палласи — университетда ўқиши, изланишлари, дўст — курсдошлар билан мулоқотлар, «Ботир гапчилар» ҳақидаги баъзи маълумотлар «Сароб»да тасвирланган.

«Сароб» хотимасида колхозга кириш жараёни тезлашиб кетганлиги ёзилади. Мулоҳазакор бир чоракор:

— Энди, афандим, шунча йил чорикорлик қилдик. Ер оз. Колхоз яхшими, чорикорлик яхшими бир кўрайлик-да! Колхозга бойни олмас экан, бир нафи бордир-да, камбағалга... Охунбобоев колхоз яхши депти. Мияси бутун одам... (277-бет), — дейди. Кўринадики, «Сароб» табиий ҳолда «Кўшчинор чироқлари»ға йўл очди.

Абдулла Қаҳҳор 30-йилларнинг охиридаёқ саҳна асари ёзган, уни «Ташвиш» деб атаганди. XX асрнинг 50-60 - йилларида А.Қаҳҳор яна тўртта драма ёзди. Синчков тадқиқотчи Зухриддин Исомиддинов «Дорилмуаллимин талабаси ёхуд Абдулла Қаҳҳор... Жамила ролида» мақоласида қизиқ воқеаларни ҳикоя қилади-да: «Бўлажак адибнинг қалбида саҳнаға муҳаббат ва масъулият туйғуси ўша, дорилмуаллимин талабаси вақтида, ҳаваскорлик тўғарагида турли ролларни яратиб юрган дамларида ниш урган бўлса, не ажаб», — дея хулоса ясайди («Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетаси, 2007 йил, 29 июнь, 3906-сон). Абдулла Қаҳҳорнинг «Янги ер», «Оғриқ тишлар» драмалари ўзбек драматургиясида воқеа бўлди. «Тобутдан товуш», «Аяжонларим»да Абдулла Қаҳҳор услубидаги янгилик акс этган: ғайриинсоний муносабатлардан кейинги инсонийлик, меҳр-шафқат, одамни одамдай эъзозлаш

хусусияти намоён бўлган. XX асрнинг 1957 йилларидан кейин инсонсеварлик янгича, умуминсоний тамойиллар асосида намоён бўлди. Абдулла Қаҳҳорнинг бу йилларда яратилган ҳикоя, очерк, қисса, драмаларида инсонга муҳаббат алоҳида кўриниб туради. «Синчалак», «Муҳаббат» қиссаларида, «Маҳалла» ҳикоясида инсон қадрини улуғлаш, табаррук инсонни шарафлаш аниқ кўринади. Бу ҳол ҳам ёзувчи ижодидаги саранжомликни, замон руҳини чуқур ҳис этганлигини кўрсатади. Хулоса шуки, Абдулла Қаҳҳорнинг «Ўтмишдан эртақлар», «Сароб», «Кўшчинор чироқлари» асарлари, драмалари, ҳаётининг сўнгги ўн йиллигида яратилган асарларида ички, руҳий боғлиқлик бор. Ёзувчи яратган асарларнинг ҳаммасида ички мазмун, ижтимоий-руҳий алоқадорлик мавжуд. «Сароб» — ёзувчи ижодининг чўққиси, ўзбек адабиётидаги тиниқ «хат»и, бетакрор «овоз»и, ёниқ сўзи.



## **ҲАМИД ОЛИМЖОН ШЕЪРЛАРИДА ДИЁР МАДҲИ**

Ҳамид Олимжон XX асрнинг биринчи ярми (1909–1944)да яшаб ижод этган. Бу давр инсоният тарихида зиддиятлари, мудҳиш воқеалари билан эсда қолади. Биринчидан, Ҳамид Олимжон чор Россиясининг мустамлакаси бўлган юртда таваллуд топди, етти ёшида Жиззах қўзғалончилари қаторида Кили чўлига қувғин қилинди, отасидан эрта етим қолди. Бўлажак шоир саккиз ёшга тўлганда, 1917 йил октябр тўнтариши содир бўлди. Ҳамид Олимжон 16 ёшга кирганида савдогарнинг набираси тамғаси остида Педтехникум талабалари сафидан чиқарилди. У қисқа умри давомида шавқ-завқ билан ижод қилди – янги ўзбек адабиётининг истеъдодли намояндалари қаторидан муносиб ўрин эгаллади, Зулфиядай истеъдодли, лобар қизни севди, унга уйланди, Ҳулқар ва Омонга ота бўлди. Ҳамид Олимжон юрт кезди, ижодкорлар билан мулоқотда бўлди, Фафур Фулом, Ойбек, Уйғун, Шайхзода сингари дўстлар орттирди.

Ҳамид Олимжон ижоди ўзига хос, бетакрор маънавий-бадий бойлик. У диёр, халқ, баҳор, мангу қадриятлар ҳақида тўлиб-тошиб куйлади. Шоир ижодида коммунистик мафкура, соцреализм таъсирида ёзилган асарлар ҳам талайгина топилади. Ҳамид Олимжон ақлли-хушли, мулоҳазакор инсон сифатида ўзи яшаётган тузум моҳиятини ҳис қиларди, лекин қалбини тўлиқ акс эттириш имкони йўқ эди. Президент Ислон Каримов “Адабиётга эътибор – маънавиятга, келажакка эътибор” суҳбатида (Тошкент: Ўзбекистон, 2009) Ҳамид Олимжонга ўхшаш истеъдодли инсонлар руҳиятини аниқ кўрсатиб берди: “Шуни айтиш жоизки, аксарият ёзувчиларимиз совет даврининг тарбиясини олган, узоқ йиллар ҳукмрон мафкура руҳида ижод қилган. Лекин яна бир ҳақиқат ҳам борки, уларнинг кўпчилиги коммунистик тузум ғояларини сўзда маъқулласа ҳам, аслида ич-ичидан уларни қабул қилмаган. Негаки,

коммунистик тузум инсоннинг, бинобарин, миллат ва халқнинг эркин ва озод яшашига, миллий мафкура, диний қадриятларга қарши бўлганини ижод аҳли ҳаммадан кўра чуқурроқ англаган”.

Ҳамид Олимжон ижодида шундай асарлар борки, улар коммунистик мафкура, ижтимоий-сиёсий буюртма асосида яратилганлиги рўйи рост кўриниб туради. Ўттиз беш йиллик ҳаёти давомида шоир ҳақиқий, руҳий-маънавий бахтни ҳис этмади. Лекин таажжубки, Ҳамид Олимжоннинг адабиётдаги иккинчи номи “Бахт ва эрк куйчиси” бўлди.

Ҳамид Олимжон – серқирра ижодкор. Унинг асарларини янгича ўқиш, уқиш, талқин этиш лозим. У ҳозирги адабиётимизда ёшлик, диёр, баҳор куйчиси сифатида талқин қилинмоқда. Шоирнинг ўлмас асарлари кўп. Лекин, менингча, унинг “Ўрик гуллаганда” асари ҳамиша етуклик, гўзаллик, жўшқинлик намунаси сифатида талқин этилаверади. Баҳор ва инсон муносабатлари доимо куйланган. Аммо Ҳамид Олимжон баҳорни “новдаларни безаган гунчаларда”, “гулга ўралган хаёлларда”, “этакка солинган олам-олам гулда”, “илк саҳарда эсан қурғур шаббодада”, “беор елларнинг алдаб кетишида” кўради. Шеърда баҳор, новдалар, шаббода, еллар лирик қаҳрамонро ўта табиий алоқадорлик бор. Гуллаган бир туп ўрикнинг лирик қаҳрамон деразаси олдида бўлиши тиниқлик, реаллик кўринишидир. “Ўрик гуллаганда” шеърида руҳий энгиллик, соф ҳаводай мусаффолик маромидаги гўзаллик борки, у ҳеч қандай қаршиликсиз ўқувчи қалбидан жой олади.

“Ўрик гуллаганда” баҳорнинг мангу мадҳияси бўлса, “Ўзбекистон” шеъри она юрт-диёр ҳақидаги нозли наводир. Мазкур шеър укпардай энгил, жўнгина бир сўз воситасида яратилган. Миниатюра санъати – рассомчиликда инжа ҳолатларни акс эттиради. Ҳозир миниатюра санъати яна ҳам нозиклашиб бормоқда: соч толасини, тариқ донасини “полотно” қилиб, кенг сюжетли асарлар яратаётган рассомлар нуфузи ортиб бормоқда.

Ҳамид Олимжоннинг “�збекистон” шеъри “ҳис”га асосланган.

Водийларни яёв кезганда,  
Бир ажиб ҳис бор эди менда...

“Ҳис” номли рамзий отга минган лирик қаҳрамон икки дарё оқимини, қорли тоғларни, гул водийларни, қипқизил лоззорларни, Ўзбекистоннинг яратувчи халқини кузатади. Унинг қулоғига булбуллар навоси, шоирлар ашъори, жувонлар алласи, куйчилар ялласи киради.

“Ҳис” қанотида осмону фалакка парвоз қилган куйчи аста-секин ерга яқинлашади, қўниш майдонини аниқлайди.

Шафтолизор боғларни кўрдим,  
Гул кўкарган тоғларни кўрдим.  
Меҳр қўшиб ўпган сари оқ,  
Оппоқ бўлди бу азиз тупроқ.  
Водийларни яёв кезганда,  
Бир ажиб ҳис бор эди менда...

Истеъдодли шоирлар сўз, калом қалбидаги кўрни аниқ англайдилар, ҳис этадилар. Ҳамид Олимжон “ҳис” қанотида гўзал юртини кезган бўлса, шоир Абдулла Орипов “қалбини ўртаган аллақандай “ҳис” таъсирида Мўмин Мирзо фожиасини жонлантиради...

Баҳор мавзуси Ҳамид Олимжон ижодига жуда эрта кириб келган. Ўн тўққиз ёшли шоир “Баҳорни соғинганда” шеърида қишни баҳорга зид кўяди. Қиш чолғуси қаҳратон изғиринлари, ер ва кўкни қоплаган қор, бир тутам кун, йилдай чўзилган тун жонга теккан. Лекин лирик қаҳрамон бутун руҳи, борлиғи билан баҳорга, қуёшга интилади. Баҳор, унинг наздида, гўзал кенглик, ажойиботлар кўриниши, қалбларнинг қувончи:



Шунда чўпон каби кезиб тоғлар,  
Мен сени бир ўпай, қучоқлай-да...  
Сув – булоқ бўйларида чарчай-да  
Сўнгра қўйнингда эркалаб ухлай.

Шеър – шоир юрагининг кардиограммаси, ҳарорати, жўшқинлиги кўрсаткичи. А.С.Пушкин, Ҳ.Олимжон, М.Лермонтов, У.Носир, М.Юсуф қалблари шоир булоғи бўлган. Ундан отилган шеър ҳам кўзни қувонтирган, ҳам қалб чанқоғини қондирган:

Бола эдик,  
Танлар – олов.  
Қалб – қайноқ,  
Кўзлар – ўткир,  
Диллар – соф,  
Эркин – эркин ўйнардик...  
Ҳаёт билан  
Қайнар эди  
Куй, қишлоқ.  
Бир ёнда тоғ,  
Бир ёнда боғ...  
Сув сочарди...  
Гул очарди...  
Кенг қўчалар...

Шоирнинг “Сиёб” шеърида ҳам жўшқинлик, ҳаётбахш руҳ етакчилик қилади. Ҳамид Олимжон дарё ва одам ўртасидаги боғлиқлик, жўшқинлик, тезкорликни сув оқими ва ёшлик ғайрат омухталигида тасвирлайди.

Ҳамид Олимжоннинг илк лирикасида ғаройиб бир ҳолат кўзга ташланади. Шоир баҳордаги ўсиш–ўзгариш, ҳаракатни ниҳоятда аниқ тасвирлайди:

Тиним йўқ, ҳар нафас сеп ёзар,  
Баҳор ечиб ўз тугунчагин.  
Тонгги куртак оқшомги ғунча  
Саҳар туриб очар чечагин.  
Дала юзин қоплар чечак – гул,  
Кулиб чиқар ёриб ер тагин,  
Зангор кўзларига тўлар нур,  
Шудринг билан ювар кипригин.

Шоир табиатни тасвирлар экан, унинг диёрга муносабати, Ватанга садоқати сезилиб туради. Ҳамид Олимжон Ўзбекистон фарзанди эканлигидан фахрланади: ўзини она – табиат, она – юрт, она – Ватаннинг ажралмас қисми эканлигидан қувончга тўлади.

Дарё гўзал... Осмонда юлдуз,  
Ой сузмоқда адир устидан.  
Соя солган кўкдан оқ булут,  
Фазоларга ўз уйқусидан.  
Кеча гўзал, дарё тинимсиз,  
Ағдармоқда сойнинг тошини  
Далаларга чўзиб оёғин,  
Қорликларга ўраб бошини.

(“Дарё кечаси”)

Шоир қалбининг гўзалликлари севги тасвирида аниқ кўринади.

Ҳар юракнинг бир баҳори бор,  
Ҳар бир қалбга ишқ бўлар меҳмон.  
Ҳар юракда гуллар муҳаббат,  
Бўстон этар уни бегумон.

Шоирнинг “Чимён эсдаликлари”, “Ҳолбуки тун...”, “Ишим бордир ўша оҳуда” шеърлари поэтик лирика

намуналаридир. Бу шеърларда шоир қалбининг сози, кўшиғи, мусаффолиги, улкан севгига ошиқаётганлиги аниқ кўриниб туради.

Усиз менинг тинчим йўқолур,  
Усиз юрак чолғусиз қолур,  
Усиз эсдан чиқар одатим,  
Унутилар бор саодатим –  
Ишим бордир ўша охуда.


Улкан истейдод соҳиблари аро дини, ирқи, миллатидан қатъи назар аллақандай боғлиқлик, алоқадорлик бўлади. Чўлпон Пушкиннинг бир шеърини ўзбек тилига аруз вазнида таржима қилган. А.С.Пушкиннинг “Мен сизни севардим” шеъри юзлаб тилларга таржима қилинганлиги маълум. Кичкинагина бу шеърда навниҳол ўспириннинг қалб мулкига назар солинади. Ўспириннинг севгиси атиргул, бинафша исига ўхшайди: кўпинча, дилда пинҳонлигича қолиб кетади, аммо унутилмайди. “Мен сизни севардим”даги севги сурурийлик, олижаноблик кўриниши. Ҳамид Олимжон А.С.Пушкин шеърини ўзбек тилига юксак маҳорат билан таржима қилган. Мазкур шеър, гарчи таржима бўлса-да, Ҳамид Олимжон лирикасининг гавҳарларидан. Уни тўлалигича ҳукмингизга ҳавола қиламиз:

Сизни севган эдим: қалбдаги олов  
Сўниб битмагандир ҳали, эҳтимол:  
Ранжитмасин лекин сизни ушбу ҳол,  
Койитмайман асло ва бўлмасман ёв.  
Сизни севган эдим: сокин, бенаво  
Жасоратсиз эдим, ғашда бедаво:  
Сизни севган эдим, содиқ, вафодор,  
Энди Ҳақ айласин бошқага дилдор.

Ҳамид Олимжон ижодини севги тасвирисиз тасаввур этиш мумкин эмас. У арузда, бармоқда, сарбастда севгини маромига етказиб тасвирлай олган.

На бўлғай бир нафас мен ҳам  
яноғинг узра хол бўлсам,  
Лабинг япроғидан томган ки  
гүё қатра бол бўлсам.  
Бутоғингга қунуб булбул киби  
хониш қилиб тунлар,  
Ўпиб ғунчангни очмоқлиққа  
тонг чоғи шамол бўлсам.

Ҳамид Олимжон жүшқин, юксак истеъдодли шоир эди. Унинг бетакрор асарлари шеърят шайдолари томонидан ҳамиша қайта-қайта ёд олинади, севиб мутолаа қилинади.



## ИНТЕЛЛЕКТУАЛ СИЙМО

Асқад Мухтор аспирантурада ўқиди, аммо олимлик йўлини тутмади. Олий ўқув юртида адабиётдан дарс берди, лекин педагогликни касбга айлантормади. У бадиий ижод йўлини ихтиёр этиб, ўнлаб шеър, насрий, адабий-танқидий-публицистик асарлар муаллифи бўлди. Истеъдоди, интилиши, изланишлари боис китобхон қалбидан муқим жой олди. Қанчадан-қанча ўзбек адабиётшунослари Асқад Мухтор асарларини тадқиқ, талқин ва таҳлил қилиб илмий унвон, даража олдилар. Ёзувчи ижоди, ҳаёти адабиёт дарсликларига кирди. Санъаткор ижодининг қирралари ёритилган китоблар ёзилди.

Асқад Мухторнинг деярли барча асарлари диссертациябоп, илмий хулосалар чиқаришга ниҳоятда ўнг келарди. XX асрнинг 60-йилларидан бошлаб, замонавий ўзбек адабиётидан илмий иш яратган, диссертация ёзган олимнинг биронтаси Асқад Мухтор ижодини четлаб ўтганини билмайман. Аксинча, аксарият олимлар Асқад Мухторни бевосита устоз деб биладилар. Бунинг боиси шундаки, унинг интеллектуал салоҳияти юксак эди, асарларининг моҳиятига ҳам шу хусусият сингиб кетган.

Интеллектуаллик зинҳор ақллиликнинг ўзгинаси эмас. У замон руҳини, тараққиёт тамойилларини табиатга, борлиққа сингириб юбориш қобилияти, инсондаги руҳий-маънавий-идрокий босқич, поғона. Истеъдодга омухта интеллектуаллик ноёб руҳий-маънавий бойликдир. Бошқача айтганда, Асқад Мухтор тоифасидаги санъаткорлар замону маконни тирик вужуддай аниқ тасаввур этадилар: унинг томир уришини, кайфиятини, эҳтиёжларини аниқ биладилар.

Қаранг, 50-йилларнинг охири – 60-йилларда ёшлар мавзусида ёзиш удум бўлди. О.Ёқубов, Ч.Айтматов, П.Қодиров, Н.Думбадзе сингари ёзувчилар ёшлар

ҳақидаги қиссалари билан машҳур бўлиб кетдилар. Асқад Мухтор “Туғилиш” романини ёзди-ю, ёшлар ҳақида қалам тебратаётганларнинг пешқадамига айланди. “Туғилиш” да роман тафаккури, ёшлар руҳи, замон ва макон фалсафаси бус-бутун акс этган эди.

70-йилларда замон ва инсон тақдири муаммоси бадиий тадқиқ этилди. Асқад Мухтор “Давр менинг тақдиримда”, “Чинор” романлари билан файласуф – интеллектуал санъаткор эканлигини кўрсатди-қўйди. 80-йиллар адабиётида инсоннинг руҳий-маънавий изланишлари, замон ва маконро бирликни англаб етишга интилишини кўрсатиш тамойили кучли. Асқад Мухтор “Бухоронинг жин кўчалари”, “Жар ёқасида чақмоқ” қиссалари, “Портрет”, “Бўлинишга қарши”, “Туш” сингари фалсафий-рамзий шеърлари билан замоннинг етук ёзувчиси эканлигини намойиш этди. Ёзувчи асарлари адабий-танқидий, фалсафий-эстетик баҳслар марказига айланди.

Асқад Мухтор интеллектуал санъаткор сифатида ўзбек адабиётидаги янгиликка интилиш, модерн адабиётни мукаммаллаштиришга ҳам муносиб ҳисса қўшди.

Асқад Мухтор шахсини унинг ижодидан, интеллектуал асарларидан айри ҳолда тасаввур этиш мумкин эмас. Унинг юриш-туриши, гап-сўзлари, ижтимоий фаолияти интеллектуал моҳиятини намоён қилиб туради.

1967 йилнинг авж баҳорида Асқад Мухтор, Одил Ёқубов, Пиримқул Қодиров, Озод Шарафиддинов, Абдулла Орипов Қаршига боришди. Мен Қарши пединститутини ўқитувчи эдим. Озод Шарафиддинов раҳбарлигида номзодлик диссертациямни ёқлаганимга салкам бир йил бўлган эди. Озод аканинг ҳамроҳлари – менинг қадрдон ёзувчиларим: ахир, Луқмонча, Муқаддас, Искандар сингари ёшлар характерини ёритиш – илмий ишимнинг асосий мақсади бўлган. Меҳмонлар Абдулла Орипов хонадониди бўлдилар. Шоирнинг ота-

онаси, акалари, уруғлари билан танишдилар. Меҳмонлар суҳбатидан Умаржон Исмоилов, Сувон Соқий, Аҳмад Ҳасанов, Бозор Орипов сингари қаршилик ижодкорлар ҳам маза қилдилар. Қарши атрофидаги чўлга ҳам чиқиб келинди. Меҳмонлар пединститутнинг ботаника боғига жойлашгандилар. Институтнинг ўша пайтдаги ректори Қурбон Ўлжабоев қўли гул, одамохун киши эди. Ботаника боғини жаннатга айлантириб юборган экан. Шу пайтдаги бу улуғ инсонлар даврасида бўлган унутилмас суҳбатларни ҳанузгача мароқ билан эслайман.

...70-йилларнинг охири. Ёзувчилар уюшмасининг мажлислар залида таржима бўлимининг бўлса керак, йиллик ҳисоботи ўтяпти. Залда одам тўла. Ҳайъатда 4-5 киши. Мажлисни Озод Шарафиддинов бошқаряпти. Унинг ўнг томонида Асқад Мухтор ўтирибти. Мажлис қизғин ўтяпти. Ҳар 5-6 минутда минбарга янги одам чиқиб, ўз қарашларини баён қилади. Минбар бўшаши билан ўша пайтлардаёқ анча кексайиб қолган бир ёзувчи шошмасдан юқорига кўтарилди, залга, ҳайъат аъзоларига қараб олди. Унинг ҳолати бошқачароқ эди. “Нотиқ” биринчи гапи биланоқ зални сукунатга чўмдирди: “Озод Шарафиддиновни фош қилишга киришиб кетди. Эмишки, О.Шарафиддинов ундоқ, О.Шарафиддинов бундоқ... бундайларни нафақат Ёзувчилар уюшмасига, балки халқ орасига ҳам киритиш мумкин эмас ва ҳ.к.” Залда жонланиш, ажабланиш, нотиққа зид кайфият бош кўтара бошлади:

- Ўйлаб гапиринг...
- Тўхмат ҳам эви билан-да...
- 30-йиллар ўтиб кетган...
- Раис, талаб қиламиз, шу одам минбардан тушсин...

Тасаввур қилинг, оқариб кетган, ўзини кўйишга жой тополмаётган Озод ака “нотиқ”ни тўхтата олмайди. Сабаби, минбардаги киши мажлис раисини “фош қиляпти”. Ўзи ҳақида гапирётган одамга Озод ака:

“Тўхтанг, биродар, минбарни бўшатинг”, деёлмайди. Шунда Асқад ака чап қўлини Озод аканинг ўнг қўли устига қўйди. Озод ака Асқад акага қаради: у босиқ, хотиржам, “нотиқ” гапига заррача ишонмаганини сездириб турарди. Озод ака ўзини босиб олди. Асқад ака ўрнидан турди, қўлидаги соатига қараб турганича:

– Домла, сизга ажратилган вақт аллақачон тугади. Сўз сўраганлар кўп... – деди ўта босиқ оҳангда... Нотиқ:


– Ҳозир, – деди-да, яна гапирмоққа чоғланди. Шунда Асқад Мухтор кескин, қатъий қилиб:

– Минбарни бўшатинг, йиғилганлар жиддий муаммоларни ҳал қилишмоқчи, – деди.

“Нотиқ” минбардан тушиб, жойига бориб ўтирганича, Асқад ака ундан кўзини узмади: унинг ақлли кўзлари, нурли юзлари “гапирарди”. Муҳими, залдагилар Асқад Мухторнинг бу “товушсиз” гапларини аниқ-тиниқ эшитар, унга ҳамфикр эканликларини сўзсиз изҳор қилар эдилар.

Орадан бирон дақиқа ўтди. Озод ака мажлисни қандай бошлаган, давом эттираётган бўлса, Асқад Мухтор уни ўша оҳангда давом эттирди. Фарқ шунда эдики, Асқад ака рўйхатга ёзилган кишига эмас, ўзи сингари ақлли, доно, адабиёт манфаатини кўзлайдиган Пиримқул Қодировга сўз берди.

Пиримқул ака ўзидан олдинги “нотиқ”нинг гапларини эшитмагандай, ўша мағзава гаплар бўлмагандай тарзда сўзга киришиб, бўлим олдида турган масалаларни дона-дона ифодалай бошлади. Шу куни Асқад Мухторнинг донолиги, муҳими, интеллектуал моҳияти яна бир бор намоён бўлди.





## ҲАЗРАТИ ИНСОН ЁДИ

Одамнинг кимлиги хандон отиб кулиб юборганида, суҳбатдошини тинглаётганида, бирон кимса, нарса, ҳодисани беихтиёр сўраб қолганида “яроқ этиб” кўринади. Раҳмат Файзий тенгдош дўстлари – ижодкорлар даврасида роса яйрарди. Саид Аҳмад, Туроб Тўла, Шухрат, Ҳамид Фуломнинг қизиқ-қизиқ ҳангомаларини тинглаб маза қилиб куларди. Раҳмат ака ақлини танибдики, одамлар орасида бўлди, минг-минглаб кишилар билан учрашди, суҳбатлашди. Айримлар суҳбат асносида тинглашнимас, кўпроқ гапиришни хоҳлайдилар. Раҳмат Файзий суҳбатдошини берилиб тинглай олиши билан эътиборни тортарди. Ёзувчилар уюшмаси раисининг ўринбосари бўлганида унинг қабулига кўплаб ижодкорлар, мухбирлар, яқин-йироқдан меҳмонлар келарди. У кам гапириб, кўпроқ тинглашга, таширфчи ҳожатини чиқаришга ҳаракат қиларди.

Дўстимиз Муҳсин Олимов кишилардаги нозик томонларни дарҳол илғайдиган, қалб дафтарига “ёзиб” қўядиганлардан эди.

– Ўртоқ, биласиз, уюшмада анча муддат маслаҳатчи бўлганман, – эслаб қоларди Муҳсинжон, – Раҳмат Файзий ўринбосар бўлганларида ҳам уюшмада ишлардим. Домла мени қачон, қаерда кўрмасинлар:

– Лазизхон яхши юрибтими? – деб сўрардилар. Ваҳоланки, кеча ёки бугун Лазиз Қаюмов билан суҳбатлашиб турганларини кўрганман. Муҳсинжон деярли ҳар куни бўладиган саволдан заррача хафа бўлмас, аксинча, Раҳмат аканинг содда, самимийлигини бўрттириброк, завқ билан сўзлаб берарди.

Одам ота-онасидан қайси маконда туғилганлигини аниқ айтади. Лекин у қаерларда ишлаганлигини бирдан, ўйлаб кўрмасдан айтиб беролмайди. Аслида, ҳақиқий одам бирон жойга ишга келадию ўша жойда доимийликка қолади. Раҳмат Файзий газета-журнал таҳририятида ишлаган, “Ўзбекистон маданияти” газетасига икки йил бош муҳаррир бўлган,

“Ўзбекфильм”нинг сценарий бўлимига раҳбарлик қилган. Ниҳоят, Ёзувчилар уюшмасида анча муддат Комил Яшиннинг ўринбосари бўлган. Бу вазифада ишлар экан, у инсонни қандай эъзозлаш, ҳурматини жойига қўйишни юксак даражада уддалайди. Кекса, маслаҳатга муҳтож одамлар Раҳмат Файзий олдида юрагини ёрар, бор гапини айтиб соларди. Раҳбар бақирмас, асабийлашмас, кўполлик қилмас, аксинча, суҳбатдошининг ранжига шифо топиш йўлини ахтарар ва, муҳими, уни топарди. Раҳмат Файзий насибаси узилгач, уюшма раҳбарлигидан кетди. Лекин, ё тавба, Раҳмат аканинг синчков, меҳрибон, самимийлигини Ўқтам Усмонов давом эттирди. Ўқтамжон жуда кўп жиҳатлари билан Файзий домлага ўхшаб кетади. У хонасига кирган одамни ўрнидан туриб қутиб олар, меҳмонни ўтқазиб кейин ўзи жойлашарди. Ў.Усмонов, Раҳмат ака сингари суҳбатдошини тўлиқ эшитиб бўлгач, маълум муддат хаёлга чўмарди: “Сизга қандай ёрдам берсам экан?”, — дея ўйларди. Умри қисқа экан, Ў.Усмонов ҳаётдан эрта кетди. Йўлдош Сулаймонни айтмайсизми?! У ҳам Раҳмат ака, Ў.Усмонов вазифасида ишлади. Инсонни эъзозлашда Йўлдошали ака ҳар иккала салафидан ўтса ўтардики, кам эмасди. Синчков, ўта маданий Раҳмат ака, Ўқтамжондан фарқ қилиб, Йўлдошали ака хонасидан момагулдирақдай қаҳқаҳа бот-бот эшитилиб турарди. Ҳожиакбар Шайхов ҳам Ёзувчилар уюшмасида Раҳмат ака, унинг гаройиб издошлари юмушини бажарди. Ҳожиакбар билан гаплашсангиз, ўзингизни фалакка учиб кетаётгандай, қизиқарли илмий муаммо калаваси қаршисида тургандек бўлардингиз. Шайхов қалами қуриб, ёзиш-чизишдан тўхтаб қолмаганларни ниҳоятда эъзозларди. У билан сўнгги учрашувимиз кечагидай эсимда:

— Абдуғафур ака, мана “Туташ тақдирлар”, мана “Шарқ юлдузи”нинг “Самовий муҳаббат” романим босилган сони. Булар сизга. Мен трилогиямни ёзиб тугатдим. Ҳозир қушдай енгилман, — деди. Қилинадиган бир-икки юмушлар ҳақида гапирди...

Мен Ў.Усмонов, Й.Сулаймон, Ҳ.Шайховда Раҳмат ака Файзиевдан ўтган одамохунликни кўраман. Ўшалар билан қурган бетакрор суҳбатларни қўмсайман. Уларнинг у дунёси обод бўлсин, одамларга қилган яхшиликлари ажри-савобини топсин.

Раҳмат Файзий ёшлар билан очилиб-сочилиб сўзлашарди, улардан жўяли насиҳатини, қўлидан келадиган ёрдамини аямасди. Ёш ёзувчилар жуда кўп масалалар билан унга мурожаат қилардилар. Уюшма раиси ўринбосари хонасидан деярли ҳеч ким ҳафсаласиз бўлиб чиқмасди. Устоз ёшларни кўп ёзишга, матбуотда бот-бот кўриниб туришга ундарди.

— Янги асарингизни ўқидим. Яшанг. Бўш келманг, — дейиш Раҳмат аканинг одатига айланиб кетган эди.

Халқимизда: “Салом ҳам, алик ҳам қарз”, — деган гап бор. Саид Аҳмад, Ҳамид Фулом, Шухрат, Шукрулло, Туроб Тўла ёшликларида замон қийинчиликларига йўлиқдилар, қатағон қиличидан тасодифан омон қолдилар. Лекин улар устозлар меҳрини ҳамиша ҳис қилдилар. Ойбек, Фафур Фулом, Абдулла Қаҳҳор сингарилар ҳар қандай вазиятда ёшларни ҳимоя қилдилар. Раҳмат Файзий авлоди Ойбек, Собир Абдулла, Уйғун, Яшин ҳурматини ўрнига қўярдилар, лекин Фафур Фуломга алоҳида муҳаббат билан қарарди. Саид Аҳмад, Шухрат, Ҳамид Фулом, Шукрулло, Рамз Бобожон Фафур Фулом ҳақида кўп ажойиб фикрларни айтганлар. Фафур Фулом зинҳор ўзини устоздай тутмас, шогирдлари билан тенгма-тенг муносабатда бўлар, айтилиш вақтда шогирдлари билан оғиз-бурун ўпишиб кетмасди. Лозим бўлса, шогирдига қаттиқ-қаттиқ гапирар, тежаб-тергаб танбеҳ берарди. Биронта шогирд юрак ютиб бундай паллада устозга қарши чиқолмасди. Лозим бўлса, Устоз шогирдини эркаларди, ўзи билан сафарга, бозор-ўчарга, учрашувларга олиб борарди, асарлари ҳақида ёш дўсти фикрини сўрарди. Фафур Фулом Р.Файзийни “Раҳматилла” деб чақирар, отаси Файзуллахўжа ҳол-

аҳволини сўрарди. Р.Файзий “Дўстлар меҳри” (“Ёш гвардия”, 1983) китобига Фафур Фулом ҳақидаги “Устоз меҳри” мақоласини киритган. Мақола гарча Фафур Фулом ҳақида бўлса-да, муаллиф унда ўз биографиясининг кўп томонларини ифодалаган.

Бир адабий анжуманда Фафур Фулом ғалати ўхшатишни қўлаган экан: “...биз ҳаммамиз... нима десам экан, агар катта паргарни Шўртепага (Хадра билан Толзор оралиғидаги тепалик) ўрнатиб, доира чизадиган бўлсак, ҳаммамиз ҳам шу доира ичида, яъни Хадра атрофидаги маҳаллаларда туғилиб, ўсанлигимиз аниқ бўларди. Хадрани азим бир дарахт деб фараз қилсак, унинг бир шохи Ойбекнинг, бир шохи каминанинг, бошқа шохлари Абдулла Авлоний, Файратий, Зиё Саид, Зулфияхоним, Манзура бону (Ойдин), Раҳмат Файзий ҳовлиларига соя ташларди” (30-бет).

Хадра деб фараз қилинган азим дарахт соясидан баҳрамандлик Раҳмат Файзийни Фафур Фуломга оханрабодай тортиб турарди. Раҳмат Файзий Фафур Фуломга ҳавас қиларди: унга ижодда ҳам, одамийликда ҳам яқин бўлишга интиларди. Иккинчи жаҳон уруши йилларида Фафур Фулом шоҳ асарларини ёзди, устоз, ота сифатида машҳур бўлди. Устознинг “Сен етим эмассан” шеъри Раҳмат Файзийнинг қалбига ўт ёқди. У уруш даври етимлари, уларнинг бошини силаган меҳрибон ота-оналар образини яратишни юрагига тугиб қўйди. Ёзувчи асосий асари, ижодининг бош китобини ёзишга узоқ тайёргарлик кўрди. Тошкентлик темирчи Шоаҳмад Шомаҳмудов ва Баҳри опа Акромова ҳақида лавҳа, мақола, очерклар ёзди. У темирчи уста оиласининг ўз одами бўлиб кетди. Ниҳоят, 1957 йилда Раҳмат Файзий романни ёзишга тайёр бўлди.

У юзлаб катта-кичик тимсоллар қиёфасини қалбида жонлантирди. Ёзувчи Й.Охунбобоев, У.Юсупов сингари раҳбарлар характерини ўрганди. Халқда: “Увоқ ҳам нон”, деган гап бор. Р.Файзий кўп миллат вакиллари фарзанд-

лари тимсолини яратиши лозим эди. Витя, Ляна, Коля, Сарсонбой, Абрам — бола. Айни вақтда тубли бир халқ вакили. Ёзувчи бунга ҳам назардан қочирмаслиги керак эди. Раҳмат ака Тошкент, тошкентликлар ҳақида мумтоз романни Абдулла Қодирий яратганини яхши биларди. Тошкентликлар ҳақида роман ёзишга чоғланган экан, Абдулла Қодирий анъанасини унутмаслиги зарурлигини ҳис қиларди. “Ҳазрати инсон” романига сўнгги нуқта 1968 йилда қўйилди. Роман ўн бир йил деганда ёзиб бўлинди. Ёзувчи катта, сераҳоли роман ёзди. У ўз асарига йиққан материалларини тўлиқ сингдиришга интилди. Асарда Тошкентнинг бетакрор руҳи, маҳаллалар ҳаёти, оилалар тарихи кенг тасвирланган. Роман янги материаллар, қаҳрамонлар эвазига тўлишиб, етилиб бораверади. Ёзувчининг “Ҳазрати инсон” романи тилга тушди, русчага, бошқа тилларга таржима қилинди. Танқидчилик роман ҳақида ёзди. Муҳими шуки, истеъдодли режиссёр Шухрат Аббосов роман асосида бадиий фильм яратишни орзу қилиб қолди. Сценарийчи ва режиссёр фильмни “Сен етим эмассан” деб аташни мақсадга мувофиқ деб билдилар. Раҳмат Файзий устози Фафур Фуломникига келди, бор гапни айтди. Фафур Фуломнинг ёшларга муносабатида ғаройиб тантилиги бор эди: “Осмонга чиқмоқчи бўлсангиз, нечун елкамни тутиб бермайин”. Фафур Фулом ҳеч иккиланмай: “Уруш даври етимлари ҳақидаги фильм, албатта, “Сен етим эмассан” деб номланади-да”, — деди. Раҳмат Файзий ва Шухрат Аббосов фильм сценарийси, фильмни суратга олиш жараёнида шавқ-завқ билан ишладилар. “Сен етим эмассан” — ўзбек кинематографиясининг шоҳ асари бўлди. Фильм “Ҳазрати инсон”га бўлган қизиқишни юз чандон ортириб юборди.

Ниҳоят, пок, қалби очиқ инсоннинг ишини Яратганнинг ўзи ўнглайди, деган гап бор. Раҳмат Файзий Фафур Фуломга ҳавас қилиб, “Ҳазрати инсон”ни ёзди. Истеъдодли режиссиёр Шухрат Аббосов роман

тўқимасидаги ажойиб киносценарийни “кўрди” ва Раҳмат акани сценарий ёзишга ундади. Натижа шу бўлдики, “Сен етим эмассан” фильми юксак парвоз қилди, юртлардан юртларга ўтди. Раҳмат Файзий романи, киносценарийси учун юксак мукофотларни олди.


Раҳмат Файзийнинг қон-қонига жамоавий турмуш тарзи сингиб кетган эди. Ақлини танибдики, у юртга қўшилди, маҳалла ҳаётига аралашди. Унинг отаси Файзулла ака маҳалланинг етакчиси, кайвониси эди. Ёш Раҳмат саводсизликни тугатиш курсларида ўқитувчилик қилди. Кейинчалик у газета-журнал ишига тамоман шўнғиб кетди. Таҳририятларда ҳақиқий ҳамфикрлари, дўстларини топди. Журналистика соҳаси Раҳмат Файзийни Шароф Рашидов, Мумтоз Муҳамедов, Ҳабиб Нуъмон, Воҳид Зоҳидов билан ҳамкор, ҳамфикр қилди. Кейинчалик у Георгий Марков, Вадим Кожевников, Комил Яшин билан қадрдонлашди. Унинг Иттифоқ Ёзувчилари уюшмасидаги обрўси ортди. Асарлари марказий журнал, нашриётларда чоп этила бошланди. Раҳмат Файзий ўнга яқин халқаро, умумиттифоқ ташкилот ва уюшмалари аъзоси эди.

Раҳмат Файзий ижоди танқидчиликнинг ҳам диққат марказида бўлди. Унинг уч жилдли “Асарлар”ининг биринчи томига Воҳид Зоҳидов “Улкан меҳр ва кураш куйчиси” сўзбошисини ёзди. Филология фанлари доктори Исроил Мирзаев “Раҳмат Файзий” адабий портретини яратди. Адабиётшунос Георгий Ломидзе “Буюк муштараклик туйғуси” китобида Раҳмат Файзий ижодига, “Ҳазрати инсон” романига алоҳида эътибор қаратди. Ёзувчилар уюшмаси раиси ўринбосари Раҳмат Файзий мунаққид, журналистлар билан бот-бот суҳбат уюштирар эди.

Раҳмат Файзий оилада намунали ўғил, вафодор эр, меҳрибон ота бўлган. Унинг икки фарзанди олим: Анвар физика-математика фанлари номзоди, Дилбар филология фанлари номзоди. Ҳар иккиси доцент. Умида

Файзиёва ЎЗМУ филология факультетининг аълочи талабаси эди, ҳар жиҳатдан одобли, етук қиз бўлган. Ҳозиргача Умида Файзиёва журналистика соҳасида қалам тебратмоқда. Унинг турмуш ўртоғи ёзувчи, қизи Адиба журналист. Хуллас, Раҳмат Файзийнинг серунум қалами фарзанду неваралари кўлида ҳаракатланмоқда.

Раҳмат Файзий ҳаёт бўлганида бу йил 90 ёшга тўлган бўлар эди. Орамизда Раҳмат Файзий йўқ. Аммо унинг асарлари вақт синовларидан ўтишга, мустақил адабий ҳаётини давом эттиришга ҳаракат қилмоқда.



## **ЎЗУВЧИ ТАҚДИРИ – АДАБИЙ АВЛОД ТАРИХИ**

Янги ўзбек адабиётининг даврлари аниқлашиб, етакчи хусусиятлари тиниқлашиб қолди. Аммо янги адабиётдаги авлодлар муаммоси ҳануз чигал, мураккаб. Фитрат, Ҳамза, Абдулла Қодирий, Абдулла Авлоний, Чўлпон янги адабиётнинг тўнғич авлоди намояндалари. Улар ҳаёти ва ижоди Миллий уйғониш даври адабиётида ўрганилади. Мазкур авлоднинг истеъдодли вакиллари янги ўзбек адабиётининг тамал тошини қўйди: роман, трагедия, лирика, комедия, болалар адабиётининг ҳақиқий намуналарини яратди.

Ойбек, Фафур Фулом, Абдулла Қаҳҳор, Боту, Уйғун, Ҳамид Олимжон, Шайхзода, Миртемир, Яшин, Усмон Носирлар мумтоз адабиёт, Абдулла Қодирий, Чўлпон ижодини ўрганиб шаклландилар. Ўзбек шўро адабиёти шу авлодни тан олди, унинг йўлини йўл, ижодини ижод дея тарғиб қилди. Горькийнинг “Она” сидан тарбия кўрган, Маяковский этагини маҳкам туган, Гоголу Чеховни қунт билан ўрганган шу авлод бўлди. Шу авлод қолдирган бой ижодий мерос улкан бир ҳақиқатни бус–бугун исботлайди: мажбурлаб ўқитиш, сунъий адабий ўзанга солиб юбориш бошқаю, қон–қонига сингиб кетган миллий руҳни, фитратдаги асил жавоҳирларни акс эттириш бошқа экан. “Қутлуғ қон”, “Сен етим эмассан”, “Соғиниш”, “Ўтмишдан эртактлар”, “Алишер Навоий”, “Тошкентнома”, “Сурат”, “Нахшон” сингариларнинг сирти сал силлиқлангани (замонавийлашгани) билан аслида ўта миллий, ўзбеккона асарлиги йилдан-йилга маълум бўлмоқда.

Саид Аҳмад, Асқад Мухтор, Шухрат, Шукрулло, Восит Саъдулла, Туроб Тўла, Ҳамид Фулом, Рамз Бобожон, Мирмуҳсин, Раҳмат Файзиев ўзига хос, зиддиятли авлод. Назармат, Шароф Рашидов, Зоҳиджон Обидов, Султон Акбарий, Пўлат Мўмин ҳам кўп хусусиятлари билан шу авлодга сингишади. Бу авлод шўро тузумига тенгдош. Социализм тарихи бу авлод биографиясига жуда мос келади. Саноатлаштириш, колхозлаштириш дейсизми;



қулоқларни синф сифатида тугатиш (отиш, қамаш, бадарға қилиш) дейсизми, 30-йиллардаги қаҳатчилик, ҳақиқий ҳаёт билан сиёсий-мафкуравий ҳаётдаги ўпирилишнинг пайдо бўлиши дейсизми; дунё миқёсида улкан қамоқхоналар тизимининг пайдо бўлишию кўз кўриб, қулоқ эшитмаган одамқушлик “саноати”нинг ишга тушиши дейсизми; жаҳон уруши ва урушдан кейинги душман излаш найранглари дейсизми, сиёсий-мафкуравий ҳаётдаги қаҳратондан кейинги хурфикрлилик, одамшавандалик, баҳорнинг тансиқ шабадаси дейсизми; 70-80 - йиллардаги сиёсий-мафкуравий ўйинлар ҳукумат ва фирқа раҳбарларининг ўзбошимчаликлари дейсизми ва ниҳоят, СССР аталмиш империянинг қулаши дейсизми – ҳамма-ҳаммаси Ҳамид Фулому Саид Аҳмадлар авлоди кўз ўнгида рўй берди.

Қирқ йил қирғин бўлса, ажали етган ўлади, деган башорат ҳақ экан: Восит Саъдулла, Шухратлар авлоди ҳаёт-мамот жангига кирди, қамалди, қийноқларга солинди, тазйиқ, хўрлик, хорлик азобини тортди. Лекин қаторидан хато бўлмади, занжир ҳалқалари узилмади. Шу авлод вакилларигина етмиш, саксон, ҳатто тўқсон йил умр кўрдилар. Истиқлол уларнинг қулфи дилини очди: айтадиганларини бемалол айтадиган, қалблари буюрганини эмин-эркин ёзадиган бўлдилар. Шукрулло, Саид Аҳмад мустақилликдан кейин қамоқхонадаги ҳаётларини, терговдаги дўқ-пўписаларни тўлиқ изоҳладилар. Шухратнинг “Олтин зангламас”, “Жаннат қидирганлар” романида жиддий масалалар ўртага қўйилди, етук, миллий характерлар яратилди. Ҳамид Фулом “Вафонинг узун йўли” мемуарини ёзди. Саид Аҳмаднинг “Топганларим ва йўқотганларим” асари хотира жанрида битилган ўзига хос асар бўлди.

Ўзбекистон халқ ёзувчиси Рамз Бобожон “Менинг ижодим — менинг ҳаётим” (1) номли катта мемуар — антология асарини чоп эттирди. Асар “Ҳаётимдан баъзи лавҳалар”, “Мулоҳаза ва мунозара”, “Ҳамдард

қаламқашлар нигоҳида”, “Диалог”, “Садо ва акс-садо”, “Беғубор кулгу” бўлимларидан ташкил топган. Муаллиф ўзининг мақола ва нутқларини, қадрдонларга юборган ва улардан олган телеграммаларини, ижоди ҳақида ёзилган мақола, тақриз, истакларни; қадрдонлари ҳақида ёзилган ҳазил шеърларини тўплаган, муҳими, ўз ҳаёт, ижод йўли ҳақида маълумот, далилларга бой биографиясини битлади. Тўғри, китоб композициясида биров паришонлик, уюшмаганлик бор. Юборилган телеграмма ва олинган шошилинич хатлар кўпроқ хусусий характерга эга. Ажабки, Рамз Бобожон тарихий—адабий воқеаларни ишонарли, худди яқиндагина рўй бергандай акс эттиради. У ярим аср мобайнида Ўзбекистондаги адабий ҳаётнинг марказида бўлди, кўп адабий-ижодий тадбирларга бош—қош бўлди.

Китоб шундан далолат берадики, Рамз Бобожон хайрихоҳ, бағри кенг инсон сифатида одамларга яхшилик қилган. Кимдир Рамз Бобожон амалдор бўлган палласида Уюшмага аъзо бўлганини, китобини чоп эттирганини, моддий-маънавий наф кўрганини эслайди. Таъкидлаш жоизки, Рамз Бобожон, Ҳамид Ғулом, Мирмуҳсин, Раҳмат Файзий, Асқад Мухтор, Туроб Тўла дуруст-дуруст лавозимларда ишладилар, адабий—маданий ҳаёт марказида бўлдилар. Нашриёт, газета, журналларда бош муҳаррир бўлганлар, Ёзувчилар уюшмасида узоқ вақт лавозимда ишлаганлар, кино, радиостудияда етакчилик қилганлар ҳам Рамз Бобожон авлодининг намояндалари эди. Рамз Бобожон қайси мавзуда гап бошламасин, ўз авлоди ҳақида фикр юрита бошлайди.

“Менинг ижодим — менинг ҳаётим” китобида “эсласам”, “ўйласам” дея бошлаган лавҳа, воқеалар қизиқиш билан ўқилади. Шоир Рамз Бобожон саксон ёш довомида туриб босиб ўтган шахсий, оилавий, ижтимоий, адабий фаолиятини синчиклаб кузатади.

Ровий — ҳикоячи катта бобоси Бобожон карвон. XX аср бошларидаги ижтимоий-сиёсий ҳаётда тўлиб-тошган

бобоси Очил Бобожон, камгап, саводли, отаси Насриддин, улуғ момоси, бувиси, онаси, ака-укалари ҳақида қизиқарли маълумотларни келтиради. Кексалик китобидаги нурдай беғубор, шоир билан сал кам олтмиш йил бирга яшаган, унинг қалбидан чуқур жой олган. Сурайё Мансур қизи Ризаева образи кўзга аниқ ташланади. Рамз Бобожон “Сурайё юлдузидан шуълалар” шеърӣ тўпламини ва вафодор ёри хотирасига бағишлайди. Шу тўпланда шоир қалбининг ҳарорати аниқ сезилади. Озод Шарафиддинов Рамз Бобожоннинг мазкур тўплами ҳақида жозибали тақриз ёзади.

Рамз Бобожон тағли-тахтли оилада тарбия кўрган, севгида ёлчиган, аҳил оилада ҳузур-ҳаловат топган инсон. Лекин шоирнинг ҳаётдаги йўли осон бўлмади. Рамз Бобожон ўз авлоди дуч келган қийинчиликлар ҳақида ёзади: “...не савдолар бошимизга тушди. Наҳотки, бизнинг авлод манглайи шунчалик қора бўлса! Ўттизинчи йиллар бошланган очлик, кўп ўтмай маънавий қаҳатчиликка уланиб кетди, қамоқ, лагер... Кўп вақт ўтар-ўтмас уруш, қирғинбарот... Ниҳоят, яна ялписига қама-қама, эллагинчи йиллар фожиаси... Тухмат, фисқ-фужур... Бегуноҳ кишиларга, айниқса, зиёлиларга қўйилган, ўйлаб топилган, зўрлаб ёпиштирилган сиёсий айблар... Лекин тошни кемириб, сувни симириган ўрта авлод, гурур билан айта оламанки, ўзбек адабиётининг қарийб ярим асрлик юкани даст кўтарган ҳолда баланд-паст йўллардан ўтди, баъзан талофат бериб, баъзан ўлжа олиб, шарафли кунга етиб келди” (35-бет).

Рамз Бобожон авлоди Абдулла Қодирий, Чўлпон, Фитрат, Боту, Усмон Носир суҳбатларида бўлди, асарларини кунт билан ўқиди. Шўро давлати, комфирқа бу авлодни ўз томонига бус-бутун буриш учун жамики имкониятлардан фойдаланди. ВКП(б) Марказий Комитетининг 1946, 1948 йиллардаги бир неча қарорлари Р.Бобожон авлодини чиғириқдан ўтказди. Туроб Тўла

“Жон Ўзбекистон” деган шеър ёздию балога қолди. Шу пайтда умумиттифоқ бўйлаб, космополит, миллатчиларни ахтариш кучайган эди. Туроб Тўла Ўзбекистондаги “сосюрочи”га чиқариб қўйилди. Гап шундаки, украин шоири Сосюра “Менинг Украинам” деган шеър ёзган бўлиб, шеър миллий маҳдудлик ғоясини тарғиб қилувчиликда айбланганди. Туроб Тўла Сосюрани умуман танимаган, унинг ижодидан беҳабар бўлган. Бундай қалтис вазиятда Туроб Тўла гап-сўзларига ким эътибор беради дейсиз?! Туроб Тўла нари олиб борилиб, бери олиб келинди, лекин қамалмади. Иккинчи жаҳон урушида қатнашган Шухрат, дуппа-дуруст ижод қилиб юрган Саид Аҳмад, Шукрулло қамалиб кетди. Шўро тузуми узоғи билан ҳар 5-10 йилда мафкура майдонида “тозалаш” уюштиришни одат тусига киритган эди. 60-йилларда “ўзбошимча”, “бетга чопар” Андрей Вознесенский, Искандар, Булат Ақуджава, Василий Аксёнов, Евгений Евтушенко, Белла Ахмадулина, Фозил Искандарларнинг таъзирини бериб қўйиш жараёни авж олди. Миллий адабиётлардан зўр бериб “ўзбошимча”лар издошлари излана бошланди. 70-йилларда А.Солженицин, И.Бродский, В.Войнович, С.Довлатов сингарилар чет элларга бадарға қилиндилар. Ажабки, ўз юртига сиғмаган А.Солженицин, Иосиф Бродский адабиёт соҳасида Нобель мукофоти билан тақдирланди.

Шўро даврида бўрк дейилса, бош олиб келиш тоифасидаги ишлар кўп бўларди. Партиянинг 1946-1948 йиллардаги қарорларидан кейин “хушёрлик”, “эҳтиёткорлик” шу даражага етдики, уларни латифа тарзида айтиб бериш мумкин бўларди. Р.Бобожон ёзади: “Эсласам, бир йиғинда А.Саъдий деган профессор минбарга чиқиб, кимнингдир “Аму” деган шеърини танқид қилган эди: “Бу шеърда гап қайси Аму ҳақида кетяпти. Афғонистондан ўтадиган Амуми ёки советнинг Амударёсими?” — деб. Танқиднинг нимкосасини билиб олаверинг, мободо, душман топилмаса, чироқ ёқиб излашарди” (38-бет).

Мунаққид Озод Шарафиддинов худди шу воқеани “Абдулла Қаҳҳор” китобида аниқ фактлар асосида кўрсатади: “Шу ўринда бир воқеани эслаймиз. Бу воқеа бугун бир бемаъни латифага ўхшайди — бу китобхоннинг кулгисини кўзгатиши мумкин, холос. Аммо, афсуски, бу гаплар 1946 йилда жуда юксак ва мўътабар минбардан — ВКП(б) Марказий Комитетининг “Звезда” ва “Ленинград” журналлари ҳақидаги қарорининг муҳокамасига бағишланган йиғилиш минбаридан айтилган эди. Тажрибали адабиётшунос, профессор Абдурахмон Саъдий айрим ўзбек ёзувчиларини гоёсизликда айблаб шундай деган: “Энди Уйғуннинг “Раққоса” шеърини кўрайлик. Қандай раққоса бу — совет раққосасими ёки бошқами? Ахир буржуа жамиятида ҳам раққосалар кўп. Йўқ, бу ўринда совет раққосаси кўринмайди...”

Менинг собиқ шоғирдим Зулфиянинг “Хаёл” шеъри ҳақида бир оғиз гапираман. Бу шеър, ўртоқлар, юз процент индивидуалистик буржуа поэзиясининг намунаси... Миртемирнинг “Амударё” шеърини олайлик. Шеърни ўқиб чиққач, ўзингга ва шоирга савол берасан — қайси Амударё бу? Феодал давридагими?.. бундай асар ҳеч нарсага ярамайди. Бу Миртемирнинг жуда катта гоёвий камчилигидир” (ЎзССР Марказий Давлат Архиви. Фонд 2356, опись 1, дело 115, 30-саҳифа. Б. 174-175).

Шундай қалтис вазиятда эмин-эркин ижод қилиш мумкинмиди? Аксинча, ҳар бир одам, ижодкор ўзини муҳофаза қилишни, оиласи, болалари тинчлигини ўйлаб қолади. Барибир, қанчадан-қанча ижодкор тухмат балосига йўлиқдилар: қамалдилар, тазйиққа олиндилар... Ўша пайтларда Рамз Бобожон тепасида ҳам қора булут айланиб қолди. Шоир таваккал қилди-да, Ўзбекистон Давлат хавфсизлиги қўмитаси раиси генерал Бизевга шошилинч телеграмма йўллади. Унинг қабулида бўлди. Кечагина пишқириб юрганларнинг попути дарҳол пасайди...

XX асрнинг 50-йиллари ўртасига келиб Шўро давлатидаги сиёсий-мафкуравий вазият ўзгарди,

хурфикрлилик шабадаси эсиб қолди. Файласуф, нафосатшунослар гуманизм, гўзаллик муаммосини қайта кўриб чиқиш зарурлигини қатъий таъкидладилар. 60-йилларга келиб шўро давлатида алоҳида инсон, оддий фуқаро ранжига шифо бериш, гўзаллик тушунчасини ҳаётдагидай кенг, ранг-баранг англаш лозим, деган фикр эстетика фани моҳиятига киритилди. Гуманизм, гўзаллик муаммосининг қайта кўриб чиқилиши санъат ва адабиётда катта ўзгаришларни вужудга келтирди. Мазкур муаммоларнинг ҳаққоний ҳал қилиниши соцреализмнинг сохта, асоссиз эканлигини аниқ-тиниқ кўрсата бошлади. Мана шундай бурилиш даврида Р.Ҳамзатов, Қ.Кулиев, Э.Межелайтис, М.Карим, Ч.Айтматов, Н.Думбадзе, Д.Қўғилтинов сингари кичик миллатларнинг улкан санъаткорлари ўзларини яққол кўрсатдилар. Янги оқим Евгений Евтушенко, Андрей Вознесенский, Роберт Рождественский, Белла Ахмадулина, Валентин Распутин сингари ижодкорларни кашф этди. А.Солженицин, В.Войнович, А.Рибаков сингарилар қатағон йилларидаги фожиалар илдизини оча бошладилар.

Осиё ва Африка мамлакатлари ёзувчиларининг 1958 йилда ўтказилган илк конференцияси “Тошкент руҳи” деган атамани оламга танитди. Ушбу конференциянинг 1962, 1967, 1973, 1976 йилларда Қоҳира, Байрут, Деҳли, Олмаотадан ўтган анжуманлари ўзбек адабиёти, унинг намояндалари номларини оламга танитди. Зулфия, Ҳамид Фулом, Рамз Бобожон, Сарвар Азимов сингарилар дунё кездилар. Расул Ҳамзатов, Қайсин Кулиевлар Зулфияни ўз қаторларига қўшдилар — кичик халқларнинг улуғ адабиёти сафини кенгайтirdилар. Зулфия ижодида Осиё, Африка, Жаҳон нафаси сезила бошлади.

Рамз Бобожон авлоди 60-йилларнинг охирига келиб, ўзбек адабиёти юкини елкасига олди. Саид Аҳмад, Шухрат, Асқад Мухторнинг роман, қисса, шеърлари чоп этилди. Ҳамид Фулом катта-катта романлар; қитъалар, юртлар ҳақида поэма, баллада, шеърлар ёзди. Мирмуҳсин ҳам наср,

ҳам назмда кўплаб асарлар битди. Рамз Бобожон ҳам ижодкор, ҳам жамоат арбоби сифатида танилди: у кўп юртларда бўлди, дўстлар орттирди, адабий анжуманларда иштирок этди. “Менинг ижодим – менинг ҳаётим” китобида бу ҳақда кўп маълумот берилган.

Ўйлаб кўрилса, Расул Ҳамзатову Ҳамид Фулом ҳам, Мустай Кариму Раҳмат Файзий ҳам, Сарвар Азимову Фозил Искандар ҳам, Саид Аҳмаду Шукрулло ҳам Рамз Бобожон авлодидан. Зулфия, Расул Ҳамзатов, Қайсин Қулиев, Давид Қуфилтинов, Чингиз Айтматов, Шухрат, Нодар Думбадзе сингари инсон руҳини теран тадқиқ этдилар. Ҳар бир инсон бетакрор дунё эканлигини бадиий исботлаб бердилар. Аслида, ҳақиқий ижод – мана шу: инсон руҳи, фитратини тиниқ ёритиб бериш. Лекин айрим ёзувчилар замон ўзгарганига, эстетик категориялар қайта қурилганига қарамай, эски ўзандан – социализм йўриғидан, “Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!” деган даъватдан қутилиб кета олмадилар. Аксинча, улар қаерда, қачон, қандай муносабат билан бўлмасинлар, қатъий равишда шўро давлати, фирқа мафкурасини жон-жаҳдлари билан ҳимоя қилдилар. Тилимизга: “Мафкуравий фронт жангчилари”, деган бирикма кириб келди. Мафкура fronti жангчилари комфирқанинг қотиб қолган ғояларини ҳимоя қилишни асосий мақсад қилиб олдилар.


П.Қодиров, О.Ёқубов, Э.Воҳидов, А.Орипов, Ў.Умарбеков, Ш.Холмирзаев, Ў.Ҳошимов, У.Назаров сингарилар асарларида инсонни бадиий тадқиқ этиш, мафкуравий қуюшқонларни четга-суриб ташлаш хусусияти аниқ сезилади.

Мақсуд Шайхзода, Миртемир, Зулфия ижодларида инсоний дард, армон, руҳдаги тинимсиз кураш кўрсатиб берилди. Инсонни бадиий тадқиқ этиш миллийликни тақозо этади. Демакки, адабиётда миллийлик, тарихий мавзуларни дадил кўтариш сезила бошлади. Рамз Бобожон юзлаб асарларида куйланган Юсуф ва Зулайҳо тимсолига

диққатини қаратди. “Юсуф ва Зулайҳо” драмасида ўзигагина хос гапни, бадий бетақрорликни ифодалади.

Рамз Бобожон авлодидаги ёзувчилар ниҳоятда баракали ижод қилдилар. Элликка яқин роман, ўнлаб қисса, поэма, туркум, қанчадан-қанча шеърӣ тўпламлар – мана шу авлоднинг бадий мероси. Ажабки, улар асосан XX асрдаги ўзбек ҳаётини қаламга олдилар. Коллективлаштириш, саноатлаштириш, Иккинчи жаҳон уруши, кўриқ ерларни ўзлаштириш, янги шаҳарларнинг бунёд қилиниши сингарилар ҳақида ёздилар. Асарларида ҳукумат ва фирқа раҳбарлари, амалдорлари, рус кишилари образларини яратдилар. Шухрат, Шукрулло, Саид Аҳмад асарларида қамоқхоналар ҳаёти, терговчию прокуратура ходимлари образи маромига етказилиб тасвирланди.

Рамз Бобожоннинг “Менинг ижодим – менинг ҳаётим” китоби кўп масалалар ҳақида ўйлаш, мулоҳаза юритиш имконини беради. 85 йиллик умри давомида Рамз Бобожон не-не воқеаларни кўрмади, билмади?! Китоб муаллифи, “Хотима”да ёзади: “...қўлингиздаги нақдинадан сўнг навбат кутиб турган “Қора ва оқ” деган китоб уни тўлдирса ажаб эмас. Азизим, яна янги ижодий саҳифаларда учрашгунча, хайр!”.





## ЗАМОН САНЪАТКОР ТАЛҚИНИДА

XX асрнинг ўрталарида адабиётга янги руҳдаги авлод кириб келди. Пиримқул Қодиров ўзбек адабиётидаги ана шу авлоднинг пешқадам намояндаси бўлди. Истеъдодли сиймо борки, замон билан муносабатини мустаҳкамлаб олади. Марказдан йироқ тоғ қишлоқда 1928 йил 25 октябрда туғилган Пиримқул Қодиров йигирма олти ёшида малакали шарқшунос, фан номзоди, ёзувчи, ҳавас қилгулик оила бошлиғи бўлди. У иш фаолиятини Москвада, Иттифоқ ёзувчилари уюшмасининг ўзбек адабиёти бўйича маслаҳатчиликлдан бошлади.

“Уйимиз тор бўлса ҳам кўнглимиз кенг”, – деган гапни Пиримқул ака илк бор айтгандай туюлаверади менга. Унинг бир хонали масканида не-не ўзбек зиёлилари, ёзувчилари, қишлоқдошлари, таниш-билишлари кўноқ бўлмади?!

Истеъдодли, киришимли ўзбек йигити Мухтор Авезов, Константин Симонов, Абдулла Қаҳҳор, Миртемир, Зулфия, Шухрат, Чингиз Айтматов сингарилар ҳурматини қозонди, Озод Шарафиддинов, Матёқуб Қўшжонов, Жуманиёз Жабборовдай дўстлар ортгирди, уларга ўз вақтида жўяли йўл-йўриқ кўрсатди.

Пиримқул Қодиров ёш ёзувчи деб аталадиган босқични деярли ўтамади. Олимлик диссертациясини ҳимоя қилгач, “Уч илдиз” романини ёзишга киришди, хаёлида бир қанча асарлар ғояси етила бошлади.

Ёзувчининг олтимиш йиллик ижод йўли уч даврга бўлинади. Ҳикоялари, “Қадрим”, “Эрк”, “Мерос”, “Акрамнинг саргузаштлари”, “Яйра ўқишга кирмоқчи” қиссалари, “Уч илдиз”, “Қора кўзлар”, “Олмос камар” романлари, драма, қатор мақолалари ёзувчи ижодининг биринчи босқичи самаралари. “Юлдузли тунлар”, “Авлодлар довони” романлари – иккинчи босқичининг кўркем намуналари. “Она лочин видоси” романи, “Амир Темур сиймоси”, “Тил ва эл” илмий бадиалари, “Қалб

гавҳари” мақолалар тўплами, бир қанча илмий-эстетик тадқиқотлари П.Қодировнинг мустақиллик даврида яратган асарларидир. Ёзувчи ижодини ёритишда асарлари сони, ёзилган вақтини асос қилиб олмадик. Унинг асарларидаги изчил мантиқ, фалсафий мушоҳада, юксак бадиийлик диққатни тортади. Ёзувчи асарларида тафаккур уммонининг шитоб оқими, изчил боғлиқлиги, мураккаблиги акс этиб туради. Адиб яратган бадиий асарларни, бадиаларни, илмий-талқиний ишларни кузатсак, оддийликдан мураккабликка, ҳаётий воқеа-ҳодисалардан кенг умумлашмалар чиқаришга интилиш яққол кўринади. Муҳими, санъаткор енгил, жўн муаммоларни кўймайди. У шундай мураккаб вазият, ҳолатларни тасвирлайдики, зукко адабий қаҳрамонлар ҳам ўйга толади, мавжуд имкониятини муаммони ҳаққоний, теран ечишга йўналтиради. Кўйилган бадиий-фалсафий муаммолар ечими ёзувчининг ўзини қизиқтиради, унинг санъаткор-мутафаккирлик эҳтиёжи шундай йўсинни тақозо этади. Зиддиятлар, баҳслар, руҳий-маънавий тортишувлар йўлидан бориш – ёзувчи услубининг муҳим хусусияти. У атайин мураккаб, файласуфу санъаткорлар диққатини аввалдан жалб этиб келган муаммоларга қўл уради.

Аслида, одамзот айтмаган гап, ўйламаган муаммо қолмаган, ҳисоби. Моҳир санъаткор мангу муаммоларнинг замонавий ечимини топади, айtilган фикрлар маъносини янгилайди. Барча замонларда, ҳар хил юртларда ёзувчилар сероб бўлган. Аммо минглаб адибу шоирлардан саноклисигина замоннинг чўнг гапини айтган, улкан муаммони даст қўя олган. Чин санъаткор, мисоли, сор лочин: у замонлардан замонларга эркин парвоз қилади, истеъдоди юксаклиги даражасига кўра ўзига хос вақт бирлигини яратади. Амир Темурнинг келини, Улуғбекнинг онаси Гавҳаршодбегим ҳақида не-не гаплар айтилиб, қанчадан қанча бадиий, тарихий асарлар ёзилмаган?! П.Қодиров илк Ўзбек оймилардан бири Гавҳаршодбегим

ҳақида ўз бадиий-эстетик қарашини кўрсатди — “Она лочин видоси” романини ёзди. Асарда хонзода аёлларнинг мураккаб табиати, фарзанду набираларига муносабати янги ракурсдан — П.Қодиров қарашлари нуқтаи назаридан ёритилди. Гавҳаршод бегим узоқ умр кўрган, ҳар хил одамларни кўравериш кўзи пишган темурий хонзодалардан. Улуғбекни туққанида Амир Темур келинини дуо қилган, “йирик-йирик лаъллар қадалган бир жуфт олтин сирға” берган. Умри давомида Гавҳаршод бегим қайнотасини улуғлади: болалари, неvara, чеваралари бобосидай бўлишини ҳавас қилди. Шоҳруҳ Мирзо ариқлар қазитган, мадраса, масжид, йўл-кўприклар қурдирганида дил-дилидан қувонади. Гавҳаршод бегим ҳаётида қувончли йиллар, аламли даврлар мўл бўлди.

Пиримқул Қодировнинг “Она лочин видоси” романи, Гавҳаршод бегим тимсоли Амир Темур билан Мирзо Бобурни боғлайдиган кўприк мисолидир. Яратганнинг карами билан Гавҳаршод бегим Улуғ Темурга келин, Шоҳруҳ Мирзога хотин, Мирзо Улуғбекка она, навниҳол Алишернинг илк ғазалларини тинглаган зурафо, туғилажак Бобур шоҳга улуғ момо бўлди.

Авлиё онанинг маънавий-руҳоний стуклик йиллари ношукур, жангари неvara-чевара (темурийзода)ларнинг ўзаро жанглари, тахт талашишлари палласига тўғри келди. Абдулатиф падаркушлик қилиб, момоси қалбини жароҳатлади, Алауддавла катта онани ҳамиша эзиб, қийнаб келди. Заҳириддин Бобурнинг бобоси — Умаршайх Мирзонинг отаси Абусаид Гавҳаршод бегимни қатл эттириб, мангу маломатга қолди. Донишманд санъаткорлар ҳис-туйғуга эрк бермайдилар. Аммо улар асарларида шундай тасвирлар учрайдики, китобхон адабий қаҳрамон руҳиятини бутун борлиғи билан ҳис қилади: “Самарқандга, Амир Темур мақбарасига етиб борганларида Гавҳаршод бегим Улуғбек қабрини худди бешик каби қучоқлаб, елкалари силкина-силкина узоқ йиғлади. Улуғбек

гўдаклик пайтида бегим кечалари унинг бешигига бағрини бериб, бола эмизганлари ёдига тушди. Шундан кейинги эллик беш йиллик ҳаёт кўз олдидан яшин тезлигида ўтди. Лекин хаёли ўзига келганда гўдакнинг илиқ нафаси келадиган бешикни эмас, қирралари кўкрагига ботиб турган совуқ қабр тошини кучоқлаб йиғлаётганини кўрди ...” (“Она лочин видоси”, 125-бет). “Она лочин видоси” романида Пиримқул Қодиров Гавҳаршод бегимни ўзи англаганидай, билганидай тасвирлади.

Амир Темур жаҳон тарихи саҳнасига кўтарилиб, эллар-юртларга танилибдики, у ҳақда юзлаб, минглаб илмий, хотира, бадиий асарлар яратилди. Кечагина, Шўро даврида Улуғ соҳибқиронни саводсиздан саводсизга, босқинчидан босқинчига, қиличидан қон томган золимдан золимга чиқариб маломат қилганлар озмунча эдими?! Жаҳон адабиёти, санъати, тарихида Амир Темур сиймоси не-не алфозда кўрсатилмади? Мустақилликдан кейин Улуғ бобомизни алқаб, мақтаб ёзилган қасидаю дostonлар, насрий асарлар урчиб кетди. Амир Темурнинг асл моҳиятини, инсоният тарихидаги ўрнини ҳаққоний кўрсатиб берадиган илмий, бадиий асарга эҳтиёж кучли эди. Ўзбек адабиётида Буюк Темур ҳақида бир нечта жиддий асарлар яратилди. Пиримқул Қодиров бадиий, тарихий темуршуносликка ўзининг муносиб ҳиссасини қўшди. Устоз Қодиров Амир Темур ҳақида юзлаб асарларни синчиклаб ўрганди, талқин қилди, баҳолади. У Улуғ Темур ҳақида олмосдай тиниқ ҳақиқатни ифодалаган олимларга ўзи, халқи номидан таъзим қилди. Буюк бобомизни атайин мазамат қилган, у ҳақда сохта уйдирмаларни айтган зотларга тегишли жавобни қайтарди. Аслида-ку, Амир Темурни ХХI асрда улуғлар, буюклар қаторига муҳтарам юртбошимиз, Президентимиз қайта кўтарди. П.Қодиров тажрибали санъаткор, олим, кўпни кўрган-билган сиймо сифатида Амир Темур ҳақида ўз сўзини айтди – “Амир Темур сиймоси”ни илмий бадиа кўринишида намоён этди. Бу

асар ҳақида гап айтиш учун кишида маънавий-руҳий-илмий ҳуқуқ бўлиши керак. “Амир Темур сиймоси” тоифасидаги асарлар ҳақида ёзиш катта масъулиятни, граждон сифатидаги бурчни тақозо қилади. Афсуски, бу асар ҳақида чала-чулпа, юзаки, эрмак тарзида битилган тақризлар пайдо бўляпти.

Заҳириддин Муҳаммад Бобур-чи? Бу дилбар сиймо, қўлида шамшир ўйнатиб, оёғини узангидан узмасдан яшашга мажбур бўлган шоҳ армонлари, изтироблари ҳақида жаҳон адабиёти, тарихида озмунча асарлар ёзилганми? Тангри тоғидай чўнг “Бобурнома”нинг борлиги боис унча-бунча ижодкор Бобур мавзусига журъат этиб қўл уролмаган. Шўро давлати, мафкураси шоҳу беклар, ўтмишнинг нурли сиймолари ҳақида асар ёзилишини сира-сира истамаган. Шундай мураккаб вазият, қийинчиликларга қарамай, П.Қодиров Бобур мавзусига қўл урди, ижодининг нурли чўққилари бўлиб қолган “Юлдузли тунлар”, “Авлодлар довоғи” диалогиясини яратди. Шўро мафкурачиларининг бу асарларга ҳужум қилиши кутилганди. П.Қодиров Бобур, бобурийлар ҳақидаги романларини чоп эттиргунча не-не қийинчиликка, руҳий изтиробларга дуч келмади?

Амир Темур, Бобур, Хумоюн, Акбар шоҳ мавзусига қўл уриш бошқа, уни амалга ошириш, улкан характерлар яратиш бошқа. Пиримқул Қодиров қандай мураккаб ижодий ишга қўл ураётганини теран англади. Ҳақиқий санъаткор жиддий мавзунини ўзигагина хос йўлдан бориб ёритади: қаердадир, қачонлардир ёқилган гулханлар тафтидан фойдаланишни хаёлига келтирмайди. Шундай хавф П.Қодиров олдида, кам бўлса-да, бор эди. “Амир Темур сиймоси” асари тархини у тамоман янгича чизди. Бир томондан темуршунослик тарихи ўркач-ўркач бўлиб кела бошлади: ёзувчи уларни нозик кузатди, ақл тарозусида заргарона ўлчаб баҳолади. П.Қодиров Темур ҳақида ким, қачон, қаерда фикр айтганини эмас, қандай гоё асосида хулоса чиқарилганини асос қилиб олади. У

тапт тортмай номдор рус академикларидан А.Ю.Якубовский, В.В.Бартольднинг Темурга нисбатан ноҳолис қарашда бўлганларини ёзади. Аксинча, хориж тарихчиларидан М.Иванин, М.Шармуа, М.Арнолдов, Л.Керенларнинг холис, илмий теран хулосаларини самимий тан олади.

“Амир Темур сиймоси” асаридаги илмий ўзан бадиий талқинга қўшилади: яхлит илмий-бадиий йўсинни вужудга келтиради. П.Қодиров илмий таҳлил, бадиий талқинда ҳам жонли, ҳаракатчан инсонлар фаолиятини, фитратини асос, таянч қилиб олади.

Амир Темур деганда аксарият кишилар бир қўлида қилич ўйнатиб, иккинчи қўлида учқур оти жиловини тутган, бутун кўринишидан қатъият, жасорат сезилиб турган лашкарбошини тасаввур қиладилар. Ваҳоланки, Амир Темур нозик қалбли, тиниқ ақлли, теран мушоҳада юритувчи ИНСОН бўлган. У яккаю ёлғиз эгачиси Қутлуғ Турконни еру кўкка ишонмаган, фарзандларини оталик меҳри билан суйган. Йигирма ёшли Жаҳонгир Мирзо вафот этганида шашқатор ёш тўккан, келини Севинч бекага: “Энди сен келиним эмассан, боламсан”, деган. Оламини титратган Буюк Темур донишманд, суюкли хотини Сароймулкхонимни ўта эъозлаган, садоқати, ҳамфикрлигини юксак қадрлаган. Темур кескин, бир сўзли шоҳ бўлган: амиру амалдорлари унга тик қарамаган. Айни вақтда бирор жиддий ишга қўл урса, улуғлар маслаҳатига қулоқ солган, ҳар бир иши режали, пухта бўлган, таваккал қилиб жангу жадални бошламаган. Унинг ўзгагина хос саркардалик услуби, жанг қилиш йўриғи, тартиботи бўлган. Амир Темур амирларини қаттиқ тергаган, улар доим ўйлаб, ўнг-сўлга қараб иш юритганлар. Амирлар орасида Соҳибқиронни хушламайдиган, уни рўй-рост ёмон кўрганлар ҳам бўлган. Зандчашм Опардий, Амир Мусо, Малик Маҳмуд, Боязид Жалойир, Амир Кайхусрав, Мухаммад Мирак сингарилар хиёнат устига

хиёнат, мунофиқлик узра мунофиқлик қилганлар. Бош ёрилса бўрк ичида деганларидай, Амир Темур аламини ичига ютди, муросаи мадора йўлини тутишдан ўзга чора тополмади. Сурбет, маккор Амир Мусо ҳаддидан ошиб кетгач, Амир Темур уни жазолашга қасд қилди. Тақдир ўйинини қарангки, Сароймулкхоним холаваччаси Амир Мусо гуноҳидан кечишни илтимос қилиб турибди. Амир Темур нафақат безбет Мусони кечирди, балки у билан куда бўлиб қолди. Куёви Муҳаммад Мирак кўр-кўрона сотқинлик, хиёнат қилганида, донишманд Темур юз ёқни ўйлаб газабга эрк бермади. Ҳусайн Сўфи, Юсуф Сўфи, Сулаймон Сўфилар Олтин Ўрдага ниҳоятда суянар, шу боис Улуғ Темурни назар-писанд қилмасдилар. Орадаги совуқчиликларни бартараф этиш мақсадида Амир Темур Оқ Сўфи билан куда бўлди: Жаҳонгир Мирзога Севинч бекани олиб берди.

Амир Темур мард бўлган, ўзгаларни ҳам шундай деб билган. Лафзсизлик унга тамоман ёт эди. Амир Ҳусайн, Тўхтамиш, Қамариддинлар неча бор Темур олдида тиз букканлар, бундан кейин мунофиқлик, лафзсизлик қилмасликка онт ичганлар. Аммо улар зинҳор хиёнат, бевафоликдан воз кечмаганлар. Тўхтамишнинг нуфузли вазирларидан Едигей ўз хўжасига бундай дейди: “Чингизийларда шундай бир одат бор: берган ваъдангиз битта дарёни кечиб ўтгандан кейин кучини йўқотади. Бобоқалонимиз Чингизхон кўпинча шу одатга риоя қилар эканлар”.

Амир Темур зинҳор жангарилиги, шон-шуҳратга ўчлиги учун ўзга юртларга юриш қилмаган. Султон Боязид Темур билан бўладиган жанг олдидан ўзини ниҳоятда баланд олади, рақибини назар-писанд қилмайди. Жангда Султон Боязид мағлуб бўлгач, дарҳол дабдабадан тушади, осий бандалигини намоён этади. Амир Темур мақтанчоқ рақибини хўрламайди, иззат-нафсини поймол этмайди. Аксинча, Султоннинг фарзандларига катта амалларни инъом этади.

Пиримқул Қодиров “Юлдузли тунлар” романида Бобуршоҳнинг сал кам қирқ йиллик мураккаб, машаққатли ҳаётини бадиий ифодалади. Роман жанри, мисоли, улкан дарё: унинг сирти, қирғоқлари, гоҳ тўлиб, гоҳ камайиб оқадиган суви бор. Моҳир санъаткор дарёнинг остки оқими, шиддатини асос қилиб олади. “Юлдузли тунлар”нинг остки оқимида инсон ва шоҳ Бобур руҳиятида кечган ниҳоятда мураккаб жараёнлар акс этган. Бир томондан, Бобур шоҳ, Амир Темур авлоди. Унинг томирларида Бобо Темурдан мерос қон ҳаракат қиляпти. Шоҳликнинг қатъий, шаклланган қонун-қоидалари бор. Ўн икки ёшли Бобур бошига бекорга тож кийдирилмаган. Иккинчидан, Бобур Мирзо, ҳамма қатори, Худонинг бандаси: инсонга хос жамики хусусиятлар унга ёт эмас. Учинчидан, Мирзо Бобур яратганнинг алоҳида инъомига эга-истеъдодли сиймо. Шоҳ Бобур кўпинча амиру беклар, темурийлар даврасида бўлади. Улар билан юз ёқни ўйлаб гаплашади, дипломатлик тартиботини зинҳор унутмайди. Буни Хадича бегим билан бўлган суҳбатда, Бадиуззамон, Музаффар Мирзолар уюштирган зиёфатдаги муносабатларда кузатиш мумкин.

Бобур шоҳ хону беклар, амиру навкарлар қуршовида бўлади-ю, кўнгли ҳаммаша Алишер Навоийни, шоиру санъаткорлар суҳбатини қўмсайди.

“Юлдузли тунлар”да Бобурнинг ижод жараёни кўрсатилмайди. Аммо Бобурнинг айни баҳор палласида яланг оёқ бўлиб адиру қирларда юриши, ям-яшил далаларга суқланиб боқиши, мовий осмонда учаётган қушларни ҳавас билан кузатиши кўз ўнгида намоён бўлаётган тайёр шеър эмасми?! Бобур хаёллари-чи? Етар, бас. Шоҳлик камаримни ечаман, оддий чўпон, деҳқондай қир-адирларда меҳнат қиламан. Жангу жадаллардан, қувиш-қочишлардан зада бўлдим... Орзулар қанотида парвоз қилаётган Бобурни ишонган, садоқатли амири ерга туширди, шоҳлик бурч-вазифаларини эслатди.



Бобур чуқур хўрсинди-ю, этигини кийди, лашкарбошилик камарини боғлади, отга минишга мажбур бўлди. П.Қодиров подшоҳ ва инсон Бобур руҳиятини бир йўла тасвирлаб боради. Қор гупиллаб ёғиб турганида Бобур тоғ довонини ошиб ўтиши зарур бўлиб қолди. Бобур оддий навкарлар қатори қор бўронида қолди, совуқ суяк-суягидан ўтиб кетди. Ўша дамда у илк бор касалга чалинди. Иброҳим Лўдий билан жанг қилмаса, заҳарланмаган бўларди. Хуллас, шоҳлик юмушлари инсоний хусусиятлар ўзаро омухта бўлиб кетади.

Заҳириддин Бобур ҳаёти муҳим бир ҳақиқатни тасдиқлайди. Ҳар қандай шароитда инсон яшайвераркан: ғурбатда қувонч, хўрликда эрк, армонда хузур, дардда таскин, тушкунликда сурур топар экан. Бобур Фазлиддин меъмор билан эмин-эркин суҳбатлашади, Тоҳирга юрак дардларини очади, Хонзодабегим, аёллари, фарзандлари меҳридан яйрайди. Ҳиндистон тахтига ўтирган Бобур адолат билан иш юритади, ерли амалдорларга кенг ҳуқуқ беради, она юртидан келган олиму санъаткорлар билан дилдан суҳбат куради.

“Авлодлар довони” романида бобурийлар, уларнинг муҳити ишонарли тасвирланган. П.Қодиров бир неча бор Ҳиндистонга борди, шароит, муҳитни Хумоюн, Акбар сингари бобурзодалар кўзи билан кузатди, роман қаҳрамонлари характеридаги асосий хусусиятларни аниқ билиб олишга интилди. Хумоюн отаси бошлаган эзгу ишларни давом эттирди, шаҳзодалар аро зиддият, жангу жадаллар йўлини тўсди. Жигари бўлишига қарамай ҳаддидан ошиб кетаверган Комрон Мирзо кўзларига мил торттирди. Акбар шоҳ Ҳиндистон тарихида бетакрор қайта қурувчи, файласуф сифатида из қолдирди. У, отаси, бобоси сингари, муқаддас китобларни берилиб ўқиди, донишмандлар билдирган теран қарашлардан огоҳ бўлди. Акбар шоҳ фаолиятида мусулмон дини қарашлари билан ҳиндларнинг донишмандликлари бирлашиб кетди.

П.Қодировнинг тарихий асарларида XIV-XVI асрнинг нури сиймолари — Амир Темур, Заҳириддин Муҳаммад Бобур, Хумоюн Мирзо, Акбар шоҳ сингарилар характери

яратилди. Ёзувчи инсон ва замон боғлиқлиги, шахс ва ижтимоий муҳит алоқадорлигини ишонарли кўрсатди. Тарихий асарларда П.Қодировнинг санъаткорлик маҳорати, ҳеч кимникига ўхшамаган услуби, муаммолар ечимидаги донишмандлиги, теран тафаккури аниқ кўринди. Санъаткор П.Қодиров Амир Темур, Бобур шоҳ ҳақида янги гап айтди, юксак истеъдодини намоён этди.

Адиб услубининг асосий қирраларидан бири шуки, у яратилажак асар илдизи, ўзагини аниқ-тиниқ билиб олмагунича қўлига қалам олмайди. Амир Темур фитратида синалган қонун-қоидаларга риоя қилиш асос ҳисобланган. Ўша қоида-қонуниятлар “Темур тузуклари”да мукамал ифодаланган. Соҳибқирон қандай ишга қўл урмасин, қачон, қаерга юриш қилмасин, қайси муаммога дуч келмасин, “Темур тузуклари”да қайд этилган йўриқ, кўрсатма, қоидаларга асосланади. “Темур тузуклари” теран мазмунли, ҳаётий сабоқлар асосида ёзилган асардир.

Қиёс жоиз бўлса, “Тузуклар” Амир Темурнинг иқрорномаси, қатъий эътиқоди изҳоридир. Қаранг, Темурдай қатъиятли зот улуглар, олиму донишмандлар фикр-мулоҳазаларига кулоқ солган. “Темур тузуклари”ни ўзлаштирган аҳли дарк бу асарни ақллилар кенгаши сифатида англайди.

“Амир Темур сиймоси” – бадий-талқиний асар. “Тил ва эл” илмий бадиа. Ҳар иккисининг ўзаги - “Темур тузуклари”. Ҳозирги академик лингвистика нуқтаи назаридан “Тил ва эл”даги қарашлар соф илмий концепциялардан фарқ қилар. Лекин унда бадий асар тили муаммолари билан ярим асрдан кўпроқ муддатда шуғулланган олим-ёзувчининг изчил қарашлари, эътиқоди бор. Амир Темур, Бобур Мирзо, Хумоюн, Акбар шоҳ сингари тарихий шахсларни баҳолашда тарих фанининг янги концепциялари, илғор қарашлари мавжуддир. Бу сиймолар характерини ишонарли ёритиш, уларнинг ижтимоий-сиёсий, маънавий-эстетик моҳиятини очишда П.Қодировнинг ўзигагина хос англови, бадий таянчи бор.

“Юлдузли тунлар”, “Авлодлар довони”, “Амир Темур сиймоси”, “Тил ва эл” асарларида китобхон етук санъаткор, теран файласуф, қоядай юксак, мустаҳкам муаллиф шахсини кўради. П.Қодировнинг санъаткор, мутафаккир даражасига кўтарилиши қандай кечган? Адиб ҳикоялари, қиссалари, илк романлари шуни кўрсатадики, П.Қодиров, биринчидан, замон руҳини, унинг истиқболини кўришга интиланган. Бу ҳол “Уч илдиз” ва “Олмос камар” да аниқ кўринади. XX асрнинг ўрталарида рўй берган муҳим сиёсий-ижтимоий ўзгаришлардан кишилар лолу ҳайрон бўлиб қолдилар, шоиру адиблар мавжуд схематизм инерциясидан чиқиб кета олмадилар. Пиримқул Қодиров ёш, шижоатли, истиқболга интиланган, ижоднинг катта йўли бошида турган адиб сифатида ўта қалтис мавзуга қўл урди – “Уч илдиз”ни ёзишга киришди. Ҳардамхаёл ёзувчилар узил-кесил тўхтамга келмасларидан, Пиримқул Қодиров шижоат билан янгича ижтимоий-сиёсий руҳни бадиий таҳлил қилди, ўта долзарб мавзуда роман яратди. Пиримқул Қодиров ёш, жўшқин эди. У Маҳкам, Очил, Замира, Гавҳар, Сергей, Анна сингари ёшлар характери орқали яшараётган замонни, кишилар руҳини эгаллаб бораётган ишонч, эътиқод, жўшқинликни акс эттирди. Романнинг ёш, сурурий қаҳрамонлари Тошкентни янгича кўз билан кўрдилар. Навоий номидаги театрнинг меъморий ўзига хослиги, шу театр майдонидаги гўза чаноғи шаклидаги фаввора, тунларни кундуздай ёритиб турган ранг-баранг электр чироқлар, теп-текис асфальт кўчалар, трамвай, троллейбуслар ёш қаҳрамонлар диққатидан четда қолмайди. Сквер майдонидаги ягона университет биносига Маҳкам, Гавҳарлар ғурур билан боқадилар. Ёзувчи ёшлар руҳи, шаҳар кўринишини тасвирлагач, университетдаги мураккаб муносабатлар моҳиятини ёритади. Университетда Абдурахмон Тошев, Темир Акбаров, Аким Задорин, Сулаймон Зийнатуллаев сингари ҳақиқий олимлар, ёшлар раҳнамолари

ишлайдилар. Улар университет минбаридан ёшларга чин ҳақиқатни, илмий янгиликларни айтишга одатланганлар. Бундай олимлар ҳаминша тўғрисиўзликлари, илмий-тарихий ҳақиқатга хиёнат қилмасликлари билан танилганлар. Зуфар Ҳақимович, Муҳаммаджон Эшонбоев, Назаров сингари ўқитувчи-амалдорлар сталинизм даври руҳини характерларига сингдириб юборганлар. Улар олимликка даъво қилолмайдилар, аммо партия, давлат йўл-йўриғини кўр-кўрона университет ҳаётига татбиқ этадилар. “Уч илдиз”да ҳар хил мажлис, йиғилишларнинг кўпайиб кетганлиги кўрсатилади. Уларда кўпинча шахсий масалалар кўрилар, кишиларнинг аудиторияда, коридорда, кафедрада айтиб юборган гап-сўзлари муҳокама қилинади. Шахсга сажда қилиш йилларида мажлисбозлик душман топишнинг синалган усули эди. Ҳақимов, Эшонбоев, Турсун сингарилар мажлис қилиб-сувни лойқалатиб душман излар, “балиқ” тугардилар.

П.Қодировнинг “Уч илдиз” романидаги умумий руҳ, кайфият орқали ҳам гоё ёритилинади. “Уч илдиз”да узоқ давом этган беморликдан сўнг ўзига кела бошлаган бемор-ижтимоий муҳитнинг руҳи ишонарли тасвирланган. Романда Обид Караматов, Сулаймон Зийнатуллаев сингари янги замоннинг кишилари характери яратилган. Обид Караматов университет фирқа кўмитаси етакчиси. У ўзида КПССнинг XX съезди гоёларини акс эттирган. Лекин, барибир, Караматов ҳам коммунистик фирқа етакчиси эди... “Уч илдиз”да демократик тамойиллар, инсонни севиш, эъзозлаш руҳи аниқ кўринади.

“Қора кўзлар” ёзувчининг сара асарларидандир. М.Кўшжонов уни она китоб деган, О.Шарафиддинов роман ҳақида тақриз-тадқиқот яратган, ёзувчининг санъаткор, сиймо сифатида улғайганлигини кўрсатган. П.Қодиров табиатан интеллектуал шахс. Бундай ёзувчилар асарларида ҳис-туйғуга берилиш, романтик

тасвирлар кўп бўлмайди. Аммо “Қора кўзлар” руҳида “Ўзбегим”га (Э.Воҳидов) яқинлик, “Мен нечун севаман Ўзбекистонни” (А.Орипов) шеърига сийратан монандлик бор. П.Қодиров “Қора кўзлар”да болалиги, ёшлиги ўтган муҳитни: қишлоқ, қир, адир, кўй-кўзилар, тоғ манзараси, қадрдон кишиларни тасвирлаган. Романда биографик тадқиқот учун бой материал бор. П.Қодировнинг 80 йиллиги муносабати билан чоп этилган “Меҳрга йўғрилган ижод” (Тошкент: Миллий кутубхона нашриёти, 2008) мақолалар тўпламида ёзувчининг “Таржимаи ҳол материаллари”, “Ҳаётдан нимани изладиму нима топдим?” мақола ва суҳбати бор. Тўплагма ёзувчининг жияни, шарқшунос олим Жалил Ҳазратқуловнинг “Эл-юрт фаровонлигига бахшида умр” мақоласи киритилган. Шу мақолаларни ўқисангиз, “Қора кўзлар”ни эслагандай бўласиз, ундаги руҳ қайта жонланади. “Қора кўзлар” романидаги Уста Қамбар, “Олмос камар”даги Аъзам ота қиёфаларини мен отамга оид хотираларим асосида тасвирлаганман... Онамизга оид хотиралардан “Қора кўзлар” романида патгилам тўқийдиган Санам холани ва “Олмос камар”даги Ханифа холани тасвирлаганда фойдаланганман”, — деб ёзади П.Қодиров “Ҳаётдан нима изладиму нима топдим?” суҳбат-мақоласида (151-бет). Жалил Ҳазратқулов мақоласида “Қора кўзлар”да тасвирланган қишлоқ, Норбой ота сингари персонажлар номи тилга олинади. “Қора кўзлар”даги муҳит, одамлар, табиат тасвири китобхонга таъсир этади, болалик чоғларини эслатади. П.Қодиров “Қора кўзлар”да ўзгараётган, янгиланаётган инсонлар руҳиятини тасвирлайди. Романнинг асосий қаҳрамонлари Аваз, Ҳулкар, Замонали, Чўлпоной, Жаннатой, Холбек сингари ёшлар. Қаранг, “Уч илдиш”да ҳам ёзувчи ёшлар характерини яратган эди. “Қадрим”, “Эрк”, “Мерос”, “Олмос камар”нинг асосий қаҳрамонлари ҳам ёшлар. Ёзувчи ёшлар, вояга етаётган авлудда ҳаётдаги янгилик куртакларини кўради. Ёшлар деганда ёзувчи умрнинг илк босқичидаги кишиларнигина эмас, ҳаётнинг янгиланаётган қонуниятларини, ижтимоий-

маънавий, руҳий ўзгаришларини англайди. Ҳамиша оталар ва болалар аро-гоҳ пинҳоний, гоҳ ошкора-зиддият бўлган. Кексалар-удумлар, одатлар ҳимоячилари. Ёшлар — замон руҳини урф-одатлар моҳиятига сингдирмоқчи бўлган фаол кишилар. Аксарият ҳолларда ёшларнинг интилишлари самарали бўлади. “Қора кўзлар”да Аваз ва Хулкар севиб турмуш қурадилар. Замонали ва Чўлпоной ҳам Авазлар изидан бормоқчи. Қишлоқдаги қизлар, Жаннатой сингари келинлар Хулкар, Чўлпонойга ҳавас қиладилар. Хулкар севган одамига турмушга чиқиш билан чекланмайди: эрининг изидан тоққа чиқиб кетади, чўпон Аваз сурувига чўриқ бўлади. Уста Қамбарга кўнгили кўйиб турмушга чиққан Санамой хола, заҳар Суюма, эскиликка муккасидан кетган Турди, Исмат бобо сингарилар Хулкарни бузуққа, удумларни оёқ ости қилган шаккокка чиқариб кўядилар. Ёшлар эса Хулкарни, унинг қилмишларини қўллаб-қувватлайдилар. Муסיқада “авж” деган юксаклик бор. Куй, ашула шинавандалари ҳамиша авж пардани кутадилар.

“Авж”ни забт этган машшоқ, хонанда халқ дилидан жой олади. Ҳақиқий санъат асарида ҳам авж парда бўлади. “Қора кўзлар” романи тузилмасида Мадаминжон ва Маъсуда севгиси достони бор. Мумтоз асарларнинг аксариятида руҳнинг мукамал характери ифодаланган авж даража бўларкан. “Ўткан кунлар”да Отабекнинг жунуна Зайнаб билан қабристондаги учрашуви кишини титратиб юборади. Энахоннинг харобгина, зим-зиё ҳовлисига Зебининг сеҳрли ашулалари самовий нурларни олиб кирадики, уни “Кеча ва кундуз”нинг авж нуқтаси дейиш мумкин. Чингиз Айтматовнинг “Асрга татигулик кун” асаридаги манқурт ўғил ва она ҳақидаги афсона-достонни, “Қулаётган тоғлар”даги қайлиқ фарёдини бепарво ўқиш мумкинми?!

“Қора кўзлар”даги Мадаминжон фарёд — достони кишилар руҳига сингиб кетган бидъат, сохта удумларни куйдириб юборадиган нур даво мисоли. Синчиклаб кузатилса, Пиримқул Қодировнинг “Эрк”, “Мерос” сингари замонавий, Бобур, бобурийлар ҳақидаги

тарихий романларида, илмий бадиаларида “авж нуқталар” сероблиги диққатни жалб қилади. Адибнинг санъаткорлиги, асарнинг мумтозлиги китобхонни лол қолдирадиган “авж пардалар”да яққол кўринади.

Романда Давлатбеков, Ортиқлар, эскича айтганда, салбий кучлар. Булар ақлли, тажрибали, уддабурон кишилар, лекин ҳамиша юқоридан бериладиган буйруқ ва топшириқларни бекаму кўст уддалашга интиладилар. Ижрочи Давлатбеков гўшт топшириш режасини 250 фоизга бажарган: халқнинг қарғишига қолган. Ортиқ бригадирликдан бўшаб қолмаслик учун не-не ножўя ишларга қўл урмади? Ҳатто ҳаётини хавф остида қолдириб, айиқ отди, терисини катта амалдорга совға қилмоқчи бўлди. Ёзувчи қаҳрамон характерини яратишда ҳаёт оқимини асос қилиб олди. Давлатбеков, Ортиқ, Исмат боболарнинг ёмон қилмишлари кўп, аммо улар вақти-вақти билан кимнидир оғирини енгил қилган, кимгадир ёрдам берган, элга манфаатли ишга бош-қош бўлган.

Пиримқул Қодиров муаммо кўйиш ва уни ишонарли, бадиий ҳал қилишга моҳир. “Олмос камар” романида шаҳарсоз, метросоз мутахассислар-меъморлар ҳаёти кўрсатилган, характери очилган. Тошкент ҳақида кўплаб шеър, дoston, қисса, романлар яратилган. П.Қодиров Тошкент шаҳрини жаҳондаги гўзал, муҳташам пойтахтлар даражасига кўтариш масаласини кўяди. Икки ярим минг йилдирки Тошкент сунъий ўзанлардан келадиган сувдан фойдаланган. Вақти вақти билан анҳор, ариқлар кўмилиб қолган. Мироблик, ариқ қазиш сингари юмушлар тошкентликларга яхши таниш. “Олмос камар”да илк бор шаҳар дизайн-меъморлари характери яратилган. Аъзам ота, Аброр, Вазира, Холбеков, Шерзод сингарилар метро қурилиши, Бўзсув, Анҳор, Солор, Бўрижар қирғоғини обод, кўркам қилиш билан шуғулланадилар. Тошкент меъморлари орасида истеъдодлилиги, уқувлилиги билан Аброр ажралиб туради. Унинг боболари, отаси мироблик қилган. Аброр сувга яқин бўлиш,

ариқларни покиза сақлаш нималигини теран англайди. Ўзбекистон халқи, хусусан, тошкентликлар қадим-қадимдан олдидан оққан сувнинг қадрини билган. XX асрнинг 40-йилларигача Тошкентдаги аксарият ҳовлилардан ариқча ўтарди, топ-тоза сув оқиб турарди. “Олмос камар”нинг руҳ-руҳидан экологик эътиқод масаласи сизиб чиқади. “Олмос камар” романида майда-чуйда масалалар кўпайиб кетгандай туюлади. Аброр эртаю кеч олча ранг “Жигули”сида Тошкент мавзе, кўчаларида бўзчининг моксидай тинмай ҳаракат қилади. Лекин асар охирида роман ғояси, бетакрор ўзлиги аниқ кўринади. “Олмос камар” романида кўтарилган муаммо – Тошкент экологияси, гўзаллиги сингарилар Мустақиллик йилларида бус-бутун амалга ошмоқда: Бўзсув, Анҳор, Солор бўйларида юрсангиз баҳри дилингиз очилади, тўлиб оқаётган сув руҳингизни кўтаради.

П.Қодиров – кузатувчи, синчков ёзувчи. Шўро давлати пайдо бўлибдики, халқни ишлашга, тер тўкишга, “коммунизм биносига гишт қўйишга” даъват этди. Минглаб асарларда қадоқ қўлли кишилар тимсоли яратилди. П.Қодиров 1974 йилда, шўро тузуми ҳали бақувват, мустақамлигида “Мерос” қиссасини яратди, кишилар онгига сингиб кетган қора меҳнатни идеаллаштирилишига қарши бонг урди.

“Мерос” қиссасида моҳир пахтакор, Бутуниттифоқда донг таратган, Меҳнат Қаҳрамони, Олий кенгаш депутати Ёлқин Отажонов характери яратилган. Бу қаҳрамоннинг ҳаётдаги прототипи Мамажон Дадажоновдир. Илғор пахтакор, меҳнатда ўзини кўрсатганлар ҳақида П.Қодировгача, ундан кейин ҳам талай асарлар ёзилган. “Мерос”да замоннинг идеал қаҳрамони осмону фалакка кўтарилиб мақталмайди. Аксинча... Ёлқин тоифасидаги қаҳрамонлар яшаш тарзи танқид қилинади. Асар Ёлқиннинг укаси Турсун тилидан ҳикоя қилинади. Турсун мактабни тугатгач, институтга кириш учун Тошкентга кетади, Ёлқиннинг ўта зиёли қайноғаси Азларникида



яшайди. Азлар Турсунга бир гапни роса сингдиради. Одам дунёга ҳукиздай ишлаш-у болалар сонини кўпайтириш учун келмайди. Инсон ўзини ҳурмат қилиши, қадрини билиши лозим. Ёлқин туғилибдики, меҳнат қилади, субҳи саҳардан ярим тунгача даладан қайтмайди. Тугри, меҳнати орқасидан обрў топди, уйланди, бола-чақали, машинали, уй-жойли бўлди. Аммо у болаларини олиб сайр-саёҳатга чиқдими, жаннатдай сўлим жойларда дам олдимиди, дунё кездимиди, дўст-ёрлари билан мириқиб суҳбат курдимиди? Турсун акасини еру кўкка ишонмайди, ота ўрнида кўради, аммо акаси изидан бормайди – ДЕҲҚОНҚУЛ бўлмайди.

П.Қодиров илк асарлариданоқ ғоянинг аниқ, ифоданинг бадий бўлишига одатланган. Эътибор беринг, камдан кам ижодкор ўз қарашини лўнда, аниқ ҳолда сарлавҳага олиб чиқади. “Қадрим”, “Эрк”, “Мерос” деб ном қўйиш учун П.Қодиров қиссалари структураси, поэтикасига неча-неча бор кирган. “Қадрим” ва “Эрк” ўзаро яқин, бир-бирини тўлдирадиган тушунча. Аммо эркин бўлмай туриб, қадр топиш амри маҳол. Ойша (“Эрк”) урф, иримларга кўника-кўника ўзлигини тамоман йўқотган. Унинг онгига мудҳиш бир қарашни сингдиришган: қиз бола бировнинг хасми. Эрга теккач, у ўзлигини бус-бутун эрига топширади. У энди туғади, мол-ҳолга, уй-жойга қарайди, холос.

Ёзувчи ойшаларни чирмовиққа менгзайди. Бир қарашда, чирмовиқли дарахт гўзал кўринади. Аммо “дарахт” – эр “чирмовиқ” – хотинини қабул қилармикин? Саттор – замонавий, шаҳар кўрган, олий маълумотли, энг асосийси, севги нималигини билган йигит. У авваллари Ойшага тоқат қиларди, оилага мослашишга интиларди. Энди Ойша унга ортиқча юк, ташвишга айланди. Даҳшати шундаки, Саттор: “Бор-е, сен билан яшамайман” – деб этагини силтаб кетиб қола олмайди. У Ойшани шаҳарга олиб келади, аста-аста мустақил ҳаётга ўргата бошлайди. Беором тунларнинг бирида Ойша ўғлини бағрига тортар экан: “Энди нима қиламиз, болам?”, – дейди. Шу савол қадрини излашга тушган одамнинг “ўзлик” томон ташлаган илк қадами.


Искандар (“Қадрим”) отасининг ўзгинаси. Отаси мўмин-қобил, ким нима иш буюрса, бажариб кетаверади одам бўлган. У умрида ҳеч ким билан “сену менга” бормаган, тақдирдан шикоят қилмаган. Зулайҳо Искандарни ёқтиради: уни кўлмак ҳовузчадан олиб чиқишга аҳд қилади. Искандар Зулайҳога эргашиб Чўли Маликка келади, газ кони излаётганлар жамоасига қўшилади. Ёзувчи жамоа ва алоҳида одам алоқаси масаласини аниқ, ишонарли тасвирлайди. Искандар кон изловчиларнинг мураккаб технологиясини кунг билан ўрганади. Улкан машиналар кучини билақларида ҳис қилади. Бора-бора у жамоанинг ўз одамига айланади. Ер қаъридан банди девдай отилиб чиққан газнинг асов отини жиловлашга киришади. У ўлим билан юзма-юз келади, аммо вазифасини уддалайди. Бўш-баёв Искандар жамоада қадрини топади, севгилисига тик қараш ҳуқуқига эга бўлади.

П.Қодиров ёзувчи бўлмаганида, етук адабиётшунос олим бўларди. У йигирма йил Ўзбекистон фанлар академияси Тил ва адабиёт институтида катта илмий ходим (1963-1983) бўлди. “Ўйлар” (1971), “Қалб кўзлари” (2001) тўпламларини, “Тил ва эл” (2005) илмий бадиасини ёзди. 2 жилдли “Адабиёт назарияси”нинг I жилдига П.Қодировнинг “Адабий асарнинг тили” (1979), II жилдига “Адабий-тарихий жараён ҳақида”, “Ижод жараёни” (1979) тадқиқотлари киритилди. Олим илмий фаолияти асосини бадиий асар тили муаммоси белгилайди.

Сўз ҳамиша, ҳамма адабиётларда қурол бўлган. Бадиийлик — сўз сеҳрини кўз-кўз қилиш, унинг сир-синоатларини ёритиб бериш. Асил поэтика бадиий асар тилини талқин этишдан бошланади. Бадиий асар тилини ўрганиш — структура, семантика, семиотика сингари соҳаларга кириб бориш. Бу муаммолар сир-синоатини ҳамма ёзувчи билмайди. Ёзувчи бир сўз устида ўлиб-тирилади, сўздаги маъноларни юзага чиқариш учун куйиб ёнади. Тилни ардоқлаган, уни эъзозлаб ишлов берган адиблар доим ҳурматда бўлганлар. Инсонга тўрт

унсур — тупроқ, сув, ҳаво, ўтдан кейин сўз (тил) зарурдир. П.Қодиров Алишер Навоий, Заҳириддин Бобурни улуғлар экан, уларнинг сўздан заргарона фойдалана олганликларини асос қилиб олади. Тадқиқотчи Франсуа Раблени француз, Алигъери Дантени италян, Александр Пушкинни рус тилини улуғлагани учун ҳурмат қилади. Ҳамиша машҳур санъаткорларнинг сўз бойлигига, ундан фойдалана билиш маҳоратига эътиборини қаратади. Тилшунослик, бадий асар тили муаммолари билан шуғулланиш инсонни синчковликка, заррага ҳам эътибор беришга ўргатади. Пиримқул Қодиров асарларининг пишиқ-пухталиги сабабларидан бири шундаки, ёзувчи асардаги оҳанг, урғу, нуқта, деталга ҳам шоирдай алоҳида қунт билан ёндашади.

Санъаткор Пиримқул Қодиров асарларида уч теран илдиз диққатни тортади. Булар — юксак бадийлик, теран фалсафийлик, ўсиб-ўзгариб бораётган замон билан узвий боғлиқлик. Устоз адиб Пиримқул Қодировнинг уч илдизи ҳамиша бақувват, самарали бўлсин.



## АСАРЛАРИ ЯШАЯПТИКИ...

«Ҳам хонлиги, ҳам беклиги бор» — деган гап суврати-ю сийрати ҳавас қилгулик Ўлмас Умарбековга мос келарди. Яхши тарбия кўрган, таниқли беклар оиласида вояга етган Умарбеков ўзини ҳамиша эркин, вазмин тутар, хом гап айтмас, қарадини изчил ҳимоя қиларди. Унинг ҳаёт йўли, ижодий фаолияти янгича ижтимоий-сиёсий, маънавий-эстетик муносабатлар даврига тўғри келди. Мустабид бошқарув илдизи қирқилган, ҳурфикрлилик эпкини эсиб қолган, инсонни англаш, эъозлаш, уни жамики мураккабликлари билан ақс эттириш тамойили авж олганди. СССР — энг улкан қамоқхонани оламдан ажратиб турган тиканли симлар йиғиштирилиб, раҳбарлар билан халқ орасидаги мустаҳкам девор олиб ташлана бошланганди. Янги шароитда рус тилининг боғловчилик, уюштирувчилик кучи барқарорлашди. Оламни билган, иттифоқнинг марказий шаҳарларида ўқиган, уларга меҳр қўйган авлод адабиёт, санъат, фанда ўзини кўрсата бошлади. Ўлмас Умарбеков энди танилиб, тилга тушиб келаётганида Эркин Воҳидов, Ботир Зокиров, Бернора Қориева, Дилбар Абдурахмонова, Али Ҳамроев, Учқун Назаров, Рўзи Чориев, Эрик Каримов, Ғани Расулов, Дамир Шокиров, Обид Юнусов, Турғун Азизов сингарилар мусиқа, рақс, театр, рассомчилик, кино, телевидениеда ўзларини кўрсата бошлагандилар.

Миллий Республикаларда Ўлмас Сулаймонов, Мар Бойжиев, Мўмин Қаноат, Малика Собирова, Муслим Магамаев, Рустам ва Мақсуд Иброҳимбековлар, Анор, Гурам Панжикидзе кабилар ёрқин истеъдодлари билан кўзга ярқ этиб ташландилар. Бу санъаткорлар Чингиз Айтматов, Одил Ёқубов, Пиримқул Қодиров, Нодар Думбадзе, Анвар Олимжонов, Бибисора Бейшеналиева, Яйра Абдуллаева, Неъмат Қўзибоев, Туленберген Қаипбергенев бошлаган йўлни изчил давом эттирдилар. Буларнинг ижодида

социалистик реализм ўлчамига сиғмаган теран, талқиний реализм кучли эди. Ўлмас Умарбеков тенгдошлари Андрей Вознесенский, Белла Ахмадулина, Евгений Евтушенко, Роберт Рождественский, Василий Аксенов ижодида реализм юксак даражада акс этишидан ташқари, янгича изланишлар, модерн қарашлар намоён бўлди.

Ўлмас Умарбеков қирқ йиллик фаолияти давомида маданий-адабий ҳаётнинг марказида турди. Ёзувчининг қадрдон дўсти, олим Собир Мирвалиев “Ўзбек адиблари” (“Фан”, 2007) асарида ёзади: “Республика радиосида оддий муҳаррир сифатида иш бошлаган Ўлмас Умарбеков узоқ йиллар давомида шу ерда бош муҳаррир бўлиб ишлади. Қарийб ўн йилга яқин “Ўзбекфильм” киностудиясига бошчилик қилди. 1982 йилга келиб, Ўзбекистон Маданият вазирининг ўринбосари, кейинроқ вазир бўлиб фаолият кўрсатди.

Кўп ўтмай Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасига раис этиб сайланди (1985). Айни чоғда, Осиё ва Африка ёзувчилари бирдамлик қўмитасининг раиси этиб тайинланди. Ниҳоят, 1989-91 йилларда Республика Вазирлар Маҳкамаси раисининг ўринбосари бўлиб ишлади... Ўлмас Умарбеков оғир хасталикдан сўнг, 1994 йил 10 ноябрда ҳаётдан кўз юмди” (138-бет).

Ўлмас Умарбеков XX асрнинг 60-йилларидан кейин адабиётга, санъатга кириб келган деярли ҳаммани биларди. Ҳозир Ў.Умарбеков ҳақида эсдалик ёзадиганлар ниҳоятда кўп. Уларнинг аксарияти Ўлмас акадан яхшилик кўрган, йўл-йўриқ сўраган, асарларидан баҳраманд бўлган. Мен Ўрта Осиё Давлат университети филология факультетига ўқишга кирганимда Ўлмас ака 4-курсда ўқир, факультет ёшлари уюшмасининг етакчиси эди. Уни ҳамиша талабалар даврасида кўрардим. Умарбеков ёшларга етакчилик қилганда “Утюг”, “Филолог” газеталарининг довруғи университет доирасидан анча кенгайиб кетганди. Н.Захарина, Д.Алиева, В.Рецептор, Э.Мусаев, Я.Саъдуллаева, Т.Маҳмудов, Ю.Руннов, Т.Солиҳов сингарилар Ўлмас ака етакчилигида

ёшлар билан иш олиб борар эдилар. 1962 йилда Ўлмас ака Республика радиосида ишларди. Мен аспирант эдим. Термизга боришим зарур бўлиб қолди. Ўлмас ака елиб-югуриб “ёпиқ” шаҳар Термизга меҳнат сафарини тўғрилаб берди. 1963 йил қиш бошида Ёзувчилар уюшмасида ёшларнинг севимли асарига айланиб бўлган “Севгим, севгилим”нинг муҳокамаси бўлди. Мен қисса ҳақида маъруза қилдим, мақола ёздим. Умарбеков Ёзувчилар уюшмасига раис бўлгач, тез-тез учрашадиган, турли тадбирларда бирга иштирок этадиган бўлдик. Ўлмас ака табиатан камтар, камсукум эди. Маданият ишлари вазири, Республика Вазирлар Маҳкамаси раисининг ўринбосари бўлганда ҳам эски қадрдонларини унутмади, уларга нисбатан муносабатини ўзгартирмади. Ёзувчи Уйғун вафот этган кун, 1990 йил ёзида Ўлмас ака билан учрашдик. Кун иссиқ. Ҳамма ўзини соя-салқинга уради. Ҳозирги Миллий театримиз майдонида одам тирбанд. Ўлмас ака ўзига ўхшаган норгул, келишган бир одам билан театр ичкарасидан чиқиб келди. Четроққа ўтаётганда бизни кўриб қолди, яқинлашди, ҳамроҳига:

— Булар университетимиз домлалари, адабиётчилар, — деди.

Ўлмас ака, унинг ҳамроҳи билан самимий кўришдик, ҳол-аҳвол сўрашдик. Умарбековнинг ёнидаги одам Республикаимизнинг янги раҳбари, илк қадами билан халқ хурматини қозонган Ислоҳ Каримов эди.

Ўлмас Умарбеков оқсоқол адибларимиз Фафур Фулом, Абдулла Қаҳҳор, Яшин, Уйғун, Зулфия, Шайхзода, Саид Аҳмад, Асқад Мухтор, Ҳамид Фуломнинг ҳам қадрдони эди. Озод ака, Лазиз ака Ў. Умарбеков акани нафақат собиқ талабалари, балки ҳамфикрлари, қадрдонлари сифатида эъзозлардилар. Саид Аҳмад “Киприкда қолган тонг” қиссасида Ўлмас Умарбеков характерини яратди, унинг бетакрор томонларини топиб-топиб кўрсатди. Шукур Холмирзаев “Бинафша ҳидланг, амаки!” бадиа-қиссасида Ўлмас Умарбеков характерини энг яқин, қадрдон

дўстлари даврасида ёритиб берди. Ш.Холмирзаев, сўзсиз, катта ёзувчи, руҳшунос адиб, синчининг синчиси бўлган санъаткор. “Бинафша ҳидланг, амаки!” деган сарлавҳанинг ўзидаёқ Ў.Умарбеков асарларининг асл моҳияти кўрингандек бўлади. Ў.Умарбеков жамоат арбоби, етук ёзувчи, айни вақтда, ўзига хос бетақрор ижодкорларнинг жўрабошиси, етакчиси, уюштирувчиси эди.

У истеъдодсизни истеъдодли, қалби кўрни зиёкор қилиб қўя олмасди. Аммо Ботир Зокиров, Шукур Холмиразев, Турғун Азизов, Учқун Назаровни ҳамиша қўллади, улардаги имкониятларнинг юзага чиқишига ҳаракат қилди.

Ўлмас Умарбеков етук ёзувчи эди. Инсонни улуғлаш, аёлни эъзозлаш, одам деган зотни барча мураккабликлари билан акс эттириш ёзувчи ижодининг таянчи бўлган. Ёзувчининг ижодий йўли инсонсеварлик масаласи кенг, асосли ёритила бошланган замонга тўғри келди. Авваллари, сталинизм даврида “Инсон тақдири” (М.Шолохов), “Мусаффо осмон” (Г.Чухрай), “Жамила” (Ч.Айтматов), “Абадият қонуни” (Нодар Думбадзе), “Уч илдиш” (П.Қодиров), “Муножотни тинглаб” (А.Орипов), “Ўзбегим” (Э.Воҳидов) сингари асарларнинг яратилиши мумкин эмасди. Ўлмас Умарбеков “Юлдузлар”, “Менга ишонмайсизми?” каби ҳикояларини, “Севгим, севгилим” қиссасини 50-йилларнинг биринчи ярмида ёза олмасди. Унинг “Оқар сувлар”, “Ўликлар кечирмайдилар” драмаларида ҳам инсоний фожиалар жамики мураккабликлари билан тасвирланган. Ойпопук (“Севгим, севгилим”) қатағон қилинган бегуноҳ инсоннинг қизи. У отасининг айбсиз, булоқ сувидай тоза инсон эканлигига шак-шубҳа қилмайди. Ноҳақлик қиз жони жаҳонини ўртаб юборган: у тун ҳам, кун ҳам йиғлайди. Кўз ёшлари билан қалбидаги армон, гумонларни ювиб юбормоқчи бўлади. Қиз Ўктамни севади – шахсий фожиасини сал унутгандай бўлади. Ўктам ҳам Ойпопукни севади, унинг

дардига дармон, ранжига шифо бўлишга ҳаракат қилади. Йигит Тошкентга келиб Усмон акани (Ойпопукнинг отасини) суриштиради: бир қанча одамлар билан учрашади. Биров ундай, биров бундай дейди. Ўқтам ҳайрон бўлиб қолади: Ойпопукка ишонишни ҳам, одамлар гапига киришни ҳам билмайди. У қишлоққа қайтгач, Ойпопукни кўради. Қиз ундан хушхабар, қалб малҳами кутарди. Ошиқлар ўртасида қисқа суҳбат бўлади. Йигит дудуқлана-дудуқлана бешта сўзни айтади. Мана шу бештагина сўз қизнинг ўлимига, қалбидаги битмас жароҳатга сабаб бўлади:

— Ким билади, — дедим мен. — Айблари бўлмаса қамашмасмиди... Ойпопук менга ялт этиб қаради. Унинг бу қарашини мен сира ёдимдан чиқара олмайман”. Қисқагина тасвирда Ўлмас Умарбековнинг ёзувчилиги, руҳият мусаввири эканлиги аниқ кўринади. Ёзувчи асарларида сўзнинг энг жиддий, беаёв қуроллигини кўрсатувчи ўринлар талайгина. Гулчехра Абдулла билан (“Одам бўлиш қийин”) сўнги бор учрашгач, яшаш муддати тугаганини ҳис этади. Сулаймон ота қиёмат қарзни ўзидан соқит қилиш учун не-не қийинчиликларга дуч келмади?! Қиёмат қарз эгаси Ғойибжон бефарқлиги, қалбан басирлиги билан диёнатли қария қалбини, ишончини оёқ ости қилади. Сулаймон ота шу жўнгина одамча учун йиллаб азият чекдими?! Ғойибжон амалдор, идора эгаси, лекин одамгарчилик, эзгуликдан бебаҳра кас. Анна- Мария (“Уруш фарзанди”) — ёшгина қиз. Аммо унинг қалбида ўчмас олов, интиқом руҳи бор. Жунуни хуруж қилганда Анна-Мария ёруғ жаҳонга сифмай кетади, ўзини бошқара олмай қолади. Тўғри, “Уруш фарзанди”нинг мавзуси ҳозир анча эскирган. Бадиий адабиёт фашист, мустабид, хоин, худбинликнимас, инсонни талқин этиши, шу орқалигина қаҳрамоннинг асл моҳиятини кўрсатиши лозим. Анна-Мария фашист билан яқин алоқада бўлган онасини сира кечира олмайди. У кўпинча томирларида оқаётган фашист



қонини тўкиб ташламоқчи бўлади. Қиссада бир нуқта бор: қизнинг отаси уларнинг уйига бош эгиб келади, кечирилмас гуноҳи учун Анна-Мария онасидан узр сўрайди. Шу ўринда қачондир фашист либосини кийган инсоннинг покиза қалби кўриниб кетади.

Ўлмас Умарбеков драматик ҳолатларни тасвирлашга моҳир эди. У “Шошма, қуёш!” асарида Санобарнинг чақмоқдай чақнаганини ҳам, неварасидан жудо бўлгач, қайғу уммонига фарқ бўлганини ҳам ишонарли ёритади. “Ўз аризасига кўра” драмасида ҳозир ҳам ўта долзарб масала кўтарилади. Бош қаҳрамон минг томонни ўйлаб, таҳлил қилиб, директорлик вазифасидан кетишга қарор қилади. Афсуски, на хотини, на фарзандлари Қудрат Ботиров қарорини қўлламайди. Зухра Содиқовнага, Шухратга, Зумрадга эр, отадан кўра заводнинг бош директори лавозими муҳимроқ экан. Ботиров ўғли Шухратга қарата: “Ўғлим, мени ҳеч ким ишдан бўшатгани йўқ! Ўзим, ўз хоҳишим билан бўшадим! Сабабларини сенга айтмайман... Сенга айтиш бефойда. Чунки сенга ота эмас, отанинг давлати, амали керак экан. Оддий ишчи бўлсам нима қилардинг? Еб ташлармидинг?” — дейди.

Ўлмас Умарбеков ижодида ҳикоя жанридаги асарлар кўп. Кўплаб ҳикояларда ёзувчи ҳар хил тақдирли кишиларни битта воқеа атрофига жамлаб тасвирлайди. “Куз ҳавоси” ҳикоясида фаррош Саври хола, ямоқчи, ногирон Собиржон, одамохун Сотиболди билан боғлиқ воқеаларни ўта самимий сўзлаб беради. Ёзувчининг “Юлдузлар”, “Бобоёнфоқ”, “Кўприк” ҳикояларида руҳий тасвир, инсонни ботиндан кўрсатиш етакчилик қиларди.

Ўлмас Умарбеков китобхон хоҳиши, талабини яхши англайдиган адиб эди. Унинг “Ёз ёмғири”, “Фотима ва Зухра”, “Олтин балдоқ” асарларида детектив жанр хусусиятлари етакчилик қилади. Унинг асарлари китобхон диққатини ўзига тортади, юракка ғулгула солади. Детектив асарда сирлилик, қотиллик, кутилмаган ечим китобхон (томошабин)ни ҳамиша жалб этиб келган.

Ўлмас Умарбеков ижодининг якуни “Қизимга мактублар” эссеси бўлди. Асарда донишманд, орқага қайтиш мумкин бўлмаган йўлга кириб қолган инсоннинг дил изҳори акс этган. Ўлмас Умарбеков ўз ижодини лирик наср — “Севгим, севгилим” дан бошлаган эди. “Қизимга мактублар” — сўнгги нидо, инсоннинг ҳаёт, қадрдонлари билан видосидир. Ў.Умарбеков бирон ўринда нолимайди, армон ҳақида гапирмайди. Аммо воқеалар заминида маҳзун оҳанг янграётганлиги англашилиб туради. Ёзувчи қалбига яқин кишилари ҳақида тўлқинланиб ёзади. Китобхонда шундай таассурот пайдо бўладики, ҳикоячининг ҳаётдан кетишимас, усиз бу дунёда қолаётганларнинг ҳолати, изтироблари уни кўпроқ қийнайди. “Қизимга мактублар” лирик адибнинг ўзига хос кўшиғи, айрилиқ марсияси.

Ўлмас Умарбеков ҳаёти, фаолияти, серқирра ижоди ҳақида танқидчилик адабий портрет, танқидий очерк, эссе-тадқиқот, мақола, тақризлар ёзди. М.Кўшонов, У.Норматов, Н.Каримов, С.Мирвалиев, Б.Назаров, П.Шермухамедов, Й.Солижонов сингари мунаққидлар ёзувчи асарлари ҳақида талай асар яратдилар. Иброҳим Ғафуров Ў.Умарбеков қаҳрамонларига мактублар йўллади. Озод Шарафиддинов Ўлмас Умарбековни инсон, ёзувчи сифатида ардоқларди. Бу нарса унинг “Умарбековнинг ўлмас фазилатлари” мақоласида аниқ сезилади. Шу мақолада О.Шарафиддинов “Дамир Усмоновнинг икки баҳори” қиссасига ёзган тақриз-тадқиқотини эслайди. Мен “Озод Шарафиддинов” деган китобимда (Тошкент, Адабиёт ва санъат нашриёти, 1980) мазкур тақриз ҳақида батафсил тўхталганман. Озод Шарафиддинов “Ҳаётгийлик жозибаси ва схематизм инерцияси” тақризида ёзади. “...Ўлмас Умарбеков жуда яхши ният билан қўлига қалам олиб, партия ходимлари ҳаётидан ҳикоя қилиб бермоқчи бўлган, у эски қолиплар ва схемалардан қочишга интилган ва кўп ўринларда бунга муваффақ ҳам бўлган. Лекин шунга қарамай, унинг

яратган қаҳрамонлари ҳали бадиий мукамаллик касб этган эмас — бундай бўлишига яна ўша схематизм инерцияси халақит берган. Табиий савол туғилади: нега проза соҳасида кўп йиллик тажрибага эга бўлган иқтидорли ёзувчининг ижодида шу ҳол содир бўлди? Ахир, Ўлмас Умарбеков схематизмнинг зарарини жуда яхши билади, ижодида ундан қочишга, қаҳрамонлар характерини ҳаётий тасвирлашга интилади-ку? Менимча, бундай зиддиятли ҳолнинг сабабини Ўлмас Умарбековнинг шахсидан изласак унча тўғри бўлмас. Аниқроқ айтганда, бу қусур фақат Ўлмаснинг қаламигагина хос эмас, балки у бугунги ўзбек прозасида анча кенг тарқалган қусурдир. Биз кейинги йилларда кўпгина ёзувчиларимиз юракдан ҳаётийликка, теран ҳаққонийликка интилганини, лекин асарида охир-пировардида схематизм инерцияси салбий таъсир кўрсатганининг гувоҳи бўлдик. Бу ўринда гап фақат истъодод устидагина бораётгани йўқ — ҳатто истъододли деб тан олинган айрим ёзувчилар ижодида ҳам сўнгги йилларда шундай қусур намоён бўлмоқда. Хўш, бунинг боиси нимада? Нима учун биз ҳамон схематизм иллатидан батамом қутулиб кетолмаяпмиз? Гап шундаки, схематизм адабиётнинг тасвир воситалари, композицион приёмлари, сюжет яратиш принциплари, характер ва тип барпо қилиш масалалари билангина эмас, биринчи навбатда, бадиий тафаккур билан, санъаткорнинг ҳаёт ҳодисаларига муносабати, уларни умумлаштира олиш иқтидори билан боғлиқ. Санъаткор ҳаётни кузатар экан, ҳаёт ҳодисалари ҳақида мулоҳаза юритар экан, буларнинг реал нисбати ва таққосларидан келиб чиқмай, улар ҳақидаги тайёр тасаввурлардан, аввалда мавжуд қолиплардан келиб чиқади. Бундай ҳолларда ҳаёт ҳақиқати ёзувчига керагидан ортиқ кескин, шиддатли, юмшатмаса, силлиқлаб тарашламаса бўлмайдигандай кўринади. Санъаткор ичидаги аллақандай муҳаррир унинг елкаси оша ёзганига қараб, қаламини эркин ва бемалол югуришидан тийиб туради, бундай ҳолларда асарда асл ҳақиқатнинг ўзи эмас, балки шаклан

ҳақиқатга ўхшаган, лекин моҳиятига кўра ундан жуда олис турадиган ясама нусхаси пайдо бўлади. Схематизмнинг энг ашаддий зарари ҳам мана шунда. Ҳаёт ҳақиқати қаршисида ҳадиксираш, уни баралла овоз билан айтиш ўрнига бир чимдим-бир чимдимдан намоён этиш — бадий асарни кўламдан маҳрум этади, заифлаштиради, умрини қисқартиради” (“Ўзбекистон маданияти”. 1979, 14 сентябрь).

Мен Ўлмас Умарбековнинг “Ўликлар кечирмайдилар”, “Оқар сувлар” сахна асарлари, “Одам бўлиш қийин” романи, “Севгим, севгилим”, “Ёз ёмғири” қиссалари, “Олтин япроқлар” тўплами ҳақида тақризлар, “Нурли умр, кўҳли ижод” деган мақола ёзганман.

Ў.Умарбеков ҳаётдан кетганига ҳадемай ўн беш йил тўлади. Бошқача айтсак, ўн беш йилдан бери Ў.Умарбеков асарларини вақт галвири синовдан ўтказяпти. Санъаткор ижоди мисоли тирик мавжудот: у яшаш учун курашади, ўзини ҳимоя қилади, табиатидаги яширин қувват заҳираларини ишга солади. Адабий танқид Ў.Умарбековга ўхшаган санъткорлар ижодини ҳамиша кузатиб, талқин этиб, баҳолаб бориши зарур.

Мақола пировардида бир фикрни айтмоқчиман. Янги ўзбек адабиёти муҳлислари Зарифа Саидносировани, Кибриё Қаҳҳоровани, Саида Зуннуновани, Шарофат Шарафиддиновани, Раҳима Қўшжоновани, Маъсума Аҳмедовани фидойи аёл сифатида ҳурматлайдилар. Бу рўйхатнинг бошида, сўзсиз, бетакрор, донишманд, улуғ шоира Зулфия опа турадилар. Ёзувчиларнинг фидойи аёллари ўз соҳасининг эътиборли кишилари бўлганлар. Зарифа Саидносирова машҳур олима, Кибриё опа мумтоз адабиёт билимдони, таржимон эди. Саида Зуннунова — янги ўзбек адабиётининг бетакрор сиймоларидан бири. Шарофат опа — муҳаррир, таржимон, Раҳима опа шифокор — онколог сифатида танилган эдилар. Масъума Аҳмедова кўплаб сержозиба ҳикоялар, бетакрор бадиалар муаллифи. Бу сафда олима Зухра Умарбекованинг ҳам бетакрор ўрни бор.

## ТАВАЛЛУД ТОПАЁТГАН КЎНГИЛ МУЖДАЛАРИ

*Куймаганнинг кўзини очма,  
Ҳайратсизга ўқиш ҳайф!  
Битта буржни ўлчаб,  
Қолган учтасидан мужда  
топмаганга  
Бўлишма!..*

### КОНФУЦИЙ

#### 1

Биз яшаб турган дунё тинимсиз эврилиш, инқироз, янгиланишларни бошдан кечирмоқда. Инсоният минг йиллар мобайнида кўрмаган ҳодисаларни санокли кунлар ичида бошдан кечириб қўяётгандай, табиий офатлар, руҳий таназзуллар қаршисида эсанкираб қолаётгандай туюлмоқда. Илоҳиётга тааллуқли сўз тимсолидаги адабиёт абадият манзиллари томон интилар экан, бизга кўриб турганимиздан ташқари яна бошқа оламлар ҳақида ҳам хабар бермоқда, ана шу муждалар дунё дардларига, яраларига малҳам десак муболаға бўлмайди.

XX аср ўзбек насри ўз бошидан кўп воқеаларни ўтказди.

У ҳамон шаклланиш жараёнида.

Бугунги насримизнинг ёрқин вакилларидан бири Шойим Бўтаевдир.

#### 2

Ҳозирги насримиздаги услуб жилоларини аниқроқ тасаввур этиш учун бетакрор истеъдодли ёзувчилар асарларини таҳлил-талқин қилиш адабиётимиз, адабиётшунослигимиз уфқларида янги-янги имкониятлар очади.

Шойим Бўтаев ўз услубига, бетакрор тилига эга ёзувчи эканлигини бугунги кунда унинг китобхонлари, мухлислари тан олишади, адабий танқидчиликда ҳам унинг

асарлари хусусида турли-туман фикрлар билдирилмоқда, адабий анжуманларда баҳс-мунозараларга сабаб бўлмоқда.

Бу бежиз эмас.

Шойим Бўтаев ўзига хос ёзувчи.

У Хўжанд вилоятининг Ўратепа туманидаги Чорбоғ қишлоғида саратоннинг бошланиши (1959 йил 20 июн)да таваллуд топган.

Чорбоғ қирлар орасидаги Кўчкина, Манғит, Болғали, Мужун, Иторчи, Овчи сингари сўлим қишлоқларнинг бири бўлиб, унда туркий ва ўзбек уруғларига мансуб элатлар яшайди. Бу ерларнинг кишилари деҳқончилик ва чорвачилик билан шугулланадилар.

Туркистон тизма тоғлари этакларига сочилган халқларнинг турли лаҳжаю шеvasи рангин, бой, урф-одатлари, анъаналари қадимий. Тоғ ҳавосию сувидан баҳраманд бўлган кишилар табиатдай танти, қайсар, чўрткесар, адолат туйғуси кучли.

Шойим Бўтаев — Туркистон тизма тоғлари этакларидаги қирлар боласи. Хўжанд педагогика институтини тамомлаган. 80-йиллардан бери ижод қилади. Ўнлаб ҳикоялар, “Кунботардаги боғ”, “Шамол ўйини”, “Эски арава”, “Муйилишдаги уй”, “Шўродан қолган одамлар” сингари қиссалар, “Қўрғонланган ой” романининг муаллифи. Шойим Бўтаев “Ўзбекистон” радиосининг адабий-драматик эшиттиришлари таҳририятининг етакчиси. У ўз юмушига масъулият билан ёндашади. Айни вақтда бадий ижодни зинҳор кўнгил ҳуши деб билмайди. Ҳозирги ўзбек насрининг серғайрат, забардаст намояндаларидан бири. Ундаги ижодий ғайрат, шижоат кўзга яққол ташланиб туради. У ҳозирги наср тараққиётини кенг миқёсда англайди: жаҳон насрида рўй бераётган янгилик, ўзгаришларни тез ва теран англаб етишга интилади. У хизмат юмуши тақозосига кўра Одил Ёқубов, Пиримқул Қодиров, Шукур Холмирзаев, Ўткир Ҳошимов, Омон Мухтор, Тоҳир Малик сингари ҳозирги ўзбек насри дарғалари

билан суҳбатлар уюштиради. Ўзбек адабиётининг ютуғи бўлган асарлар ҳақида мунаққид ва адабиётшуносларнинг давра суҳбатини ташкил қилади. Муҳими шундаки, Шойим Бўтаев матбуотда, ёшлар теле ва радиоканалида адабиёт масалалари бўйича кўплаб мақола, эшиттиришларда иштирок этади.

### 3

Шойим Бўтаев ўзбек адабий харитасини янги жуғрофий ҳудуд, бетакрор адабий аҳоли эвазига бойитди. Абдулла Қодирий Тошкент шаҳри даҳаларини, Тошкент теварагидаги қишлоқларни, Марғилон, Кўқонни бадий тасвирлади. Ойбек ва Ғафур Ғулум насрида Тошкентнинг ўтмиши ва асрнинг биринчи ярмидаги ҳаёти акс этди. Мирзакалон Исмоилий Фарғона водийсини, Саид Аҳмад “Уфқ”ида Андижонни, Одил Ёқубов Туркистон ерларини, Қарноқ даштини; Садриддин Айний Соктаре қишлоғини, Ғиждивон туманини, Бухоро юртини акс эттирган.

Шукур Холмирзаев асарларида Сурхон воҳаси, Бойсун ўлкасининг қирлари, даралари, камарлари тасвирланган. Ўткир Ҳошимов асарларида Қонқус анҳори ўтадиган Дўмбирабод, Нўғайқўрғон, Хотин кўприк деган жойлар ифодаланган. Шойим Бўтаевнинг аксарият асарларида тоғ этаклари – қияликлардаги қишлоқлар тасвирланган.

Китобхон булоқлардан чиқаётган сувни кўраётгандай, дарахтлар остида хордиқ чиқараётгандай, қишлоқ кўчаларига хос бетакрор томонларни ҳис этаётгандай бўлади. Ёзувчи қиссаларида бир-бирига ўхшаш кишилар учрайди. “Шамол ўйини” қиссасида Зокир булбул деган ошиқ ҳақида гап боради. Зокир бахши образи “Қўрғонланган ой” романида яратилади. “Шамол ўйини” қиссасидаги момоулоғ танаввул қилаётган кампирлар “Кунботардаги боғ” қиссасидаги Улғай момо таниш-билишлари, тенг-тушларига ўхшайди.

Шойим Бўтаев қишлоқ кишиларига хос хусусиятларни топиб-топиб кўрсатади. Масалан, ўзбек борки, лақаб

тўқишни яхши кўради. Лақаб касбга, насабга, феъл-хуйга, ташқи кўринишга кўра тўқилади. Зокир бахши, Тилак миришкор, Жандачи амаки, Нуъмон қиртиш, Эргаш калта, Наби муаллим, Раҳим индамас, Вали қассоб, Мутал жарчи, Суннат ўғри, Даканг оқсоқол... сингари образлар китобхон ёдидан чуқур ўрин олади. “Шўродан қолган одамлар” қиссасида ёзувчи лақаб — касб-қариндошлик даражаси — мартаба (амал)ни асос қилиб олади. Асарнинг бошидан охиригача Назоратчи, Амаки, Начальник, Кайвони, Гўрков сингари образлар китобхон диққатини тортади. Қиссада Амаки, Кайвони, Оқсоқол, Кўксоқоллар исми ҳатто айтилмайди. Назоратчининг исми МЭЛС эканлиги айтилса-да, ғалати ном дарҳол китобхон хотирасидан кўтарилади.

Шойим Бўтаев асарларидаги номлар ҳақида тўхталар эканмиз, Ёшиузоқ исмига диққатни қаратиш жоиз. “Муюлишдаги уй” қиссасида Ёшиузоқ номи турли персонажлар томонидан тилга олинади. Бу ном тилга олинар экан, Тошқувват ҳам, Отажон ҳам, Асад ҳам, Назокат ҳам, Саид Мавлоний ҳам — жиноят оламининг барча намояндалари ҳушёр тортиб қоладилар. Сирли, яширин жинойий гуруҳни Ёшиузоқ бошқариши маълум бўлади. “Шамол ўйини” қиссасидаги ёрқин тимсолардан бири ҳам Ёшиузоқдир. Бу қиссадаги Ёшиузоқ ҳам кўрқинчли, жиноят дунёсига яқин, қўли эгри, бузуқ одам. Ёшиузоқ образи Беркинбой, унинг хотини, ўғли табиатини ёритишда асосий воситалардан бўлиб ҳисобланади. Қаранг, ёзувчи асарларида учраган Зокир бахши турли бир хотира қолдирса, Ёшиузоқ “Муюлишдаги уй”, “Шамол ўйини” қиссаларидаги манфий кутб маркази сифатида намоён бўлади. Демак, ёзувчи ҳаётни тасвирлар экан, қалбида чуқур из қолдирган воқеа-ҳодисаларни, шахс-кимсаларни кўрсатмаслиги, уларга нисбатан ўз муносабатини билдирмаслиги мумкин эмас.



Ҳар бир ижодкор адабиётга ўз мавзуси, қаҳрамонлари, бетакрор “тили” билан кириб келади. Шойим Бўтаев қаҳрамонлари бетакрор кўринишга, руҳий ҳолатга, ўз тилига эга. Ёзувчи асарларида яқров, гумсиё, пайхова, тайинот, тавониби, шоён, нописанд, гулзиндонак, уфунут, нарғиё, кашай, чалпақпазон, чархин товоқ, хориқлода ҳодиса, калолат, обдаст олмоқ, хоби хотир, кўлантаёқ, қамғоқ сингари сўзлар учрайдики, улар беихтиёр китобхон диққатини жалб этади.

Ёзувчилик истеъдоди дейилганда фақат ёзавериш, ҳаётни, одамларни билишгина тушунилмайди. Ҳар бир ёзувчи асар яратиш учун кўп ўқийди, устоз санъаткорлар яратган бадиий бойликларни узлуксиз ўзлаштиради. Бадиият оламининг ўзига хосликларини, етакчи йўналишларини, мумтоз мактабларини англаб етган ўлмас санъаткорлар ижодини мукаммал ўрганган одамгина ижод қилиши, кишилар ёдида қоладиган асарлар яратиши мумкин. Чўлпон, масалан, йигирма йилдан сал ортиқроқ муддат давомида бадиият олами гўзалликларидан баҳраманд бўлди: минглаб асарларни ўқиди, қанчадан-қанча ижодкорлар билан мулоқотга киришди, ўзига маълум асарлар, қаҳрамонлар, санъаткорлар ҳақида мақола, бадиалар ёзди. Мана шундай мутолаалар бўлмаганида, Чўлпон буюк санъаткор бўла олармиди, ўлмас асарларни ярата билармиди?!

Шойим Бўтаев асарларини ўқир эканман, ёзувчи рус мумтоз адабиётини чуқур билишини, жаҳон адабиётидан яхшигина хабардор эканлигини ҳис қилдим. “Шўродан қолган одамлар” қиссадаги шўх, баландпарвоз гапиришни ёқтирадиган ровий – ҳикоячи бирдан “Ҳожимурод” асаридаги антиқа қиёсни эслаб қолади: “Семиз аёл фаросатсизлиги туфайли қамалиб кетган эридан анча-мунча туртки еб турарди; энди туртадиган одами бўлмагани учун баттар аҳмоқлашган эди. Бу тарзи билан у дунё алломаларининг хотинлар

ҳақидаги оз-моз учраб турадиган ношоён сўзларини ҳар замон-ҳар замонда тасдиқлаб тургандай эди. Масалан, Лев Толстойнинг “Ҳожимурод” қиссаси унинг етти ухлаб тушига ҳам кирмаган бўлса-да, ёзувчининг бу асарда келтирган “Тухумда қанча тук бўлса, аёлда шунча ақл бўлади” деган иборасини тасдиқлагандек эди”.

Шойим Бўтаев “Шукур Бурҳон” бадиасида Софоклнинг “Шоҳ Эдип” фожеаси ҳақида фикр билдиради. Ёзувчи Антон Чехов, Салтиков-Шчедрин асарларини ўқиб лўнда, ихчам образлар яратишни ўрганганлиги сезилиб туради. Шойимнинг Н.В.Гоголь ижодига бўлган алоҳида ҳурмати “Эски арава” қиссасида кўзга яққол ташланади. Асарнинг асосий қаҳрамони Павел Иванович Чичиков – “Ўлик жонлар” асаридаги устасифаранг, илоннинг ёғини ялаган одам. “Эски арава”га Чичиков ўз малайи Селифан, отбоқари Петрушка, олди-сотди масалалари бўйича мулоқотга киришган Собакевич, Манилов, Плюшкин, Кошкарёвлар билан кириб келади. Шойим Бўтаев Чичиковнинг маънавий “олами”ни роса ўрганган. Ўз қаҳрамони таърифини ёзувчи бундай ифодалайди: “...Павел Ивановичнинг санъатга унча-мунча иштиёқи бўлса-да, шеъриятни кўргани кўзи йўқ эди. Шеъриятни кўролмаслигининг энг биринчи сабаби шоирларни дунёдаги энг бемаза одамлар деб биларди. Улар гапни тўғри гапиришмайди, алмойи-алжойи, орқасини олдига, олдини орқасига қилиб, бошқаларнинг энсасини қотирадиган тилда гапиришади. Шоирларда тайин бўлмайди. Масалан, Пушкин деган аллақандай бир араб император ҳазратларининг ўзлари билан олишишдан ҳам ҳеч-ҳеч ҳайиқмайди. Чичиков ҳақида ҳам у Гоголни, Моголми деганларга аллақандай бўлмағур гапларни гапириб юрганмиш. Гапирса гапирверсин, Чичиковнинг совунига ҳали кир ювмабди. Гарчи у эски аравада юрса-да, узоққа кетади. Ҳали улар-

нинг йўғон-йўғон китобларига ҳеч ким қиё боқиб қарамайди, аммо Чичиковнинг бу эски аравасининг гилдираги қайси пучмоққа етмасин, уни ҳурмат, эҳтиром билан қарши олишаверади”.

Шойим Бўтаев “Ўлик жонлар” не сабабдан дoston дея аталганини ҳам англайди. Н.В.Гогол асарига мана бу — насрдаги назмни китобхон ҳукмига ҳавола қилади:

“Эй, узоқ, олис йўл!”

Сенда кишини теран ўй-хаёлларга толдирувчи нимарсалар бордир; олис-олис манзил-мароҳилларга етакларкансан, йўловчи ўзининг юраги қатламларига ҳам бир қур назар ташлайди ва чуқур-чуқур хўрсинади.

Бунинг сабаби нимада эканлигини билармисан, эй, олис йўл!

Бунинг сабаби шундаки, йўлда келаётган кимарса умр ҳам худди шундай шитобу шахд-ла босиб ўтилгач, ҳаммаси абадият қаърига чўкиб кетишини яхши англайди”.

Шойим Бўтаев машҳур “Ўлик жонлар”ни чуқур англаб етади ёхуд ҳазрат Гоголь болининг мазасидан ҳузур қилади. Китобхон, хўш Шойим Бўтаев улуғ санъаткор болидан ҳолва пишира олдими — ёзувчилик санъатини намоён эта билдими, деган саволни беради. Маълумки, 80-йилларнинг ўрталарида “Ўзбекистонни бошқарган баъзи раҳбарлар халқ ғурурини оёқ ости қилдилар — узоқ, совуқ ўлкалардан ўзбекларни бошқариш учун раҳбар кадрлар чақирдилар. Қип-қизил муттаҳам Чичиков у ёқда турсин, унинг хизматкори, пияниста Селифан, отбоқари Петрушка ҳам Ўзбекистонга кетмоқчи бўлганини айтади: “Илож қанча, Павел Иванович... — хода ютгандай тик тургани сайин Селифаннинг кайфи бошига ўрмалаб чиқиб бораверади, ахири дош беролмади, кўзлари сузилиб, “шилқ” этиб тушди, шундаям айтаётган сўзини йўқотмади. — Чақиришяпти...”

Хуллас, Ўзбекистонга Селифану Петрушка ҳам, Собакевичу Манилов ҳам, Кошкарёв, Плюшкин ҳам, Чичиков ҳам келиб қолди.

Шойим Бўтаев бевурд меҳмонлару тўпори мезбонлар ҳақидаги қиссаси яқин ҳаётимиздаги фожеавий ҳодисаларни жонлантиради. Нишонбой Ҳурзамонович ва унинг югурдаклари Чичиковдан тортиб Селифангача, Собакевичдан тортиб Кошкаревгача хушомадгўйлик қиладилар. Четдан чақирилган, Чичиков ибораси билан айтганда, гирт аҳмоқ Кошкарев илмий маслаҳатчи бўлиб олади. Зиёфат пайтида Собакевич Чичиковга қарата Елизавета Воробейни қайтиб бер, уни биронта туманга учинчи котиб қилиб жўнатиб юбориш имконияти туғилди, деб қолади.

Нишонбой Ҳурзамонович билан Чичиков ёлғиз суҳбат қураётган эканлар, машҳур товламачи “ўлик жон”лари ҳақида сўз очади. Аввалига Нишонбой Ҳурзамонович ўлик жонлар ҳақида гап бораётганини тушунмайди-да, чақиринг ўша одамларингизни, раҳбарликка жойлаштирамиз дейди. Гап ўликлар ҳақида бораётганини билганидан кейин ҳам Нишонбой Ҳурзамонович бўш келмайди:

— Раз, шундай экан, — деди қатъий оҳангда. — Сиз марҳум деҳқонларингизнинг рўяхатини бераверинг. Уларнинг номларини абадийлаштириш бизнинг зиммамизда... Кўчаларга, колхоз-совхозларга ўша рўяхат бўйича берамиз”.

“Эски арава”, биринчидан, Шойим Бўтаевнинг санъат асарига ҳурматини кўрсатса, иккинчидан, ёзувчи Гоголнинг салбий қаҳрамонларини ўзбеклардан етишган гўл, лаганбардор, гурусиз кишиларга йўлиқтиради.

## 5

Биз Шойим Бўтаев туғилган, вояга етган жойлар, қишлоқ кишилари, уларнинг бетакроп томонлари ҳақида тўхталдик. Ёзувчининг жаҳон адабиёти намуналарини қай даражада билиши-ю улардан қай йўсинда фойдаланганлиги ҳақида ҳам фикр юритдик. Хўш, Шойим Бўтаевнинг олий маълумотли бўлиши, унинг

матбуот соҳасига келиши қандай кечди? Ёзувчининг асари борки, у қайсидир томони билан ижодкор ҳолаҳаётга уланади. Бизнингча, “Муюлишдаги уй” қиссаси катта ҳаёт муйилишида турган ёшлар руҳиятини акс эттириш, мустақил одим ташлашга чоғланган кишилар борлигини тасвирлаши билан диққатни жалб қилади. XX аср ўзбек насрида ўнлаб қисса, романлар борки, уларда олий ўқув юртига киришга чоғланган, мақсадига эриша олмай ишлаб чиқариш жабҳасига бурилган ёшлар образи яратилган. “Қора кўзлар”, “Ичкуёв”, “Одам бўлиш қийин”, “Умид” сингари асарларда мустақил ҳаётга қадам ташлашнинг мураккабликлари акс эттирилган.

Шойим Бўтаев “Муюлишдаги уй” қиссасида ёшлар характерини яратишда қандай ижодий ютуқларга эришди ёхуд 80-йиллар охиридаги ёшларнинг изланишларида қандай янгиликлар диққатни жалб қилди? “Муюлишдаги уй” қиссасида олий ўқув юртига кира олмаган Тошқувватнинг иш излаб келган ёш ёзувчи Ёрибекнинг руҳий ҳолати акс эттирилган. Шуни таъкидлаш керакки, “Муюлишдаги уй” асарида детектив жанрга ҳос хусусиятлар бор. Аввало, муюлишдаги уйнинг ўзида аллақандай сирлилик бор. Иккинчидан, Тошқувват дастлаб “Ё.У”дан келган сирли топшириққа дуч келади. Учинчидан, Тошқувват қамоқхонада орттирган ошнаси Болабекдан муюлишдаги уйнинг ҳозирги эгаси Отажонга нома келтириши биланоқ сирли хонадон хизматчилари шошиб қоладилар. Тўртинчидан, Ёрибек ва Тошқувватлар муюлишдаги сирли уйнинг янгидан-янги меҳмонлари билан таниша борадилар. Саид Мавлавий, Асад, Назокат сингари персонажлар калаванинг учини янада чувалаштириб юборади. Ниҳоят, скрипкачи Асад Назокат билан уришиб қолади-ю, муюлишдаги уйда содир этилаётган фожиани очиб ташлайди. Муюлишдаги уйга эндигина келганида Ёрибек ёшгина бир қизни кўрган, қиз бирдан йўқ бўлиб қолган эди. Ўша рўё Назокат ўлдирган қизга тааллуқли эди. Асад муюлишдаги

уйнинг бир бурчагидан ёш қизча жасади кўмилган жойни кўрсатиб беради. Асар пировардида Ёшиузоқ исмли кимса сирли, жинойий тўданинг бошлиғи эканлиги, Саид Мавлавий, Отажон, Муса, Назокат, Болабек, Мирсолмон Мирқориевич, Қоратарош, Оқбош, Новчакул, Асадларнинг жинойий тўдага алоқадорликлари маълум бўлади. Ёшиузоқ бошчилигидани жинойий гуруҳ қора дори, наша етиштириш билан шуғулланади. Муюлишдаги уйда рўй бераётган шўхлик, ўйин-кулгу, бузуқлик, жиноятлар, тўқликка шўхликлар илдизи қонунга хилоф йўллар билан топилган бебилиски пуллар эвазига бўлади. Тошқувват, ўзи сезмаган ҳолда, жинойий гуруҳга боғланиб қолади. Қиссада Тошқувватнинг институтга кира олмаганлиги сабаби, қандай қилиб жиноятчилар тўдасига тушиб қолганлиги кўрсатилади. “Муюлишдаги уй” қиссасининг асосий қаҳрамони Ёрибек, ёш ёзувчи, Тошкентга иш излаб келган журналист. Тошқувват қиссаси асар ичра асардир. Шойим Бўтаев Тошқувват билан Ёрибекнинг тасодифан танишиб, иноқ-қадрдон бўлиб кетганликларини кўрсатади. Ёрибек Тошқувват сингари қишлоқ йигити. Тошқувватдан фарқли ўлароқ у институтни тугатган, бадий ижод билан шуғулланади. Ота-она Ёрибекнинг қишлоқдан кетишини истамайди. Аммо Ёрибек бутун борлиғи билан марказга, Тошкентга интилади. У Тошкентга келар экан, тоғаси — катта ёзувчи Усмон Акрамдан умидвор бўлади. Худбин Усмон Акрам жиянини яқинига ҳам йўлатмайди. Етти ёт бегона, устига устак қамоқхонадан эндигина чиққан Тошқувват Ёрибекни ҳам моддий, ҳам маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлайди. Ёрибек марказий газеталардан бирига мусахҳиҳ бўлиб ишга жойлашади. Қиссадан чиқадиган мантиқий хулоса шуки, Тошқувват ҳам Ёрибек ёрдамида ўз йўлини топиб олади, “Ҳаётим йўллари” сингари асарларни ёзишга киришади. Шойим Бўтаевнинг “Муюлишдаги уй” қиссаси ўрталикдаги асар: у детектив

бўлиб детектив эмас, характер бўлиб мукаммал характер яратилган асар эмас. Лекин ёзувчи ниҳоятда мураккаблик билан қаҳрамонлар тақдири, ҳаёт йўлини акс эттирган. Айтилганидай, “Муюлишдаги уй” қиссасида биографик ўринлар, ёзувчи ҳасби ҳолига тааллуқли томонлар талайгина. Мазкур қиссада ўта юзаки персонажлар кўп. Ота Суннат, Мазбут муаллим, Неъмат, Майорой сингари хира, ишонарсиз тасвирланган образлар кўп. Қиссадаги материал шу даражада кенг, сертармоққи, уни қисса қолипига жойлаш анча мушкул кечган. Қисса поэтикасига эътибор берилса, услубдаги паст-баландликларни сезиш мумкин. Қиссадан олинган мана бу матнга эътибор беринг:

“Калтакесак – тилшунос кетишимга изн берди:

– Сизга жавоб!

Индамай чиқиб кетдим.

Ажаблана-ажаблана кетдим.

Миямда шундай саволлар чарх урарди:

– Бу ерга ўзи нега келувдим?

Нима кераги бор эди?

Қаники биронтасига жўяли жавоб тополсам”.

Жумлалар қисқа. Сўзлар таъсирли. Сўзларнинг такрор-такрор айтилиши жўяли. Лекин бундай сўзлашув, сўзлатиш усули бошқа, машҳур асарда учрайди-ку!

Дарвоқе, қиссада келтирилган иқтибос “Муюлишдаги уй”даги “Ҳаётим йўллари”дан олинган. Бошқача айтганда, Шойим Бўтаев қиссасига Тошқувватнинг қалб изҳори — ҳол-ҳаётининг бир бўлаги киритилиб юборилган. Бадиий насрнинг мураккаблиги шундаки, ижодкор асар руҳини, қаҳрамонлар характерини ўта ишонарли, нозик тасвирлай билиши керак. Бошқача айтганда, асардаги ҳар бир сўз, фикр ким томонидан, қандай кайфиятда айтилаётганлиги маълум бўлиши керак. Бадиий асардаги сўзлар, тасвирлар, картиналар услубни белгилайди. Услуб, таъбир жоиз бўлса, асарнинг асаб торлари, қон томирлари, жони. Асарнинг услуби ҳақида гап борар экан, шаксиз, ровий-ҳикоячи

масаласи пайдо бўлади. Негадир аксарият китобхонлар ёзувчи билан ровийни бир шахс деб биладилар. Тўғри, “Ўткан кунлар”, “Меҳробдан чаён”, “Қутлуғ қон”, “Навоий”, “Қўшчинор чироқлари” сингари асарларда ровий ва муаллифaro масофа жуда яқин. Қолаверса, бу асарларда ровий моҳияти, қиёфаси кўзга аниқ ташланмайди. Абдулла Қодирийнинг “Калвак махзумнинг хотира дафтарида”, Абдулла Қаҳҳорнинг “Синчалак” асарларида ровий билан муаллиф орасида катта тафовут кўзга ташланади.

## 6

80-йиллардан бошлаб ўзбек қисса, романларида ровий масаласи алоҳида кўзга ташланди. Мурод Муҳаммад Дўст, Тоғай Мурод, Эркин Аъзамов ровий образига алоҳида эътибор бердилар. Ровий зинҳор-базинҳор муаллифнинг айнан ўзимас. Шундай ровий-қаҳрамонлар борки, уларнинг тушунчалари, фикрлаш даражалари анча жўн, паст. Нега Тоғай Мурод “фарғоначи (муаллиф айнан шундай деган бўлармиди? — А.Р.) Жалолиддин кетмон набираси”ни ровий — бош қаҳрамон қилиб танлади? Нега “Лолазор”, “Галатепага қайтиш” муаллифи ровийни асосий таянч куч даражасига кўтаради? Эркин Аъзамовнинг илк қиссасидаги ровий — қаҳрамон бунчалик серзарда, бетгачопар? Ровий — воқеа-ҳодисаларни холис кўрсатувчи ракурс; қаҳрамонларни ич-ичидан ёритиб берувчи шамчироқ. Шўро адабиётшунослигида “ҳаётни ўрганайлик!”, “ҳаётни ҳаққоний тасвирлайлик!” сингари даъват кўп бўларди-ю, ҳаётни тўғри, ҳаққоний акс эттиришдаги асосий воситалардан бири — ровий масаласига эътибор берилмас эди. Бадиий асарни англашнинг асосий калити ровий моҳиятини билишдир. Ровий — китобхонни эргаштирувчи куч. Китобхон эса зинҳор суст, беўйлов эргашувчи бўлиши керак эмас. Китобхон ровий билан ёзувчи орасидаги нозик алоқаларни, услуб тебранишларини, асар поэтикаси



сирларини англаб етиши жоиз. Ровий муаммосига анча батафсил тўхталишимиз боиси шундаки, Шойим Бўтаев қиссаларида, айниқса, “Шўродан қолган одамлар” асарида ҳикоячи шахси, тимсоли жиддий ўрин эгаллайди. Ёзувчи “Шамол ўйини” қиссасида ровий масаласи жиддий қўйилади. Ровий воқеаларни тасвирлайди, қаҳрамонлар қилмиши, фаолиятини кўрсатади. Лекин у на воқеалар моҳиятини, на қаҳрамонлар хатти-ҳаракатини баҳоламайди. Синчков китобхон холис тасвир, хатти-ҳаракатларнинг ифодаси орқали асар гоёсини – ёзувчи концепциясини билиб олиши лозим.

Шойим Бўтаев қиссаларидаги ровий кесатиқ, пичингга уста. У шўро давридаги расмий, сийқа муносабатларни ўрнига қўйиб тасвирлайди. Бир ўринда “бўйнига бўйинбоғ боғланган хирадманд”нинг қилмиш-қидирмишлари бўйинбоғга нисбат бериб тасвирланади: “Махсус ошхоналарга кириб, эгасининг тўйимли, хушбўй овқатларни иштаҳа билан тушираётганига гувоҳ бўлади, унинг кекира-кекира яна ўзининг салобатли хонасига кўтарилаётганидан завқланади. Кекириб турган инсоннинг сиполаниши ҳақиқатан ҳам завқли-да, тўғримасми?” Ровий ҳикоясида пичинг, кесатиқ, сохта баландпарвозлик кучайдими, билингки, расмий, ғайритабиий ҳолатлар, сохта муносабатлар тасвирланаётган бўлади. “Шамол ўйини”даги ровий раис, Беркинбой, Ёшиузоқ ҳақида гапирар экан, булбулигўё бўлиб кетади, лаби-лабига тегмай теша тегмаган кесатиқ, пичингларга зўр беради: билингки, ёлгон муносабатлар, тўраларча муносабат ажойиботлари фош қилиняпти.

“Шамол ўйини”даги ровий “Шўродан қолган одамлар” қиссасида ҳам ҳикоячи вазифасини ўтайди. Бу қиссадаги ровий энди тамоман эшилиб кетади, ўзлигини бутунлай намоён қилади. Бошқача айтганда, ровий шундай муҳит, ҳолат, муносабатлар ҳақида ҳикоя қиладики, уларни тўлиб-тошмасдан, тилга асал суртиб олмасдан ривоялаш мумкинмас. Ровийнинг кўзи чиркин муносабатларни аниқ

кўради, сохта ҳолатларни оғзидан бол томиб сўзлайди, манфий ҳодисаларни қотириб тасвирлайди. Ровийга кўркўрона эргашган содда китобхон кўз ўнгида “йилт” этган яхшилиқдан мосуво, фақат сохталиклару қаллобликлардан иборат қишлоқ ҳаёти намоён бўлади. Аслида бундай эмас. Қишлоқ ҳамма қишлоқлар қатори ҳаёт кечиради. Унинг кишилари ҳам ўзга қишлоқлар одамларидай яшайди. Ҳамма ерда бўлганидай қишлоқда ҳаёт ўзининг баланд-пастликлари, қувончу ташвишлари билан давом этипти. Ровий тушмагур сал бўрттиришни, салбий воқеаларга “тўн кийдириб” юборишни ёқтиради. Лекин ровий ҳикояси, воқеа-ҳодисаларни кўриши зинҳор муаллиф ғояси, қисса концепцияси эмас. Шойим Бўтаев асарлари асосидаги ғоя мана бундай: қаердаки имонли-инсофли одамлар бўлса, ўша ерда файз, барака бўлади. Ҳаром, ёлғон аралашган жойда фалокат рўй беради, ҳаётдан нур, тароват йўқолади. Тепа қишлоғи кишилари (“Шамол ўйини”) шод-хуррам, қут-баракали яшардилар. Суроб Рустамович сохталик, хушомадгўйлик билан раис бўлиб олди. Бу раис ёнига нопок Беркинбой қўшилди. Беркинбойни қора тортиб қишлоққа ҳаромхўр, фирром, маиший бузуқ Ёшиузоқ келиб қолди. Қарабсизки, тепаликлар боши ғалвадан, ҳар хил табиий, ижтимоий фалокатлардан, фожиалардан чиқмай қолди. Ровий муаллиф ғоясини эмас, воқеа-ҳодисаларни бўрттириб, кесатиб тасвирлайди.

## 7

“Шўродан қолган одамлар” қиссасида ровий аждодининг тайини, ота-онасининг бурди йўқ Ака ва Ука ҳаётини, оиласини, алоқаларини, ижтимоий мавқеини ҳикоя қилади. Ака ва Ука ёшлигидан ноаҳил бўлиб ўсган. Уларнинг онаси ҳам лақмагина, гоҳ у томонга, гоҳ бу томонга оғиб кетаверадиган аёл бўлган. Муҳими, Ака ҳам, Ука ҳам табиати кир, одамови, гиначи, кекчи одам. Қиссадаги ровий воқеа-ҳодисаларга, муносабатларга Ака ва Ука нуқтаи назаридан ёндашади. Ровий сўзлар экан,

гүё Ака ва Ука руҳи томонида туради, тасвирлар экан, Ака ва Ука қиёфаси айнак бўлаверади. Ака — индамас, зерикарли одам. Ука ичи қора, ҳасадгўй кимса. Ровий эса булбулигўё, гапни дўндириб ташлайди. У одамлар, ҳолатлар ҳақида гапирар экан, уканинг ичи қоралигини, ҳасадгўйлигини ялтироқ сўзлар, иборалар, қиёслар пардасига ўрайди. Қаҳрамонлар характери билан ровий ҳикояси орасидаги зиддият қиссанинг бошининг охиригача давом этади. Услужий бутунликни таъминлайди. Шойим Бўтаев ижодида “шўродан қолган одамлар” қиссаси поэтика нуқтаи назаридан етуклиги, композицион мутаносиблиги, матн яшовчанлигини таъминловчи ички зиддиятнинг изчил мароми билан алоҳида ўрин эгаллайди.

Қиссадаги ровий бот-бот муаллиф қарашларини ифодалайди. Шундай пайтда ровий ва муаллиф бирлашиб кетгандай бўлади:

“Ука кетди:

Ака қолди.

Улар на Кечани эслашди!

Чунки кечани билмасдилар, хотирлай олмасдилар, унинг қоронғи осмони қабатларида чақнаган милёнлаб шуълавор юлдузлардан, сутдай тошиб долғаланган ойларидан ғофил эдилар; олис дунёлар насимларидан кўнгиллари бебахра, наинки бебахра, Кўнгилнинг ўзи ҳали таваллуд топмаганди, кулманг, биродар, кулманг; Кўнгил таваллудисиз одамнинг бу дунёга келиши, юриши, кетиши бир ҳашорат умричалик эмаслигини ҳожи поччангиздан сўрасангиз, яхшилаб тушунтириб кўяди.

На Бугунни ўйлашди.

На Эртани қайғуришди!

Ҳайф, бир қорин...

У маҳал бу икки безетнинг оналари ҳаёт эди”.

Қиссада Аканинг ҳам, Уканинг ҳам Кўнгли таваллуд топмаганлиги кўндан-кўп, шоён-ношоён воқеалар, ҳолатлар орқали тасвирланади. Хотинини лаҳадга

қўйишаётганида Назоратчининг ичи узилиб кетгандай бўлади. “Кўзларидан икки томчи ёш думалаб тушди”.

Шундан кейин ровийнинг инсон руҳи, таваллуд топган Кўнгил ҳақидаги фикрлари баён қилинади. Бу ўринда ҳам ровий ва муаллифаро ўта яқинлик, ҳамфикрлилик пайдо бўлади: “Бу чоқ фалсафа юритишга эҳтиёжманд бирон хирадманд бўлса айтардики, ҳеч ким ҳеч қачон ҳеч кимдан домангир бўлолмайди; вужудни қоплаган чанг-тўзонлару занглар бир томизғи билан ювилиб кетади: Яратган инсоннинг хатти-ҳаракатлари, еган-ичгани, жисми учун жавоб бермайди, қачон зарурати туғилса, яна ўзиники қилиб олади, яна ўзига қайтаради, бунинг учун бир томизғи кифоядир... у хоҳ бир томчи шабнам шаклида бўлсин, хоҳ бир томчи кўз ёш... қачон лозим бўлса, қачон лозим кўрса... шунда томизади: майиб-мажруҳ, далва-далва, афтода дил малҳами бўлади ўша томизғи, буни қачон лозим кўради, биз билмаймиз, била олмаймиз, даъво қилишга ҳам ҳаққимиз йўқ: бу ёлғиз Ўзигагина аёндыр”.

Ровий, бир қарасангиз, фалсафий мулоҳазалар билдиради; бир қарасангиз, қаҳрамонлар қилмишини шарҳлаб кетади. Шундай ҳам бўладики, ровий ўзини содда, фақат кўрган-билганларини айтиб берувчи қилиб кўрсагади:

“... астойдил моҳиятга назар ташласак, бу нимарсалар ҳам унга вақтинча бериб қўйилганлигини пайқаган бўлардинг-у, одатимизга кўра, бизни моҳият-поҳият қизиқтирмайди, кўрганимизни айтиб кетаверамиз, кўрганимиз шуки, Амаки икки қўлини бир тепа қилганича қолаверади” (“Шарқ юлдузи”, 1998, 5-сон, 10-бет).

Кўринадики, ровий анча мураккаб тимсол: у гоҳ бўяб-бежаб, баландпарвоз қилиб гапира бошлайди, гоҳ фалсафий мушоҳада юритади, гоҳ ўзини ўта камсукум тутади. Бир нарса аёнки, ровий гаплари, фикрлари тўлат-тўкис муаллифнинг қарашлари эмас. Аҳли дарк қисса воқеалари, қаҳрамонлар характери, ровий ҳикоялари

орқали асар асосидаги ғояни англаб етади. Биз Шойим Бўтаев қиссаларидаги ровий ҳақида кўпроқ мулоҳаза юритдик. Фурсати билан бадиий асардаги норратор — ҳикоячи, ровий; норрататор — китобхон, ўқувчи; имплицит — эргаштирувчи; имплицитатор — эргашувчи ҳақида фикр билдирамиз.

## 8

Бадиий асарнинг услуби, композицияси, сюжети, пейзаж, ровийси ҳақида ҳар қанча гапирмайлик, адабий персонажлар, асосий қаҳрамонлар хусусида тўхталинмаса, кўнгил жойига тушмайди. Чучвара тугишдан мақсад гўшт ейиш бўлганидай, асар яратишдан мурод жонли, таъсирчан образларни кўрсатишдир. Шойим Бўтаев асарларида ўнлаб катта-ю кичик, аёлу эркак, ёшу қари, мусбату манфий — персонаж, қаҳрамонлар бор. Бадиий асарда персонаж, қаҳрамонларнинг мўллиги яхши, қачонки улар зим-зиё тундаги юлдузлар каби порлаб турса, ижтимоий юки билан асар салмоғини оширсин. Шойимнинг “Эски арава”, “Муюлишдаги уй” қиссаларида сони мўл-у салмоғи кам, хирагина, ижтимоий юки енгил персонажлар кўп. “Шамол ўйини”да қаҳрамону персонажларнинг тиниқ, ёрқинлигига эътибор берилди-ю, уларни иш билан таъминлаш — бадиий-ғоявий вазифа билан банд қилиш кўнгилдагидай бўлмади. “Шўродан қолган одамлар” қиссасида, назаримизда, персонажлар тиниқ, тирик, дардли, қаҳрамонлар характер даражасига кўтарилган, жиддий таҳлил-талқинга тоб бера олади.

“Муюлишдаги уй”, “Шамол ўйини” қиссаларининг руҳига мана бундай эстетик ғоя сингдирилган: ҳаром-хариш оралаган, ёлғон аралашган, жиноят рўй берган жойдан имон-эътиқод, қут-барака, файз-тароват кўтарилади. Нишонбой Хурзамонович сингари ялтоқи, хушомадгўйлар, Ёшиузоқ, Отажон, Наргиза сингари жиноятчилар, Суроб Рустамов, Беркинбой, Ёшиузоқ сингари ёлғончи, ҳаромхўр кишилар туфайли қишлоғу

шаҳарларда маънавий-руҳий сўниклик, ижтимоий-маданий таназзул рўй бера бошлади. Бундай ҳолат шўро замонида аниқ-тиниқ кўрина бошлади. Шойим Бўтаев шўро одамларини, кечаги кунни чуқурроқ ўргана борди, руҳий-маънавий таназзул сирларини аниқлашга интилди. Имон-эътиқод, файз-тароват, мурод-мақсадлилиқ қалби уйғоқ, таваллуд топган кўнгиллардагина бўлар экан. Шўро мафкураси, сиёсати инсонийликнинг жон томири — Яратганни таниган, Унга талпинган, Ундангина кўрққан кўнгилларга тажовуз қилади. Масжиду мадрасалар бузиб ташланди, яроқсиз ҳолга келтирилди; имому уламолар, аҳли илм маҳв этилди. Минглаб қишлоқлардан, кенту шаҳарлардан имон кўтарилиб, файз кета бошлади. “Шўродан қолган одамлар” қиссасида мана шундай қишлоқлардан бири тасвирланган. Имону эътиқод инсон қалбининг туб-тубидан жой оладиган руҳий-маънавий қадриятдир. Уни юлиб ташлаш, бутун халқни бу неъматдан мосуво қилиш асло мумкин эмас. Халқимиз не-не азобларга, руҳий-маънавий тазйиқларга гирифтор қилинмади, лекин у ўзлигини йўқотгани йўқ. “Шўродан қолган одамлар” қиссасида ҳам Ака, Амакидан, эри қамалиб кетган семиз аёлдан ташқари қалбида гавҳари бор, диндиёнатини ютмаган ўнлар, юзларча одамлар бор. Шулардан бири — ўғирлик қилган уч йигитчанинг ўқитувчиси, муаллимдир. Бефаросат, семиз аёл назарида: “малим ҳам кучукдай гапда! Эрта-ю кеч вов-вов этади-ю, олдинга ташлангани битта қуруқ суяк. Шу иш учун неччи йиллаб катта шаҳарларга бориб ўқиб ҳам келишади, ҳайф!” Муаллимнинг кийими бир ҳолатда. Лекин унинг қиртишланган ияги, кўзидаги айнак, ўз хаёлларига кўмилиб юриши диққатни тортади. На судья, на суд залидагилар муаллимнинг гапини тузук-қуруқ эшитишмайди. Аммо қора курсида ўтирган ўсмирларда муаллимга нисбатан меҳр қайта жўш уради. Улар, эҳтимол, ўқитувчи ҳурмати, унинг самимий сўзлари

туфайли зинҳор ўғирлик қилмаслар. Қиссадаги имон-инсофли кишилардан бири — эчкисини йўқотган деҳқон. У “олтмишларга бориб қолган, чувак юзли, қисик кўз, паст бўйли”, “увадаси чиқиб, айрим жойларидан пахтаси оқиб туша бошлаган чопонга” ўраниб олган одам. Деҳқон даъвосидан кечмаса, қора курсида ўтирган навқирон ўсмирлар айбига айб кўшилади, барибир эчкиси бор бўлиб қолмайди. Деҳқон эчкиси топилганлигини, бу ишда ўсмирларнинг гуноҳи йўқлигини айтади. Имонли одам тўғри сўздан ўзгасини демайди, лекин ўйламай-нетмай, вазиятга қарамай тўғри сўзни айтавериш ҳам хирадмандлик эмас.

Қиссада таназзулга юз тутган бир оила ҳақида ниҳоятда қисқа воқеа берилган. Тошмуроднинг ёнида, қора курсида бир ўсмир ўтирибди, у Амакининг бузоғини ўғирлаганлардан бири. Бу йигитчанинг отаси яқиндагина қамалган. Нега дейсизми? Унинг экинлари орасидан бир тўпгина кўкнори топиб олишган. Деҳқон адолат посбонларига роса ялинди, бир тўп кўкнорини атайин экмаганлигига онт ичди. Ҳақиқатдан тоймайдиган “катталар” деҳқоннинг дил сўзларига қулоқ солмадилар. Шунда деҳқоннинг борлиғи жунбушга келди. У хос кийимдаги “катталар”га хужум қилди, кўлига тушиб қолган хотини, болаларини дўппослай-верди. Қўл-оёғини бойлаб деҳқонни олиб кетдилар. Суд залида у ўзини хокисор тутди, хотини, болаларидан узр сўради. Ҳукмни эшитгач, хотинининг бошини очиб кетди — аёлини талоқ қилди. Ўсмирнинг онаси, талоқ бўлган аёл Назоратчининг уйига роса қатнади: ўғлини ҳибсдан чиқариб беришни шўро одами — Назоратчидан илтимос қилди. Мақсадига эришса, ўла-ўлгунча Назоратчи остонасини тавоф қилишини, унга сўнгги нафасигача ҳалол хизмат қилишини ваъда қилди. Қалби кўр Назоратчи юрагида нур-имони бор аёл зорига қулоқ солмади. Муаллимдай, эчкисини йўқотган деҳқондай, айбсиз бўла туриб қамалиб кетган кишидай, унинг

хокисор аёлидай инсофли-имонли кишилар бор экан, Назоратчи, Амаки яшаган муҳитни нурсиз, сўниқ деб биладими? Халойиқ орасида имон-инсофлилар, таг-тубли, теран томирлилар борки, эл-улусни, қавмни, халқни йўқ қилиб бўлмайди.

## 9

Дўппи олувчи йўрмасига, этик олувчи чокига қарайди деган гап бор. Бадиий асар, хусусан, насрнинг бадиийлиги, пишиқ-пухталиги тиниқ, лўнда увоқ тимсолларда, асар тўқимасига сингдириб юборилган, биллур зарралардай “ялт-юлт” ёниб турадиган топилдиқ-деталларда намоён бўлади. Ўзбек реалистик насри мана шу фазилатларга бойлиги билан ҳамиша ажралиб турган. Абдулла Қодирий, Чўлпон, Ойбек, Абдулла Қаҳҳор, Фафур Фулом насрида бир-биридан тиниқ увоқ тимсоллар, китобхонни лол қолдирадиган топилдиқ-деталлар мўл-кўл. Шойим Бўтаевнинг “Шўродан қолган одамлар” қиссасидаги увоқ тимсолларнинг мағзи тўқ, халқоналиги кўзга дарҳол ташланади. Қиссадаги увоқдан-да увоқ тимсоллардан бири — Гўрков. У қишлоқнинг чеккасида, харобгина кулбада яшайди. У тунд, чўрткесар, сассиққина кимса. Назоратчининг хотинига гўр ковлашни буюришга келган Кайвонига гўрковнинг ити ташланади, тинмай акиллайди. Гўрков итига:

— Бор-э, қанжиқ! — дея ўшқиради. Қурумсоқ Назоратчига гўр қазимаслигини айтади. Кун совуқ, гўрковнинг турқи, гап-сўзи, кийим-боши ундан-да совуқ. Гўрковнинг оёғида тарашадай қотиб кетган, қўлантаёқ кийилган этик. Назоратчининг қариндош-уруғлари ҳам беоқибат, меҳр-муҳаббатсиз кишилар. “Бир маҳал урингангина тўн кийиб, қулоқчининг қулоқларини тушириб олган калтагина бир одам:

— Сингилгинамдан айрилиб қолдимми-я, сингилгинамдан айрилиб қолдимми-я! — дея узоқдан айюҳаннос солганича, чуввос уриб келаверади”. Жигар-бағри хун



бўлаётган бу одамча, на поччасини ва на етим қолган, бошига иш тушган жиянини танирди. Барибир, шу одамча гўрга тушади, синглисини сўнгги маконга ўзи жойлайди. Қиссада Қамоқхона бошлиғи, Суннат ўғри, Оқсоқолу Кўксоқоллар, Кайвони, чакаги бақувват Кўшни кампир, Эшак минган қария сингари эсда қоларли тимсоллар бор. Ёзувчининг бошқа қиссаларида ҳам увоқ тимсоллар мўл, аммо “Шўродан қолган одамлар”да улар тиниқ, пухта, залворли.

Шойим Бўтаевнинг қиссаларида қаҳрамонлар кўп. Масалан, Нишонбой Ҳурзамонович (“Эска арава”), Ёрибек, Тошқувват, (“Муюлишдаги уй”), Суроб Рустамов, Беркинбой, Ёшиузоқ (“Шамол ўйини”) сингарилар ҳақида тўхталиш мумкин эди. Лекин, бизнингча, “Шўродан қолган одамлар” қиссасидаги Ака характер даражасига кўтарилган. Қиссадаги Ука, Амаки ҳам жиддий мулоҳазаларга имкон беради. Биз Шойим Бўтаев қиссаларидаги персонажларнинг номлари, лақаблари билан қўшиб аталишини айтган эдик. “Шўродан қолган одамлар”даги Аканинг исми ёдда қолмайди. Амаки, унинг хотини, Калабўй қариндош, Гўрков, Эшак минган қария, Қамоқхона бошлиғининг номлари, умуман, айтилмайди. Тошмурод – Аканинг ўғли, Амакининг жияни, Назоратчидай сўхтаси совуқ билан умр кечирришга маҳкум этилган жабрдийда аёлнинг ёлғизгина фарзанди, ножўя қилмиши билан эл оғзига тушган ўғри бола, ниҳоят, ҳибсхонадаги 96-рақамли маҳбус. Аммо Тошмурод асардаги етакчи қаҳрамон эмас: у етакчи персонажлар характерини ёритувчи восита. Барибир, Тошмурод қалби, руҳи очилади, инсоний қиёфаси англашилади. Тошмурод отасидан меҳр кўрмайди, Амакидан қадр топмайди. У муштипар онасини севади. Аммо қаҳри қаттиқ Ота сиқувидан онани ҳимоя қилолмайди. Тошмурод бувисига боғланиб қолган эди: кампир эрта ўлиб кетди. Тошмуроднинг қалбида нур, эзгулик бор эди. У шу

эзгуликни намоён қилишга интилади: уни на Ота кўллайди, на Амаки тушунади. Тошмурод тошмеҳр Ота ва Амакидан қасд олмоқчи, ўзлигини кўрсатиб қўймоқчи бўлади, Амакининг бузоғини ўғирлайди. Тошмурод – жиноятчи, маҳбус. Аммо одамлар негадир уни айбламайдилар. Айниқса, Амакининг хотини, ҳамқишлоқлари Тошмуроднинг қамалишига қарши турадилар. Қизиги, қамоқхонада ҳам Тошмуродни тушунадилар. Унга меҳр кўрсатадилар. Маҳбуслар онасини дафн этишга кетаётган Тошмуродга икки буханка нон, икки ҳовуч оққанд бериб юборадилар. Ўғилнинг уйғоқ қалби, “таваллуд топган Кўнгли” Назоратчига ҳам таъсир ўтказади. “Ота, юринг энди-э...” – деган нидо Назоратчини чақмоқ ургандай сескантириб юборди. Қисса Назоратчининг “Ҳозир-ир, ўғлим...” деган сўзлари билан тугайди. “Ҳозир-ир, ўғлим” – туғилаётган Кўнгилнинг илк муждаси эди.

## 10

Тошмуроднинг Отаси – Акани қишлоқда ҳам, иш жойи – Қамоқхонада ҳам Назоратчи сифатида билишади, шу ном билан аташади. Бир пайтлар Аканинг ўз номи бўлган. У армияда хизмат қилаётганида номини МЭЛС дея ўзгартирган. Бу ном Акани улуғламади, аксинча, катта-ю кичик унинг устидан кулди. Ҳангоматалаблар Тошмуродни “МЭЛСИФ” дея ҳашава қилишади.

Назоратчи деган ном Акага жуда ёқади: у ўзини давлатнинг ишонган кишиси деб билади. Маҳбусларнинг ундан чўчиб туришлари, “Начайник, начайник” деб мурожаат қилишлари Назоратчига роҳат бахш этади. Ака қаерда бўлмасин, ким билан гаплашмасин давлат кишиси эканлигини билдириб туради. Назоратчининг нимаси бор, расмий, ҳарбий кийими бор: иложи бўлса, у хос кийимини сира ечмаса. Назоратчининг ҳамқишлоқлари, ҳамкасблари рўзгорни бутлаш учун ўзларини у-бу юмушга урадилар. Назоратчининг уйида ҳеч вақо йўқ.

Шўрлик хотин гоҳ у қўшнисиникига, гоҳ бунисиникига унмиди, сутмиди, нонмиди, тухуммиди, ёғмиди сўраб чиққани-чиққан. Юртчилик-да, биров бермаса, биров беради; кимнингдир энсаси қотса, кимнингдир раҳми келади. Назоратчи рўзғор майда-чуйдаларига ўралашишни ўз мавқеига номуносиб деб билади.

Одам борки, қалбида муқаддас туйғу, олий бир интилиш бўлади. Назоратчи қамоқхонасидаги кўтармани, у ерда ярим бўйра келар-келмас майдонни энг улуг жой деб билади. Одамлар покланиб масжид-мадрасага, муқаддас қадамжоларга борсалар, Назоратчи кўтармага чиқадиган зина олдига келар экан, ўзини бошқача сезади, вазмин-вазмин босиб, зиналардан кўтарилади. Кўтармадаги майдончада бирон кор-ҳол бўлиб қолмасин дея, Назоратчи, зарурат бўлмаса-да, холи жойга бориб қайтади. Назоратчи – бурч, вазифа кишиси. У ўзига хос манқурт: буюрилган ишни оғишмай бажаради. Қамоқхона бошлиғи 96-сон маҳбусни уйига жўнатишга мажбур бўлади. Бу юмушни у Назоратчи зиммасига юклайди. Бошқача айтганда, 96-сон маҳбус – Тошмуроднинг онаси ўлган, Бошлиқ, қоидага хилоф равишда, уни уйига жўнатади. Назоратчи ўз ўғлини уйига олиб бориши, хотинини дафн этиши керак. Назоратчи бир баҳя бўлса-да, ўз ғилофидан чиқмайди: маҳбусни ўз ўғли, қолаверса, онасидан айрилган етим деб билмайди. Тумонат одам йиғилган: мархумани сўнгги йўлга узатишмоқчи. Назоратчи тўн киймайди, белбоғ боғламайди. У расмий кийимда. Икки кўзи 96-сон маҳбусда. Шундай касни инсон деб бўладими?! Назоратчи – манқурт, қалби кўр одам. Назоратчи – Шойим Бўтаев яратган ёрқин адабий қаҳрамон.

## 11

Қиссадаги Ука – Амаки ичи қора, бахил, ҳасадгўй одам – қайнотаси уни бағрига босди, куёв эмас, ўғилдай кўрди. Топган-тутганини унга қолдирди. Бу имонсиз одам бўлар-бўлмасга қайнота-қайнонаси гўрига ўт қалайди, уларни

сўкаверишдан ор қилмайди. У Акаси сингари хотинини эзгани-эзган, хўрлагани-хўрлаган. Қишлоқнинг каттадан-кичиги Амакини ёқтирмайди. Ажабки, қишлоқ аҳли бузоғини ўғирлатган Амакига эмас, ўғирлик қилган Жиянга ачинади. Амакининг фикри-ёди Жияндан қасд олиш, Акани хўрлаш бўлиб қолади. Қиссада Амакининг моҳияти ижтимоий муносабатларда эмас, оилавий, тор муҳитда ёритилади. Китобхонда шундай таассурот пайдо бўладики, Амаки табиатан ёмон эди, шундай бўлиб қолди. Назоратчи характери ўринли ёритилган. Амаки образи ҳақида бундай деб бўлмайди.

“Шўродан қолган одамлар” қиссасида руҳий таҳлилга интилиш бор. Ёзувчи Ака ва Уканинг хотинлари руҳиятини очишга киришади. Назоратчининг хотини ҳибсхонадаги ўғлига қотирма пишириб, йўлга чиқади. У Эшак минган қария, қаровсиз дайди итга йўлиқади. Шу ўринларда она қалбидан кечган ҳолатлар тасвирланади. Афсуски, яхшигина бошланган бундай таҳлил ора йўлда қолиб кетади. Уканинг хотини қалбида ҳам тўс-тўполон бўлаётгани айтилади. У ҳеч қачон эри билан айтишмас, унга гап қайтармас эди. Тошмурод қамалгач, хотин худбин эрини кечира олмайди: унга юракдаги аламларини тўкиб солади. Ўйлаймизки, Шойим Бўтаев яратилажак янги асарларида руҳият тасвирини асос қилиб олади. Бунинг учун унда ҳамма имкониятлар мавжуд.

## 12

Шойим Бўтаев XX асрда ўнлаб ҳикоялар, қатор қиссалар, роман яратди. У бир асрлик реалистик насримизнинг анъаналарини, етук тамойилларини ўзлаштирди. Муҳими, ёзувчи ўз услубини белгилай олди.

Ёзувчи бадий оламини тадқиқ этиш орқали биз ўзимиз учун янги-янги дунёлар очаверамиз. Бу дунёлардан эсмиш насимлар, ёруғ туйғулар, хаёлотнинг сирли-сеҳрли манзаралари ҳамиша бизни мафтун этади, Кўнгил уйғониб...

Кўнглимизда янги дунёлар юз очади.

## ҒАРОЙИБ САЛТАНАТ

Бора-бора тоғу тошлар чўкиши, дарё-ю кўллар қуриши, ям-яшил ўрмонлар ўтинлар уюмига айланиши, зўравонлик билан пайдо бўлган давлатлар емирилиши мумкин. Лекин болалик деб аталмиш ғаройиб салтанат борки, у зинҳор завол кўрмайди, синалган қонун-қоидалари асосида яшайверади. Аввало, у замон, макон, ирқ, дин, жинс танламайди. Иккинчидан, болалик салтанати махлуқоту мавжудот билан ҳамиша, кенг тармоқли алоқада бўлади. Маймун, масалан, баланд дарахтнинг учига чиқиб, ердаги рақибини бананбўрон қилиши, она-шер, болалари қатори, ўзга махлуқот резгисини бағрига босиши, ялаб-юлқаша, ёвуз одамдан аламзада бўлган бўри ундан қасд олишга чоғланиши, илонлар ноёб хазинани зийрак посбондай қўриқлашлари, меҳрибон инсон лат еган ҳайвон, парранда, даррандани узоқ муддат даволаши мумкин. Учунчидан, ғаройиб салтанатда одам боласи айиқ, итдан ҳид олиш маҳоратини, тулкидан макр-ҳийла асрорини, шеру йўлбарсдан улуғвор тажовузкорликни; қуралай-у қўзидан маъсумликни, булбулдан завқ-шавқни ўрганиши мумкин. Тўртинчидан, ғаройиб салтанатда виртуал ва визуал алоқалар табиий ҳолдай давом этаверади. Одам, хоҳласа нариги дунёга, хоҳласа инсу жинслар, дев-парилар маконига, хоҳласа осмону фалакка, ўзга сайёраларга сайр қилиши табиий ҳол. Бешинчидан, ғаройиб салтанатда дов-дарахт, махлуқот, чангалзорлар, дарёю денгизлар бир ёқадан бош чиқариб ёвузликка қарши бош кўтариши ҳеч гапмас. Олтинчидан, афсонавий салтанатда гўзал қизлар таъвия махлуқларга айланиб, нарса, ҳодисалар асл моҳиятидан ташқари кутилмаган вазифаларни бажариши мумкин. Чақмоқтош, сеҳрли чироқ (қалпоқча, таёқча, ковуш, сандиқ, хум),

дулдул от, чақимчи чумчуқ ҳақидаги юзлаб асарлар ҳамиша диққатни жалб этиб келган. Компьютер, уяли телефонлар фаройиб салтанатни янги мавзу, қаҳрамон, имкониятлар билан бойитди. Еттинчидан, фаройиб салтанатнинг туб илдизи, мустаҳкам суянчиғи оғзаки ижоддир. Фольклор ҳамма нарса, ҳодиса, воқеа ҳақида, махлуқот ва мавжудотнинг кўпқиррали боғлиқликлари хусусида эмин-эркин ҳикоя қилиши мумкин. Муҳими, фаройиб салтанат халқ ижодида хаёлот дунёси кенгликларини бемалол кезиши мумкин. Фаройиб салтанатда шартлилик, рамзийлик, саёҳат, хаёлотга эрк бериш бўлган, бор, бўлади. Унинг ажойиботлари болалар адабиёти деб аталадиган мўъжизавий соҳада ўз ифодасини топади.

Болалар адабиёти панд-насиҳат, таълим-тарбияга оид педагогик асарлар билан узвий боғланиб кетади. Орифжон («Беш болали йигитча»), Зафар («Мунгли кўзлар»), Анатоӣ («Эрта келган турналар»), Гогия, Хатиа («Қуёшни кўряпман»), Шум бола («Шум бола»), Камол («Саратон») деярли тенгдош, дарддош, етим – ўсмирлар. Орифжон, Зафар – болалар адабиёти қаҳрамонлари. Чингиз Айтматов, Нодар Думбадзе, Фафур Фулом, Носир Фозилов ўсмир изтироблари, руҳияти орқали мураккаб ижтимоӣ-маънавий, сиёсий-руҳий масалаларни ўртага қўядилар. Бадиӣ асар муаммоси, ёзувчи концепцияси, характерларни ёритишдаги бетакрорлик болалар ва катталар адабиётдаги ўзига хосликни кўрсатади.

Ҳошимжон («Сариқ девни миниб», Х.Тўхтабоев), Бадал Армон («Капалаклар ўйини», Т.Рустамов), Ойбек, Сабоҳат («Дискотека», Ш.Ризаев) – тенгдош ўсмирлар, Х.Тўхтабоев анъанавий йўсинда, Тўхтамурод Рустамов модерн услубда, Шуҳрат Ризаев драматургик турда қаҳрамонлар характерини ёритганлар. Ёзувчилар уч йўлдан бориб, битта манзил – ўсмир руҳиятини очиб бериш нуқтасидан чиққанлар. Бадал Армон воқеликни, инсону ҳодисаларни ўзича баҳолайди. Модерн адабиёт

қахрамон руҳиятини очувчи майдонни кенг олади: Т.Рустамов ўсмир қахрамонларининг табиий эҳтиёжларини тортинмасдан тасвирлайди. «Капалаклар ўйини» қахрамонлари ўйнаб-куладилар, вақтихушлик қиладилар. Китобхонда шундай таассурот пайдо бўладики, роман қахрамонлари ўлим, хасталик, шахсий фожеа сингари тушунчаларни англаб етмайдилар. Синчков китобхон капалаклар ўйинининг ажр-гуноҳлари йиғилиб бораётганини ҳис қилади. Ш.Ризаевнинг «Дискотека»сида ҳам капалаклар ўйини кўрсатилгану, бу ўйин заминидаги фожеалар учи кўришиб-кўришиб қолади. Ёшлар пулнинг қуввати, пулдорнинг ёвуз, худбинлиги нималигини тасодифан билиб қоладилар. Ш.Ризаев драмасида ўсмир қахрамонларнинг катта ҳаёт кучоғига кириб боришлари кўрсатилган. Х.Тўхтабоев яратган Ҳошимжон Рўзиев - реалистик тасвир самараси. Ёзувчи асосий қахрамон характерини яратиш учун кўп изланганлиги, Ҳошимжонни минг чиғириқдан ўтказиб, китобхонга маъқул қилганини сезиш қийинмас.

Х.Тўхтабоев, Т.Рустамов, Ш.Ризаев асарлари қахрамонлари ўсмирлар. Лекин қахрамоннинг ёши асарнинг болалар ёхуд катталар адабиёти намунаси эканлигини белгиламайди. Болалар адабиёти қахрамонларида табиий ва ижтимоий муносабатлар мувозанати ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Ҳошимжон, Орифжон, Ақром, Зафарлар болалар адабиётининг қахрамонлари. Уларнинг руҳий-маънавий оламида кураш, баҳс давом этади. Зафар («Мунгли кўзлар»), Орифжон («Беш болали йигитча») бошига унча-мунча одамни каловлатиб қўядиган ташвиш, фожеалар ёғилади. Ўсмир – қахрамонлар қийинчиликларни табиатларидаги болалик, ҳаётбахш руҳ билан енгиб кетмоқчи бўладилар. Ўйлаб кўрилса, Орифжон, Зафар, Ҳошимжон, Ақром энг мушкул вазиятда ҳам болалик қилиб қўядилар. Болалик, кўпинча, уларга куч, руҳ, ишонч беради. Болалар адабиётини кўп ўқиган киши бир хуёусиятга

этибор бермаслиги мумкин эмас: болалар асарларида ўйин-кулгу, ҳазил-мутойиба, ҳаётсеварлик манаман деб кўриниб туради. Бу хусусият улардаги табиий туйғу, хислатлардан келиб чиқади. Яна ҳам анигроғи, бола-ўсмир ҳамма нарсага ажойибот, ўйин, ҳавас деб қарайди. Мана шу табиий асос болалар адабиётининг туғи, байроғи, мадҳиясидир. Баъзи сиймолар болаларча табиийликдан умр бўйи жудо бўлмайдилар. Табиийлиги аниқ кўриниб турадиган инсон ёрқин, бетакрор характердир.

### **Болалигим — пошполим**

Болани азал-азалдан подшоҳга менгзайдилар. Болалик уй бозорлигини, унда сир ётмаслигини айтадилар. Фарзанд кўришни — оиласига кичкина қуёш кириб келишини орзуламайдиган одам топилмайди. Бола — қувонч. Бола — бебаҳо неъмат. Бола — тилсим. Зийрак одамлар чақалоққа зеҳн солиб, унинг қандай инсон бўлишлигини билиб оладилар. Бўладиган боланинг ўнлаб белгилари илмий, бадиий адабиётда аниқ-равшан санаб берилган. Бола, мисоли, сирли қулф. Унга тушадиган калит боланинг қилиқлари, наридан-бери айтиб юрган гапларида кўриниб қолади. Синчи инсонлар эндигина туғилган «бир парча эт»нинг мазмун-моҳиятини айтиб берадилар. Раззоқ Сўфини («Кеча ва кундуз», Чўлпон) йўргаклаган Ҳамро эна “ҳали у қадар одам кепатасига кирмаган” юзларига тикилган ва мана бу сўзлар билан эркалатганмиш:

— Айланай, меҳмон, нимадан хафа бўлиб тушдингиз? Ким озор берди сизга? Айтинг! Қовоғингизни очсангизчи! Ёруғ дунёга келдингиз! Шукур қилинг! Севининг! Мундоқ бир кулинг! Кулимсиранг! Илжайинг!

Ўшанда кулмаган Раззоқ сўфи кейин ҳам кулмай ўтди (Чўлпон. Яна олдим созимни. — Т.: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1991. 26-бет).

Одам туғилиши биланоқ тарбиялана боради. Демак, гўдак, барча махлуқлар сингари табиий, ирсий белгилар қуршовида бўлади. Жаҳон адабиётида чақалоқнинг



ўсмирлик палласигача тарбияланиши жараёнини кўрсатувчи минглаб асарлар бор. Америкалик ёзувчи Жон Хаббертон (1842-1921) «Элен чурвақалари» юмористик романида беш ёшли Бажи, уч ёшли Тодди тимсолларини яратади. Ўн кун давомида болаларга уларнинг тоғаси Гарри қараб туради. Болалар шу даражада шўхки, тоға бечора нақ ақлидан оза ёзади. Болалар сигарани, сичқонни алдаш учун қопқонга қўйилган пишлоқни, ярага босилган томат компрессини еб қўйишади. Йигирма саккиз ёшли бўйдоқ Гарри ўн кун энагалик қилиб жони ҳиқилдоғига келади. Ёш болада кўркүв туйғуси бўлмайти. У атайин ўлим билан ўйнашади. Шундай сирли бир куч борки, у шўх болани балоқазодан асраб юради. Гарри олов чурвақаларни опасига топширгач, ўн икки соат ўликдай қотиб ухлайди.

Жаҳон адабиётида чангалзорда, ҳайвонлару паррандадаррандалар қуршовида ўсган Маугли исмли бола машҳур. Инглиз ёзувчиси Редьяр Киплинг (1865-1936) «Ким?» романи учун Нобель мукофотини олган (1907), кўплаб ҳикоя, қисса, романлар муаллифи. Аммо ёзувчига «Чангалзорлар китоби» (1894), «Чангалзорлар китобининг иккинчи қисми» (1895) асарлари, Маугли қисмати оламшумул обрў-эътибор келтирди. Маугли ҳақида мультфильм, бадиий фильм яратилган. Киплинг чангалзорда яшайдиган ўнлаб катта-кичик ҳайвонлар тимсолини ҳаққоний яратиб берди.

Инсон боласи туғилиши биланоқ оила, боғча, мактаб, лицей, коллеж, қўни-қўшни таъсирида ижтимоий муносабатлар доирасига жалб қилинади. Табиий белгилари мустаҳкам ўсмирни жамоа, миллий удумлар, диний-дунёвий муносабатлар қуршовига тортиш қийин кечади. Яйдоқ, асов отга эгар-жабдуқ уриш, уни минишга қўниктириш қанчалик қийинлиги маълум. Баъзан уй ҳайвонлари табиатидаги асов куч таъсирида қутуриб, ваҳшийлашиб кетадилар. Чингиз Айтматов «Асрга татиғулик кун» романида Қоранор тимсолини юксак

маҳорат билан яратган. Қоранор Эдигей билан кураша-кураша охири уйдан қочиб кетади. Орадан олти ойлар чамаси вақт ўтгач, эти устихонига ёпишган, мўмину қобил бўлиб қолган Қоранор бўйин эгиб, Эдигейнинг уйига кириб келади. Адибнинг «Қиёмат» романида Оқбўри ва Тошчайнар исмли бўриларнинг инсон зотига қарши курашишлари ўта тиниқ кўрсатилган. Қоранор, Оқбўри, Тошчайнар — ҳайвонлар. Аммо Ўрозкул («Оқ кема») одам-ку?! Унда ваҳшийлик, қаҳр-ғазаб шунчалар мўлки, унинг дастидан на Мўмин чолга, на унинг кампири, на муштдеккина неварасига кун бор. Ўрозкулнинг қиёфаси одам бўлгани билан табиати ҳайвонийдир. Инсон табиатида ваҳшийлик, ёввойиликнинг баъзи кўринишлари ўсмирлик палласида бот-бот кўзга ташланади. Физика-математика фанлари доктори, фазогир-учувчи Георгий Михайлович Гречко (1931) телемулоқотларнинг бирида деган эди:

— Ўғлим гоҳида ниманидир бузгиси, ёндиргиси, ёввойилик қилгиси келиб қолади. Бундай пайтда панд-насихат иш бермайди. Шунда мен боламни олиб овлоқ ерга, ўрмон чеккасига, қирғоққа кетаман. Шохшаббалар, қуруқ ўтинларни обдон йиғамиз. Ўт қўямиз — бузғунчилик қиламиз. Ўғлимдаги ваҳший иштиёқ қониқади. Охирида у ўз қилмишидан уялиб қолади. Бундай ҳолат ўсмирларда бот-бот учрайди.

Ота-она, тарбиячи, ўқитувчи, руҳшунос боладаги туғма, табиий белгиларни асраб-авайлаши ниҳоятда муҳим. Чунки одамдаги туғма белгилар ўзликни, бетакрорликни вужудга келтиради. Ижтимоий институтлар одамдаги туғма белгиларни ижтимоий-маънавий, руҳий-сиёсий-интеллектуал хусусиятлар билан бойитиб боради. Шўро даври педагогикаси тарбия йўсинида боланинг табиати билан узвий боғлиқликда тарбияланишига эмас, ижтимоий муносабатлар руҳида ўсишига эътибор қаратилди. Натижада, шўро кишиси табиатга қарши, бўйсиндирувчи куч сифатида вояга етди.

И.Мичуриннинг (1855-1935) «Биз табиатдан инъом-эҳсон, кутмаймиз. Уни ўз иродамиз, хоҳишимизга бўйсундирамиз», — деган гаплари ёзилмаган қонунга айланади. Ўйлаб кўринг-чи, болалар адабиётида табиат билан апоқ-чапоқликда ўсиб унган қаҳрамон тимсоли борми? XX асрнинг 60-йилларида болалар адабиётига кириб келган Х.Тўхтабоев асарларида ҳам бола ва ҳайвону паррандалар аро узвий боғлиқлик унча кўринмайди. Қуддус Муҳаммадийнинг — «Қушлардан ол андоза, патларин тарайди тоза» мисралари табиийлиги билан каттаю кичикка ёд бўлиб кетган. Ажабки, болалар адабиётига 80-йилларда кириб келган Анвар Обиджонда тамоман ўзгача манзарани кузатамиз. Шоир қисқа, лўнда сатрларда ўнлаб парранда, ҳайвонлар тимсолини ўрнига қўйиб тасвирлаган.

Шўро мафкураси, адабиёти, санъати боладаги туғма-табиий белгиларнимас, ундаги сиёсий-мафкуравий зийракликни тасвирлади. Павлик Морозов, Полк ўели, Володя Дубинин, Абдулла Набиев сингари хушёр ёшлар ички, ташқи душманларни, ҳатто ўз ота-оналарини фош этдилар. Уларнинг «хизмати» ўз вақтида тақдирланди, ўзгаларга ўрناق қилиб кўрсатилди. Кейинчалик Павлик Морозовдан Павел Корчагин («Пўлат қандай тобланди?» Н.Островский), Комиссар аёл («Ҳаётбахш фожеа», Вс.Вишневский), Пўлат («Қудратли тўлқин», Ш.Рашидов), Поччаев («Туғилиш», А.Мухтор), комиссар Ғиёс Соатович («Тушда кечган умрлар», Ў.Ҳошимов) сингари ўта қизил, сунъий тимсоллар яратилди. Бу қаҳрамонлар шахсий майллар, табиий ҳолатларни «тан олмайдилар». Ваҳоланки, жаҳон адабиётида боладай беғубор, кўрган-билганини очиқ айтадиган, таваккалчилиги, ҳамиша қилич дамида юришлиги билан тилга тушган девонаи ростгўйлар, доно дарвешлар образи бор. Қирол Лирнинг (В.Шекспир «Қирол Лир») масхарабоз-эрмаги ўта содиқ, ўта фожеий характер. Шекспир бу тимсолни мангу ростгўй бола сифатида

тасвирлайди: унда руҳий бир нигоҳ, одамлар моҳиятини тиниқ кўрсатадиган кўзгу бордай... Абдулла Қодирийнинг Қовоқ девонаси («Ўткан кунлар»), қизиқлари («Меҳробдан чаён») қанчадан-қанча китобхонларни кулдириб туриб йиғлатмаган, йиғлатиб кулдирмаган дейсиз? Бобо Кайфий («Мирзо Улуғбек» М.Шайхзода) баайни шўх-шаддод, ўт билан ўйнатаётган бола. У таваккалчилиги, ростгўй, шижоатлилиги билан Улуғбек меҳрини қозонади. Жамоа хўжалигининг барча аъзолари Раънонинг бузуқлик йўлига кириб кетганини, Умар закунчининг ўйнаши бўлганини билади, аммо «чурқ» этиб оғиз очмайди. Довдир Парчагина «Раънохоннинг кундан-кунга очилиб» бораётганини шартта айтади кўяди («Икки эшик ораси», Ў. Ҳошимов). Чор аскарлари Туркистонга бостириб кирибтиларки, эмин-эркин бўлдилар: хоҳласалар, ерли халқни урдилар, сўқдилар, хоҳласалар, масжиду мадрасаларни буздилар, хоҳласалар, экин-тикинни пайҳон қилдилар. Фақат Ибодин соқовгина («Отамдан қолган далалар», Т.Мурод) ноҳақликка қарши бош кўтарди: оқ пошшо башарасига ифлос қилинган қатиқни сепиб юборди. Девонанинг мана шу қилмиши кўпчиликнинг кўзини очди.

Қирол Лир масхарабози, Қовоқ девона, Қизиқлар, Бобо Кайфий, Ибодин сингарилар девона, дарвеш, ақли ноқис кишилар. Лекин улар қалбида болаликнинг бебаҳо гавҳари — табиийлик, эрк туйғуси бор. Мен катталар адабиётидаги девонаи ростгўйларни болалар адабиётининг тиниқ кўзгулари, ишончли вакиллари деб биламан.

Болалар адабиётининг етук асарларида дулдул отларникидай қирқ қулочли қанот бўлади шекилли-да: улар юртлардан юртларга учиб юрадилар, ўнлаб тилларга таржима қилинадилар, миллионлаб қалбларни забт этадилар. Болалар адабиётининг қахрамони аввали-охир хаёлпараст бўлган, етти қават осмонда кезган. Катталар: «яхшидир аччиқ ҳақиқат», — десалар, болалар «лек ширин ёлғон ундан қолишмайди», — деган ишонч билан

яшайдилар. Ширин ёлғон манбаи эртақдир. Даниялик адиб Ханс Христиан Андерсен (1805-1875) – моҳир эртақчи. Унинг «Чақмоқтош», «Ирkit ўрдакча», «Қор маликаси», «Қиролнинг янги сарпоси» асарлари жаҳон болаларининг жону дили. Худойберди Тўхтабоев яратган қаҳрамонлар ҳам эртақчи. Масалан, Ақром қовунчи «Бой ила хизматчи» драмаси асосида Ғофир тоға ва Жамила кеннойи ҳақидаги эртақни тўқиб ташлайди. Куруқ аравани олиб қочишда Ҳошимжон Ақромдан ўтса ўтадики, орта қолмайди...

Рус адиби Николай Носов (1908-1976) «Витя Малеев мактабда ва уйда» (1951), «Игорь дўстим ҳақида қисса» (1972), «Билмасвой ва дўстларининг саргузаштлари» (1954), «Билмасвой ойда», «Билмасвой куёш шаҳарчасида» номли асарларини ёзди. Худойберди Тўхтабоевнинг Ҳошимжон, Ақром, Зафарлари ҳам, аслида, Билмасвойлар. Лекин улар билмасвойликларини миллий, маҳаллий бетакрорликда намоён этадилар. Ҳамма Билмасвойлар математика, алгебра сингари аниқ фанларни ёмон кўрадилар, шу «бўлмағур» дарслар ўрнига жадвалга жисмоний тарбия, футбол, мушглашув сингари дарсларни кўпроқ киритишни илтимос қилиб ғаройиб аризалар ёзадилар.

Болалар адабиётининг деярли ҳамма қаҳрамонлари хангоматалаб, саргузашт ошиғи, саёҳат фидойиси. Худойберди Тўхтабоевнинг Ҳошимжон, Ақром, Орифжони Том Сойёр (Марк Твен), Маугли (Киплинг), Чипполино (Жанни Родари), Желсомино (Жанни Родари), Гулливер (Свифт) сингари саёҳат, саргузаштларни севади.

Болалар адабиётининг ғаройиб қаҳрамонлари чақмоқтош, сеҳрли таёқча (қалпоқча, мантия, калит, бойўғли)дан унумли фойдаланадилар. Улар битта одамнинг турли моҳият, ҳолатларини кашф этадилар.

Ҳозир жаҳон болалар адабиётининг маълуму машҳур асари англиялик адиба Жон Роулинг хонимнинг «Гарри Поттер ва ҳикматли тош», «Гарри Поттер ва яширин хона», «Гарри Поттер ва Азкабаран маҳбуси», «Гарри Поттер ва

Хумо нишони» сингари китобларидир. Поттер ҳақидаги китоблар XX аср охирларида яратила бошланди. 2006 йил 24 декабргача бўлган маълумотларга кўра, Гарри Поттер ҳақидаги олти китобнинг умумий адади 300 миллион нусхадан ортди. Асар дунё мамлакатларининг 63 тилига таржима қилинди.

Гарри Поттер ҳақидаги китобларнинг фазилати нимада? Биринчидан, Гарри Поттерга боғлиқ бутун воқеа-ҳодисалар катта бир стадионда рўй бераётгандай. Ёзувчи воқеаларни сеҳргарлар махсус мактаби билан боғлаб тасвирлайди. Бу мактабга, асосан, воқеа иштирокчилари – сеҳргар ўқитувчилар, бўлгуси истеъдодли ёш афсунгарлар, бир-бирига қарши курашадиган рақиб-ўқувчилар, ҳар бири ўз услуби, сеҳргарлик тарихига эга устозлар йиғилган. Сеҳргарлар мактабида «беиш» персонаж, нарса, кийим, кўршапалак, бойўғли, бузоқдай-бузоқдай итлар, заҳарли ҳашаротлар, сеҳрли қулф-калитлар йўқ. Ҳар бир махлуқ, жисм, вужуд бизга таниш томонларидан ташқари, албатта, яна бир қанча фазилат, белги, функциялари билан намоён бўлади. Сеҳргарлар мактаби – муҳитида бетарафлик, сусткашликка ўрин йўқ. Ҳамма ўз вазифасини сидқидилдан бажаради. Сеҳргар ўқитувчилар – Гарри Поттер ота-онасининг азалий рақиблари ёш Гаррини йўқ қилиб ташлаш учун жон-жаҳдлари билан ҳаракат қиладилар. Аксинча, Поттернинг Гермiona, Рон, Хогвартс сингари дўстлари, Букля лақабли бойкуши ҳамиша, ҳар қандай шароитда Гаррига ёрдам қўлларини чўзадилар.

Гарри Поттер ҳақидаги китоблар юксак санъаткорлик билан ёзилмаган. Аммо ёзувчи воқеалар аро боғлиқлик, ўсиш-ривожланишга алоҳида эътибор қаратади. Болалар адабиётида шиддат-динамика муҳим аҳамият касб этади. Ёш китобхон ҳамиша ҳаяжонда бўлиши, янги ғаройиб воқеа-ҳодиса билан учрашувга тайёр туриши керак.

Сеҳргарлар олами кишилари оддий одамларни мағл дейдилар. Валан де Март («Сен биласанми – ким?»), Мак Гонали, Снегг сингари ўқитувчиларда сеҳрлар

шунча кўпки, оддий китобхон оғзи ҳайратдан ланг очилиб қолади. Гарри, масалан, кумуш муқовали китобни қўлига олиши билан ларзакор чинқириқ янгради: китоб бор овози билан қичқирарди. Гарри ҳузур бахш этадиган Еиналеж кўзгусини қўлга туширади. Профессор Альбус Дамблдор Гаррининг ёнига келади-да:

– Истак («еиналеж» сўзи тескари ўқилса, «желание» – «истак» деган сўз пайдо бўлади – А.Р.) кўзгусини бу ёққа ол, – дейди.

Гарри Поттер ҳақидаги асарда 665 ёшга тўлган Николас Фламелни, унинг 658 ёшли хотини Пернеллани учратамиз. Адиб Роулинг фалсафа тошини мана шу қария кашф этганини ёзади. Гарри Поттер ҳақидаги китоб, гарчи болалар адабиёти намунаси бўлса-да, унинг катталарни ҳам ром этадиган томонлари талайгина: «Донишмандлар наздида ўлим навбатдаги саргузашт», «Фожеа шундаки, кўпинча, одамлар ўзлари учун зиён-заҳмат етказадиган ишни танлайдилар».

«Гарри Поттер» асарида саргузашт, фантастика, детектив ҳолатлар кўп. Асарда квиддич (қўл хоккейи) ўйини тасвирланганки, менимча, у Поттер ҳақидаги етти китобнинг ихчам макети. Ўйинда икки команда иштирок этади. Ҳар бир ўйинчи қўлида сеҳрли таёқ. Тўп (копток) бир нечта. Бу ўйинда асосий вазифани снитч (копток)ни ҳавода тутиб олувчи бажаради. Гарри сеҳргарлар мактабига келибдики, снитчни тутувчи вазифасини бажаради. Хуллас, Гарри Поттер ҳақидаги етти китобда жаҳон сеҳргарлиги нозикликлари жамланган. Уни башар болалари қизиқиб ўқишмоқда. Аммо бу асарда миллий руҳ, маҳаллий колорит сезилмайди. Худойберди Тўхтабоев романларида сеҳргарлик анжомлари, сеҳр йўсинлари миллий бетакрорликда, ўзбекона муҳитда акс эттирилади. Иккинчидан, Х.Тўхтабоевнинг «Сеҳрли қалпоқча», «Сариқ девни миниб» асарлари яратилганда жаҳон адабиётида Ҳошимжон сингари сеҳрли қалпоқчага эга,

ўта қалтис муаммоларни зумда ҳал қилиб ташлайдиган қаҳрамон йўқ эди. «Ширин қовунлар мамлақати...»даги Ақром билағонни айтмайсизми? Фольклорда, ёзма адабиётда кўз жодуси, оёқ мўъжизаси, қўллар асрори ҳақида асарлар кўп эди-ю, аммо ҳид билувчи буруннинг кароматлари ҳеч қаерда кўрсатилмаганди. Х.Тўхтабоев Ақромнинг ҳид билувчи бурнидан юмор яратиш манбаи сифатида фойдаланади. Муҳими, гаройиб фазилатли бурни туфайли қаҳрамонимиз катта бир афсонавий мамлакатнинг қаҳрамони даражасига кўтарилади.

### *Бетакрор услубнинг кашф этилиши*

Худойберди Тўхтабоев, XX асрнинг 60-йилларида ўзбек болалар ёзувчилари сафига қўшилди. Қуддус Муҳаммадий, Ҳаким Назир, Пўлат Мўмин истеъдодли болалар ёзувчисини бағирларига олдилар. Х.Тўхтабоев Фафур Фулом, Саид Аҳмад, Ҳабиб Нўъмон асарларидан кўп нарсаларни ўрганди. Энг муҳими, болалар адабиётида ўз йўли, услубини белгилади. Унинг илк ҳикоялар тўплами 1962 йилда чоп этилган эди. Ўтган 47 йил ичида ёзувчининг очерк, фельетон, ҳикоя, қисса, романлари Тошкент, Москва, Париж, Таллин, Вилнюс, Киев, Бухарест, Берлин, София, Душанбе, Ашхабод, Боку, Ереванда, чех, норвег, фин, француз, турк, италян, қозоқ тилларида нашр этилди. XXI асрдан бошлаб Х.Тўхтабоев асарлари жаҳон халқлари тилларига шитоб билан таржима қилинмоқда.

Ёзувчи асарлари жаҳонда чоп этиляптими, демак, улар мутолаа қилинмоқда. Афсуски, ўзбек адабиётшунослиги ёзувчи рейтинг масаласига эътибор бермайди. Ваҳоланки, рейтинг ўзига хос кўзгу, кўрсаткич: ёзувчи асарларининг умумий адади қанча; неча тилга таржима қилинган, қайси асари энг машҳуру қайси асари заифроқ, қайси қитъа, мамлакатда ёзувчи асари кўп ўқилади... Бир фикрни қатъий, ишонч билан айтиш мумкин: Худойберди Тўхтабоев асарларини ўзбекнинг



уч авлод китобхони кунт, қизиқиш билан ўқиди, ўқимоқда. Фаразимча, «Ўткан кунлар», «Сароб», «Шум бола»дан кейин «Сариқ девни миниб» энг кўп ўқилган асар. Ёзувчининг «Беш болали йигитча», «Қасоскорнинг олтин боши», «Ширин қовунлар мамлакати ёки сеҳргарлар жанги», «Йиллар ва йўллар», «Жаннати одамлар», «Мунгли кўзлар» романлари яхши, аммо «Сариқ девни миниб» романи аъло.

Худойберди Тўхтабоев ижод қила бошлаганидан бери замон, тузум, мафкура, адабий-эстетик қарашлар ўзгарди. Лекин ёзувчи ярим асрлик ижоди давомида қандай роман, қисса ёзган бўлса, уларга бўлган қизиқиш сусаймади. Чунки ёзувчи ҳамиша тирик инсонни, ўз «мен»и, йўл-йўсинига эга одамни тасвирлаган эди. Тўғри, унинг фелъетонлари, очерклари орасида ўз бурчини адо этиб бўлганлари ҳам топилади.

Баъзилар ижодни асосий иш деб биладилар. Х.Тўхтабоев мактабда ўқитувчи, директор, газета-журналларда адабий ходим, бўлим бошлиғи, бош муҳаррир, нашриётларда, Ёзувчилар уюшмаси раҳбариятида фаолият кўрсатди. Ўн йилдирки, ёзувчи Ўзбекистон телевидениесида «Ўйла, изла, топ!» кўрсатувининг асосчиси. Худойберди Тўхтабоев ижоди, асарлари ҳақида М.Қўшжонов, О.Шарафиддинов, Саид Аҳмад, Ҳаким Назир, У.Норматов, С.Мамажонов, П.Шермухамедов, А.Суюмов, С.Матжон, И.Ғафуров, Р.Баракаев, Х.Дўстмуҳаммад, Пўлат Мўмин, О.Мадаев сингарилар мақола, такризлар ёзганлар. Афсуски, ҳануз бу улуг ёзувчи ҳаёти ва ижоди ҳақида йирик талқиний-таҳлилий асар яратилгани йўқ.

Худойберди Тўхтабоевнинг таржимаи ҳоли С.Мирвалиев, Рихсия Шокированинг «Ўзбек адиблари» (Т.: Фан, 2007) китобида келтирилган: «Мен 1932 йилнинг 17 декабрида Фарғона вилоятидаги Катта Тағоб қишлоғида туғилган эканман. Отам Тўхтавой 21 ёшида қулоқ қилинган бўлиб, қочиб юриб Тожикистоннинг

Чорку деган жойида вафот қилган экан. Икки йилдан сўнг онам Сорабиби холаси Аширбиби ўлиб, беш боласи етим қолгани сабабли, унинг эри Уста Қодирга турмушга чиққан экан, қариндошларнинг қарори шундай бўлган экан.

Менинг тарбиям бобом Эркабой, энам Робиябиби-ларнинг ихтиёрида бўлган. Руҳим хулқи-ахлоқим ва характеримда неки бўлса, боғбон бобом, эртакчи энам туфайли шаклланган.

Ўсмирлик йилларим Иккинчи жаҳон уруши йилларига тўғри келган. 1949 йили Қўқон педагогика билим юртини, 1955 йили Ўрта Осиё давлат университетини (Ҳозирги ЎзМУни) битирганман.

1955-1958 йиллари Фарғона вилоятининг Боғдод, Ўзбекистон туманларидаги мактабларда ўқитувчи, илмий бўлим мудири, директор лавозимларида ишлаб, болалар ва ўсмирлар дунёсидаги гўзаллик, тарбиядаги номукамаллик билан яқиндан танишиб, умримни ана шу муаммоларга бағишласам, деб қайта-қайта ўйлаганман, сўнг бир синф ёки бир мактаб доирасида айтаётган фикр-мулоҳазаларимни кенгроқ майдонда айтсам, деб орзу қилиб, газета ёки журналга ишга киришни мақсад қилиб, 1958 йили Тошкентга келдим. Аввал «Тошкент оқшоми», сўнг «Ўзбекистон овози» (собиқ «Совет Ўзбекистони») газеталарида ҳаммаси бўлиб 14 йил ишладим.

Айрим кишилардаги камчилик ва иллатлар йиғиндиси охир-оқибатда жамиятдаги иллатни келтириб чиқаради, илллати бор жамият яхши ривожлана олмайди, шу жамиятга уюшган кишилар тўлиқ маънода бахтли ҳам бўлолмайди, демак, кишилардаги иллатга қарши курашиш керак, деб ўйладим. Енгимни шимариб, фельетон ёзишга киришдим. Занглаган темирни оловга солсангиз, занги тўкилгани каби фельетон оловида ёнган иллатли шахснинг илллати ёнади, покланади, деб қаттиқ ишондим...

14 йил давомида Х.Тўхтабоев, Т.Худойбердиев, И.Бозоров, Н.Каримов фамилиялари остида 300 дан ортиқ фельетон ёздим. Йўқ, барибир, кўнглим тўлмади. Бостириб келаётган танкка қарши рогатка (чўзма)га кесак солиб отганимиз билан таъсир қилмаганидек, жамиятдаги иллатларга қаратилган фельетонларимнинг ҳам ҳеч таъсири бўлмагандек эди.

Руҳи - дунёси пок бўлган, тарбияга қулоқ соладиган, савоб ва гуноҳни билишга интилаётган, руҳи гўзалликка талпинаётган болалар дунёсида ишласам қалай бўларкан, деб ўйлай бошладим ва қарор ҳам қабул қилдим.

Болалар, ўсмирлар дунёсига паққос ўтиб кетдим. Собиқ «Ёш гвардия» нашриёти, «Гулхан», «Ёш куч» журналлари, «Истеъдод» жамғармаларида раҳбар лавозимларида ишлаб, бола ва ўсмир руҳидаги гўзалликни ҳимоялашга эътибор бердим» (125-126 бетлар).

Худойберди Тўхтабоев «Ёш куч» журналини «гуллатди». Унинг ададини сал кам миллионга кўтарди. «Истеъдод», «Олтин мерос» хайрия жамғармалари фаолияти тилга тушди. Х.Тўхтабоев истеъдодли ёзувчи, яхши ташкилотчигинамас, қонунларни ўрни-ўрнида қўллаш укувини эгаллаган экан. «Ёш куч» журнали, гарчи ёшларники, адабий-бадий нашр бўлса-да, адолатпарвар, қонун билан тиллаша оладиган ҳуқуқшунослар минбарига, қизғин мунозаралар майдонига айланди. Гоҳ бош муҳаррирнинг ўзи, гоҳ ёш журналистлар Хуршид Дўстмуҳаммад, Шохруҳ Акбаров, гоҳ ҳуқуқшунос Файзулла Қиличев ўтли, баҳсли мақолалари билан журнал нуфузини орттирар эди. Замон руҳини билиш, мақсаднинг аниқлиги «Истеъдод» ва «Олтин мерос»нинг тезда қадр топишига имкон беради. «Истеъдод» жамғармаси фаолияти қисқа бўлди. «Олтин мерос» таркибига сингдириб юборилди. Аммо «Истеъдод» етакчиси республика ўқувчилари аро санъат, адабиёт бўйича мусобақаларни йўлга қўйди. Ўқув йили якуни арафасида барча вилоятнинг ғолиб ўқувчилари ҳозирги Фафур Фулом номидаги истироҳат боғига тўпландилар.

«Истеъдод» жамғармаси ногирон ўсмирлар ўқиши, тарбиясига эътибор билан қаради. Чиноз туманида яшайдиган ногирон, рассом йигитча хонадонига «Истеъдод»чилар ташриф буюрдилар, ўсмир чизган суратлардан бир қанчасини кўргазмада намоиш этиш учун танлаб олдилар. Умидли рассомга мойбуёқлар, мольберт совға қилдилар. «Истеъдод»чилар ташаббуси билан Чилонзор туманидаги ногирон болалар мактаб-интернатида Янги йил базми уюштирилди.

«Олтин мерос» жамғармасида олиб борилган ишлар таҳсинга лойиқ. Рассомлар асарлари кўргазмаси «Олтин мерос» биносидаги катта залда мунтазам уюштириб турилди. Гулнора Раҳмон санъатшунос, рассомлар билан иш олиб борди. Адибларнинг янги асарлари тақдимоти бўлди. Турли вилоят, туманлардан одамлар нодир китоблар, амалий санъат асарларини келтира бошладилар. «Олтин мерос»да ижодий гурунг, баҳслар йўлга қўйилди. Граммафон, патефон, минглаб пластинка (овоз ёзилган махсус ликоб)ларни тўплаган Зокир Султонов, геология-минерология фанлари доктори, фаол журналист Мирмажид Зокиров, академик Азиз Қажумов, илк телерадио режиссёрлардан Неъмат Дўстхўжаев, файласуф-хонанда Алижон Эркаев, шоир Эркин Воҳидов, адабиётшунослар Озод Шарафиддинов, Шариф Юсупов, Абдуқодир Ҳайитметов билан учрашувлар маданий-адабий ҳаётимизда воқеа бўлди. «Олтин мерос»чилар саъй-ҳаракатлари билан бир кам қирқта арбоб билан ўтказилган суҳбат видеотасмаларга ёзиб олинди. «Олтин мерос»да Х.Тўхтабоев табиатидаги яна бир фазилатни кашф этдим. Жамғарманинг имкониятлари кенг, сертармоқ эди. Юлғичроқ раҳбарнинг сал-пал қинғирлик билан бойиб кетиши ҳеч гапмасди. Х.Тўхтабоев бебилиска пул топиш у ёқда турсин, жамғарманинг тийин-тийинигача жой-жойига сарф қиларди. Болалар ёзувчиси, пок табиат одам раҳбар бўлса, ғаройиб воқеалар рўй беравераркан. «Олтин мерос»чилар тушликка бирга чиқардик.

Худойберди ака Худонинг берган куни емакхонага етмасимиздан:

– Ҳар ким ўзига овқат олиш, – деб туриб оларди. «Олтин мерос» жойлашган бино тубдан таъмирланадиган бўлди. Бошлиқ гоҳ у уста, гоҳ бу ишчи ёнига келиб ишлаб кетаверарди.

Х.Тўхтабоев ёзувчи бўлмаса, қўли гул боғбон ёки деҳқон бўларди. Ёзувчининг “Шофайз” мавзеси «Гулзор» бекати Кичик ҳалқа йўли кўчасида файзлигина ҳовлиси бор. Ҳовли олдидаги каттагина ер майдони коммуникация сабабларига кўра ташлаб кетилганди. Ёзувчимиз шу «ташландиқ майдондан фойдаланиш васиқаси»ни олгач, ғайрат билан ишга киришди. Икки йил ичида шағал, оҳак, шлак, темир-терсак, ҳар хил нарсалар уюб ташланган жойни «одам» қилди. Эрта баҳордан кеч кузгача қўлбола даласида тер тўкадиган бўлди. Мен ҳар гал кўн этик, дўппи кийган, кўк тўни барини белбоғига қистирганича бир маромда кетмон ураётган Худойберди акани кўрсам, қувониб кетардим, дала ҳовлисида ишлаётган Абдулла Қодирийни эслардим. Қодирий ҳам, Худойберди ака ҳам ёзилажак асарлари режасини ер билан «тиллашиш» асносида пишитиб олганларига шубҳам йўқ.

Икки-уч йилдирки, Худойберди аканинг кетмончиликка чоғи келмай қолди. Аммо ҳамон у дала-боғида ўзига иш топади: тоқларига ишлов беради, ҳар бир дарахтни парвариш қилади, янги кўчатлар ўтқазади, пайванд қилади. Ёзувчининг боғида узум, шафтоли, ўрик, анор, беҳи ҳануз сероб. Ҳаваскор деҳқон оз-оздан турп, шолғом, сабзи, булғори ва аччиқ гармдори экади.

Дала-ҳовли мевалари пишди дегунча Худойберди ака Ҳошимжон, Ақром, Зафардай дастёрга айланади қолади: челақ, тоғора, саватларда дўстлари, устозлари, қудалари, қадрдонларига тар мевалар улашади. Гоҳо сахий деҳқон-ёзувчимиз:

– Вой номардлар-ей, биронтаси на челақ, на сават, на тоғорани қайтарай демайди-я... Ҳадемай яна куз келади, яна челақ, сават олишим керак, – деб қўяди ўзига ярашадиган мутойиба билан.

Ёзувчининг дала-ҳовлисидан ўқувчи-китобхонлар қадами узилмайди. Ҳар йили май ойида адиб ўз боғида китобхонлар байрамини уюштиради: ёзувчи, мунаққид – меҳмонларни таклиф қилади, дастурхон солади, ижодқору ўқувчилар мулоқотидан завқ олади.

Х.Тўхтабоев ниҳоятда билагон, кўп ўқийдиган ёзувчи. У 2005-2006 ўқув йилида Ўзбекистон Миллий университетида профессор лавозимида ишлади, бакалавр, магистр, аспирант, Олий адабиёт курси тингловчиларига бадий маҳорат муаммолари бўйича маърузалар ўқиди. У детектив, фантастик, саргузашт асарлар қонуниятлари ҳақида мулоҳаза юритди. Табиийки, ёзувчи болалар адабиёти соҳасидаги масалаларга алоҳида эътибор қаратди.

Х.Тўхтабоев ўтган асрнинг 60-йилларидан бошлаб кўп юртларга борди, ёш авлод адабиёти масалаларига бағишланган умумиттифоқ, халқаро анжуманларда иштирок этди, маърузалар ўқиди. Ёзувчи қаерга бормасин, ёш китобхонлар билан учрашди, болалар ёзувчилари билан дўстлашди. Болалар ёзувчиси аслида, ёши улў, китоб ёзадиган бола. Унда фирромлик, сохталик, иззатталаблик бўлмайди. Оққўнгил, самимий, табиий, камсуқум, ишонувчан бўлмаган одамдан болалар ёзувчиси чиқмайди. Худойберди ака бир воқеани айтиб бергани.

...Мана шу уйни қураётган йилларим. Бир-икки хонани чала-чулпа битириб олганмиз. Саратон. Шифер олишга навбатим етиб қолибди, омборга шошиб турибман. Шунда ёзувчи, кадрдон эстон дўстим келиб қолса бўладими... Мени қора тортиб келган, меҳмон қилишим, кўнглини олишим керак. Лекин... бор гапни айтдим қўйдим.

– Мен ҳам сен билан бораман. Ёрдамлашаман. Куч бор, – деди дўстим қўлларини мушт қилиб.

Шиферни машинага ордик, уйга келиб тушириб олдик. Вақт алламаҳал бўлди. Мен ҳам, меҳмон ҳам роса чарчаганмиз. Санобархон ҳафсала билан мўлгина ош дамлабди. Катта лаганда ош, икки-уч шиша ановидан... Мен паловни ошалайвердим, меҳмон шишаларни

бамайлихотир бўшатаверди. Чарчоқ, овқат, ичкилик кучини кўрсатди. Ётдик. Бирдан уйқум ўчиб кетиб ваҳима босди: меҳмон анчагина ичиб қўйди, кун иссиқ, ишқилиб тоби қочиб қолмасин-да... Бир маҳал нариги уйда ётган меҳмоннинг баралла отиб турган хурраги тўхтаб қолди. Дик этиб турдим, меҳмон ётган хонага яқинлашдим. Не кўз билан кўрайки, меҳмон ўрнидан туриб олган, менга ғалати тикилиб турибди. Иккаламиз бир-биримизни ачомлаб олдик.

— Худойберди, дўстим, сен ошни кўп единг. Ўлиб-нетиб қолдингми, деб бирам хавотир олдимки...

— Мен, дўстим, сендан хавотир олдим... Ҳар тугул тинчлик экан. Энди сен ҳам бемалол ухла, — дедим.

Худойберди ака болалар ёзувчиси — қувноқ, ҳазилкаш, беғубор, гурунғбоз эмасми, унинг хонадониди, оила аъзоларида ҳам шу руҳ ҳукмрондай туюлаверади менга. Ёзувчининг икки қизи, тўрт ўгли эмин-эркин ўсган, ўта самимий, табиий. Набираларида ҳам шу фазилат бор.

Ёзувчининг умр ўлдоши — Санобар кенной катта оиланинг тиргаги. Янга нафақат оилада, маҳалла-кўйда, қудалар, эр-хотин, улфатлар орасида ҳам фаол, уюштирувчи. Қаерга бориш, кимни йўқлаш, қандай совға тайёрлаш, кимларни қаерга таклиф қилиш — ҳамма-ҳаммаси кенной зиммасида. Санобар кенной манаман деган филологдан кўра кўп китоб ўқиган. Янги нашр этилган китобни ҳаммадан илгари ўқийдилар. Худойберди ака ижодини, қайси китоби қачон, қаерда босилганини, қўлёзмалари тақдирини, қайси асар қайси тилда чоп этилаётганини — барисини биладилар. Ваҳоланки, Худойберди ака фарзандлари, келинлари орасида бешта филолог, журналист бор.

### **Ҳошимжон. Сеҳрли қалпоқча. Сарик дев**

«Санъаткор ижодининг бош китоби», — деган гап бор. Шу китоб, агар у ҳақиқий бадиий кашфиёт асар бўлса, жаҳон адабиётининг темир дафтарига киритилади. Ўлмас «Хамса», «Бобурнома», «Ўткан кунлар», «Гўзал»,

«Қаландар ишқи», «Ўтмишдан эртақлар», «Мирзо Улуғбек», «Онагинам», «Вақт», «Соғиниш», «Кўҳна дунё», «Юлдузли тунлар», «Ўзбегим», «Инсон», «Генетика», «Сен баҳорни соғинмадингми?», «Дунёнинг ишлари», «Отамдан қолган далалар», «Лолазор», «Ёзувчи», «Отамнинг ўкинчи» (М.Тоир), «Ёлғиз» (И.Мирзо) сингарилар темир дафтарга битилгулик асарлардир. Шундай ҳам бўладики, битта шоир, адибда бир неча асл асарлар бўлиши мумкин. Темир дафтардан ижодкорнинг энг яхши асаридан сал бундайроғи ҳам жой олиши эҳтимоли бор. Таскин шундаки, темир дафтарга киритилган асар ёзувчининг барча асарларига нур таратиб туради. Аксинча, ёзувчи - санъаткорнинг ҳамма асарлари темир дафтардаги қардошини ҳамиша қўллайди.

Худойберди Тўхтабоевнинг барча романлари яхши, лекин «Сариқ девни миниб»нинг фазилатлари сероб, шу асар парвози юксак бўлди, миллионлаб китобхонлар қалбига йўл топди. Жаҳон болалар адабиётининг пирларидан Жанни Родари (1920-1980) «Сариқ девни миниб» романи ҳақида тўлқинланиб гапирди. Энг муҳими, болалик салтанатининг Фарбу Шарқдаги минг-минглаб китобсеварлари «Сариқ девни миниб» романини мижжа қоқмай, бирон марта эснамай ўқиб чиқдилар.

Одатда, машҳур асарлар ёмбидай яхлит, бирдан пайдо бўлади. Худойберди Тўхтабоев романни узоқ вақт қунт билан ишлади, мисоли игна билан қудуқ қазиди. Ёзувчи тинимсиз изланди. Қидираётгани халқ оғзаки ижоди хазинасида эканлигини қалбидан ҳис этди. Достон, эртақ, топишмоқларни қайта-қайта ўқиди. Бола-бола-да! У тоққа чиқмай дўланали бўлишга, кон қазимасдан хазина топишга, ўқимасдан обрў-эътибор қозонишга, ақлни пешламасдан рақибларини ер билан яксон қилишга интилади. Ҳа, бола – ўсмир сирли, сеҳрли нарсани топиши керак. Ёзувчи 1965 йилда «Сеҳрли қалпоқча» асарини чоп эттирди. Сеҳрли қалпоқча – ёзувчи қўлидаги тилла калит бўлди. Калит қулфини,



кулфланган эшикни, эшик ортидаги ғаройиб уйни топса бас. Тақа топиб олган афанди қанчалик қувонган бўлса, сеҳрли қалпоқчани топган ёзувчи шунчалик ғайрат-шижоат билан ижодий изланишга киришди. Сеҳрли қалпоқчани инъом этган халқ оғзаки ижоди хазинасидан миннатдор бўлиб, ёзувчи қалпоқ ярашадиган ўсмирни қидирди. Қалпоқча эгасини эса қадрдон қишлоғидан излади. Сеҳрли қалпоқчани қув, қувноқ, ялқовроқ, ёлғончироқ, қуруқроқ бола кийиши лозим. Қалпоқча эгаси оққўнгил, меҳрибон, одамохун, тусланиб, турланиб турадиганроқ бўлиши мақсадга мувофиқ. Ёзувчи ўзидаги фазилату хислатларни қаҳрамонига бериб қўя қолди.

Ниҳоят қалпоқчанинг эгаси топилди. У тракторчи ва сут соғувчининг ўғли Ҳошимжон Рўзиев, 6-синф ўқувчиси. Шунақа гапларни топади, ғаройиб шумликлар қилади, янги-янги қилиқлар ўйлаб чиқадики, китобхон беихтиёр унинг ноғорасига ўйнай бошлайди. Оддий китобхонга маза: узумини еб, боғини суриштирмайди. Мутахассис узумдан кўра боғ билан кўпроқ қизиқади. Аввало, қаҳрамон ўз тили, ўз услубида гапириши шарт. Бунинг учун ёзувчи қаҳрамон моҳияти, руҳияти, ўй-фикрларини мукамал ўрганган бўлиши лозим. Х.Тўхтабоев табиатан болалар ёзувчиси бўлгани боис Ҳошимжон гап-сўзи, хатти-ҳаракатларини аниқ, тиниқ тасвирлайди. Иккинчидан, бадиий ижодда муҳим бир қонуният бор: китобхон адабий қаҳрамонни табиий қабул қилса, билингни, бундай тимсолни яратиш учун ёзувчи роса тер тўккан бўлади. «Сариқ девни миниб»да воқеалар кўп, уларни ҳикоя қилиб бериш йўсини бор. Ҳошимжон ҳам ровий, ҳам воқеалар иштирокчиси. Асардаги воқеалар янги, оҳорли эмас, аммо улар ниҳоятда маромига етказиб сўзлаб берилади. Х.Тўхтабоев романида ровий бир йўла бир неча вазифани бажаради. Биринчидан, у воқеаларни сўзлаб беради (ёзувчи функциясини бажаради). Иккинчидан, ҳикоя қилиш орқали китобхонга завқ-шавқ беради. Учинчидан, ровий

эстетик китобхон вазифасини ҳам бажаради. Яъни, унинг ўзи рўй бераётган ҳолат, ҳикоя тарзидан завқ олади. Эстетик китобхон, орадан қанча замон ўтмасин, янги-янги китобхонларга пешвоз чиқади. Уларга асар бўйлаб таништирувчи вазифасини бажаради. Демак, Ҳошимжон Рўзиевдай тирик, жонли ровий бор экан, «Сариқ девни миниб» романининг умри узоқ бўлади.

Ҳошимжон – ровийнинг турли вазият, ҳолат, ҳаракатларда гапириш оҳанги ўзгариб туради. Ҳеч қандай сабабсиз: «Ҳозир, негадир, Орифни тутиб олиб дўппослагим, биқинига, бошига роса муштлагим келиб кетди», – дейди Ҳошим. Ҳай, зўр, нега Орифни урасан, дейдиган одам йўқ. Ҳошимнинг қилмишлари, «Кўрқоқнинг кучи япалоққа етибди», – деган мақолни эслатади. Худди шундай ҳолат Ҳошимнинг бўри боласига нисбатан айтган гапида сезилади: «Тўхта, тумшуғига бир тепай,- дедим ўрнимдан туриб. ...Икковимизнинг қўлимизда ҳам калтак, лайча қочмоқчи бўлиб типирчиласа, Ақром савалаб қолади, бўри ириллагудек бўлса, тумшуғига мен тушираман» (192-бет).

Асардаги ровий ҳикояси ҳазил-мутойиба меъёрини узлуксиз юксалтириб боради. Бора-бора китобхон Ҳошимга, унинг қилови олинмаган гап-сўзларига маҳлиё бўлиб қолади.

«Сариқ девни миниб» романида воқеадан воқеага кўчиш қийинроқ кечади. Ҳошимнинг милицияга ишга ўтгунича Миробиддинхўжа оиласидаги аҳвол, бош қаҳрамоннинг хаёлий саргузаштлари, узун қулоқ пирим мақбарасидаги ҳодисалар, сартарош Ҳошимнинг уддабуронлиги, унинг мактабга қайтиши, аълочи бўлишга бел боғлаганлиги кўрсатилади.

«Сеҳрли қалпоқча»дан кейин Х.Тўхтабоев Ҳошимжоннинг хаёлий ва қишлоқдаги саргузаштларини «Сариқ девни миниб» номи билан чоп эттирди. Шу қисмни ёзишда ёзувчи кўп изланди, ўйланди, воқеалар ва қаҳрамонлар аро мосликни яратиш йўллари қидирди.

Миробиддинхўжа деган номнинг топилиши, гаройиб исмли болани тарбиялаётган оила “ичига” кириб бориш қийин кечди. Сорабиби — Миробиддинхўжанинг онаси фолбин. Ҳийла, найранг, содда одамларни лақиллатиш аввали охир фолбинларнинг ҳаёт тарзи ҳисобланган. Ҳошимжон фолбин хола оиласидаги ёлғон, сохталикларни фол этиди. Миробиддинхўжани тиз чўктиради, алдоқчи эканлигини бўйнига қўяди.

Ҳошимжоннинг уйдан қочиб кетиши, ҳаётнинг сохта университетини ўтаганлиги роман ичра алоҳида қиссадир. Қуддус Муҳаммадий: «Нимаки қилсанг тилак, барига ўқимоқ керак», — деб ёзган эди. Мулла Ҳошим бу мақолсифат ўғитни салгина ўзгартиради: «Нимаки қилсанг тилак, барига сеҳрли қалпоқча керак». Аввалига Ҳошимжон Полвон тоға ишончига кириб олиб, совхоз директори Акбар Носировга учрашади. Ишонувчан директор ёшгина йигитчани агрономликка олади. «Агроном» Ҳошимжон шундай гапларни гапирардики, китобхон қизариб-бўзариб кетаверади. Қаҳрамонимизнинг агроном сифатидаги фаолиятининг чўққиси шира тушган ғўза тупларини калтаклатиш бўлади. Ям-яшил пахтазор зумда дўл урган хароба ҳолатига келади. Одамлар қазабидан кўрққан Ҳошим сеҳрли қалпоқча ёрдамида жуфтакни ростлайди.

Ҳошимжон шоирликни, сайёҳликни ҳавас қилади. Лекин на унисини ва на бунисини удралай олади. Унинг инженер бўлиши, бу соҳадаги фаолияти баайни агрономлик фаолиятининг ўзгинаси. Фарқи шундаки, инженер Ҳошимжон Рўзи катта кўчанинг қоқ ўртасига эшиги, туйнук — ойнаси йўқ алланимани кўққайтириб қўяди. Ҳошимжоннинг артистлик фаолияти ҳам шармандалик билан якун топади. Лекин Ҳошимжон воқеа-ҳодисаларни қойиллатиб сўзлайдики, китобхон унинг ёлғон-яшиқ гапларидан завқланади. Мана, касалхонага тушган Ҳошимжон ҳикоясидан намуна: «Саид аканинг ўрнига узоқдан қарасангиз самоварга ўхшаб кўринадиган қўлоғи калта, хўппа семиз бир одамни ётқизишди. Жуда

уйқучи экан, фақат овқат маҳалда уйғонади... Бир қарасангиз, бўғизланган қўйдек хириллаб қолади, бир қарасангиз, бузуқ карнай чалаётганга ўхшайди, баъзан эски паравоздек пишиллаган овоз чиқаради, тонг отарга яқин сурнай, доира садоларига ўхшаш ғалати овозлар янграйди» (59 бет). Машҳурликни излаб кетган Ҳошимжон ўнларча ғалати-ғалати одамлар билан танишади. Ҳар бир янги персонаж, унинг таърифи китобхонда қизиқиш уйғотади. Ёзувчи 60-йиллардаги «Пахтакор» командаси, ўйинчилари номини сал-пал ўзгартириб бундай тасвирлайди: «Шоликор» жамоасида Теодор Раҳимов (Биродар Абдураимов), Вильгельм Қодиров (Вильгельм Қаҳҳоров), Геннадий Супаницкий (Геннадий Красницкий), Ёқубов (Якубик) сингарилар тўп сурадилар. Хуллас, Ҳошимнинг арзон шуҳрат йўлларида адашиб-улоқишлари жонли, ровиёна усулда тасвирланади.

Худойберди Тўхтабоевнинг «Сариқ девни миниб», «Ширин қовунлар мамлақати», «Мунгли кўзлар» романларида саргузаштлар кўп. Саргузашт - инсоннинг ҳаёт гирдобида узлуксиз ҳаракат қилиши, мақсад йўлидаги курашиши. Ҳошимжон, айтилганидай, машҳурлик излаб саргузашт бошлайди. Унинг узун кулоқ пирим зиёратгоҳидаги, милиция ходимлари билан Сариқ девни маҳв этишдаги саргузаштлари ҳам қизиқарли, ҳам мураккаб, ҳам маърифий. Ақромнинг ғаройиб саргузаштлари-чи? Улар Ҳошимникидан ортиқ бўлса борки, кам эмас. Зафар муштдайлигидан ҳаёт зиддиятлари, мураккаб синовлар саргузаштини бошидан кечирди. Қаҳрамонлар саргузаштини қизиқарли, жонли тасвирлаш Х.Тўхтабоев асарларининг асосий мақсадими? Йўқ, албатта. Учта романда поэтиканинг моҳияти англашилади. Бадиий асар поэтикаси деганда воқеа-ҳодиса, қаҳрамонларнинг бадиият оламидаги ҳаёти, интилиши, кураши тушунилади. Аниғи, поэтика-бадиий асарнинг яшаш тарзи, ундаги руҳий ҳаракат, мазмун-моҳият демак. Х.Тўхтабоевнинг ёзувчи сифатидаги

истеъдоди, уқуви шундаки, у матн остинигинамас, матннинг китобхон оламида жилоланадиган қиёфасини, руҳий ҳаётини, тусини, турини акс эттира олган. Мана шу контекст — матннинг бадиий инъикосини очиб бериш — ёзувчи маҳорати ҳақида фикр юритишдир. Худойберди Тўхтабоев учта романи орқали ўзбекнинг асл моҳиятини, XX асрнинг II ярмидаги ижтимоий-маънавий-руҳий ҳаётнинг бадиий тарихини ишонарли очиб кўрсатган. Ёзувчи Ҳошимжон, Ақром, Зафарнинг дунёга келишида восита бўлган ота-она, ўзбекнинг саҳий, орзу-ҳавасли, ғурурли, тўй севар, ишонувчан, қонунни билмайдиган, оломон сифат, болажон бўлгани билан уни қандай тарбия қилиш йўриқларини англаб етмаганлиги эканлигини кўрсатади. Бадиий асарда шартлилик, рамзийлик бўлади. Ёзувчи, дейлик, Ҳошимнинг сохта агроном, инженер, артист бўлганини кўрсатмоқчи. Табиийки, у шартлиликдан, сеҳрли қалпоқчадан фойдаланади. Ҳошимжон биронта ривожланган юртда на инженер, на агроном бўла оларди. Ҳамма ерда ҳужжат (диплом) талаб қилинади. Қаранг, қоровул Полвон тоға тавсияси билан совхоз директори Ҳошимни агрономликка олади. Бу ишга жойлашишнинг «ўзбекона усули», холос. Ақром («Ширин қовунлар мамлакати...») одамлар олти-етти юзта коса, тарелка, чойнак, пиёла олиб келаётганини кузатади. Бу — бор гап эди. Баъзилар катта бир тўйни ўтказишга етадиган чойнак-пиёла, коса-лаган, ҳатто гулдонларни ғамлаб қўйганлар. Бундай ғаройиб саҳийликни Матмуса ўзбек қилиши мумкин, холос. Зафарнинг («Мунгли кўзлар») ота-онаси пул, олтин йиғади. Муҳими, улар бойиганлари сайин ўзларини бошқара олмай қоладилар. Бебилиска топилган пуллар оилага кулфат, бахтсизлик, фожеа олиб келди. Ёқутхон, Саидларнинг пул-бойликлари дўст-душманни таниб олишда ўзига хос маҳак вазифасини ўтади: Ёқутхоннинг қадрдон улфатларидан Қўмондон, Қози холалар энг тубан фирибгар, муттаҳамнинг ишини қиладилар.

Х.Тўхтабоев романларини ўқиб, ёш китобхон Ҳошимнинг қизиқ-қизиқ гапларига қотиб-қотиб кулаверади, Ақромнинг дирижаблдай унвон осмонига парвоз қилишидан завқланади, Зафар гоҳ мопед, гоҳ янги магнитофон, гоҳ ажнабий кийим-кечакларига ҳавас қилади. Мана шу романларнинг матн остидаги, матн руҳидаги маъноси кишини ўйга толдиради, аҳволимизга ўкинч билан қарашга ундайди. Мустақилликдан кейин ўзбек ўзини таний бошлади: қонун адолат мезони эканлиги, илм-фан инсонни улугловчи мангу воситалигини, тилларни ўрганиш дунё билан тиллашиш қуроли эканлигини англаб етмоқда. Лекин, афсуски, ҳануз Ақром, Ҳошим сингари аравани қуруқ олиб қочувчилар, Зафару Зуфардай ота-она бойлигига муте бўлиб қолганлар, муҳими, Қози, Қўмондон хола, уларнинг еб тўймас эрлари, Иблису Дев йўлдан урганлар ҳануз кўп.

Х.Тўхтабоев романларида Сариқ дев, Иблис сингари қора кучлар фаол ҳаракат қиладилар.

Худойберди Тўхтабоев романларидаги қора кучлар уюшган ҳолда, аниқ мақсад билан ҳаракат қиладилар. Ёзувчи ўта тиниқ, ёрқин тасвирланган Дев, Иблисларни қаердан топган? Ҳаётда ҳамма нарса, ҳодисалар ўзаро алоқада узвий боғлиқликда бўлади. Бадий асар — ёзувчи ижодининг меваси. Уни ёзувчининг бошқа асарларидан ажратиб олган ҳолда талқин, таҳлил қилиб бўлмайди. Ёзувчи ижоди — ўзига хос олам, ҳаммиша ўсиб-ўзгариб борадиган руҳий-маънавий жараён. Ижодкор қачонлардир, қаердадир бирон нарса, кимсани кўрган, уни ёдидан чиқарган бўлиши мумкин. Шундай вазият бўладики, ёзувчи хотирасини титади, кўрган нарса, кимсаларини излаб қолади. Бошқача айтганда, ёзувчи қалби, онги, Мақсуд Шайхзода айтганидай, артел, корхона. У ҳаммиша ишлаб туради, янги-янги маҳсулотлар етиштиради. Баъзи ёзувчилар темирни қизиғида босадилар: топган материалларини шаклга

тушириб китобхонга ҳавола қиладилар. Баъзилар материални йиғиб-йиғиб бораверадилар, вақт-соати билан уни ишлатишларини биладилар. Ойбек, Худойберди Тўхтабоев асар ҳолида босилган китобларидаги воқеа, қаҳрамонларни янги асарларига киритишда моҳир бўлганлар. «Қутлуғ қон» «Ўч», «Бахтигул ва Соғиндиқ», «Бобом» сингари поэмаларда таниш қиёфаларни учратиб қоламиз: улар янги шароитда, янги вазифани бажараётган бўладилар.

Худойберди Тўхтабоев 300 дан ортиқ фельетон ёзганини айтган эдик. Одатда, фельетон жамият, жамоа манфаатларига зид борганлар ҳақида ёзилади. Ҳар қандай жамиятда умумга зид борганлар, қонунни бузганларга қарши курашадиган маҳкамалар бўлади. Кўзим тушган, Х.Тўхтабоев милиция ташкилотларидан, қонун ҳимояси органларидан кўплаб ташаккурномалар, нишонлар олган. Ёзувчи «Сариқ девни миниб», «Мунгли кўзлар» романларида милиция ходимлари образини ишонарли яратган. Ўсмирларнинг қадрдон қаҳрамони Ҳошимжон Рўзиев милиция сержанти сифатида дostonлардагидай ишларни амалга оширади. Демак, Х.Тўхтабоев Сариқ дев, Иблис деганда қонунбузарларни, ўғри-муттаҳамларни, товламачи-порахўрларни назарда тутган.

Эътибор беринг, Х.Тўхтабоев қайси асарида қонун ҳимоячилари ва қонунбузарлар ҳақида ёзса, қалами эркин ҳаракат қилади. Чунки ёзувчи журналистлик касби туфайли қалтис ҳолат, вазиятларни кузатган. Фельетоннавислик – қонунга суяниб иш юритиш ёзувчи табиатига сингиб кетган.

«Сариқ девни миниб» романидаги икки муҳим қонунбузарлик тарихи тасвири ҳақида тўхталамиз. Бири, Узунқулоқ пирим зиёратгоҳидаги фирибгарликлар. Иккинчиси, «Роҳат» ошхонаси директори Одил Аббосов ёхуд Одил баттол ёки Сариқ дев билан полковник Салим Отажонов, полковник Али Усмонов бошлиқ милиция ходимлариаро ҳаёт-мамот жанги. Ҳар иккала тарих

детектив тарзда тасвирланади. Ёнғоқ қори, Бодом қори, Данак қорилар фирибгарлик билан халқни алдаб ётибдилар. Улар халойиқ кўзига фаришта, ҳожатбарор бўлиб кўринадилар. Аслида, улар бахил, устамон, бойликка ўч, маънавий-маиший бузуқ одамлар. Ҳошимжон сеҳрли қалпоқчани кийиб Ёнғоқ қорини таъқиб этади. Ёнғоқ қори тоғ орасига кириб кетади. Маълум бўлишича, тоғ ичкарисидаги овлоқ жойда Ёнғоқ қорининг уйи, хотини, мол-мулки, хизматкорлари бор экан. Эл кўзига авлиё бўлиб кўринган Ёнғоқ қорининг фирт пиёниста, бузуқлиги рўй-рост кўрсатилади. Сохтагарликда Бодом қори, Данак қорилар устозлари Ёнғоқдан қолишмайдилар. Ҳошимжон сеҳрли қалпоқчани кийиб олиб, қора кучлар ҳақидаги ақлбовар қилмайдиган ҳақиқатларни тасвирлайди. Ёзувчи Узун қулоқ пирим зиёратгоҳидаги воқеаларга Миробиддинхўжа, Зокирни ҳам аралаштиради.

«Сариқ девнинг ўлими» роман ичра детектив романдир. Детектив адабиётда жиноятни фош этиш жараёни маълум тартиб-қоидалар асосида давом этади. Эдгар По, Артур Конан Дойл, Гилберт Честертон, Агата Кристи, Жорж Сименон сингари детективнавислар бу адабиёт қонуниятларини кўрсатиб бердилар. Детектив асарда қотиллик (ёки унга интилиш бўлиши) шарт, курашувчи кучлар нисбати деярли тенг бўлиши лозим. Детектив асардаги конфликт расмий маҳкама томонидан бостириб ташланиши мумкин эмас, асарда кураш узлуксиз жиддийлашиб, сирлилиқ, ваҳималилик касб этиб боради. Х.Тўхтабоев савдо-сотик, ошхона, омборхоналарда рўй бераётган жиноятларнинг фош этилганлигини кўрсатади. Савдо ёхуд жиноят объекти вакиллари хилват жойлар, касалхона, жиннихонадан жон сақлаш маскани сифатида фойдаланганлар. Ҳошимжон Рўзиев махсус топшириқ билан жиннихонага жойлаштирилади. Ёзувчи жиннихонадаги воқеаларни Ҳошимжон ҳикояси орқали ўта жонли, қизиқарли тасвирлайди. Жиннихона,



жиноятчиларнинг — ертўла зиёфатхонадаги шароит, муносабат, муомалалари зўр тасвирланган. Романнинг шу ўринларида матн ости, матн руҳи, қамрови аниқ кўринади. Ёки ёзувчи воқеа орқали ички, яширин ҳолатларни кўрсатади. Одил баттол гадой топмас ертўлада ўзини ўта эркин тутади: асл қиёфаси, моҳиятини кўрсатади. Нафақат Одил баттол, Саллабодроқ амаки, ўғри Мутал, Ориф чайқовчи, пешанаси йилтироқ амаки, Омборчи ҳам яширин хонада эмин-эркин сўзлашадилар, маишат қиладилар. Ҳошим жиноятчилар орасида ҳам ўзини йўқотмайди: тугинган отаси Отажоновга, Али Усмоновга, гуруҳ бошлиғи Холиқовга маълумот етказиб туради. Жиноятчиларга тайёрланаётган овқатга наша ташлаб кўяди. «Сариқ девнинг ўлими» қисмида қизиқарли, ибратли воқеа-ҳодисалар: турфа феъл-атвор, тақдирга эга персонажлар кўп. Полковник Салим Отажонов — «Сариқ девнинг ўлими» қисмининг етакчи қаҳрамони. У ниҳоятда келишган, файзли инсон. Аммо кураша-кураша соғлигидан айрилди, хотини вафот этди, жиноят қилган ўғлини ўзи қаматди. Салимжон ака Ҳошимжонни «Ўғлим» дейди, юрак дардларини унга айтади. Милиция соҳасида ишлаш, одатда, эркаклар иши. Х.Тўхтабоев аёл боши билан форма кийган Каромат Ҳошимова тимсолини жонли, таъсирли ёритган. Жиноят йўлига кириб қолган бева аёл Шарифанинг қилмишлари ҳам китобхонни бефарқ қолдирмайди. Асарда оддий милиционер вазифасини сидқидилдан бажараётган фидойи инсонлар образи меҳр билан кўрсатилган. Жиннихонага хизмат сафарига жўнатилган Ориф ака руҳий хасталар орасида яшаб ўз вазифасини бажаради. Толиб ака, Суръат ака, капитан Холиқовлар фидойи меҳнат қиладилар. Х.Тўхтабоев милиция ходимларининг садоқати, тартиб-интизомлилигини ишонарли тасвирлаган.

«Сариқ девни миниб» романининг якуни халқ дoston, эртақлариникига ўхшайди: қора кучлар енгиледи, адолат тантана қилади, осойишталик посбонларидан кўпчилиги юқори лавозимларга ишга ўтади. Жиноятчилар билан

курашиш жараёни мураккаб, уни зинҳор шунчалик сўзлаб бериб бўлмайди. Айтганимиздай, Ҳошимжон Рўзиев воқеа-ҳодисаларни ўзига хос тарзда кўради, тасвирлайди. Мана, Ҳошимжон жиннихонада пакана милиционер қўлидан чиқди-да, боши оққан томонга қочди. Уни аввалига уч киши қувди: «Учовларига-ку, тутқич бермасдим-а, аммо кўпчилик бўлиб кетишди-да. Яна иккита врач, иккита қоровул, бешта ўзимга ўхшаган жинни кўшилди. Айниқса, жинниларнинг биттаси – мен билан тенгқури худди този итдек чопағон экан. Чопганда ҳам улоқни ёппа қилган чавандоздек: «Ҳе-хе-ҳе!» деб қийқириб чопади денг. Ана шунисидан ҳеч қутулолмай, охири қўлга тушдим» («Сариқ девни миниб». – Т.: Шарқ» НМК, 2000, 249-250-бетлар).

«Сариқ девни миниб» романида ҳаётбахш руҳ, ҳазил-мутойиба кайфияти, жонли, ҳаракатчан қаҳрамонлар фаолияти етакчилик қилади. Улар болалар дидига, руҳий-маънавий эҳтиёжига ниҳоятда мос келган.

*Ақром – билағон Ҳошимнинг дўсти,  
Гарри Поттернинг оғаси*

«Ширин қовунлар мамлақати ёки сеҳргарлар жанги»ни «Сариқ девни миниб»нинг давоми дейиш мумкин. Чунки Ҳошимжон («Сариқ девни миниб») эстафета таёқчасини Ақром («Ширин қовунлар мамлақати...»)га топширар экан, «Сеҳрли қалпоқчани эъзозла», «Романингга ўзинг ровийлик қил», «Устозларим Ақром сартарош, Салимжон Отажоновга эргашиб» ёмон бўлмадим, сен ҳам профессор Дар Даража этагини қаттиқ тут», – дегандай бўлади. Ақром дўстининг айтганларини ортиғи билан бажаради. Аниқроғи, «Сариқ девни миниб», «Беш болали йигитча», «Қасоскорнинг олтин боши», «Йиллар ва йўллар» романларини ёзиб Х.Тўхтабоев маҳорати ортдики, бу нарса «Ширин қовунлар мамлақати...»да кўзга дарҳол ташланади. Биринчидан, роман Ақром билағоннинг Ҳошим, у ҳақда китоб ёзган Худойберди

Тўхтабоев ҳақидаги гапи билан бошланади. Эмишки, Ҳошим ёзувчи соқолини бепул ола-ола, унга уйидан ёғли қатиқ таший-таший ўзи ҳақида китоб ёздирибди. Ҳошим ёзувчига Ақром ҳақида гапириб берган шекилли, икки-уч ўринда Ақромбой номи тилга олинбди, бўри боласини тутиб олгани, уни аравачага қўшишга ҳаракат қилгани нақ бир боб бўлибди. Романнинг бундай ғайри одатий кириш билан бошланиши кимни бефарқ қолдиради, дейсиз? Иккинчидан, гапни қойилмақом қилиб гапиришда Ақром Ҳошимдан ўтса ўтадики, кам эмас. У Ғофир сувчи, Жамила кеннойи ҳақида шунақа сайрайдики, институт ўқитувчилари оғзи ланг очилиб қолади. «Ғанга юриш»ни «Панага юриш» деб тушунган Ақромнинг олиб қочишларини айтмайсизми?

Учинчидан, Ақром Ҳошимни ҳурмат қилади, лекин у босиб ўтган йўлдан юришни ор деб билади. Ҳошимжон характери, саргузашт, детектив воқеаларда очилган бўлса, Ақром хаёл дунёсига чуқур шўнғийди. Китобхонни фантастика кенгликларига бошлайди. Ширин қовунлар мамлақати, Ҳандалак шаҳрига шўнғиб кетиши биланоқ Ақром ғаройиб мамлакатни кезади. Гу Ли, Гу Ла, Ур Бон, Қур Бон, Ос Мон, Нарӣ Бери, Хол Дор, Нор Вон, Шар Манда, Ола Кўз, Му Ти сингари ўнлаб кишилар билан учрашади. Ёзувчи ғаройиб юрт, унинг ўзига хос кишилар билан қаҳрамонини тўқнаштирар, дўстлаштирар, баҳслаштирар экан, қийслаш йўлидан боради: хаёлий юрт, унинг кишилари ҳақида ёзади-ю ўз мамлақати, одамлари, ижтимоий-маънавий-руҳий муаммоларни қийслайди. Порахўрлар, масалан, қовунлар мамлақатида пулни килолаб оларканлар, тўрачилик шунчаликка етибдики, битта маълумотнома олиш учун ўндан ортиқ маҳкамадан далолатнома йиғиш керак бўларкан. Дар Даража ишлайдиган «Инсон» институтида кўплаб фан номзодлари, фан докторлари ишлайдилар. Ақром ҳид билиш қобилияти туфайли яқиндагина фан номзоди бўлган эди. Юқоридагилар Ақром Ақромий

кашфийёти фан доктори илмий даражасига муносиб деб топибдилар. «Инсон» институтида ҳамма нарсадан илм қилиш одати авж олибди. Акромий касалхонадан чиққач, журналистлар уни саволга тутадилар. Қуйидаги савол-жавобга синчиклаб назар солишингизни истардим:

«— Яна бир савол. Бемор ташқарига чиқариб ташлайдиган қуюқлик ва суюқлик масаласида:

— Хўш.

— Шунини текшириш учун кандидатлик диссертациясини ёқлаш шартми?

— Рухсат берсангиз, — деди профессор шошилиб, — шу саволингизни очиқ қолдирсам» (Ширин қовунлар мамлакати... — Т.: Чўлпон, 1991. 114-бет).

«Ширин қовунлар мамлакати...»да Акром Ҳошимнинг сеҳрли қалпоқчасидан жуда унумли фойдаланади. Сеҳрли қалпоқча Ҳошимни кўзга кўринмас қилиб қўярди, холос. Акромнинг сеҳрли қалпоқчаси ҳам доно маслаҳатгўй, ҳам сеҳр воситаси вазифасини ўтайди.

«Ширин қовунлар мамлакати...» романида ёзувчининг яна бир топқирлиги, маҳорати кўзга ташланади. Акром Ҳошим, Ориф, Зафардан фарқ қилиб, ноёб қобилият билан туғилган: ис олиш, ҳид билишда беқиёс. Қаҳрамоннинг бу қобилияти ҳазил-мутойибага манба бўлган. Туман милиция идорасидан бир ходим Акромнинг уйига келади, онаси билан учрашиб, мақсадини айтади. Туман милициясида исковучликда бемисл ит бўлган экан. У ўлиб қолибди. Шу ит ўрнига Акромни ишга олишмоқчи бўлишибди. Қишлоқда бир одамнинг уйига ўғри тушибди, латта-путта, зарур анжомларни ўғирлаб кетибди. Акром жабрланганларга ачинибди, бурнини бир ишга солган экан, йўқолган мулк ҳиди бурнига кирибди: «Ичкарида туйганим аралаш ҳидлар кўринмас ипдек чўзилиб, эшилиб-буралиб боғ томонга ўтиб кетгандек бамисоли бурнимга бурувиқ солиб ўша томонга қараб тортаётгандек» (12-бет). Ёзувчи қаҳрамоннинг ҳид билиш, ранг фарқлаш

укувидан асар охиригача унумли фойдаланади. Аввалига Акром қонлар ҳидидан жиддий хулоса чиқаради: бузуқ, бадбўй қонлардан Иблис пайдо бўлади. Иблис — норасоликлар, бузғунчиликлар, тартиббузарликларнинг йиғма тимсоли.

Х.Тўхтабоев маҳорати ижобий ва салбий кучларни уюштира олганлигида, улар аро курашнинг боришини тасвирлашида сезилади. Шу ўринда ёзувчи тутган йўлдаги бир норасоликни кўрсатиб ўтиш жоиз. «Ширин қовунлар мамлакати...» — болалар адабиёти намунаси, етакчи болалар ёзувчисининг пишиқ асари. Болалар адабиёти, болалар романими, демак унда болалар ҳаракат қилиши, болалар руҳига яқин масалалар қўйилиши лозим. Акром Дар Даража билан Иблисга қарши курашади. Иблис катталарнинг бузуқ қонидан пайдо бўлган. Нега Акром атрофига икки-уч ўсмир қаҳрамонни қўйиш ёхуд Иблисдаги қонлар қаторига болалар оламининг иллатларини киритиш мумкин эмасди? Мунаққид Омонулла Мадаев роман ҳақидаги тақризида бир нечта етишмовчиликни кўрсатган эди: «Баъзан бу мамлакатдаги бир воқеа иккинчисига тамоман зид тасаввур ҳосил қилади. Автобусда бепул шарбат тутилса, ортиқча пул берилгани учун таксичи ўзини ҳақоратланган деб билса, кадрсизлангани учун ўзини ўлдирмоқчи бўлсаю, олий илмгоҳларга чамадон-чамадон пул бериш билан қабул қилиш тартиби ҳукм сурса. Иблисга қарши кураш кетаётган бир шароитда расмиятчи, порахўр, амалпараст шахслар катта лавозимларга кўтарилсалар-у, уларнинг ўзлари Иблисни йўқотиш бўйича тадбирлар белгиласалар» (Ширин қовунлар мамлакати... —Т.: Чўлпон, 1991. 283-бет).

Иблисга қарши курашиш, бу йўлда турли воситалардан фойдаланиш Гарри Поттер ҳақидаги китобларда кўзга аниқ ташланади. Акром Иблисга қарши ақл билан курашиш йўлини танлайди, ҳар хил физикавий, кимёвий, биологик, генетик усуллардан фойдаланади. Ҳозирги ёшлар болалар адабиётидаги интеллектуал қаҳрамонларни ёқтирадилар. Гарри, Гермiona, Рон сингарилар рақибга

қарши узоқни ўйлаб курашадилар. Шу нуқтаи назардан Акром ҳам ёшларнинг сеvimли қаҳрамони. Унда изчил мақсад, кураш усули, воситалари бор. Устига устак Х.Тўхтабоев курашнинг ўта нозик йўларини кўрсатиб боради. Ақллар, ҳийлалар кураши биринчи ўринга чиқади. Биз қанча китобхон билан суҳбатлашган бўлсак, Акром Х.Тўхтабоев ижодидаги пишиқ, ақл-хушли курашчилардан бири эканлигини айтди. Тўғри, Жамила келиноий ҳақида ёлғон тўқиб ташлаган, «Фанга юриш»ни «Панага юриш» тарзида талқин қилган Акромнинг ҳар хил асбоб-ускуналардан моҳирона фойдалана ола бошлагани орасида номутаносиблик бор. Романнинг фантастик, хаёлийлиги кўп масалаларга ўзгачароқ қарашга ундайди.

Гарри Поттер, гарчи у ҳам хаёлот оламида кезса-да, янги-янги техник воситалардан фойдаланади: унинг сеҳргарлик ускуналарининг мўъжизавий имкониятларини оча билиши ҳозирги ўсмирларда қониқиш туйғусини вужудга келтиради. Муҳими, Гарри Поттер шериклари, уларнинг рақиблари тартибга тушган осойишталикни айқаш-уйқаш қилиб юборишдан ҳузурланадилар. Яъни Роулинг хоним бола табиатидаги бузиш-ёришга бўлган эҳтиёжни амалий ишларда кўрсатиб беради. Х.Тўхтабоевнинг Ҳошими, Акрони, Султон-у Зуфариди катталар ўйлаб топган, амалга оширган тартиботларга қарши алла қандай норизолик бор. Эҳтимол, ўсмирнинг беғубор кўнгли порахўрлик, тўрачилик, мунофиқлик, буқаламунлик, лаганбардорлик сингари касофатлар пайдо бўладиган муҳитни аввалдан ҳис қилар. Аслида, Х.Тўхтабоевнинг деярли барча қаҳрамонлари ёмонликка, зулмга, ноҳақликка қарши сидқидилдан курашадилар.

Яна бир гапни айтиш керак, Ҳошим, Акромлар китобхонга танилиб, Европага чиқиб борганларида ҳали Гарри Поттер йўқ эди. Эҳтимол, Ҳошим, Акром сингари ўт-олов қаҳрамонлар Гарриларнинг пайдо бўлишида туртки бўлгандир.

Ҳошимжон ва Ақром ялакат мағиздай қаҳрамонлар. Аммо ёзувчи ҳар иккала қаҳрамонни ўзига хос йўлдан олиб ўтди. Ҳошимжон саёҳат-саргузашт орқали ўзини намоён этган бўлса, Ақром катта тарвузнинг ичига шўнғиб кетдию, шира ичра юрган одамларни кашф этди. Ақром ҳаёти икки қисмга ажралади: бири Сойқишлоқда ўтказган кунлари, жамоа хўжалигида ишлаган пайтлари, иккинчиси афсонавий юртдаги ҳаёти, улўф олим бўлиши, уламолар қаторидан ўрин олиши... Менинг назаримда, фантастика йўли қайсидир ўринларда модернизм ҳудудидан ўтади. Ёзувчи реалликдан униб чиққан, онгдаги борлиқни кашф эта боради.

### *Шўрпешона Орифжон*

XX асрни фан-техника тараққиёти, атомнинг кашф этилиши, фазога кўтарилиш, ойга қадам қўйиш, сунъий мия – компьютернинг ихтиро қилиниши юзйиллиги дейдилар. Менга қолса, XX аср Биринчи ва Иккинчи жаҳон уруши, ўнлаб мамлакатларда рўй берган минглаб инқилоблар, фуқаролар жанги, давлат тўнтаришлари, ошқора ва пинҳона курашлар юзйиллигидир. Етимлар, бева-бечоралар, ногиронлар, тўзғиб кетган оилалар – урушларнинг аччиқ данаги. Иккинчи жаҳон урушида вокзал, перрон, вагон, поезд деган сўзлар ҳар сония, ҳар соатда айтиб турилди. Етим-есирлар, ногиронлар, фронтга жўнаётганлар, урушдан қайтаётганлар вокзал, перронларда жамулжам бўлган. Уруш йилларида поезд қаттиқ қичқиради: уни ҳамма эшитарди. Поезд қичқирса, бувим раҳматли ҳамиша: «Овозинг ўчсин!» – дердилар. Шўрлик бувим икки ўғли, уч укасини ота-она, оила қўйнидан юлиб олган куч шу бақироқ поезд деб билардилар. Поезд Шарқдан Ғарбга аскар, емиш олиб борар, Ғарбдан етим-есир ногирон, кўчирма қилинганларни узоқ-узоқ юрт, шаҳар, кентларга сочиб кетарди. Поездга миниш, чипта олиш ўлимдан қийин эди. Худойберди Тўхтабоевнинг «Беш болали йигитча»

романида Орифжон, Султон, Зулайҳо, Омон, Робия, Дилбарни чиптасизликлари боис поезддан тушириб юбордилар. Болалар пою пиёда поезд йўли бўйлаб Қўқонга йўл оладилар. Орифжон ва ука-сингилларининг етимликдаги дарбадарликлари романнинг ўзига хос саргузаштлигини кўрсатади.

Жаҳон болалар адабиётидаги Том Соьер, Чипполино, Шум бола, Гулливер, Робинзон Крузо, Маугли сингари сайёҳ адабий қаҳрамонлар барчага яхши таниш. Олим Шарафиддинов 1937 йилда туғилган жияни Пўлатни эркалаб Том дегани, умрининг охиригача дўстлари, мактабдошлари ҳам уни шу ном билан чақирганларини биламан. Озод Шарафиддинов Том Сайер ҳақидаги китобдан туну кун айрилмаганлиги боис отасининг қаҳрига учраганлигини ёзади.

Ўсмир серғайрат бўлади. Унинг ақл-ҳуши учиб-қўниб туради, олам кезади. Саёҳат, саргузашт — боланинг жони жаҳони, орзуси, парвозга шай қаноти.

«Беш болали йигитча»да саргузашт Мирзаполвоннинг фронтга жўнатилиши тасвири билан бошланади. Орифжон отасининг урушга кетаётганидан хафа, айни вақтда унинг саргузашт талаб табиати қизиқ-қизиқ воқеаларни оханрабодай ўзига тортиб олаверади. Болалар уйига жойлаштирилиши, у ердаги ҳаёт, етимларнинг Тошкентга келтирилиши, Ориф, Султон, Усмоннинг опа-сингилларидан ажратиб юборилиши, етимхонадаги ҳаёт, колонияга жўнатилиши — бари аламли саргузашт. Болалар Қўқонга не-не азоблар билан қайтадилар. Улар йўлда урушдан қайтган жангчи уйида бўладилар. Омон шеърлари, қизиқ-қизиқ ўйинлари, ҳангомалари билан катта-ю кичикнинг ичагини узади, темир йўл ишчиси — Абзий ва унинг хотини етимларга меҳрибонлик қилади. Пакана бобо уйидаги ҳолатлар, Қўқонга қайтиш... бари саргузашт. Аммо саргузаштларда ғам-андух кўп. Ёзувчи болаларнинг қоронғу кунларини нурли қилишга интилади. Аммо ғам-ташвиш, ўкинч-аламни қувонч,



шодлик, хушчақчақликка омухта қилиш мушкул. Худойберди Тўхтабоев маҳорати, топқирлиги шундаки, ҳаётдаги ғам-ташвиш, йўқотишларни бола қалбидаги табиий ҳаётсеварлик, қувноқлик-эзгуликка ташналик орқали нурлантира олган. «Беш болали йигитча»ни ўқиган китобхон йиғлайди, айни вақтда қаердандир унинг юзи, лабларига табассум кўнади. Кўздаги ёш, лабдаги табассум — «Беш болали йигитча» романи поэтикасининг асос, ўзагини белгилайди. Китобхон романдаги мана шу мураккаб ҳолатларнинг яратилиши заҳматлари ҳақида ўйлаб ўтирмайди. Ёзувчи китобхонни хушнуд қилиш, қалбида нур пайдо этиш учун барча имкониятларини ишга солади, руҳини, ақлини роса пешлайди. Муҳими, бу асар устида куйиб-ёниб ишлаганини ҳеч кимга, ҳеч қачон сўзлаб ўтирмайди. Санъаткорлик — ҳамиша ёниш, ўртаниш, изланиш, қалбни сарфлаб-сарфлаб бориш.

«Беш болали йигитча» — саргузашт ҳамда автобиографик роман. Кўқон болалар уйдан Тошкентга жўнатилган, пойтахтдаги етимхоналарда сарсон-саргардон бўлганлар орасида 12 ёшли Худойберди ҳам бор эди. Поезддан туширилиб юборилган, Кўқонгача бўлган йўлни пиёда ўтган, йўл, очлик азобига чидаганлар сафида Х.Тўхтабоев ҳам бўлган. Собиқ детдомчилар, йўл азобини биргаликда ўтаганлар кейинчалик ҳам учрашиб, бир-бирларининг ҳолидан хабар олиб турганлар.

...2006 йилнинг 21 сентябрида Худойберди ака, Мирпўлат Мирзо, мен Тошкентдан Форишга йўл олдик. «Нексия»ни ёзувчининг иккинчи ўғли Баҳром бошқариб боряпти. Йўл олис. Ўзаро гурунг қизиган. Кутилмаганда Худойберди ака:

— Худди мана шу ерда бизни поезддан тушириб кетишганди, — деб қолди. Ҳаммамиз гап нима ҳақидалигини англадик.

— Бир-икки кун ён-атрофни кездик. Емиш изладик. Дуч келган жойда ухладик, — давом этди Худойберди ака. — Орамизда Султон деган зўравон, урушқоқ, аммо юраги тоза бола бор эди. Ҳаммамизни тўплади:

— Гап бундоқ, болалар, — деди, — энди поезд кутиб, уловга умид қилиб ўтирмаймиз. Таваккал қилиб йўлга тушамиз. Сеники, меники деган гап йўқ. Топганимиз ўртада. Бир-биримизни ҳимоя қиламиз.

Сафимизда Султоннинг учта укаси бор эди... Ўтган асрнинг 70-йилларигача собиқ детдомчилар йиғилишиб, учрашиб турдик. Қўқонлик бир ўқитувчи ўша оғир йиллар ҳақида асар ёзишимни сўради. Материал тайёр, воқеа-ҳодисалар кўз ўнгимда турипти. Аммо асарга сира қўл ура олмайман-да. Шу кунларда қишлоқдан шошилинич хабар келиб қолди. Султон трактор остида қолиб вафот этибди. Ёниб кетдим, кўз ёшимни тия олмайман: «Нега? Нега?!» — дейман, — холос. Зудлик билан Ленинградга (ҳозирги Петербургга), Султоннинг ўша ерда ўқиётган укасига сим қоқдим. Ахир, Султон укаларини не ҳасратда катта қилган, ўзи ишлаб, укаларини ўқитган эди... Султоннинг ўлими романнинг тез ёзилишига туртки бўлди. Уни йиғлаб-йиғлаб, етимлигимни эслаб-эслаб, хорзор бўлганимиздан ўкиниб-ўкиниб ёздим...

«Беш болали йигитча» романида Орифнинг онаси трактор остида қолиб ўлганлиги, Усмон, Омонлар истеъдодли болалар бўлганлиги айтилади. Хуллас, Х.Тўхтабоев Султон фожеасини сира унута олмади. Уни ҳар хил йўллар билан роман тўқимасига сингдирди.

Роман ҳақидаги муҳим гаплардан бири шундаки, уруш даврида ғам, ташвиш, йўқотиш, «Қора хат», йўқчилик кишилар руҳини тушириб юборди. Болалар адабиёти ғам, фожеаларга йўғрилган асарларни ҳазм қилолмайди. Ҳар бир асарда бола табиатига монанд кенглик, эркинлик, қувноқлик бўлиши ниҳоятда зарур. Ҳаётий фожеалар билан бола табиатидаги ҳаётбахшлик, сурур аро мутаносибликни яратиш «Беш болали йигитча» романи поэтикасининг эҳтиёжи эди. Ёзувчи шу мураккаб муаммони ниҳоятда моҳирлик билан уддалаган. Биласиз, Ориф Афанди қишлоқдан. Бу ердаги катта-ю кичик афанди, аския айтишни, гапга тўн кийдириб юборишни

ўрнига қўяди. Ёзувчининг мана шу топқирлиги уруш йиллари зимистонини ёритадиган шамчироқ бўлди. Орифнинг бебаҳо бойлиги бор: у ҳамма ерда, ҳар қандай вазиятда бир жуфт Афанди айтиб кишилар кўнглини ёп-ёруғ қилади. Орифнинг отаси индамас одам. Аммо унинг барча қилиқ, қилмишлари Афандиники. Урушдан Мирзаполвон рус, ўзбек, қозоқ, тожик, татар тилларида хат жўнатади. Афанди қишлоғидаги жамоа хўжалигини Онабола раислар бошқаради. Бола раис бир куни умумжамоа мажлисини чақиради. Кўриладиган масала битта: хўжаликка ажратилган икки жуфт этикни адолат билан тақсимлаш. Бола раис бир жуфт этикни ўзи олади, бир жуфтини икки чўлоқ (жангчи)га адолат билан бўлиб беради.

Раҳбарлардан бири Орифга қараб:

— Бизнинг қишлоқдан ҳам қаҳрамон чиққанми? — деб сўрайди.

— Ўн тўққизта чўлоқ чиққан, — менинг ўрнимга жавоб қайтарди Ақром билағон (228-бет).

Х.Тўхтабоев ҳолат, вазиятни аниқ, ҳазилга буриб тасвирлашга моҳир. Мана, Ориф ва унинг укалари Кўқонга пиёда қайтишяпти. Улар елинлари тирсиллаб турган сигирларни кўриб қолишди, дарҳол уларни соғишди, эмишди. Шунда сигир эгалари — ўсмирлар келиб қолди. Икки тараф муштлашиб кетди:

«Дилбар билан Зулайҳо ҳам ҳаллослаб келиб қолишди, биттага битта бўлиб олдик. Зулайҳони мен қобил-мўмин, ўлардай нимжон деб эҳтиёт қилиб юрар эдим, йўқ, янглишган эканман, сингилгинам бало экан. Ўзи тенги бир боланинг юзига чанг солиб, қулоғидан чўзгилаб, бургут кўённи буккандек букиб, ерга ётқизиб қўйди. Қора қиз бўлса, чинакам ўғил боланинг ўзи экан. Ўзига ўхшаган битта қора билан қулочкашлаб муштлашяпти, сатта қулоғининг тагига тарсиллатиб туширади денг! Хайрият, Усмон ҳам ўзини ўнглаб олипти, малла сочли болани олдига солиб, чинқиратиб қувиб юрипти» (Беш болали йигитча. — Т.: Ёш гвардия, 1975. 159-160 бетлар).

«Беш болали йигитча» романи анъанавий, реалистик йўсинда яратилган асар. У Иккинчи жаҳон уруши йилларидаги ҳаётни ишонарли, инсонлар характерини тиниқ тасвирлайди. Китобхон ўзини ўша замонга тушиб қолгандай, кишилар – қаҳрамонлар билан ёнма-ён ўтирган, суҳбат қураётгандай бўлади. Менга тенгдош авлод Парпи бува, Мели полвон, Ўрис хола, Пакана бува, Розик тоғага ўхшайдиган кишиларни кўп бор кўрган. Романда Қўқон, Тошкент бозори тасвирланганки, мен бозор руҳини, у ердаги кайфиятни, шовқин-сурон, тиқилинчни, расталарни жуда аниқ тасаввур қиламан. Тасвирнинг тиниқлиги нуқтаи назаридан «Беш болали йигитча» романи «Ширин қовунлар мамлакати...» дан устун. Ориф муҳити, шароитини ёзувчи ўз кўзи билан кўрган, ҳис қилган. Ақром Ақромий тушиб қолган юрт, шаҳар, институт, кишилар, курашларни ёзувчи ҳаёлида тиклаган, ҳаракатга келтирган.

«Беш болали йигитча»даги замонни, «Сариқ девни миниб»даги ҳолатни, «Ширин қовунлар мамлакати...»даги Сойқишлоқ ҳаётини ёзувчи жуда аниқ билади. Ҳам муҳит, ҳам кишилар, ҳам ўзаро алоқалар ёзувчига ниҳоятда таниш.

Шундай гапни «Қасоскорнинг олтин боши» романи ҳақида айта олмаймиз. Бу романни ёзиш учун Х.Тўхтабоев архив ҳужжатларини синчиклаб ўрганди. Намоз Пиримқул ўғли (1879-1907) юрган йўлларни босиб ўтди, қасоскорни билган-кўрганлар билан суҳбатлашди. Намоз чавандоз 2-3 йилда донг таратди, халқ дилидан жой олди. Дарвоқе, Намоз ҳақида ёзиш фикри ёзувчида қандай пайдо бўлди?

– Аниқ эсимда, катта ўғлим Бахтиёр 6-синфда ўқирди, – деб хотирлайди Худойберди ака. – Ўзбекистон телевидениесида «Капитан Тенкиш» деган сериал кўрсатила бошланди. Шу фильм намойиш этилаётганда ҳамма телевидение қаршисида бўлар, кўча сув қуйгандай тинчиб қоларди. Ўғлим тенги болалар кечкурунги намойишдан қониқмай, кундузги, қайтарув намойишни ҳам, дарсдан қочиб бўлса-да кўрардилар. Капитан Тенкиш қасоскор эди. У олти бор қамалган, ҳар гал қамоқдан қочган. Мен ҳам

Тенкишга ўхшаш қаҳрамон тимсолини яратмоқчи бўлдим. Шу пайтда «Гулистон» журналида Намоз ҳақида мақола эълон қилинди. Хаёлимга болалигимда бобом билан Самарқандга борганим, уч кун Намозгоҳ даҳасида яшаганим келди. 1976-78 йилларда Намоз изларини излаб Самарқандда кўп бор бўлдим. Намознинг жиянлари, Улуғой момонинг Омон, Барот деган фарзандлари билан учрашдим. Домбобо деган қария Намоз ҳақида кўн эсдаликлар айтиб берган. Ўша ерда Абдулла Қодирийнинг ҳам Самарқандга келганини, Улуғ момони извошга миндириб, Намоз полвоннинг қариндошлари, қадрдонлари хонадонига борганини эшитдим. Раҳматли Ҳабибулла ака Қодирий улуғ ёзувчимиз Намоз ҳақида роман ёзишга жиддий тайёргарлик кўрганликларини сўзлаб берганлар.

Намоз Пиримқул ўғли ҳақиқатпараст бўлган. Содда, ишонувчан кишиларни ишлатиб, бойиб кетган Ҳамдамбой сингариларнинг бойлигини талаб, оддий халққа улашган. Қаердаки ноҳақлик, оддий халқни хўрлаш ҳолати рўй берса, намоз ўз йигитлари билан ўша ерда ҳозир у нозир бўлган. Чиндан ҳам Намоз чин чавандоз бўлган, отда елдай учишни хуш кўрган. Амалдор, бойлар уни от ўғриси дея бадном қилмоқчи бўлганлар. Ботир, жасур, серғайрат, чапдаст Намозни генерал-губернатор И.Гродетов, уезд бошлиғи Гескет, полицмейстер Грибинюкдан тортиб қози, амалдор, бой, тўралар жуда яхши билганлар. «Қасоскорнинг олтин боши» романида 1904 йилнинг 18 октябридан 1907 йил 9 июнгача бўлган муддатдаги ҳаёт тасвирланган. Намоз ботирни Сергей табиб, Назарматвей (Назар Матвеевич), Сурен Дадаян, Тўхташ, Ҳайитбой, Авазшер сингарилар ҳамиша қўллаб-қувватлайдилар. Бой, амалдорлар ҳар қандай йўл билан Намозни йўқотиш пайига тушадилар. Намоз ботир ҳеч ким қилмаган ишга бел боғлайди: адолат, ҳақиқат учун курашади. Унинг оилавий ҳаёти ҳам ўзгача. Севгилиси Насибали туну кун эри билан бўлади.

Роман поэтикасида шиддат, кураш, интилиш етакчилик қилади. Намоз нафақат отда елдай учади, нафақат жангда чақмоқдай ҳаракат қилади, унинг қалбида, табиатида ўт-оловлик бор. Бойлар, амалдорлар уни кўргач, довираб, ўзларини йўқотиб қўяёзидилар. Қасоскор бошига катта пул тикилгач, кўпчилик йигитлар ҳанг-манг бўлиб қоладилар. Олтинни севадиганлар Намозга тик боқа олмайдилар. Энг қулай пайтларда ҳам пул, бойликсеварлар Намозга қарши қўл кўтаришга ботина олмайдилар. Асрорқул-полвон, абжир йигит. У Намозни ўлдириши керак. Бу йигит қалбида бойликка ўчлик ва инсон қадри аро кураш, руҳий жанг бошланади. У харсанг остида қолган, аллақачон жасадга айланган Намознинг бошини қўрқа-қўрқа кесади. Х.Тўхтабоев психологик роман ёзишни мақсад қилган бўлса, бошқача йўл-йўриқ тутарди. У тарихий-саргузашт асар ёзишни, Намозни довюррак, элпарвар, ҳурфиқр эгаси қилиб тасвирлашни мақсад қилиб қўйган эди. «Қасоскорнинг олтин боши» ёзувчига обрў келтирди, китобхонлари сафини кенгайтирди.

«Йиллар ва йўллар», маълум маънода, «Қасоскорнинг олтин боши» асарининг давоми, XX асрнинг I-чорагида Фарғонанинг Қўқон, Пандигон, Риштон, Рапқон сингари ерларида рўй берган ижтимоий-сиёсий-инқилобий воқеаларни акс эттирган роман. Унда катта-кичик тимсоллар кўп. Ёзувчи фарғоналикларнинг табиатини, удумларини, жиддий воқеаларга муносабатини кўрсатиб берган. Асарнинг бош қаҳрамони водийдаги инқилобий ҳаракатларнинг етакчиларидан бири Бузрукхўжа Усмонхўжаевдир. Биз асосий характер тадрижи тўғрисидамас, романнинг икки хусусияти ҳақида тўхталинамиз. Х.Тўхтабоев жиддий воқеаларни болалар ёзувчиси кўзи билан кўриш, тасвирлашга интилган. У Иблис ва Армон ўртасидаги курашни салгина кўрсатади. Қаранг, икки қарама-қарши куч ўзини қандай намоён этяпти.

Мен Иблисман, Иблисман,  
Рангсиз, Нурсиз беизман.  
Қора қалблар макони  
Ёвузларга чин дўстман.

Мен Армонман, Армонман,  
Қалблардаги фигонман.  
Армонлилар бирлашса,  
Ҳеч енгилмас полвонман.

Ҳаётда шайтон (иблис) йўлидан урганлар ҳам, армонлилар ҳам кўп. Асардаги ҳамма кучлар армонларини рўёбга чиқаришга, эзгу ишларга интиладилар. Мана, дейлик, Бузрукхўжанинг ёш, баобрў оилага келин бўлган ёри — Ҳалимахон. Шу келинчак ҳам эрининг туну кун, ҳатто ҳафталаб ишга кўмилиб кетишидан нолийди. Унинг Мулла Мусо дадаси, Ўринбиби онаси ҳамиша бирга эдилар, деҳқончилик билан шуғулланардилар. Акаси Полвонбой хотини, сингилчаси Ҳалимахонни олиб сайрларга борарди. Ҳалимахон ўша беғубор болалигини кўмсайди. Унлаб қаҳрамонлар пешоналарига ёзилган тақдир тақозоси бўйича курашадилар, интиладилар, ҳаракат қиладилар. Асарда Ҳасан, Мадумар карнайчи деган қизиқчи, аскиячилар тимсоли бор. Улар қаерда пайдо бўлсалар, ўша ерда кулгу, самимийлик, ҳурмат, эзгулик пайдо бўлади. Бу қаҳрамонларнинг ҳам армонлари бор. Масалан, Ҳасан Саддинисони ёшлигиданоқ севади, лекин унга сира-сира эриша олмайди. Ҳасан қизиқчи эришиб бўлмайдиган бир дори ҳақида гапиради. Мана, қўлбола саҳна. Ҳасан «кўрбоши» қиёфасида, Ҳусан — хизматкор. Боши оғриётган «Кўрбоши» хизматкорини табибникига, дорига жўнатади. Қаранг, табиб қандай дори буюрибди. «Дори» масаллиғи бундай: «Тўрт пуллик бурганинг қитиғи, очдан ўлган бақанинг киндиги, тезак ёқилган мўрининг қурими, ит қувмаган итпашшанинг думи, ўн тўрт йил йўталган

кўкнорининг балгами, эллик йил саратон кўрмаган кўнғизнинг оёғини шафтоли қоқига аралаштириб туйдирилади» (266-бет).

«Йиллар ва йўллар» романида гаройиб бир фикр бор. Эҳтимол, шу фикр асар концепциясидир: «Ер устида орзу кўп, ер остида армон кўп» (Йиллар ва йўллар. — Т.: Ёш гвардия, 1983. 328-бет).

### *Мангу муаммо*

Х.Тўхтабоевнинг барча романларида ўрта ҳол оила болалари, ҳаётда маъмурчилик бўлиши, адолат, инсоф тантана қилиши йўлида ҳаракат қилган инсонлар характери яратилган. Ёзувчининг «Мунгли кўзлар» романида Зафар, Зуфар, Нигора, Акбар исмли ака-сингил-укаларнинг фожеий тақдири кўрсатилган. «Мунгли кўзлар»нинг ёш қаҳрамонлари «Сариқ девни миниб», «Ширин қовунлар мамлакати...», «Беш болали йигитча»да тасвирланган Ҳошим, Ақром, Ориф, Зокир, Султон, Саддиниса, Зулайҳонинг тенгдошлари. Лекин ҳеч ким Ҳошим билан Зафарни, Зуфар билан Ақромни, Акбар билан Орифни, Нигора билан Зулайҳони ёнма-ён қўймайди, уларни тенгдош деб билмайди. Худойберди Тўхтабоев ижодида Зафарлар янги, аввал кўзга ташланмаган қаҳрамонлар. Ориф ва укаларининг орзуси тўйиб овқат ейиш, иссиққина уйда яшаш бўлган. Ҳошим, Ақром мактаб директори, ўқитувчилардан ҳамиша дакки ейди, танбеҳ эшитади. Зафар, Зуфарлар мактаб директорининг эркалари. Аниқроғи, директор бу бойваччалар атрофида мутедай гирдикапалак бўлади. Ҳошим, Ақром хаёлидагина осмону фалакка кўтарилади: агроном, инженер, буюк олим бўлади. Зафар, Зуфарнинг қўли узун — қаёққа узатса етади. «Мунгли кўзлар» романи қаҳрамонлари катта шаҳарда, данғиллама кошонада яшайдилар. Улар бой ота-онанинг эркалари. Зафар ва ака-укалари овқатни танлаб-танлаб сархилини ейдилар; кийимнинг энг сўнги модадагисини киядилар; мопед,



магнитофон, техника воситаларининг қиммат, мукаммалидан фойдаланадилар. Уларнинг эшигини эл очиб, эл ёпади. Туғма ногирон Акбарча махсус аравага ясашиб берганлар, унинг хонаси алоҳида бўлиб, у ерда ногиронлар учун зарур ҳамма шароит муҳайё. Аммо Зафарлар хонадонида ўйин-кулгу, ҳазил-ҳузул, эмин-эркинлик, табиийлигу самимийлик танқис. Уларникига олифта, сипо меҳмонлар кўп келадилар. Зафар, Зуфар, Нигорага совға-саломлар улашадилар, номигагина қизиқ гап айтиб қўядилар. Катталар ўз оламида яшайди. Зафар, укалари ота-онага эркаланишни, улар билан самимий муносабатда бўлишни хоҳлайдилар. Лекин бойвачча ота, бойвучча она бола олдидаги бурчини едириб-ичиришда, кийинтиришда деб англайдилар.

Яна бир гап. Х.Тўхтабоевнинг Ҳошим, Ақром, Зокир, Султон сингари қахрамонлари дангасароғ-у, лекин ҳамиша меҳнат қиладилар. «Мунгли кўзлар» романида Бибиқиз амманинг Абдукарим, Абдупаттоҳ, Абдухалил деган ўғиллари эрта-ю кеч меҳнат қиладилар. Кўп ишлаётганларидан зорланмайдилар. Зафар аммасиникида самимий муносабатни, табиий яшаш нималигини ҳис қилди. У меҳнаткаш аммаваччаларига ҳам ачинди, ҳам ҳавас қилди. Зафар ва Зуфар эса меҳнат қилмайди: уйларида хизматкор бор.

«Мунгли кўзлар»да Худойберди Тўхтабоев бир кошона сирини фош қилади. Зафарлар оиласи бирдан таназзулга учрайди: ота пора билан қўлга тушади, тиллафуруш онанинг жиноятлари фош бўла бошлайди. Рўй берган фалокат эрка фарзандларни ҳанг-манг қилиб қўйди: Акбар хонасига қамалиб олди, индамас бўлиб қолди, Зафар дам холаси, дам поччаси билан ҳали у маҳкамага, ҳали бу идорага танда қўйди, Зуфар ўзи билан ўзи бўлиб қолди, Нигора эътиборсиз қолиб кетди. Фожеа чуқурлашди: она қамоқхонада вафот этди. Болалар гўё осмондан ерга қуладилар: қон қақшаб, етим бўлиб қолдилар.

Х.Тўхтабоев қулаган кошона билан боғлиқ фожеаларни изчил кўрсата борди. Оғнинг ўлими — итнинг байрами, деган гап бор. Ёқутхон кўзининг ёғини еган казо-казо улфатлари рўй-рост тубанлик, талончилик, муттаҳамлик қила бошладилар. Қўмондон хола «Волга»ни илиб кетди, Қози хола тилла тақинчоқларни ўмарди. Даҳшати, улар олган нарсаларидан тондилар, Ёқутхонни айблаб, Зафарни жиннига чиқариб қўядилар. Зафар, Акбар ота-онаси икки оёқли йиртқичлар, диёнатсизлар дунёсида яшаганини англадилар. Фожеий воқеалар тасвири давом эта борди. Зуфар Қўмондон холанинг уйидан ўзларининг «Волга»ларини олиб қочади, ҳалокатга учрайди. Акбар кошонани ёқиб юборади: ўзи ҳам куйиб кул бўлади. Зафар оғир руҳий касалликка йўлиқади. Ғунчадек Нигора пес бўлиб қолади. Кошона қулади, бир оила тағ-томири билан емирилди.

Роман концепцияси ҳақида ўйлайман... Худойберди Тўхтабоев — ҳаётсевар, қувноқ, ҳазил-хузулга ўч ёзувчи. Болалар ёзувчиси бошқача бўлиши мумкинмас. Бола ва ўлим бир-бирига мос келмайдиган тушунча. Истаган ўсмирдан сўранг-а, у ўлим деган тушунча ҳақида ўйлаб кўрмаган бўлади. Х.Тўхтабоевнинг «Сариқ девни миниб», «Ширин қовунлар мамлакати...» романларида ўлим деярли йўқ. Ақром Ақромий устози Дар Даража вафот этганида анчагача ўзига келолмай юради. Ҳошимжон эса устози Ақром сартарош вафот этганида ғам чекади, сартарошхонани Ақром бобо номига қўймагунча тиниб-тинчимайди. «Беш болали йигитча»да Она фожеали ҳалок бўлади. Мана шу машғум ўлим Ориф, Султон, Зулайҳо, Усмон, Омон, Робия тақдирига қора муҳр босади. Бутун бошли роман шу ўлимнинг алами, изтироби руҳида давом этади. «Қасоскорнинг олтин боши», «Йиллар ва йўллар» романларида ҳам ўлим унча кўп эмас. Ваҳоланки, Намоз ва Бузрукхўжа ўлим ва ҳаёт ўртасида юрадилар, курашадилар. Рус шоири Михаил Светлов ҳазил тариқасида бундай деган экан: — Мен қаҳрамонларимни сира ўлдирмайман. Ўлганимда қабристонга мени тумонат кузатиб борсин.

Одамлар:

— Тобут ортидан эргашиб бораётганлар кимлар? — деб сўрасин.

Шунда:

— Булар Михаил Светлов яратган қаҳрамонлар, — десинлар.

Ёзувчини эзиб, руҳини чўктириб юборадиган ҳолат қаҳрамон ўлимидир. Ўзбек зиёлилари Кумушнинг ўлганидан таъсирланиб юм-юм йиғлаган Абдулла Қодирий ҳақида эшитганлар, ўлим ҳаётда ҳам, адабиётда ҳам машъумдир. Лекин ҳаётнинг қонуни абадий: туғилиш бор экан, ўлим ҳам бўлади.

Худойберди Тўхтабоевдай ёзувчи нечун «Мунгли кўзлар»да она Ёқутхонни, фарзандлар Акбар, Зуфарни «ўлдирди», Зафару Нигорани оғир дардга мубтало қилди? Асарнинг бадиий-эстетик қиммати шунча ўлим, маънавий-руҳий-жисмоний азоблардан ортиқми? Биринчидан, ёзувчи ўлим, хасталиклар фожеасининг олдини олишга роса ҳаракат қилди. Саид ва Ёқутхонлар ён-верисида Атаулло Исаевич, Лутфи хола, Бозорбой ака, Толиб мелиса сингари юзлаб, минглаб инсофли, қаноатли одамлар бўлишига қарамай, судья Муҳамедов, «горторг директори» Садир Бадалович, аэропорт кассири, бева Шаҳодат сингарилар билан борди-келди қилдилар.

Оила бошига қора кунлар тушганда Атаулло Исаевич, Лутфи хола, Бозорбой ака, Туроб мелисалар ўзларини четга тортмадилар. Ёқутхоннинг суянган тоғлари қандай тубанлик қилганликларини айтиб ўтдик.

«Мунгли кўзлар» романи халқимизнинг каттасидан кичигигача қонунни билмаслигини кўрсатади. Ёқутхон, Саид Каримов қонунни эмас, амалдорлар этагини маҳкам тутдилар. Судья Муҳамедов қонунни чуқур биледи. Афсуски, у қонундан кўпроқ ўз фойдаси йўлида фойдаланади. Атаулло Исаевичдай самимий инсон, тарбиячи ҳам қонунни яхши билмас экан-да. Акс ҳолда

Акбар юқори ташкилотларга ота-онасидан шикоят қилиб, аниқроғи, ранжиб мактуб жўнатмаган бўларди.

Ёзувчи халқи салкам авлиё, келажакни кўра билувчи зот бўлади. «Мунгли кўзлар» 1987-1988 йилларда, Шўро деган давлати чириб, ҳалокат чоҳи тепасига келиб қолганида ёзилди. Бу давлатни кимлар, нималар қулатди? Уни юлғичлар, порахўрлар, тўралар, амалпарастрлар, худбинлар, нафс гадолари яксон қилдилар. Муҳими, бу тузум бошиданоқ сохта ғоялар, назариялар асосида вужудга келган эди. Унда фирқа мафкураси етакчи бўлиб маънавият, соғлом ҳаёт, идеал ҳақида кўп яхши гаплар илгари сурилганди. Лекин барча эзгу гаплар фақат қоғоздагина эди, холос.

«Мунгли кўзлар» романи қаҳрамонларига нима етишмайди? Ёқутхон, Саид Каримов, Қози хола, Қўмондон хола, Шаҳодат амма сингариларда инсоф, диёнат, қаноат етишмайди. Шўро ҳукумати илк қадамиданоқ халқларнинг руҳ-руҳига сингиб кетган диний эътиқодга, диндорларга қарши муросасиз кураш бошлади. Ақлли кишилар дилларида Ҳақни тан олдилар, тилларида сиёсат гапини айтдилар. Минглаб оилалар диндан, маънавиятдан, комиллик эстетикасидан маҳрумликда яшадилар. Ёқутхон ва Саид оиласини қаноатсизлик, гуноҳдан кўрқмаслик емирди. Зафару Зуфарлар сиртдан томоша қилгудай башанг, келишган эдилар. Аммо уларнинг қалби, маънавияти аянчли даражада қашшоқ эди. Акбар Атаулло Исаевич таъсирида гўзалликни, яратиш ҳузурини ҳис қиладиган бўлди.

Ҳақиқий санъаткор, олим ўта атеистлашган муҳитда яшаса-да, табиатнинг азалий қонуниятлари маҳражида оламнинг Эгаси туришини англайди. Худойберди Тўхтабоев характери шўро замонида шаклланди, яъни атеистик қарашлар унга таъсир этди. Лекин унинг биронта асари йўқки дин, диндорлар масхара қилинган бўлсин. Аксинча, «Беш болали йигитча» романидаги «Етимларнинг тунги ноласи» бобини ҳис-ҳаяжон — кўз-

ёшисиз ўқиб бўлмайди. Орифжон ва укалари оталарининг урушдан соғ-омон келишини Яратгандан сўрайдилар. Тўғри, «Сариқ девни миниб» романида бидъатга қўл урган Сорахон хола, Ёнғоқ қори, Бодом қори, Данак қори сингарилар қилмиши фош қилинган. Лекин бундай тасвирларни атеистик қараш сифатида талқин этиб бўлмайди.


Худойберди Тўхтабоев асарларида чол-кампирлар алоҳида бир меҳр билан тасвирланади. Ҳошимжон Бувисини, Ақром сартарошни, полковник Салимжон Отажоновни ниҳоятда ҳурмат қилади. Ақром билағон ширин қовунлар мамлакатида Дар Даражадай устоз-суянчиқ топиб олганидан беҳад қувонади. «Беш болали йигитча»да Парпи бобо, Пакана бобо, Абзий сингарилар етимлар бошини меҳр билан силайдилар. Ёзувчининг «Жаннати одамлар» романида Эрка бобо, Матмуса бобо, Қамбарали бобо, Эшонқул бобо, Аҳмадқул бобо сингари дину диёнатли, оғзида илми бор кишилар тимсоли меҳр билан тасвирланган.

Худойберди Тўхтабоев, маълумки, отадан жуда эрта етим қолган. Унинг ёшлиги, болалиги бобоси Эркабой ва энаси Робиябиби хонадонида ўтган. Бобоси етим набирасига меҳр берди, меҳнатга кўниктирди, дин-диёнатли бўлишга ундади.

### *Хулоса*

Ҳар битта одам болалик деган фаройиб салтанатдан ўтади. Бу салтанат инсонга умр бўйи етадиган қувонч, меҳр, таассурот ҳадя этади. Фаройиб салтанат ажойиботларини ёзиш, бадий акс эттириш қалби булоқ сувидай покиза, кўклам гиёҳларидай суюмли, қуёшдай ҳароратли инсонларга насиб этади. Ўзбек адабиёти таркибида ҳамиша болалар адабиёти бўлган. Янги ўзбек адабиётида деярли барча истеъдодли санъаткорлар болаларга асарлар битганлар. Турғун ота Ғоибов, Раҳмат Азизхўжаев, Қуддус Муҳаммадий, Зафар Диёр, Ҳаким

Назир сингарилар бошлаган хайрли ишни Худойберди Тўхтабоев, Носир Фозилов, Фарҳод Мусажонов, Латиф Маҳмудов, Миразиз Аъзам, Турсунбой Адашбоев, Эргаш Раимов, Қамбар Ота, Сафар Барноевлар давом эттирдилар. Булар болалар адабиётига хос бетакрор хусусиятларни алоҳида бўрттириб, тиниқлаштириб тасвирладилар. Анвар Обиджон, Ҳамза Иномбердиев, Яҳё Тоға, Кавсар Турдиевалар болалар адабиёти қахрамонлари доирасини кенгайттирдилар. Улар асарида инсон, ҳайвонот, дов-дарахт, тоғ-тош яхлит ҳолда акс эттирилди. Болалар адабиётида жанрлар, шакллар ранг-баранглиги ортди. Худойберди Тўхтабоев болалар адабиётининг жасур реформаторларидан биридир. У болалар адабиётига саргузашт, саёҳат, фантастикани олиб кирди. Болалар адабиётидаги ҳақиқий романларни шу ёзувчи яратди. Биз ёзувчининг ҳикоя, очерк, фельетон, қиссалари ҳақида сўз очмадик. Бир нарсага қаттиқ ишончимиз борки, қачонлардир Худойберди Тўхтабоев сурати Андерсен, Киплинг, Радари, Маршак, Чуковский, Катаев, Приставкин расмлари билан ёнма-ён туради. Дунё болалари ажойиб асарлар ёзган Худойберди Тўхтабоев, у ўсган юрт, уни тарбиялаган халқ тақдири билан жиддий шуғулланадилар.



## *ИЖОДИЙ ЎЗЛИК САРИ ЙЎЛ*

Анвар Обиджон ҳозирги болалар, катталар адабиётининг етук намояндаси, Ўзбекистон халқ шоири (1998).

Умрининг ўттиз тўрт йилини Фарғонанинг Олтиариғидаги Полосонда яшади: жамоа хўжалигида ҳисобчи, туман газетасида ходим бўлди, оила кўрди, фарзанд кўрди. Болалигидан шеърлар ёзди, республика матбуотида кўринди, вилоят, туманда танилди. Самарқандда техникумда ўқиди, армияда хизмат қилди, Ўзбекистон Миллий университети журналистика факультетини сиртдан тугатди. Кейинги ҳаёти бадиий ижод, журналистика билан боғлиқлигига ишонгач, 1981 йилда Тошкентга кўчиб келди. Салкам ўттиз йилдирки, у газета, журнал, нашриёт, телевидение таҳририятида фаолият кўрсатади. Анвар Обиджон ҳозиргача йигирмага яқин китоб нашр эттирди. “Аламазон ва унинг пиёдалари” (1978), “Ялтироқ тугма” (1986), “Мешполвоннинг жанглари” (1994), “Камбағалбоп Гулмат” (1988), “Олтиариқ ҳангомалари” (1999), “Тўтикул” (1989), “Алишер ила Ҳусайн ёки уч доно ва ўғри” (1996), “Безгакшамол” (1985), “Кетмагил” (1985), “Жуда қизиқ воқеа” (1987), “Безгакшамол-2” (2003), “Танланган шеърлар” (2006) асарлари китобхонларга маълум. Шундай ижодкорлар бўладики, ёзган, нашр этилган асарларини қайта-қайта ишлайверади. Натижада, бир асар, тўплам турли номларда нашр этирилади. Анвар Обиджон ҳам ёзганларини ҳаминша мукаммаллаштириб, янгиликлар билан бойитиб боришга ўч санъаткорлардан. Бир пайтлар Оловжон бўлган қаҳрамон Аламазонга ёки “Аканг қарағай Гулмат” “Камбағалбоп Гулмат”га айланиб қолса ажабланмаслик керак.

Асар яхшидир, ёмондир ёзувчи ижодининг самараси, фарзанди, мисоли. Анвар Обиджон “Ялтироқ тугма”, “Аламазон ва унинг пиёдалари” ҳақида кўп яхши

гапларни айтиши, улардаги биографик, саргузашт воқеаларни таърифлаши мумкин. Қолаверса, бир танқидчига маъқул бўлган асар иккинчисига ёқмас. Қисқаси, бадиий асар қаҳрамони адабий аҳоли сифатида кунини кўриб кетади.

Адабий-танқидий очерк жанри адиб ижодини хронологик тартибда (ёзилган йилларига кўра) таҳлил қилишни тақазо этади. Мен Анвар Обиджон ҳақида очерк ёзмоқчи эмасман. Адабиётшунос Замира Иброҳимова “Қувноқликка яширинган изтироблар” (2005) рисоласида Анвар Обиджоннинг болалар учун ёзган шеър, дoston, ҳикоя, қиссаларини таҳлил қилган, очерк-рисола ёзган.

Адиб ижодининг, назаримда, устунлари ҳисобланган тўплам, асарлар ҳақида ўз кузатишларимни ифодалаб, ёзувчи портретининг муҳим томонларини ёритишни мақсад қилиб қўйдим. “Олтиариқ ҳангомалари” — замонавий фольклор намунаси, қувноқ асар. Унда миллий руҳ, жонли қаҳрамонлар, шу куннинг Афандилари тимсоли бор. Шўхлик, қувлик, топқирлик, содда самимийлик — “Олтиариқ ҳангомалари” оханрабоси, жони. Асарни ўқиб сира зерикмайсиз. Аксинча, ундаги ҳикоя қилиш усули, нозик ишоралар, сўз имкониятларидан унумли фойдаланишга интилиш китобхонни ром этади. Тўпламда нечта ҳангома бўлса, шунча қаҳрамон, персонаж бор. Ёзувчи эркагу аёл, ёшу қарини қаҳрамон қилиб танлайди ва персонажнинг биронта беқиёс хусусиятини айнан кўрсатади кўяди. Анвар Обиджонгача ҳам Олтиариқ, Шакарқишлоқ, Ширинқишлоқ, Полосон, Қапчуғай бўлган. Бу қишлоқларда минглаб юрагида ўти, ёли борлар яшаб ўтган. Олтиариқ узуми, бодринги, турпини емаган ўзбек йўқ. Қарангки, ҳамма узуми, нокдай турпини истеъмол қилаверибти-ю, ҳеч ким на боғи, на полизи, на соҳибкору деҳқонини суриштирапти. Анвар Обиджон ҳар бир ҳангомани қоғозга тушираркан, воқеаларни



юрагидан ўтказди, ҳангомачини суйиб, ардоқлаб тасвирлайди. Ҳангома битаётган ёзувчи яширин камера билан тасвирга тушираётган оператор ишини қилади. Халқ, ҳангомачилар ўзларини эмин-эркин тутадилар, сўзни яшнатиб, ўйнатиб гапирадилар.

“Олтиариқ ҳангомалари”нинг яна икки хусусиятини айтиш зарур. Биринчидан, жамики ўзбек каби, олтиариқлик исми тоқ айтмайди: албатта, лақабни қўшиб гапирди. Абжал қийшиқ, Шервой дувана, Мамашариф кўкнор, Содик бужур, Назар пиён, Мусавой хўрозбоз, Селкелди тоға, Бозор қантовузлар ҳам ҳангомачи, ҳам ҳангома қаҳрамони бўлганлар. Қишлоққа маъруза ўқишга келган адабиётчи гап орасида қайси ёзувчи ўз асарларида қанча сўз қўллаганини гапириб қолади. Шунда бир олтиариқлик мақтанади:

– Маҳалламиздаги Бозор қантовуз ўттиз минг хилдан ортиқ сўкишни билди. Шулардан уч хили ўрисча холос, қолгани топ-тоза ўзбекча. Ана сизга ўзбек, олтиариқлик. Битта янги сўз топиш, қўллаш учун ўлиб тирилган Навоий, Шекспир, Пушкин қаёқда-ю, ўттиз минг сўкишни билган Бозор қантовуз қаёқда?!

Олтиариқ ҳангомалари аскиянинг сирт томони, юзаси. Ҳар бир ҳангома остида қайроқдай-қайроқдай аскиялар бош кўтаришга тайёр туради. “Олтиариқ ҳангомалари” замонавий афандилар ҳақидаги ғаройиб воқеалар йиғиндиси, лақабу кўп маъноли сўзлар хусусидаги қўлланма, аския, пайровлар мағзини очиб берувчи рисола.

Дарвоқе, “Олтиариқ ҳангомалари”нинг жанри қандай?

- Ҳангома-да! Ҳангома жанри.
- Уни расмий адабиётшуносликда қандай аташади?
- Ҳангомада воқеалар ғалати, ҳайратомуз, рамзий унсурларга бой. У латифа бўлиб, фольклор асаримас. Бадиий адабиёт бўлиб, ёрқин характерларга эга эмас. Ҳангомада кутилмаган воқеа, ҳодисалар ҳақида гап кетади. Китобхон таажжубланади: “Шу воқеани сўзлаш

жоизмиди?” Ҳангома тик адирга кўтарилиш ва у ердан туриб атрофга назар солишдай гап. Яна ҳам аниғи шуки, ҳангомада тингловчи (китобхон)ни лол қолдириш, уни кутилмаган ҳолатга тушириб қўйиш муҳимдир. Ҳангома қайсидир жиҳати билан сонетга ўхшайди. Тўғри, сонет элитар жанр: у ақлни пешлашга, жиддий поэтик фикр айтишга йўналтирилган. Лекин унда, ҳангомадагидай, портлаш, кескин ўзгариш сўнгги икки сатрда рўй беради. Ҳангома воқеадан ғайритабиий, китобхон кутмаган хулосани чиқаришдир. Демак, ҳангома новелланинг ўзига хос кўринишидир. Ҳангома халқ ижоди анъанаси билан тўйинган новелладир.

Сонетнинг сўнгги икки мисрасида оҳорли фикр айтилса, ҳангома хотимасида қалбдан отилиб чиққан қаҳқаҳа янграйди. Ҳангома – новелла поэтикаси сўзга, ундан қаерда, қандай фойдаланишга алоҳида урғу беради. Ножўя, ноўрин қўлланган биттагина сўз ҳангома табиатидаги вулқоний кучни қирқиши, йўққа чиқариб қўйиши ҳеч гапмас.

Ҳангома сўзлаш, гурунг куриш – ўзбекнинг миллий хусусияти. Абдулла Қодирий, Фафур Фулом, Абдулла Қаҳҳор, Саид Аҳмад, Неъмат Аминов гурунгбоз, моҳир ҳангоманавис бўлганлар. Адҳам Ҳамдам, Анвар Эшоннов, Эркин Сиддиқов сингарилар латифагўй, ҳангомачи бўлганлар. Аммо улар ижоди ёзма адабиётнинг нариги ёғи, халқ ижоди ҳудудида қолган.

Туркум ҳангомалар йирик характери пайдо этиши мумкин. Абдулла Қодирийнинг Калвак махзуми, Тошпўлат тажанги ҳангомалардан пайдо бўлган характерлардир. Фафур Фулом ҳангома ёзиш устаси бўлган. Афанди Азроилни мот қилади (“Афанди ўлмайдиган бўлди”), Шайтонга ҳуштакни тутиб келиш, унга саккизтадан тугма қадаш вазифасини юклайди (“Мулла Насриддин Афанди ва Шайтон алайҳ ул-лаъна”). Абдулла Қаҳҳорнинг “Жонфигон”, “Санъаткор”, “Адабиёт муаллими”, аслида, новелла, ҳангома. Ёзувчи ҳангома

илдизидан ижтимоий характер моҳиятини топади. Саид Аҳмаднинг “Келинлар кўзғолони” аслида новелла - икки келин ҳангомаси бўлган. Шу ҳангома асосида Саид Аҳмад “Келинлар кўзғолони” комедиясини яратди, пишиқ-пухта характерларни томошабин ҳукмига ҳавола этди. Неъмат Аминовнинг “Ёлғончи фаришталар” романи юзлаб ҳангомаларнинг яхлит концепция атрофига уюшишидан пайдо бўлган. Демак, ҳангома новеллачи воқеаларни маромига етказиб ҳикоя қилиш, яқун яшашга бор укув, маҳоратни йўналтиришдир. Анвар Обиджоннинг “Олтиариқ ҳангомалари” табиатида қанчадан-қанча ҳикоя, қисса, романлар яширингандир.

Ҳангома — ҳажвий, мутойиба гурунг. Кулиш, кулдириш ҳажвиянинг етакчи белгиси. Истеъдодли кишиларгина кулдирадилар, куйдирадилар, лозим бўлса, йиғлатадилар. Моҳир санъаткорлар сатира, ҳажвияни тўлақонли тимсол орқали китобхонга ҳавола қиладилар. Калвак махзум, Тошпўлат тажанг (Абдулла Қодирий), Шум бола, Мамажон ялқов (Ғафур Ғулом), Эшон, Боқижон Бақоев (Абдулла Қаҳҳор), Ўткурий (Уйғун), Баширжон, Қиёмжон (Неъмат Аминов) — сатирик характерлар. Уларда маълум тоифа кишиларининг қусур-камчиликлари ҳажв қилинади. XX асрнинг II ярми шеъриятида яна иккита ёрқин ҳажвий тип яратилди. Бири — Матмуса (Эркин Воҳидов), иккинчиси — Гулмат (Анвар Обиджон) Матмуса характери, ҳангомалари ҳақида кўп ёзилган. Гулмат йигирма йилдирки, адабий аҳоли орасида жавлон уряпти, ўзлигини тинимсиз намоён этиб бормоқда. Гулмат ғазал битади, мухаммаслар яратади, мулоқотларга қўл уради, фардлари билан китобхонни лол қолдиради. Гулмат Навоий, Бобур, Муқимий, Фурқат, Чўлпон, Ғафур Ғулом, Эркин Воҳидови йўқ элда машҳур бўла олмасди. Зурафо, аҳли дарк, урафолик халқимиз табиатига сингиб кетган. У унча-бунча шоирни ижодкор, ғазал деб тақдим этилаётган битикни асар ҳисобламайди. Гулмат — ғирт думбул шоир. Унинг ғазаллари ғазалга ўхшамайди, мухаммас, фардлари омонат, сохта.

Гулматга ғазалнавислик шабадаси сал-пал тегиб ўтган. У гоҳо ғазал оҳангини, вазн талабини ҳис қилиб қолади. «Ғазал, рақам 51»да Гулмат ўзи билан Кузма Прутковни қийслаб қолади. Шоиримиз замондан шикоят қилади, пролетар Кузма сўзларига қулоқ тутади:

Давом қилмиш: “Бўлиб ботир манингдек ғоз яша,  
қўрқма —  
Самодержовиё филни отсаям бошга Оқтовдин”

Гулмат ҳурмат, эҳтиром ила Кузмага мактуб битади:

Яна мандин олу туршак, тулуп-шапко жўнотиб тур,  
Биродарлик қолур мангу ҳалолроқ эрса шартнома.  
Софингай дийдоринг Гулмат, нетайки Ер бўлинган-да,  
Манго ўлчаб берилмиш Шош, санго — олис Кастирома.

Гулмат Шошийнинг асосий фазилати шундаки, у фақат қоринни, маишатни, турган-битгани асал аёлларни ўйлайди. Гулмат шоир ўзини фақат Шош шоири деб билади. Бу шаҳри азимнинг Хадра, Чорсу, Қатортол, Кўкча, Эскижўва, Сағбон, Лабзак, Дўмбиравот, Шайхонтоҳур, Бешоғоч сингари жойларини ҳўб ўрганади, ғазалларига киритади. Шоиримиз маҳаллий ҳудуддан бир пайса бўлса-да четга чиқмайди. Гулмат носкаш, шишага ўч, қиз-жувонларга муносабатда бесуяк, лозим бўлса, мунофиқлик қилади, ёлғонга тўн кийдиради. Мана, офатижон бир жувон ўтиб боряпти. Унга эргашган пашшалар кўп. Гулмат ҳам хира пашшалар қаторидан жой олади:

Йўрғаласам унга, биров “пашша бўлиб борма”, деди,  
Пашша эсам қандоқ чидай — уч пуд асал кетвотти-я.  
Шоди бурун “оҳ!” деб оёғига ўзин ташлаб эди,  
Тоғдек бурундан сакрабон ўтди жадал, кетвотти-я.

Гулмат — коски, оғзи шалоқ кас: ғазал, битса-да қуюлмаган суюқлардан. Унинг бу “фазилати” “Ғазал, рақам 19”да аниқ кўринади.

Қолса мансиз кимни топгай, бунча нодон қурмағур?  
Зора қайтса сал фаҳмдан калласига эктириб,  
Ўзни манга этма душман, қийнама, э, мочахар,  
Ошно қилсанг Гулматингни, юрмагайдинг сўктириб.

Гулматийнинг мухаммас, мулоқот, фардлари, ғазаллари ҳар тарафлама “етук”, “аъло”, «мукаммаллик» намунаси.

Зўр китобда тил йўқ -- муаллим бўлар,  
Бадбахт шоир ўз шеъридан сўнг ўлар,  
Танқидчининг бурни теккан гул сўнар,  
Савоб бизда қолгай, жавоби сизга.

(“Мулоқот, рақам 2”дан)

Барча шоиру адиблар қатори Гулмат танқидчини ёмон кўради. У танқидчи Ғишматни биринчи душмани деб билади. Бу танқидчи номи Гулмат Шоший ғазал, мухаммас, мулоқотларида бот-бот учраб туради. “Мухаммас, рақам 5” ни аслида “Ғишмат дастидан дод!” деб номлаш жоиз эди. Қаранг, Гулмат Ғишматни қандай фош этади:

Кашф этиб Ғишмат совун, сўзни гупирмоқ ўргатур,  
Биз гилам турсак тўқиб, шолча супурмоқ ўргатур,  
Нос чека олмас ўзи, чексак тупурмоқ ўргатур,  
Дил ясаб Тангрим нечун дилни ўпирмоқ ўргатур.  
Нега қўй барпо қилиб, қашқирни устун айлади.

Гулмат фардлари алоҳида бир олам. «Фард, рақам 15» Гулматий донишмандлиги, сўз қўллаш маҳорати, топқирлиги чўққиси. Фарддаги “кетинг”нинг қат-қат

маънодорлигини айтмайсизми? Бу сўзнинг шуъласи “олд” сўзига ҳам тушиб туриши-чи? Фардни ўқиб аввалига чуқур ўйга ботасиз. Сўнг фард маъниси очилиб, нашъа қила бошлайди:

Эй, дафтарим, дуо битдим сўнгги бетингга:  
Назм тангриси омад берсин олду кетингга!

Гулмат шоир ўнлаб эпиграммалар битган деб эшитамиз, айримларини тинглаганмиз. У антиқа бағишлов — эпиграммаларини ўқувчилар ҳукмига ҳавола этса, қанчадан-қанча қиёфалар билан танишиб олардик.

\* \* \*

Анвар Обиджон борлиққа — мавжудоту маҳлуқотга; ой, куёш, юлдузларга; узлуксиз гимир-гимир ҳаракатга боланинг маъсум кўзи билан боқди. Пишиқ-пухта, умри узоқ асарлар яратди. Болалар адабиёти пирлари қаторидан ўз диди, тили, услуби билан жой олди.

Ўзбек болалар адабиётининг жонкуяр пирларидан Турсунбой Адашбоев ёзади: “80-йилларга келиб Анвар Обиджон болалар шеъриятидаги об-ҳавони бир йўла янгилади. Унинг “коса тагидаги нимкоса” асарлари тилга тушди” (“Ўзбекистон адабиёти ва санъати” газетаси, 2008 йил, 7 март).

Анвар Обиджон болалар учун қисса, драма, эртақлар ёзган. “Олтин юракли Автобола”, «Мешполвоннинг жанглари», “Аламазон ва унинг пиёдалари”, “Тўтикул” сингари асарлари ҳақида алоҳида-алоҳида тадқиқотлар яратиш мумкин. Биз Анвар Обиджоннинг болалар адабиётига қўшган бебаҳо хазинаси — “Жуда қизиқ воқеа” (1987) шеър ва эртақлари ҳақида кенгроқ тўхталишни маъқул топдик. Тўпламдаги асарлар қаҳрамонлари бобо деҳқон, миришкор боғбон етиштирган маҳсулотлар, тар мевалар; парранда, дарранда, ҳайвон, ҳашоратлар; дўппию шляпа, телефону

шиппак, чойнагу ойнак, муғомбиру лофчи, аёзу гуллола, қуёшу жала, ўнлаб дастгоҳу ашё, пружинаю чўзма, хайвонот, наботот, жамодот, мавжудот, махлуқот...

Асар қаҳрамонлари қўшиқ айтадилар, ҳасби ҳол сўзлайдилар, мактуб битадилар, тавсифу таъриф берадилар. “Жуда қизиқ воқеа”да гўзал оҳанг, фаройиб мутаносиблик, турфа ранглар жилоси, зиддиятлар кураши, ҳаёт-мамот жанги тасвирланган.

Болалар ёзувчилари ҳамиша, ҳамма ерда битта муҳим қонуниятга амал қилганлар: яшамоқ — улуғ неъмат. Яшаш бахти ҳаммага ҳам насиб этавермайди. Яшаётган ҳар бир жонзот Яратганнинг рўйхатидан ўтган. Одамлар жонзотни оёқ ости қилишга, қиришга ҳақсиздирлар. Анвар Обиджон атайин кўкшира, чивин, бурга, хомушак, пашша, капалак, шиллиққурт, суварак, чумоли сингари ҳашоратларни тасвирлайди. Кўкшира, масалан, ниҳоятда увоқ, сустҳаракат, юзтаси, мингтаси, биттагина баргга жо бўладиган ҳашорат. У — кушанда. Аммо шоир бу майда махлуқни ҳақорат қилмайди. Мақтамайди ҳам.

Ёпишқоқман,  
Ўз номим —  
Ўзим билан Шираман.  
Экинларга ганимман,  
Ўтакетган хираман...  
Тупроқ куйлар ҳаётни,  
Мен куйлайман  
Ўлимни!

Чивин Кўкширадан-да ёвуз. У — қонхўр. Лекин пул олмасдан қон сўришини мақтаниб куйлайди.

Товуқларга дон ширин,  
Минғир-минғир.  
Чивинларга қон ширин,  
Минғир-минғир.

Биз ҳаммага ёқамиз,  
Минғир-минғир,  
Ҳақ олмасдан чақамиз,  
Минғир-минғир.

Ҳаёт курашдан, ҳукмронлик қилишга интилишдан иборат. Табиатнинг ўзгармас қонуни бор: одам, нарсалар, ашёлар ҳам кексаяди, нокерак бўлиб қолади. Ажабки, ҳеч ким, ҳеч нарса ўрнини осонликча бўшатмайди. Мана, чўзма. У бир пайтлар энг зарур матоҳ эди. Пружина чиқди, чўзманинг қуёши ботди. Аламзада чўзма пружинага мактуб битяпти:

Кўп ғашимга тегмасдан  
Мой суртиб ол этинга.  
Тарсиллатиб бир куни  
Қўйвормайин бетинга.

Чўзмада чапанилик ҳасад, алам билан қўшилиб кетган. “Тарсиллатиб қўйвормоқ” мактубнинг асос-моҳиятини белгилайди. Асар структурасида шу икки сўз ғоявий юкни зиммасига олган. Агар шу сўзлар, ҳатто ўрни ўзгартирилса, шеърнинг ҳарорати кескин пасайган, таъсир кучи қирқилган бўларди.

“Саримсоқпиёзнинг оқпиёзга ёзган хати” — ажойиб асар. Саримсоқпиёз — аччиқ, сассиқ. Шоир худди шу нуқтани қаттиқ тутиб олади. Ҳозир кўкпиёзнинг бозори чаққон. Одамлар оқпиёзга, айниқса, саримсоққа қарамай қўйган. Саримсоқнинг фиғони фалакка чиққан: у касофат (кўкпиёз) саримсоққа хат ёзмапти. Саримсоқ оқпиёзга қайта-қайта таъкидлапти:

Кўриб қолсанг бозорда,  
Тергаб қўйгин ачитиб,  
Йўлиқсайди ўзимга...  
Сўкардим  
бир саситиб.



Дўқи шундай бўлса, саситиб сўкиши қандай бўлишини тасаввур этиш қийинмас. Шеърда “саситиб” сўзининг жамики имкониятлари кўз-кўз қилинаётгандай бўлади. Бош сўз шеърнинг охирига қўйилган. У бугун шеър руҳига таъсир этади. Ажабки, саримсоқ, қанча газабланса, китобхон маза қилади, сўз қудратига қойил қолади.

“Жуда қизиқ воқеа”да баъзи мева, маҳсулот, ҳайвон, ҳашорат ҳақида икки-учталаб шеър бор. Шоир саримсоқпиез ҳақида иккита шеър ёзган. Бир шеър — саримсоқ мактуби. Иккинчи — саримсоқнинг ўзи ҳақидаги фикри.

Анжир ҳақида ҳам икки шеър берилган. Бирида анжирнинг гулламай мева туғиши билдирилади. Анжир гулча, тилла рангли кулчалиги айтилади. Иккинчи шеърда анжир баҳонасида она-тупроқ, меҳрибон қуёш улуғланилади:

Анжиргинам,  
Анжиржон,  
Митти-митти  
Кулчанон.

Кўпчиб  
Тупроқ-хамирда,  
Пишдинг  
Қуёш-тандирда.

Шеърда тўққизта сўз бор. Шулардан бештаси таянч сўзлар: кулчанон, тупроқ-хамир, қуёш-тандир. Поэтика деб бадий асарда сўзларнинг бўртиб, нурланиб, қоядай мустаҳкам туришига айтилади. Поэтика бадий-эстетик моҳиятнинг тиниқ, лўнда бўлишини, китобхон руҳиятида мукамаллиги, яхлитлиги билан ўзгариш ясашини тақазо этади. Болалар адабиётида ёзувчи позицияси, ҳикоячи-ровий қарашни аҳамиятлидир. Бола ҳамиша мададга, раҳнамога, доно маслаҳатчи ёрдамига эҳтиёж сезади. Ровий-ҳикоячи нарса, маҳлуқот, ашё ҳақида шаклланган қарашни

ўзгартириб юбориши мумкин. Одатда, чивинни, пашшани одамзоғ йўқ қилади, қиради. Аммо Анвар Обиджон холис туриб бургани таърифлайди:

Кир кўрпанинг астари  
Ҳашаматли саройим.  
Агар  
Иркит бўлсангиз,  
Улфатимсиз ҳар доим.

Шиллиққурт — ўта иркит, ялқов, худбин маҳлуқ. Шу холига қарамай у ўзини мақтаб қолади:

Қаерим кам Хўкиздан  
Бошимда кўш шохим бор.  
Чиғаноғим ичида  
Ётоғим ҳам тап-тайёр.

Анвар Обиджон ўз қаҳрамонларини кўрсатади, тасвирлайди: зинҳор уларга баҳо бермайди. Ёш китобхонни ўйлашга, баҳолашга ўргатиш болалар адабиётининг вазифаси.

Анвар Обиджон болалар учун нимаки ёзмасин, гўзалликни, куйни, шакл ва мундарижа мутаносиблигини назарда тутади. Булбул кўшиқлари туркумида ҳамма нарса гўзал, мукамал. Оҳангга мос сўзларни танлайди, қаҳрамонлар фазилатини топиб-топиб, ўрнига кўйиб-кўйиб тасвирлайди:

Мусичалар ювошу Чумолилар тиришқоқ,  
Сувараклар бебошу Кучукчалар уришқоқ.  
Хўтиklar зўр яллаци, Кўй, Сигирлар далачи,  
Шўх Кўчқорлар каллаци, Такалар ҳам сузишқоқ.

Шоир битта шеърида табиатнинг мангу қонунини зўриқмасдан, оддийгина қилиб айтиб беради:

“Ўтин ташлаб” қуёшга, ўтни баланд ёқди ёз,  
Гурзаилон қишдаги пўстинидан кечди воз.  
Сийраклатиб юнгини туллай бошлар Тулкилар,  
Ортиқчароқ патларин чўқиб-чўқиб юлди Ғоз.  
Каклик башанг кийинди ечиб эски либосин,  
Унинг чипор нимчаси тоғ рангига тушди мос.

Анвар Обиджон бола болани ёқтиришини билади. Шул сабаб Кучук, Хўтик, Бўталоқ, Той, Жўжа, Улоқ, Бузоқ Қўзи ҳақида кўпроқ ёзади. Лекин шоир тилида Жўрпа, Қуралай, Кашшофанинг йўқлиги, “Жазвал”нинг “Жазвар” бўлиб қолганлиги кишини ажаблантиради. Китобхон наздида Анвар Обиджондай табиат, маҳлуқотни биладиган зот йўқ. “Жуда қизиқ воқеа”да “Ботирвойнинг кундалиги” каттагина ўрин эгаллайди. Лекин “кундалик” ғалати-ғалати саволларни келтириб чиқаради. Мана, масалан, 7 ноябрь ҳақида ёзилгану 1 сентябрь ҳақида шеър йўқ. Нега кундалик тўлиқ эмас?...

Анвар Обиджон нарса, ҳодисаларга жуда кўп шеърлар бағишлаган:

Сенга раҳм қилдик биз,  
Тўрга солиб, илдик биз.  
Бердик дон, сув, бошпана...  
Йиғлама-да,  
Бедана!

Бу — тўрқовоққа ёзилган шеър. Бағишлов шеърлар ўқувчи қоидаси, яхши бола адабига мос келади. “Арифметика”нинг муқовасига ёзилган шеърда ўқувчи огоҳлантирилади:

Олтига бир  
Етти бўлар.  
Саккиз, десанг,  
“Икки” бўлар.

Тўпلامда бир қанча қўшиқлар борки, улар “Жуда қизиқ воқеа” нинг жуда гўзал, ўта мароқли, ниҳоятда ёқимлигини кўрсатади.

Бизга Анвар Обиджон саноксиз қуш, ҳашорат, нарса, ашёларни кўрсатган эди. Энди шоир ўз қаҳрамонларини куйлата, қўшиқ айттира бошлайди. Мана, тўрғай қўшиқ айтапти:

Ширингина тилим бор,

Фю-фю.

Бошимда кокилим бор,

Фю-Фю.

Зериксангиз шаҳарда,

Фю-фю,

Даштга келинг баҳорда,

Фю-фю.

Энг серзавқ, қўшиқчи, ноёб қуш, албатта, булбул. Кўпчилик булбулни кўрмаган, аммо қўшиғини эшитган. Булбул қўшиғи – тонг файзи, ҳаёт мадҳи, оҳангларнинг оханрабоси.

Қизил гулда ўйнайман,

Чика-чука.

Атиргулда тунайман,

Чика-чука.

Менинг кулчам – тўлин ой,

Чика-чука.

Ризқим – дон ва шудрингчой,

Чика-чуп!

“Жуда қизиқ воқеа” – табиат тўқислиги, ҳаракатлар гўзаллиги, зиддиятлар зарурлиги ҳақидаги китоб. У ёш қалбларга руҳ, муҳаббат, жўшқинлик ато этади.

Бола, табиатан, ўйинқароқ. Ўзи энгил бўлганидай шеър, қўшиқларнинг ҳам ўйноқи, жўшқин, самимий, тароватли бўлишини истади.

Анвар Обиджон бир шеърида китобхонни кулдиради,  
ҳазиллашади:

Амаки,  
Арини сўйиб беринг.  
Асали менга,  
Гўшти Сизга.

Шоир гоҳ сўз ўйини қилади, бир сўзнинг турли  
маъноларини очиб кўрсатади:

Узоқмикан  
Қорақамиш?  
Борганмисан?  
Қанақамиш?  
— Яқин экан  
Қорақамиш.  
Бориб дедим:  
“Қани қамиш?”

Бола вазни енгил, бўғини қисқа-қисқа мисрали  
шеърларни ёқтиради, уларни зумда ёд олади. “Буғдой”,  
“Пахта”, “Сабзи”, “Анжир”, “Писта”, “Ўрик”. “Беҳи”,  
“Нок”, “Мош”, “Анор”, “Шоли” мана шундай  
шеърлардан, “Узум” шеъри енгил ўқилади, аммо унда  
миришкор заҳмати, савобли меҳнати сезилиб туради:

Доналарим  
Маржонча,  
Бир бошим —  
Нақ бир жомча.  
Қуритсангиз  
Майизман,  
Дастурхонга  
Файзман,  
Кузда  
Еб-еб тўйишар,

Қишга  
Осиб қўйишар.  
Боқар шод  
Ёш-қарилар.  
Мақтар ҳатто  
Ариллар.

Анвар Обиджон шеърларида ҳаётдагидай мураккаблик, зиддият кўзга ташланиб туради. Қуёш бадиий асарда асосан таърифланади, фазилатлари кўрсатилади. “Қочқоқ” шеърида Қуёш қочқоқ, ўзини панага урувчи сифатида кўрсатилади. Шеърдаги лирик, мутойиба руҳи китобхонга хуш ёқади.

Лола билан  
Далада  
Қолиб кетдик  
Жалада.  
Ивимай деб  
Жалада  
Қуёш ётар панада.

Шеърда дам қуёшли, дам ёгинли кўклам фасли тасвирланган. Жала, Пана. Қуёш. Шу уч сўз шеърни туғиб турган таянч. Яна шеърдаги жозоба таянч сўзларни пишиқ-пухта қилади. “Қочқоқ”да ҳаётбахш руҳ шеърни ич-ичидан нурлантиради.

“Қуённинг туғилган кунда” шеъри ажойиб эртакнинг қисқа, лўнда, қофияли тасвири. Унда дўстлик, қувонч, садоқат, айни вақтда, хиёнат, хоинлик бор. Туғилган кунга кимлар нималар билан келди?

Ари келди  
Асал олиб.  
Эчки — қопга  
Карам солиб.

Айиқ келди  
Қошиқ билан,  
Бўри – пичоқ,  
Сочиқ билан.

Анвар Обиджон Ханс Андерсен, Корней Чуковский, Самиул Маршак, Қуддус Муҳаммадий, Зафар Диёр, Агния Барто сингари устозлар анъаналарини давом эттирди, болалар поэзиясига бебаҳо бойликлар қўшяпти.

Бадий асар равон ўқилдими, шавқ-завқ бердими, билинги, уни ёзиш мураккаб кечган: санъаткор ҳар бир сўз, оҳанг, урғу устида ўйлаган. Асар ёзишдаги мураккабликлар поэтикада ўрганилади. Поэтика структура, семиотикани қўллаб асар табиатини ёритади. Анвар Обиджон “Жуда қизиқ воқеа” билан болалар адабиётида янгилик яратди. Шоирнинг бош китоби босилганига 20 йилдан ошди. Ҳозир ёшлар, болалар бутунлай ўзгариб кетдилар. Компьютер, уяли телефон, рақамли аппаратлар, телевидение, фаройиб фильмлар бола онги, руҳини ўзгартириб юборди. Ҳозир ўзбек болалар адабиётида Оташ Холмирзаев, Нурилла Остон, Маъмур Қаҳҳор, Кавсар Турдиева, Қўзи Исмоил, С.Иноятов, З.Исомиддин, Юсуф Мирюсуфзода, А.Акбаров сингари истеъдодли адиблар ижод қилмоқдалар. Аммо улар орасидан Анвар Обиджондай реформатор, ҳозирги бола руҳиятини тўлиқ кўрсатиб берадиган санъаткор чиқмаяпти. М.Аъзам, Т.Адашбоев, А.Обиджон сингари устозлар янги замон руҳини, XXI аср боласи характерини ёритиб беришга бел боғласалар ёмон бўлмасди.

\* \* \*

Анвар Обиджоннинг ўзлиги “Шарқ” нашриётида 2006 йилда чоп этилган “Танланган шеърлар”ида намоён бўлди. Сайланма, тўплам, шеър бўлмасин, шоирнинг изланишлари, ўй-қарашларидан хабар бериши лозим.

“Танланган шеърлар” ҳам шаклан, ҳам мазмунан шоир изланишда эканлигини кўрсатади. Мукамал шеърый тўплам мусиқий органда чалинаётган куйга ўхшайди. Маълумки, орган мусиқа асбобида ўнлаб катта-кичик сурнай, сурнайчалар бўлади. Моҳир созанда сурнай, сурнайчаларни узлуксиз чалиб, оҳанг таратиб туради. Орган тўлиқ ҳаракатлантирса, концерт зали илоҳий куйга, оҳангларга тўлиб кетади. Тингловчи оҳанглар тўлқинида сузаётгандай, товушлар сеҳридан маст бўлаётгандай сезади ўзини. Мусиқа, куй инсонни тамоман ром этади: у ўйламайди, ҳузурланади; талқин қилмайди, таҳлил қилинади. Бадиий асар, хусусан, шеър ҳис этиш, кўриш, тинглаш, биронта сўзга кўнгил бериш имкониятини яратади. Сўнги йиллар шеъриятида фикр жавҳарини нозик гўзаллик тўқимасида шеърхонга тақдим этиш тамойили кучаймоқда. Поэтика дегани батафсил киришлардан қочиш, гапни айлантиришдан тийилиш, каломни ниҳоятда саралаб танлаш, ҳар бир сўз, урғу, оҳангга эътибор қаратишдир. Поэма жанри кенгликни, характер яратишни, тимсоллар қавмини вужудга келтиришни тақозо этади. Лекин поэмада ҳам масалани аниқ қўйиш, яхлит муаммо илдизига изчил кириб бориш фазилати кучаймоқда. Демак, поэзияда бир неча сўзлардан, бир мисрадан, байтдан, учликдан, тўртликдан иборат шеърлар кўпаймоқда. Анвар Обиджоннинг “Савол ва ғаройиб жавоб” (346-бет) шеъри бор. Саволлар анъанавий, расмий. Аммо жавоблар бурама, таг-заминли, ўзликдан келтириб чиқарилган:

- Соғлиқ ўзи нима?
- Интизомсизлик.
- Нимадан ҳузурланасан?
- Кўнгил овлашдан.
- Нимадан кўрқасан?
- Боламга иснод келтиришдан.
- Нима бемаза?
- Ватансизлик.



Шеър хотимаси қизиқ. Унда инсон ҳаётининг уч устуни лўнда айтиб қўя қолинган.

– Энг тўқис таржимаи ҳолинг?

– Келдим. Ёздим. Кетдим.

“Келмоқ”, “кетмоқ” изоҳ талаб қилмайди. “Ёздим”-чи? Яшадим, кездим, кўрдим, изландим, қийналдим, ўйландим, иккиландим, ҳузурландим, қувондим, курашдим, енгдим, чекиндим, севдим, кулдирдим, меҳр кўрдим...

Бадиий асарда, шеърда, рубоий, байтда таянч сўзнинг салмоғи муҳимдир. Таянч сўз пухта, ёмбидай яхлит асарда кўзга яққол ташланади. Хом, ғўр шеърда сўзлар, хусусан, таянч ибора туссизланади, хира тортади. Анвар Обиджон игнабарг (бир мисрали) шеърларда оҳорли қиёс, ўхшатиш, тимсолларни топади. Масалан, *Кўр хассасида ахтарар... нурни. Илҳом – турма туғруқхонаси. Шам ҳам илоҳдир Қуёш чиққунча. Бу қиз гўё музда ўсган гул. Элсиз шоир эрсиз сулувдир. Теполмадим медалли итни. Шу эшакнинг устози қани? Воҳ! Ўликлар ўлдирди уни. Инсон ўлди. Қабр туғилди. Жони ундан қочиб қутулди. Бунча тажанг бокс қўлқопи?*

Игнабарг шеърлар шоир услубини, интеллектуал даражасини, гўзалликни англаш уқувини чақмоқдай кўрсатади қўяди.

Анвар Обиджоннинг кичик шеърлари тикмачоқдай: сермаъни, фалсафий, бетакрор. Шоир кўп шеърларида ўзлик ҳақида ёзади. Ўзлик-таянч, бетакрорлик. Номаълум одамлар даври ўтди.

Ҳозир:

Туғилдингми – самар қолдир,

Ўзлигингдан хабар қолдир, –

дейдиган замон. Шоирнинг зўри шеъри (асари)ни етаклаб, кўпчиликка таништириб юрмайди:

Биласан-ку, вақтим зиқ  
Бор, кўчага ўзинг чиқ,  
Яхши дўстлар топ, шеърим.

Одам замонсиз, эл-овул, халқ, Ватансиз яшай  
олмайди. Аммо жамоада яшашнинг муҳим қоидаси бор:

Замон сенга турса чап,  
Сен замонга боқавер.  
Замонни гоҳ олқишлаб,  
Ўз йўлингдан оқавер.

Ўзлиги бор шахс курашади, интилади, қоқинади,  
хато қилади, лекин асл моҳиятини сақлаб қолади. Мана,  
“Асқад Мухтор” шеъри:

– Ҳам шоир, ҳам файласуф...  
– Насри зўрроқ, сертаъсир...  
– Лекин... далғов йилларда...  
– Кам бундай мард муҳаррир...  
Туравердим индамай,  
Бу – кўчагир баҳс эди.  
... Ким бўлса ҳам А.МУХТОР  
БУТУН эди, ШАХС эди.

Шоирлик шеър ёзиш эмас. Шоирлик ҳамиша ўзини  
сўроққа тутиш, муаммолар қуршовида банди бўлиш.  
Шоир сўроққа жавоб, муаммога ечим топдими, шеър  
туғилади.

Шоир кезаверди,  
Кезаверди...  
Ақли ўсаверди.  
Шоир сезаверди,  
Сезаверди...  
Ақли озаверди.

Шоир дунёга ашъор битиш, гўзаллик яратиш,  
ўзлигини тасдиқлаш, учун келади.

Шоирда тугмадир шиддат ва оташ,  
Икки нарса уни синдирар азал:  
Бири — олишувдан ўлгудек чарчаш,  
Иккинчиси эса — шунчаки амал.

Амал пиллапоясидан кўтарилишга одатланган,  
сиёсий-мафкуравий олишувлардан чарчаган бир шоир  
ёш издошига ҳавас билан боқиб: “Сенинг ёшлигинг  
менда бўлсайди?!”, — дея хитоб қилган экан.

Шоирнинг энг ҳузурбахш юмуши даҳо санъаткорлар,  
шоирлар асарларини ўқишдир. Шоир журъат этиб пирлар  
панжасига панжа уриб қўйса, ўзини арши аълода деб  
ҳис қилади. Анвар Обиджон, шаксиз, мумтоз шеърят  
мухлиси. У бир шеърда Атойи яратган гўзалдан  
илҳомланиб, тенгсиз малак тимсолини кўрсатади:

Пошнаси кокилга илингай,  
Бол эса кўксинда кўрингай.

Бундай ўхшатиш, қиёс шеърятда кўп учрайди. Аммо  
мана бу тимсол, назокат жуда кам учратилган:

Сийнаси нозикки, тилингай-  
Кўз қарошимдан яроланиб.

Анвар Обиджон — камтар, болалардай тортинчоқ шоир.  
У “Танланган шеърлар”дан ўрин олган ғазалларини  
“Ғазал шаклидаги шеърлар” дейди. Ваҳоланки,

Сен каби қомати расо Фарғонада биттагина,  
Мен каби қаддингга адо Фарғонада биттагина.


матлаъси билан бошланадиган асар ҳам куйи, ҳам вазни,  
ҳам қофияси, ҳам поэтик такрори билан мукаммал

ғазалдир. Шундай ғўзал ғазални ёзган шоир ўзига бундан баҳо беради:

- Армонинг борми?
- Бургут эмас, қалдирғочман.
- Юпанчинг?
- Читтаклардан баландроқ учдим-ку!? – деб ёзади.

“Танланган шеърлар”да бағишловлар талайгина. “Қодирийни эслаб”, “Эркин Воҳидов”, “Миразиз Аъзамга мактуб”, “Есенин портретига боқиб”, “Китоббоз”, “Ҳамид Сулаймон”, “Саҳройи бола”, “Аёл”, “Очилхон ҳофиз қўшиғи”, “Фитрат”, “Абдулҳамид Чўлпоннинг тушимда ўқиган шеъри”, “Фаластин шоири Муин Бсису”, “Қурбонжон додҳо”, “Кечмиш”, “Тоғай Мурод”, “Бу кўчалар”, “64 катакли дунё”, “Улуғ Ганди”, “Гирей хоним” сингариларда тирик фикр, донишмандлик, ғурур, эҳтиром, ватанпарварлик бор. Ҳар бир бағишловда қаҳрамоннинг бетакрор хусусияти очилган. Лекин, назаримда, шоирда умумлашма фикрлар, ҳаётий фалсафа тасвири кучли бўлгани маъқулроқ, шекилли-да. Шундай шеърлар борки, оддий воқеадан умуминсоний хулосалар, фалсафий умумлашмалар чиқарилинади.

Анвар Обиджон – янги ўзбек адабиётида ўз ўрни, услуби, қарашлари, қаҳрамонлари, ўқувчилари мавжуд бетакрор санъаткор. У ўзлигини излай-излай етук шоир, сўз санъаткори бўлди.



## **БОЛАЛИКНИНГ БЕҒУБОР ОСМОНИ**

Турсунбой Адашбоев — ҳозирги ўзбек болалар адабиётининг пирларидан бири. Унинг болалиги, ўсмирлиги Иккинчи жаҳон уруши, ундан кейинги мураккаб йилларга тўғри келди. Беш ёшида отасидан айрилди, ҳаётий қийинчиликлар нима эканлигини эрта англади. Лекин, ажабки, у болалар шоири бўлди. Уруш, ундан кейинги қийинчиликлар орасидан туганмас бойликни топди, эгни юпун, қорни оч кишилардаги қалб гўзаллигини кўра олди. Шоир ижодида ўнлаб қишлоқдошлари номи учрайди, уларнинг бетакрор фазилатлари тасвирланади. У болалигида ичган булоқ сувлари таъмини ҳануз эслайди, Сафед булоқ, Арслонбоб, Саричелак манзараларидан ҳамон завқ олади. Шоир хотирасига тоғли қишлоқдаги қушлар сайраши муҳрланиб қолган. Қисқа қилиб айтганда, тоғли қишлоқнинг покизалиги, тозаллиги, беқиёслиги унинг руҳ-руҳига сингиб кетган. Турсунбой Адашбоев асарларидаги экологик поклик, гўзаллик катта-ю кичикни ром этади. Аслида, болалик-поклик, гўзаллик, беғуборлик, самимийлик. Ҳақиқий болаликни тасвирлаш учун ҳамиша бола бўлиб қолиш жоиз. Т.Адашбоев болафёъл инсон, шоир. Бола ҳамма нарсани қалби билан қабул қилади: қалбга муҳрланган нарса борки, унутилмайди. Турсунбой Адашбоев болалигидан одамохун бўлган. Одамларсиз яшай олмайди. Қаердаки адабий кеча, адабий муаммо муҳокамаси, эзгулик режаси тузилса, Т.Адашбоев ўша ерда ҳозир у нозир. Турсунбойни мен жонли, ҳаракатдаги адабиёт мажмуаси дегим келади. Унинг шеърларида Қуддус Муҳаммадий, Зафар Диёр, Султон Жўра, Қудрат Ҳикмат, Толиб Йўлдош, Пўлат Мўмин, Миразиз Аъзам, Саодат Тожи, Сафар Барно, Ҳабиб Раҳмат, Анвар Обиджон, Кавсарбону (Турдиева), Дилшод Ражаб, Абдурахмон Акбар, Рустам Назар, Маъмур Қаҳҳор, Яҳё Тоға сингарилар номи, тимсоли учрайди. У Қуддус Муҳаммадий, Қудрат Ҳикмат табиатидаги хусусиятни топиб-топиб кўрсатади.

Т.Адашбоев жаҳон болалар адабиётини бир бутун деб билади. Бола тоғда, қирда, чўлда, воҳада, саҳрода, денгизда—қаердаки яшамасин, барибир, бола. Унинг ўз дунёси, ўз тили, қизиқишлари бор. Бола ҳар кимга элакишиб, эргашиб кетавермайди. Болафёъл шоиргина бола ҳолатини, беқийёс оламини англайди. Турсунбой Адашбоев Корней Чуковскийни, Самиул Маршакни, Жавани Рабанини болалар адабиётининг пирлари деб англайди, улар асарларини кунт билан ўзбекчага ўгиради. Шоир ижодида яхудий шоири Овсей Дриз, поляк шоири Ян Бжехва, арман шоири Гурген Габриэлян, қозоқ, қирғиз, туркман шоирлари асаридан қилинган таржималар кўп. Ўзга халқ шоирлари асарларини таржима қиларкан, Т.Адашбоев янгилик топиш, уни ўзбек китобхонига етказишга ҳаракат қилади. Масалан, италян шоири Жавани Рабани асарларида масала, мисол, топишмоқлар кўп. Унинг шеърлари болаларни ҳам ўйлашга ўргатади, ҳам гўзалликни ҳис қилишга ундайди.

Турсунбой Адашбоев шеърятга содиқ шоирлардан бири. Унинг ижодида насрий, драматургик асарлар йўқ, ҳисоби. Шоирнинг “Шорасулнинг саёҳати” шеъри тайёр ҳангома — новелла. Унда Шорасул қуруқ тимсоли берилган. Университетда дарс берган “қаттиққўл домлар — Мирра Марковна Саксонова, Абдулла Аюпов номлари тилга олинади. Шорасулнинг тошкентча гаплари, баландпарвоз муносабатлари, “соққа” ҳақида тинмай гап сотиши айтилади. Т.Адашбоев наср материалини шеърда тасвирлай олган. Турсунбой Адашбоев номи ҳеч қачон танқидчи сифатида тилга олинмаган. Ваҳоланки, у моҳир танқидчи. Бу соҳанинг пародия (тескари тақлид) жанрини у маромига етказиб қўллайпти. Тескари тақлидчи қўлига қалам олишдан аввал танқид — тақлид қилинаётган шоир феълени, ижодини англаб етади. Тескари тақлид шоир, асар асосини кўриш, ундаги камчиликни очиб беришдир. Мана, шоирнинг янги тақлидларидан бири. У шоир Маҳмуд Тоирга бағишланган. ?

Болалар адабиётининг анъанавий қаҳрамонлари, шеърӣ санъатлари мавжуд. Фақат болалар адабиётида уч туғишган — ҳайвонот, наботот ва жамодот аро узвий бовлиқлик, ўзаро таъсир мукамал кўрсатилади. Масал жанрида ҳам уч мавлуд алоқадорлиги кўрсатилади. Лекин бу жанрда “қизим сенга айтаман, келиним сен эшит”, қабилда йўл тутилади; ҳайвонлар, дов-дарахтлар, тоғу тошлар тимсолида инсонларга хос хусусиятлар акс эттирилади. Бола характери тасвирланган асарларда борлиқ ва кичик инсон аро самимий алоқалар ифодаланилади. Чингиз Айтматовнинг “Оқ кема” қиссасидаги бола харсангтош билан ҳар куни суҳбатлашади, буғуни ўлдирган, гўштини ғажиётган инсонларни ёмон кўриб қолади.

Т.Адашбоев шеърларида чигиртканинг эркаги, нақ бегемотдай келадиган чивин, қуймичи икки қулоч тулки, текинхўр олақанот, ирkit суварак, пашша, бурга сингарилар тимсоли яратилган. Шоирнинг тасвирлашича, очофат сувараклар узоқ ўлкалардан келиб қолган.

Болалар адабиётини лофсиз тасаввур қилиш мумкин эмас. Т.Адашбоев туғилган жой-қишлоқда одамлар гапни “лофи билан...”, дея бошлашга ўрганиб қолган эканлар. Ҳали ҳеч ким чувалчанг, балиқ, чивин, пашша, бурганинг эркагини урғочисидан фарқламаган. Лофчи Латифбой “юган солиб, эгар уриб чигиртканинг эркагига” Унгур зовига боряпти. Ўша ерда бегемотдай тулки пайдо бўлибди. Латифбой семиз тулкини шартта отибди. Тулки шундай улиб, ёрдам сўрабдики, акс-садога қарағайлар қарс-қарс синиб тушибди. Тулкининг мўйнасидан ўнта пўстин тикилибди, икки қулоч қуйругидан қирқта телпак тайёрланибди. Кузғунлар тулки гўштини улоқ, арслону йўлбарслар гўшт талашиб, бир-бирини чиноқ қилишибди. Лофнинг зўри “Бешта саноч” шеърда аниқ кўринади. Латифбой бўрдоқига бешта чивин боқибди. Улардан бирини сўйиш лозим бўлибди. Икки қассоб битта чивинни жўраларидан ажратгунча қаро терга ботибди. Эплаб-сеплаб ётқизишипти-да, шартта пичоқ тортишибди.

Чининг терисидан бешта қимиз идиш-саноч тикилибди, ёғи совунгарга сотилибди, гўштини бир тўп қарға олиб қочибди.

Т.Адашбоев — моҳир таржимон. У шундай шеърларни ўзбекчага ўгирадики, улар ёш китобхон учун янгилик бўлади. Яхудий шоири Овий Дризнинг “Кутилмаган ҳодиса” шеърда қахрамон руҳияти, характеридаги шумлик, эҳтиёткорлик акс этган. Бурга айиқнинг жунлари орасига жойлашиб, газета ўқиётган экан. Бирдан кўзи овчига тушиб қолибди. Бурганинг жон-пони чиқиб кетибди: ҳозир тепки босилади, ўқ унга тегади. Бурга кутганидай, ўқ узилибди. Лекин у бургагамас айиққа тегибди. Бурга ўлимдан омон қолганига бирам суюнибдики, аста қўяберасиз. Бу шеърдаги ҳолат қизиқ: бурга зиғирча жонини ўйлайди-ю, айиқнинг қурбон бўлишини, овчи унимас, айиқни мўлжаллаганини хаёлига келтирмайди. Шеърда эгопсихологик ҳолат борки, у асарнинг гўзал, етуклигини таъминлаган. Т.Адашбоев ҳашорат, ҳайвон, дов-дарахтлар тимсоли орқали бола руҳиятини нозик акс эттиради.

Т.Адашбоев — ўзбек шоири. Аммо у ўзи туғилган макон Ўш, Арслонбоб, Саричелакни еру кўкка ишонмайди. “Қароғим Ўш” шеърда шоир ёзади:

Сен — Иброҳим Ҳамробоев,  
Ўзинг Иззат Султонсан.  
Таърифнингни ёзар бўлсам,  
Қайнаган чашма, вулқонсан!  
Сен — Шавкатнинг ҳасрат, дарди,  
Юракдан чиққан оҳсан.  
Икки элнинг онахони —  
Қурмонжонсан — Додхоҳсан.

“Набираларимга” шеърда шоир Ўшдан чиққан улуғ сиймолар номини тилга олади. “Кўпни кўрган” сингари шеърларида “садоқатда тенгсиз” Зулфия опа, улуғ Миртемир, чапани Ғафур Ғулом, устоз Асқад Мухтор



ҳақида ёзади. Т.Адашбоев икки халқнинг фарзанди, шоири. Аммо у ўзини буюк Туркистон ўғли деб билади. У қозоқ, қирғиз, туркман қардошлар адабиётини узлуксиз кузатади: ажойиб асар пайдо бўлиши билан ўзбекчага ўгиради. Т.Адашбоев тақдирида буюк Чингиз Айтматовнинг муносиб ҳиссаси бор. Ёзувчилар уюшмаси аъзоси гувоҳномасини Адашбоевга Чингиз Айтматов топширган, шоир кўксига «Қирғизистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби» нишонини ҳам шу улуг санъаткор қадаб қўйган.

Турсунбой Адашбоев ўзбек оиласида туғилди, ўзбек кишлоғида оқ-қорани таниди. У қирғиз тилини мукамал ўрганди, ҳам қирғиз, ҳам ўзбек газеталарида ишлади, ҳар икки тилда шеърлар ёзди. Унинг дўстлари орасида қирғиз санъаткорлари кўп. Адашбоев қозоқ адабиётини, намояндаларини яхши танийди. Ижодида қозоқ болалар адабиётидан қилинган таржима—шеърлар кўп. Бошқача айтганда, байналминаллик унинг қон-қонига сингиб кетган. Ҳозирги глобаллашув замонида Т.Адашбоев сингари ижодкорларга кўп имкониятлар яратилди. У қаерда бўлмасин, қайси миллат кишилари даврасига кирмасин дарҳол апоқ-чапоқ бўлиб кетади. Бундай эмин-эркин муносабатлар болаларда кўзга “ярқ” этиб ташланади. Бола ишонувчан, содда, самимий, ҳаётсевар бўлади. Кузатганмисиз, яйраб, мазза қилиб куладиган табақа боладир. Т.Адашбоев чехрасидан табассум аримади. Унинг “Орзуларим — қўш қанотим”(2003) китобида бир сурат бор. Унда хандон отиб кулаётган Эркин Воҳидов ва Турсунбой Адашбоев тасвири бор. Шу сурат ҳар икки шоир табиати, феъли ҳақида аниқ, ишонарли таассурот пайдо қилади. Т.Адашбоев ёш жиҳатидан бобо: соч-соқоли оппоқ, кексаларга хос файзли. Лекин у ҳамон табиатан бола. У дўст танлашда ёшга эътибор бермайди. Ёшлар билан гурунглашади, боладай шўхлик қилади, лозим бўлса, югуриш пойгасида қатнашади, тўп тепади, адиру тоққа

чаққонлик билан кўтарилади. Унинг шеърларида бола табиатига ўхшаш самимийлик, ботиний пўртана, вулқоний шиддат бор. У бола кўзи билан кўради, кўрганини қувониб самимий тасвирлайди. Навоий Давлат педагогика институти ўқитувчиси Бахшулло Ашуров “Турсунбой Адашбоев шеърлари поэтикаси” мавзuida номзодлик диссертациясини ёзди. Тадқиқотчи шоир ижодидаги бола феълликка алоҳида эътибор беради. Шундай шоирлар борки, ҳаётни катталар кўзи билан кўради, бола табиатига мослаб тасвирлайди. Катта кўзи билан кўриш, болага мослаб ёзишда нозик, сезилар-сезилмас сохталик, артистизм бор. Афсуски, болалар адабиётида бундай ҳолат учраб туради. Т.Адашбоев кўргани, билгани, ҳис қилганини ёзди. Унинг кўриши, билиши моҳиятида болалик софлиги, самимийлиги бор.

Инсон дунёга пешонасидаги ёзуви, бетакрор ўзлиги билан киради. Она сути билан руҳига сингган хусусиятлар ҳаётининг мангу йўлдоши бўлади. Т.Адашбоев тоғли қишлоқда туғилди: булоқлардан сув ичди, сайроқи қушлар хонишини тинглади, кўм-кўк ўтлоқлар, ям-яшил дарахтлар қўйнида ўсди, унди. Яхшилик элчилари — лайлак, турна, қалдирғочларнинг келишидан шавқ-завққа тўлди. Она қишлоғи Сафед Булонни шоир бундай тасвирлайди.

Сафед Булон,  
Дўппидек тоғли қишлоқ,  
Мевали, боғли қишлоқ  
Сўзамол, санъатга ўч,  
Аскияга чоғли қишлоқ.  
Ҳар туп олма, нокига  
Сув улашар лунжида.

Мана шу қишлоқ шоир борлиғига софлик, поклик рамзи сифатида жойлашиб қолган.

Шоирни Сафед Булонга онасининг васиятлари боғлаб туради:

Берсин сенга боболаринг  
Бардошини, сабрини.  
Зиёрат қилиб тургин,  
Ўғлим, отанг қабрини.

Она-юрт деганда шоир лайлақларни эслайди.  
Лайлақлар қишлоқ ҳаётига файз, ҳаракат киритади:

Муъжаз ҳовуз,  
Қўш олмурут.  
Бир жуфт чинор  
Бўлмас унут.  
Учга улкан  
Бақатерак  
Оға-ини  
Бўлса керак.  
Лайлақ келиб  
Шу чинорга—  
Макон қурди,  
Арк этди.

Лайлақлар арки шоир қалбининг мангу хотираси,  
гўзаллик, поклик рамзи бўлиб қолди. Турсунбой  
Адашбоев бутун умри давомида, сербарака ижодида  
лайлақлар аркини таърифлаб ўтди. Болалик хотиралари  
— покиза табиат, файзли инсонлар, тоғнинг соф ҳавоси  
Т.Адашбоев ижодининг эстетик асосига айланди.

Ҳаёт мураккаб, узлуксиз ҳаракатда. Шундай пайтлар  
бўлдики, қишлоқдан файз кетди, лайлақлар уни тарк  
этди.


Ўн йилдан сўнг  
Муъжаз ҳовуз  
Қуриб қолди.  
Бир жуфт чинор,  
Олмурутлар

Чириб қолди.  
Кушлар сози  
Тиниб қолди.  
Оқ лайлақлар  
Ўз уясин  
Тарк этди...

Шоир Мустақилликдан кейин “Лайлақлар” шеърини қайтадан қўлига олди, уни янги руҳ, пафос билан тўлдирди:

Таъмирладик  
Ҳовузни ҳам,  
Зилол сувдан  
Кўрдик баҳам.  
Бироқ лайлақ,  
Безиб кетган.  
Лоқайдликни  
Сезиб кетган.  
Фикрим тайин  
Чақмоқдайин,  
Шу мисралар  
Ярқ этди.

“Лайлақлар” — шоир эстетик принципидаги ҳаракатни, ўсиш—ўзгаришни акс эттирувчи асар. Шоирнинг оқ лайлақлари она юртимизни тарк этмайди.





Тошкентнинг 2200 йиллиги. Халқаро анжуманлар саройи. Президент Ислам Каримов, Юнеско бош директорининг ўринбосари Ханс д'Овил



Проф. А.А.Расулов келини Умида ва набиралари Замира, Мехринисо, Малиха билан

## **ТАНҚИД МАЙДОНИДА ТУРИШ МАШАҚҚАТИ**

Ҳомил Ёқубов 91 йиллик умрининг бир кам етмиш йилини адабий танқид майдонида сергаклик билан ижод қилиб ўтказди. Турли хил инқилоблар, сиёсий жангу жадаллар, пинҳона зиддиятлар, оммавий қирғин, қамақамалар авж олган XX асрда профессионал танқидчи бўлиш қиличнинг дамида юришдай гап эди. Биология фанида, генетика соҳасида авж олган сохталик ижтимоий билимлар, хусусан, танқидчиликда рўй-рост кўзга ташланди. Не-не эзгу умидлар билан танқидчилик майдонига кириб келган Вадуд Маҳмуд бор йўғи 8 йилча, Отажон Ҳошим, Раҳмат Мажидий, Ҳамидулла Убайдуллаев, Абдулла Олимжон 10 йил атрофида, Олим Шарафиддинов ва Сотти Ҳусайн 13 йилга яқин танқиднинг машаққатли нонини еди. Билишимча, Абдураҳмон Саъдий ва Ҳомил Ёқубов танқид соҳасининг бузуруки даражасига етдилар: умрлари поёнига қадар танқид майдонини тарк этмадилар. Тўғри, Иззат Султон ҳам, Ҳомил Ёқубов сингари XX асрнинг 30-йилларида танқид майдонига кириб келди. Адабиётшуносликнинг иззатли сиймосига айланди. Лекин И.Султон гоҳ арбоб, гоҳ ёзувчи-драматург, киносценарист сифатида танқид майдонини тарк этиб турди.

Ҳомил Ёқубов табиатан босиқ, бағри кенг, одамохун инсон эди. У бўлар бўлмасга тутақавермас, ўзини катта олмас, илмий изланишларини сира бўшаштирмас, кўнгил майлига бўйсиниб яшарди. Мен Ҳомил Ёқубовни бундан ярим аср илгари, САГУ (ҳозирги ЎзМУ)да ўқиб юрганымда таниганман. Учинчи курс филолог-талабаларининг ўқув жадвалига “Ўзбек адабиёти тарихи” деб ёзилган, уни доцент Ҳ.Ёқубов ўтиши билдирилганди. Жадвалга биноан аудиторияга ўрта бўй, жуссаси увоққина, қалин ойнак таққан, оқ юзли, файзли, ўрта ёшлардаги ўқитувчи тортинибгина кириб келди.

Ўтадиган фани ҳақида озгинагина гапирди-да; минбарга чиқди, маъруза бошланди. Домланинг “семиз” папкаси ҳам, “сарғайиб кетган” конспект дафтари ҳам йўқ эди. Ўқитувчи ўз фанини яхши билиши дарҳол билинди. Аммо Ҳ.Ёқубов тортинибгина гапирар, талабага тик боқмас, ўтилаётган мавзуга бус-бутун шўнғиб кетарди. Талаба бола-да: ўзини дарҳол эркин сизди, нима қилса қилди. Илмсевар талабалар ўқитувчи гапларига, ундаги мантиққа, ғаройиб фактларга махлиё бўлдилар. Хуллас, Ҳомил ака ҳаммагамас, хосларга илм шайдоларига маъруза қилди. Ажабки, талабалар ўқитувчига мўл савол бердилар, уни баҳсга чорладилар. Дастлаб бўш-баёвдай кўринган устоз баҳсга ўч экан:

— Шунақамас-де... Сиз асосий масалани тушунмийвоссиз... Мани олдимга келинг, пикрлашовуз...

Аспирантлигимда, 1962 йилда яна Ҳомил Ёқубов тингловчиси бўлдим. Бу сафар устоз ўзбек адабий танқидчилиги тарихи, назарияси ҳақида махсус курс ўқидилар. Адабий танқид домланинг ўттиз уч йиллик қадрдон майдонлари эди: тингловчилар бу мураккаб майдоннинг ўтмиши, XX асрдаги ҳолати, катта-кичик намояндалари, турли оқимлари ҳақида аниқ, қизиқарли маълумот олдилар. Маърузачи мумтоз танқидчиликнинг тазкира, ҳасби ҳол, маноқиб сингари таянч масалалари, адабий танқидий асарлар хусусида гапирди; жадид танқидчилиги, унинг намояндалари ижоди ҳақида асосли фикрларини айтди. Бизни, 60-йилларнинг аспирант, тадқиқотчиларини кўпроқ ўзбек шўро танқидчилигининг муаммолари қизиқтирарди. Ўқитувчи К.Маркс, Ф.Энгелс, В.Ленин асарларини, адабий методлар тарихини пишиқ ўзлаштирган экан. Дарсда, табиийки, социалистик реализм, унинг назарий асослари ҳақида кўп гапирилди. Лекин ўқитувчи негадир масала моҳиятини аниқ, лўнда ифода қилмас эди. Мен кейинчалик Ҳ.Ёқубовнинг “Бадиий метод Ленин талқинида”, “Ўзбек совет адабиётида социалистик



реализмнинг шаклланиши хусусиятлари”, “Лирикада конфликт” сингари тадқиқотларини синчиклаб ўқидим. Олим бу мақолаларни ёзиш учун ниҳоятда кўп асарларни ўқиганлигини, уларни теран ўқишга интиланлигини билидим. Асл кашфиёт, мангу асар эҳтиёж фарзанди сифатида пайдо бўлади. Олимдир, санъаткордир етук асар yaratса, дил-дилидан яйраб кетади. Гуёки шу кашфиёт, санъат асарини инсоният интиқлик билан кутгану уни юзига келтириш пешонаси ярқираган битта олим, ягона санъаткорга насиб этган. У мўъжиза яратганини билармикан? Фирдавсий, Навоий, Пушкин сингари даҳолар бекорга ўз яратиклари ҳақида оғизларини тўлдириб гапирмаганлар. Шундай ҳам бўладики, олиму санъаткор ўзини қанчалик қийнамасин, кунни тунга улаб ижод қилмасин, барибир, кутилган натижага эриша олмайди. XX асрда социалистик реализм ҳақида ёзмаган адабиётшунос, танқидчи қолмади ҳисоби. Соцреализм ҳақида ёзилган жамики асарлар жамланса, Уҳуд тоғиданда юксак хирмон пайдо бўлиши шубҳасиз. Лекин бу метод ҳақидаги изланишлар алалоқибат сароб бўлиб чиқди. Чунки соцреализм методи аввал бошданоқ сохта қонуният асосида пайдо бўлди. Қаранг, соцреализм методининг сунъий талаблари инкор қилинган, сўз санъати асл ўзанига тушиб олди: матн талқини, структура тизими, талқин кенгликлари ўзини баралла кўрсатди.

Ҳомил Ёқубов кенг қамровли, кечиримли олим эди. Баъзи “қатъиятли” олимлар сингари у Абдулла Қодирий, Чўлпон, Фитрат ижодидан юз бурмади. Аксинча, Абдулла Қодирий асарларидаги ҳаётийлик, самимийлик, табиийликдан хузурланди: “Синчалак”ни синчиклаб талқин қилди; умри поёнида Навоий ва Чўлпон мавзуида теран тадқиқот яратди. Домла ижодида мумтоз адабиёт намояндалари – Бобур, Турди, Муқимий ҳақидаги тадқиқотлар юксак мавқеъга эга. Айниқса, Заҳириддин Муҳаммад Бобур ижоди ҳақида шўро адабиётшунослигида биринчилардан бўлиб тадқиқот яратганлиги мақтовга

лойиқ. Ҳ. Ёқубов Бобур лирикасини, “Бобурнома” сини “соцреализм ойнагини ечиб қўйиб” асосли, гўзал талқин қилади. Тарки одат амри маҳол деган гап бор. Мен ҳозиргина “ечиб қўйилган соцреализм кўзойнаги” ҳақида гапирган эдим. Ёқубов домла Бобурнинг Ҳиндистондаги ҳаёти ҳақида ёзар экан, К. Маркснинг “Ҳиндистонда Британия ҳукмронлиги” асаридан гарчи мавриди бўлмасида, икки бор иқтибос келтиради. Олим “Бобурнома” муаллифини ҳам шоир, ҳам подшо сифатида кўрсатади. Кейинчалик Бобурни шоир сифатида бир хил, ҳукмрон сифатида ўзгача талқин қилиш тамойили кучайди.

Ҳомил Ёқубов қарийиб 60 йил ўзбек танқидчилиги майдонида маёқдай нур таратди, қоядай мустаҳкам турди. 30-йиллардан бошлаб биронта ёзувчи ижоди, кўзга ярқ этиб ташланган асар устоз назаридан четда қолмади. Ҳамза, Айний, Абдулла Қодирий, Ойбек, Ғафур Ғулом, Ҳамид Олимжон, Уйғун, Абдулла Қаҳҳор, Яшин, Шайхзода, Миртемир, Мамарасул Бобоев, Асқад Мухтор сингари ёзувчиларнинг эл-юртга танилишида устоз танқидчининг танқидий очерклари, тақризлари, шарҳлари, тадқиқотлари, адабий портретлари муҳим аҳамият касб этди. Танқид майдонида қойим тураркан, Ҳ. Ёқубов ҳар хил оқимларни, турли тамойилларни, ёзувчилар ижодидаги ўзгаришларни аниқ кўриб, билиб турди. Лекин одамда алоҳида меҳр, симпатия деган гап бор. Олим-мунаққид Ёқубов Ойбекни ўзига жуда яқин оларди. Педтехникумда бирга ўқидилар, алғов-далғовли 30-йилларда ёнма-ён ижод қилдилар, Ойбек қаерда бўлса, Ёқубов домла ўша ерда бўлишга интиларди. “Шарқ юлдузи” да, Фанлар академиясининг Тил ва адабиёт институтида ҳамкор бўлдилар. Ойбек 20-йиллардаёқ адабий танқидчилик соҳасининг фидойиларидан бирига айланди. Ойбек ҳақида ёзмаган танқидчи-олим қолмади. Лекин Ҳомил Ёқубов ҳамиша ойбекшуносларнинг етакчиси бўлди. Пировард натижада, устоз мунаққид Ойбек ижоди ҳақидаги бош китоб — фан доктори илмий даражасини олиш учун ёзилган тадқиқотини яратди.


Тақдир, касб тақозоси икки йирик сиймо Ҳомил Ёқубов ва Иззат Султонни ўзаро яқинлаштирди, ҳамкор, ҳамфикр қилди. Улар узоқ йиллар давомида Тил ва адабиёт институтида ёнма-ён фаолият олиб бордилар, икки етакчи бўлимни бошқардилар. Иззат Султонов социалистик реализмнинг Ўрта Осиё ва Қозоғистон миллий адабиётларида шаклланиши, ривож топиши ҳақида докторлик диссертациясини ҳамоя қилди. Ҳ.Ёқубов ҳам, айтилганидай, соцреализмни чуқур ўрганди. Иззат Султонов мумтоз адабиётни билишда Ҳ.Ёқубовдан қолишмас эди. Унинг ижодида "Навоийнинг қалб дафтари" асари мисоли олтин тож бўлди. Икки олим ҳамкорлиги самараси ўлароқ "Ўзбек совет адабиёти тарихи очерки" (1962), уч том, 4 китобдан иборат "Ўзбек совет адабиёти тарихи" (1967), 5 жилдли "История узбекской советской литературы" китоби, икки жилдли "Ўзбек совет танқидчилиги тарихи" (1987) асарлари пайдо бўлди. Улар янги ўзбек адабиёти, танқидчилигининг муҳим бир қисмига яқун ясади. Ҳар икки олим 6 жилд, 7 китоб ҳажмли "История многонациональной советской литературы" номли маҳобатли асардаги ўзбек адабиёти бўйича материалларни ёзиш, уюштиришда бош-қош бўлдилар. XX асрнинг 60-йилларидан бошлаб Тил ва адабиёт институтида замонавий адабиёт бўйича тайёрланган диссертация, тадқиқотларга И.Султонов ва Ҳ.Ёқубов раҳбарлик қилдилар. С.Мамажонов, Н.Каримов, Б.Назаров, Ҳ.Абдусаматов, Б.Имомов, С.Мирвалиев, М.Султонова, Н.Владимилова, Ф.Мўминов, Б.Сойимов, Н.Раҳимжонов, И.Мирзаев, Б.Фуломов, Ш.Турдиев, М.Иброҳимов сингарилар Ҳ.Ёқубовга шогирд, издош бўлганларидан беҳад қувонадилар.

Етук олим ҳамма ерда эъзоз, ҳурмат топади. Ҳомил Исломович ҳозирги ЎзМУ филология факультетининг ўз одами, олими эди. Домла бу масканга бот-бот келишни, бир умрлик дўсти Субутой ака билан дилдан

суҳбат қуришни, жиддий масалалар ечимини Фулом Каримов билан ҳал қилиб олишни, Лазиз Қажумов, Озод Шарафиддинов сингари ёш дўстлари билан, бир дам бўлса-да, яйраб олишни истарди. Университетдаги қадрдонлари илтимосига кўра устоз талабаларга ваъз қилар, аспиранту тадқиқотчиларга мутахассислик бўйича маслаҳат берарди. Университетнинг Фулом Каримов бошлиқ аҳил адабиётшунос-ўқитувчилари ҳар ойда бир бор йиғилишар, мумиёи асл (палов) устида ажиб суҳбатлар давом этарди. Бора-бора ойлик йиғилишлар “гап”га айланиб кетди. Улфатда Фулом Каримов, Субутой Долимов, Ҳомил Ёқубов, Сиддиқ Фузаилов, Аҳмад Алиев, Абдуғани Алиев, Аъло Ашрапов, Муҳаммад-нодир Саидов, Озод Шарафиддиновлар ҳақиқий аъзо бўлиб, устозлар лутфан У.Норматов, Ҳ.Муҳаммадхўжаев ва мени қаторларига дастёр-аъзо сифатида қўшган эдилар. “Гап”га гоҳ Турғун Алиматов, гоҳ Умар Отаев, гоҳ Маъруфхўжа Баҳодиров, гоҳ Фахриддин Умаров ташриф буюрардилар. Гарчи улфатчиликка санъаткорлар таклиф қилинган бўлса-да, ҳамма Субутой Долимов ижросидаги куй-ашулаларни интиқлик билан кутарди. Субутой ака Чўлпонни “кўрган” дуторни “қўлга олиб, уни аста-секин гапга соларди”. Дутор созлангач, сеҳрли куй бошланар, Субутой ака куйиб-ўртаниб Фузулий, Навоий, Бобур, Муқимий сўзлари билан кагта ашулани бошлардилар. Тингловчилар маълум фурсат арши аълога кўтарилардилар. Ўша дамларда инсоният яратган кашфиётларнинг энг аълоси куй-қўшиқ эканлигини ҳар ким ўзича англади. Ҳомил Ёқубов куй чалмас, ашула айтмасдилар, лекин санъат таъсирида сархуш бўлаётганликлари шундоққина кўриниб турарди. Шундай пайтларда у кишим “-изм”лар билан чандиб ташланган, қуюшқонга тиқилган қарашларни тамоман унутар, санъатнинг мовий осмонида хузур қилардилар.

XX аср ўзи билан ардоқли фарзанди, улуғ аллома Ҳомил Ёқубовни олиб кетди. Устоз умрлари давомида

бидагон олим, танқид майдонининг сергак, зийрак  
фидойиси сифатида кўп савоб ишларни амалга  
оширдилар. Домлани кўрган, билган, улардан таълим  
олган, билимли бўлган зиёли борки, устоз яхши одам  
диллар, Оллоҳ раҳматига олсин, дея дилдан дуо қилади.



## ОЗОД ШАРАФИДДИНОВНИ АНГЛАШ

### *Устоз умрининг юлдузли онлари*

Устоз Шарафиддиновнинг нурли чеҳраси кўз ўнгимиздан, мардона овози қулоқларимиздан, бетакрор хатти-ҳаракатлари нигоҳимиздан нари кетгани йўқ.

Ўзбекистоннинг аксарият зиёлиси Озод ака ҳақидаги қарашу тушунчаларини бамайлихотир гапириб бериши мумкин. Лекин булар Озод Шарафиддиновни англаш йўлидаги илк қадамлардир.

Устоз Шарафиддинов Мустақил Ўзбекистон Республикасининг ҳар томонлама етук, жаҳоний тафаккур юритадиган илғор фуқароларидан бири эди. Ўзбек халқи асрлар давомида эркак интилиб, мустақил бўлишни орзу қилиб яшади. Мустақиллик қўлга киритилгач, Ўзбекистоннинг биринчи Президенти: “Биз мустақилмиз, озодмиз, эркимиз ўз қўлимизда”, деганида кўпни кўрган зиёли инсонлар ҳам рўй берган буюк ҳодиса моҳиятини дарҳол англаб етмадилар. Озод Шарафиддинов Истиқлол мазмун-моҳиятини англабгина қолмади, қарашлари, англашини дастур-иқрорномаси “Эътиқодимни нега ўзгартирдим?” мақоласида изчил, ишонарли ифодалади. Ёши етмишни қоралаб қолган бу инсоннинг жасорати каттаю кичикка ўрناк бўлди. Миллионлаб кишилар ўзларининг истиқболдаги йўл-мақсадларини чамалаб олдилар. Иқрорномаси чоп этилгач, О.Шарафиддинов ғайрат камарини боғлади, ёшлардай жўшиб фаолият кўрсата бошлади. Муҳтарам Юртбошимиз бу оловқалб инсонда қатъиятли маслакдош, ишонарли ҳамроҳни кўрди, унинг уқуви, истеъдоди, имкониятига мос вазифа топширди. “Жаҳон адабиёти” журнали таъсис этилди, О.Шарафиддинов унинг бош муҳаррири бўлди. Журнал илк сонлариданоқ тилга тушди: жаҳон адабиётининг ноёб асарлари, оламга машҳур файласуф, нафосатшунос, санъатшунос, ёзувчи, адабиётшуносларнинг мағзи тўқ, ўқувчиларни руҳан-маънан бойитадиган мақолалари чоп

этиди. Журнал сондан сонга юксала борди. Саккиз йилда "Жаҳон адабиёти"нинг юзга Озодона сонлари чоп этилди. Устоз жаҳон донишмандлари, санъаткорлари асарларини чоп этиш билан чекланмади. У оламшумул санъаткор, файласуфлар билан мақолалар орқали суҳбат қурди, ўз қарашларини баён этди. Шўро замонида тазйиқу муҳокамалардан боши чиқмаган О.Шарафиддинов аср одами, жаҳоний миқёсда тафаккур юритувчи сиймога айланди.

Озод Шарафиддинов таржимон, публицист, муҳаррир, жамоат арбоби, олим эди. Лекин унинг ўзлиги, истеъдоди танқидчиликда кўзга аниқ ташланарди. "Замон, қалб, поэзия", "Истеъдод жилолари", "Адабий этюдлар" китоблари чоп этилгач, ўзбек танқидчиларининг сарварига айланди. У бадий адабиёт уммонида дадил, шитоб билан сузар, ноёб асарларни тез пайқар, уларни чуқур талқин қилар, аниқ баҳолар эди. Адабий-танқидий баҳслар майдонига илдам кириб борар, фикрини ҳар томонлама, ишонарли тасдиқларди. Истеъдодсиз, масъулиятсиз ёгоничлар О.Шарафиддиновнинг ўтли сўзларидан кўрқар, аксинча, истеъдоддилар унга ишонар, суянардди.

Устоз Шарафиддинов ҳали олий маълумотли бўлмасдан, танқидчи сифатида шаклланмасдан Чўлпон шеърларини севди, ижодига асир бўлди. Бора-бора Чўлпон ўзбекнинг, туркий дунёнинг эмас, балки инсониятнинг истеъдодли шоири эканлигига ишонди. Унингча, эрк, ҳурликни Чўлпондан орттириб тасвирлаган санъаткор камдан-кам топилади. У инсон руҳияти, маънавиятининг эстетик ҳимоячиси, миллат озодлиги йўлида тинимсиз курашган фидойи эди. Чўлпоннинг барча шеърлари нафосат, назокат, инжалик намунаси. Шоир кашф этган бадий тимсоллар зинҳор завола кўрмайди. "Бинафша", "Гўзал", "Галдир" сингарилардаги нозикликни Чўлпончалик ким тасвирлай олади? Чўлпон ижодида инсон моҳияти, яшашдан мақсади яхлит тасвирланган ёмби шеърлар кам эмас. "Кўнгил" — шоирнинг дастурий, кенг қамровли шеъри:

Кўнгил, сен мунчалар нега  
Кишанлар бирла дўстлашдинг?  
На фарёдинг, на додинг бор,  
Нечун сен мунча сустлашдинг?

Ҳақорат дилни оғритмас,  
Тубанлик мангу кетмасми?  
Кишанлар парчаланмасми?  
Қиличлар энди синмасми?

Тириксан, ўлмагансан,  
Сен-да одам, сен-да инсонсан.  
Кишан кийма, бўйин эгма,  
Ки, сен ҳам ҳур туғилғонсан!..

Чўлпон ўзбекнинг озурда юрагини кафтларига олиб, суюб, эркалаб дил сўзларини айтган эди. Истиклолгина халқ руҳига тириклик сувини бахш этди. “Биз ҳеч кимдан, ҳеч қачон кам бўлмаганмиз, бўлмаймиз ҳам”, деган бебаҳо гапга элимиз ишонди, у Мустақил Ўзбекистонда шиор, даъват бўлиб янграй бошлади.

Озод Шарафиддинов ўттиз йил Чўлпон учун, унинг шеърляти, ижоди учун курашди. Шоир ижоди устознинг қувончи, армони, изтироби, таъқиб этилишлари, тазйиққа учрашларига айланди. Домла Чўлпон дея-дея, унинг асарларини ўқий-ўқий талабаларни, илғор зиёлиларни чўлпоншунос қилиб юборди. У Чўлпон туфайли шоирнинг сингиллари, куёвлари, жиянлари билан қадрдонлашди. О.Шарафиддинов Чўлпон асарларини берилиб талқин қилди, юксак баҳолади, нашрга тайёрлади, шогирдларини чўлпоншунослик соҳасига даъват этди. Бефарзанд Чўлпонга Озод ака меҳрибон ўғилдай хизмат қилди, оқибат кўрсатди.

Озод Шарафиддинов қалбидан чуқур жой олган адиблардан бири Абдулла Қаҳҳор эди. Мунаққид асарлари орасида А.Қаҳҳор, унинг ижодига бағишланганлари кўп.



Танқидчи Абдулла Қаҳҳор асарларини ич-ичидан ёритди, унинг ноёб хусусиятларини аниқ, ишонарли кўрсатиб берди. А.Қаҳҳор ҳаёти, ижоди ҳақида шунчалик кўп материал тўплаган эдики, у битта китобга аранг жо бўлди.

О.Шарафиддинов Фафур Фулом, Ойбек, Мақсуд Шайхзода, Миртемир, Зулфия, Саид Аҳмад, Пиримқул Қодиров, Одил Ёқубов, Эркин Воҳидов, Абдулла Орипов, Ўткир Ҳошимов ижоди ҳақида адабий-танқидий очерк, портретлар яратди. Адабиётшунос, мунаққиднинг ёзувчига садоқати, ижодига ҳурмати берган мақолалари миқдори билан белгиланмас, талқин қилишу баҳолаш билан чекланмас экан. Яратилган буюк асар — халқ бойлиги, ёзувчи тақдири. У ёзувчини буюклик чўққисига кўтаради, бадиият осмонининг сўнмас юлдузига айланади. Буюк асар ўз муаллифини мангулик юксаклигига кўтаради, ўзи абадий қадрият сифатида тан олинади. Шу ўринда икки хил тақвим ҳақида гапириш керак: бири биологик мавжудот — инсон, ҳайвонот, набототники, иккинчиси — мангу обида, қадриятларники. Биологик тақвимнинг кўринишлари кўп бўлганидек, қадриятнинг ҳам ҳар хил номланишлари бор. Адабиётшунос Михаил Бахтин адабиётшунослик сўзлигига Катта Вақт тушунчасини киритган. Катта Вақт — мангулик тақвими. Озод Шарафиддинов истеъдодли ўзбек мунаққиди сифатида Чўлпон, Фафур Фулом, Ойбек, Абдулла Қаҳҳор ҳамиша Катта Вақт юксаклигида бўлганликларини англайди. Бу санъаткорлар асарлари табиатидаги ўлмас фазилатларни топиб-топиб кўрсатди, уларни нозик талқин қилди ва холис баҳолади. Эҳтимол, Озод Шарафиддинов Катта Вақт юксаклигига номзод қилиб кўрсатган санъаткорлар, асарлар улуғ даражага етиб боролмас. Лекин устоз мунаққид ўзбек адабиётининг фидойи намояндаси сифатида янги адабиётнинг бир қанча вакилларини Катта Вақт юксаклигида туриши лозимлигига шубҳа қилмайди. Бадиий асар жонли

пужуддай унади, ўсади, ўзгаради. Ижтимоий-маънавий-адабий муносабатларга киришади. Ҳақиқий асар янги замон, шаклланаётган авлод билан диалогга киришар экан, унинг Мангу асар сифатидаги имконияти теранроқ намоён бўлади. Истиқболда Чўлпон, Абдулла Қаҳҳор, Абдулла Орипов, Эркин Воҳидов асарларини аҳли жаҳон севиб, берилиб ўқиса, ўрганса, ажаб эмас.

Озод Шарафидинов жаҳон адабиёти миқёсида тафаккур юритадиган ўзбек мунаққиди эди. Жаҳон адабиётидаги методлар, йўналишлар, оқимлар, тамойиллар ҳақида ишонч билан фикр юритиш учун инсонда ҳуқуқ бўлиши лозим. Адабиётшунос-мунаққиднинг ҳуқуқи — унинг билими, истеъдоди, талқиний тафаккури, баҳолаш уқуви. Устоз Шарафиддинов социалистик реализмдан қўлини ювиб, қўлтиққа урди, модернизм моҳиятини англашга интилди. “Модернизм жўн ҳодиса ... эмас” лигига ишонди.

Устоз Шарафиддинов салкам саксон йил умр кўрди. Лекин бирон марта қариб қолдим, толиқдим, демади. У ёшлик палласига бир кирдию, уни тарк этмади. Ҳаётининг сўнгги йилларида у ёшларга ўрناк бўладиган даражада жўшиб ижод қилди.

Устоздаги шижоат, ёшликка хос фазилатлар сирини ҳақида ўйласам, унга таълим-тарбия берган устозлари кўз ўнгимга келади. Мактабда Қ.Аҳмедов, С.Комилов, университетда Ф.Каримов, С.Долимов, Ю.Тоҳирӣ, Т.Иброҳимов, С.Сирожиддинов сингари домлалар Озод акага кўп нарсани ўргатдилар, ҳақиқатпараст, ҳаётсеварликдан сабоқ бердилар. Озод домла қадрдон дўстлари Ш.Шомуҳамедов, ака-ука Воҳидовлар, М.Қўшжонов ҳақида меҳр билан ёзади.

Озод Шарафиддиновдаги жўшқинликнинг сабабларидан яна бири шундаки, у мустақил юртнинг ардоқли сиймодонишманди даражасига кўтарилди. Айниқса, муҳтарам Юртбошимизнинг далдаси, ҳамиша руҳан қўллаб-қувватлаши кучига куч, умрига умр қўшди. Жисмни

даволаш яхши, аммо руҳга шифо бахш этиш аъло фазилат эканлигига Устоз ўз ҳаёти мисолида ишонди.

Озод Шарафиддинов Катта Вақт юксаклиги тушунчасини теран англарди, ундан жой олган санъаткорларнинг ўлмас асарларини мунтазам мутолаа қиларди. Лекин унинг ўзи Катта Вақт юксаклигининг намоёнчаси бўлаётганини хаёлига келтирмас эди.

### ***Озод Шарафиддиновнинг адабий-эстетик қарашлари***

Озод Шарафиддиновни билган одам борки, унинг ашаддий китобхон бўлганидан гап очади. Домланинг катта меҳмонхонаси, ташрифчиларни қабул қиладиган хос бўлмасидаги хоналар лиқ тўла китоб. Улар шундай тартибда жойлаштирилганки, буни асарларни ўқиган, моҳиятини англаган одамгина уддалаши мумкин эди. Антиқа кутубхона эгаси қайси китоб қаердалигини, таройиб мақола босилган журнал қайси газета боғлами орасига “яширинган”лигини аниқ айтиб берарди. Ўқиш, уқиш — машаққатли юмуш. Лекин Устоз китоб ўқиш мураккаб жараёнлиги ҳақида ҳечам гапирмасди. Бир нарса аниқ: минглаб китоблар жавонларда-ю, уларнинг мағзи, қаҳрамонлари тақдири, воқеалари олим онгида, қалбида — “табий компьютер”ида эди. Лозим бўлиб қолса, “табий компьютер”даги битиклар аслиятга — жавонлардаги жавоҳирларга солиштириб олинарди.

О.Шарафиддинов қирқ йил ҳозирги Ўзбекистон Миллий университетиде дарс берди. Университетга китоб кўтариб келарди, дарсга ҳам олиб кирарди. Уйига аспирант, тадқиқотчи, ўқитувчиларнинг ёзувларини, китобларни олиб кетарди. Аммо у портфель тутмасди, дарсга зинҳор конспект кўтариб кирмасди. Китобни энг кўп ўқиган, бадиий асарлардан дарс берган Озод ака ўзининг китоблари, мақолаларида иқтибос (цитата)лардан ниҳоятда кам фойдаланарди. Аммо унинг асарлари матнига машҳур асарлардаги мисралар, ноёб фикрлар, тимсоллар

сингдирилиб юбориларди. Устоз услубида исботлаш, мантиқий далиллаш кучли эди. У “биринчидан”, “иккинчидан”, “учинчидан” дея мантиқий исботга берилса, паришонхотирроқ одам шошиб қолади, фикрлар босимидан энтикиб кетади.

XX асрнинг интеллектуал ижодкори М.Шайхзода ижодхонани “гузаллик артели”, деган эди. Маънавий-руҳий маҳсулотлар гузаллик артелида яратилади. Ёзувчи, танқидчи, олимнинг артели бир-биридан фарқ қилади. Танқидчи артель – ижодхонаси китоб ўқишдан бошланади. О.Шарафиддиновда китобхонлик истеъдоди етакчи эди. Ҳарф танигач, у қўлига бадиий китоб олди – “Том Сойернинг саргузаштлари”ни берилиб ўқишга киришди. Том – дунёнинг нариги томонидаги олис юртда яшайдиган, “ўзбек” деган сўзни эшитмаган бир бола. 7-8 ёшлик Озод шу бола билан дўстлашди, ундан бир қадам ҳам ажрала олмайдиган бўлиб қолди. Кейинчалик “Қутлуг қон”ни ўқиди. Китобга иштиёқ табиатига сингди. Билдики, ёшлигидан китобга муккасидан кетган одамлар ҳамиша бўлган экан. Андрей Упит, Павло Тичина, Михайло Стельмах, Петрус Бровка, С.Маршак, К.Чуковский сингари ёзувчилар болаликдан китоб ишқибози эканлар. Ёш Озод китобни берилиб, қунт билан ўқирди. Унинг эсидан ота-онаси буюрган иш, қорнининг очганлиги эсидан чиқиб кетиши мумкин эди-ю, ўқиётган китобини асло унутмасди. Умрининг охиригача қадрдон асарлари, унда тасвирланган ажойиботларни сира хотирасидан чиқармади.

Китоблар туфайли дунё мамлакатлари, халқларини ўрганди. Янги китобни қўлига олар экан, аввало, бу китобнинг ватанини, муаллифини билиб оларди. Китоб нима ҳақида ёзилганлигига эътибор берарди. Бошқача айтганда, О.Шарафиддинов китоблар воситасида олам кезди, миллий адабиётлар, юзлаб ёзувчилар билан танишди. Сибирнинг Эрқут шаҳрида Озод ака Михайло Стельмах билан учрашиб қолди. Орадан озгинагина вақт

Утга, улар чунонам суҳбатга бсрилиб кетдиларки, мен ҳайрон қолдим. Ахир олдин сира учрашишмаган. Аммо Озод ака Стельмахнинг роман ва қиссалари, айниқса, "Инсон қони сув эмас" трилогиясини чуқур биларкан. Машҳур украин ёзувчисини ўзбек мунаққидининг фикрлари дарҳол ром этиб қўйди.

О.Шарафиддинов кўп ўқигани сайин унда илмий—ижодий қараш, танлаш шакллана борди. Аввало, олимда тарихий—қийсий метод тез ўсди. У нимани ўқиса, қийслай бошлади. Қийслар умумлашма—типологияларга, асл илдиз—генезисга йўналтирди. Олим Шарқ — мусулмон адабиётини, Европа адабиётини, славян халқлари адабиётини, Хитой, Ҳиндистон, Япония адабиётини яхши биларди. У ўқиган асарларини тур ва жанрларга қийналмасдан ажратарди. Аммо Қадимги юнон драмаларини XV аср инглиз драмаларига, Пушкин, Н.Островский, А.Чехов пьесаларига қийслаш анча мушкул эди. Драма турининг ўзбек адабиётида бўлмаганлиги масалани яна ҳам жиддийлаштирарди. Озод ака шеърисон заминида туғилганлиги боис, жаҳон шеърияти кенгликларида эркин ҳаракат қилди. Воқеа, ҳангома, қиссачиликка эҳтиёж унинг ботинида бор эдики, наср товланишу тусланишларини тез англаб етди. Роман жаҳон адабиётининг нисбатан навқирон, ҳамон шаклланишдаги жанри эди. О.Шарафиддинов роман тарихи, унинг тараққиёт йўлларини яхши ўзлаштирганди. Хуллас, Озод Шарафиддинов юзлаб асарларни ўрганиб, уларни қийслаб, солиштириб танқидчиликка кириб келди. У жаҳон адабиётидаги асосий босқичларни, Ренесанс даврини яхши ўрганди. Муҳими, барча замонлардаги бадиий адабиёт табиатида рўй берадиган ўта нозик хусусиятларини англади. Фафур Фуломнинг "Вақт" шеърисидаги мана бу тўртлик мазмунини англаш — мураккаб математик формулани ечишдан оғирроқ:

Ҷрим соат ичида туғилиб, ўсиб,  
Яшаб, умр кўриб, ўтгувчилар бор:  
Кўз очиб юмгунча ўтган дам—қиммат,  
Бир лаҳза мазмуни бир бутун баҳор.

Умр моҳиятини бунчалар нозик, гўзал акс эттириш мумкинми? Содда китобхон “ярим соатгина” умр кўрадиган жонзот нималигини ўйлаб кетади.

Абдулла Орипов “Номаълум одам” шеърида туғилиш билан ўлиш орасидаги масофани нозик, кутилмаган тарзда таърифлабди:

Ўлим бу — нишонга теккан ўқ,  
Туғилиш — шиддат-ла тортилган камон.

Бутун бошли умр — отилган ўқнинг нишонга тегиши, холос. Бу — поэтика, бадиий асарнинг жавҳари, китобхонни ром этувчи сеҳр.

Абдулла Орипов “Мўмин Мирзо” шеърида “бирпас” билан “беш юз йил”ни бақамти кўяди. Бу қиёсдан муддао нимада?

Беш юз йил берида эсладим бирпас,  
Лекин бу беҳуда мотаминг эмас.  
Қалбимни ўртади аллақандай сас ...  
Мўмин Мирзо, укам, сени ўлдирдилар.

Бадиий адабиётда тасвирланган он, дақиқалар — гўзаллик артелининг оламга, асрларга татийдиган бойлиги. Санъаткор инсон руҳига қанча теран кириб борса, гўзаллик осмонига кўтарилаверади. Дунё адабиёти яратилибдики, санъаткорлар орасида узлуксиз танлов ўтказилади. Жаҳон адабиёти танловида ғалаба қозонган даҳолар нафосат самосининг сўнмас юлдузларига айланадилар. Олиму донишмандлар нафосат самосини Катта Вақт, Юксаклик мақоми дейдилар. Аввало, Катта

Вақтни англаб етиш мушкул муаммо. Уни фақат истеъдод, кучли билим билан англаб бўлмайди. Бой ҳаётий тажриба, талқиний тафаккур Катта Вақт муаммосини ҳал қилишга қодир. Бу ҳақда рус адабиётшунослари М.м.Бахтиндан сўнг С.Бройтман, Н.Тамарченко, В.Тюпа “Теория литературы” (Москва: Академия, 2006) китобининг “Историческая поэтика” қисмида ёзганлар.

Озод Шарафиддинов илмий-эстетик қарашларининг асосини Катта Вақт моҳиятини англаш белгилайди. Катта Вақт ёхуд Шарқона рамз билан айтганда, нафосат самосининг сўнмас юлдузига айланиш ниҳоятда жиддий, мушкул муаммодир. Биринчидан, Катта Вақт ўлчамига кўтарилишни миллий адабиёт доирасида ҳал қилиш мумкинмас. “Сўнмас юлдуз”ликни ёки Катта Вақт юксаклигини жаҳон адабиётининг энг етук санъаткорлари, асарлари эгаллайдилар. Жаҳон адабиёти миқёсида танлаш тарихий-қиёсий метод асосида рўй беради. Қиёслаш теран билимни, тажрибани намоён этишидир.

Инсоният тарихида XX аср ниҳоятда мураккаб кечди. Илм—техника соҳасидаги буюк кашфиётлар шу асрда пайдо бўлди. Даҳшатли атом қуроли яратилди ва синовдан ўтказилди. Инсон она-ер бағридан узилди: фазогир деган касб пайдо бўлди. XX асрда синфий кураш деган кураш тури авж олди: инсоният бир-бирига зид икки гуруҳга бўлиниб кетди. Энг даҳшатлиси, XX асрда мустабидлар кўпайди. Қатағонлар авж олди. Отилган, осилган, куйдирилганлар сони ниҳоятда кўп бўлди. XX асрда инсоннинг энг зарур эҳтиёжи — эрки поймол этилди. Эркни куйлаганлар ёстиғи қуритилди. Озод Шарафиддинов эрк туйғуси нақадар зарурлигини эрта англади. Адабиётшунос, мунаққид сифатида Чўлпондан ўтадиган эрк куйчиси йўқ эканлиғни ҳис қилди. Коммунистик мафкура Чўлпонни жисман йўқ қилиш билан чекланмади, унинг асарларини ҳам ҳибсга олди.

Чўлпон асарларини ўқиганлар шубҳа остига олинди. Озод Шарафиддинов эса Чўлпон шеърларига мафтун бўлиш билан бирга чўлпонона эрксеварлик руҳида ёзилган “Жалолиддин Мангуберди” (М.Шайхзода) фожиасини ҳузурланиб ўқиди. Жалолиддиннинг мана бу монологини жўшиб айтарди:

Киши туғилмайди бошда тож билан,  
Туғилар эрка эҳтиёж билан.  
Одамлар ўйларки, бўлмаса тожим,  
Қаландар бўлурман, қолмас иложим.  
Бечора отам-чи, фаҳми шунча кўр?  
Билмаски, шу билан тахтга қазир гўр?...  
Отами азиздир ёки салтанат? ...  
Эл узра булутлар келса ҳаводан,  
Майдонга кирмайми қўрқиб балодан?  
Йўқ, келсин бўронлар; ёғсин тошлар ҳам,  
Булар назаримда саҳарги шабнам.

Жалолиддиннинг фикрлари айнан Чўлпонникига ўхшарди. Чўлпон қора булутлар кўкни тўсиб қўйганида, бўронлар қутурганида, тошлар ёғилганида яшади. Ўзини аямай курашга отди. Озод Шарафиддинов Чўлпонни ҳам шахс, ҳам санъаткор сифатида Катта Вақтнинг совриндори эканлигини теран англади. Муҳими, Чўлпоннинг улуғ санъаткор эканлигини кўплар сезарди, лекин майдонга отилиб чиқишдан қўрқарди. О.Шарафиддинов “Чўлпонни англаш” китобида ўтган асрнинг 20-80 - йилларидаги чўлпоншуносликни синчиклаб ўрганди. Чўлпонга қарши чиққан, унинг гўзал шеъриятини бузиб-ёриб талқин қилганларнинг руҳиятига кирди. Афсуски, аксарият адабиётшунослар ҳақиқатни айтишдан кўра мунофиқликни ўзларига эп кўрдилар. Абдураҳмон Саъдийнинг “ўйинчи” лиги илгаридан маълум эди. Миён Бузрук-чи? У чин олим, фикри дадил, сўзи кескир эди-ку? Шу одам ҳақ гапни



айтса, эҳтимол, вазият ўзгарармиди? Озод Шарафиддиновни ўртаб юборган нарса шу эдики, 70-80 - йилларда ҳам Чўлпонга қарши турганлар анчагина топилди. Валоҳанки, барча миллий адабиётларда ноҳақ жабр кўрганлар оқланиб бўлган, асарлари босилган, тадқиқотчилар улар ижодини янги замон руҳида талқин қила бошлаган эдилар. 80 - йилларнинг охирига келиб Чўлпон асарлари чоп этилди. Устоз Шарафиддинов ўнлаб асарларида Чўлпоннинг Катта Вақт ўлчамлари асосида баҳоланиши мумкинлигини исботлади.

Ҳамза, Абдулла Қаҳҳор, Фафур Фулом, Ойбек ҳақидаги мақолаларида О.Шарафиддинов Катта Вақт талаблари ҳақида ёзди, ёзувчилар асарларининг руҳ-руҳига кириб талқин қилди. Абдулла Қаҳҳор асарларидаги ҳаёт ҳақиқати мукамаллиги, Ҳамзанинг юксак истеъдод эгасилиги, Фафур Фулом халқ ҳаётини теран, назик англаганлиги, Ойбек асарларидаги концепциянинг изчил, пишиқ-пухталиги танқидчини ром этди. Устоз мунаққид машҳур адибларимиз асарларидаги бадиий юксакликни, концептуал мукамалликни қувона-қувона тасдиқлади. О.Шарафиддинов истиқлол йилларида яратган асарларида ёзувчилар асарларидаги янги хусусиятларни, бадиий юксакликни ишонарли ёритди. О.Ёқубов ҳақидаги “Нутқ ёхуд адиб ҳаётининг юлдузли онлари”, Абдулла Орипов тўғрисидаги “Мувашшаҳ” мақоласида ижодкорнинг граждан, юрт фидоийси сифатидаги шижоат, фаоллигини ёритиб берди. “Мен Абдуллажон гапларини тинглаб ўтирибман-у, бошқа хаёллар калламда гулғон ўйнапти, — деб ёзади О.Шарафиддинов “Мувашшаҳ” мақоласида. — Ё тавбангдан кетай! Бу Абдуллажон ўша мен билган, қирқ йилдан бери мулоқот қиладиган Абдуллажонми? ...Йўқ, бугун қаршимда ўтирган Абдулла Орипов салобатли, йиллар юки бироз гавдасини букиб қўйган, ортиқча сочлари тўкилиб, пешонаси янада ялтираб қолган,

гапларида Шарқ донишмандларига хос мантиқ ва теранлик касб этган, нафақат ижодкор, балки етук, сермулоҳаза, кенг кўламда фикрлайдиган давлат арбоби эди. Унинг чақмоқдек қарашлари ёки ногаҳоний пешонасининг тириштиришлари, қошининг чимирилиши унча-мунча одамни шошириб қўйиши ҳеч гап эмас эди” (“Ижодни англаш бахти”. – Т.: Шарқ НМАК, 2004, 380-бет)

О.Шарафиддинов ўзбек адабиётининг муносиб намояндаси эди. У аксарият ёзувчи, шоирларимиз Катта Вақт юксаклигидан жой олишга лойиқлигини исботлади.

“Ҳолва деган билан оғиз чучимаганидай”, фалон санъаткор Сўнмас юлдуз, Катта Вақт маконининг фуқароси, дейиш билан иш битмайди. Мунаққид ёзувчини улуғласа ҳам, танқид қилса ҳам фикрини асосли равишда исботлаши жоиз. О.Шарафиддинов диди нозик, асар моҳиятини ўзига хос нигоҳ билан кузатадиган мунаққид эди. У ижоди давомида олти юздан ортиқ мақола, йигирмадан ортиқ китоб ёзди: ўнларча ёзувчилар ижодини ёритди, юзларча асарларни талқин қилди, баҳолади.

XXI асрда Озод Шарафиддинов ниҳоятда серунум бўлди: мақола, бадиа, портрет, танқидий очерк, тақризлар ёзди. Ўйиборлиси шундаки, у асосан, XX асрда яратилган асарларни қайта ўрганди, талқин қилди, баҳолади. Бошқача айтганда, мунаққид-ёзувчи асарларни Катта Вақт юксаклигига кўтариш билан чекланмади. Биз Катта Вақт юксаклигидаги асарларни “Сўнмас юлдузлар”, – деб бир ёқламаликка йўл қўйганимизни сезяпмиз. Сўнмас юлдузлар кўкда порлаб турадилар, кўзни қувонтирадилар. Лекин улар инсоният билан алоқа қилмайдилар, ўсиш-ўзгаришлари билинмайди. Катта Вақт юксаклигидаги асарлар, санъаткорлар ҳамиша инсоният билан руҳий-маънавий алоқада бўладилар. М.Бахтин мангу асарлар ва инсоният аро боғлиқликни “диалог” дейди. Ҳар икки томон – Катта

Нақт тасарруфидаги асар, санъаткорлар ҳамиша янги авлод кишилари, шаклланаётган руҳий-маънавий, ижтимоий-ахлоқий, адабий—эстетик муносабатлар билан кўп тармоқли алоқага киришадилар. Мангу асарлар, даҳо санъаткорлар янги кишилар, шаклланаётган янгича муносабатларнинг бетакрор томонларини намоён этадилар, ҳаракатдаги эстетик жараён эканликларини кўрсатадилар. Ҳар бир янги замон, ёш авлод Мангу асарларни ўқиш, ўрганишга эҳтиёж сезади. Шундай нозик пайтда мунаққид—олим ўзлигини намоён этади: мангу асар, ўлмас санъаткорларни қайтадан кашф этади. Озод Шарафиддинов “Истибдод қурбони ёхуд ўзлигидан маҳрум этилган шоир” мақоласида кучли олим, жасоратли курашчи эканлигини яна бир бора исботлади. Маълумки, 1939 йилдан бошлаб Ҳамза ўзбек шўро адабиётининг асосчиси деб келинди. Не-не олимлар Ҳамзани янги тузумнинг янги инсони, социалистик адабиётнинг устунларидан бири деб бонг урмадилар?! Ҳамза, шаксиз, истеъдодли сиймо эди. “Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий ўзбек маданиятининг йирик намояндаларидан бўлиб, Абдулла Қодирий, Фитрат, Чўлпон, Абдулла Авлоний, Боту, Фулом Зафарий каби иттиқли санъаткорлар билан бир сафда туришга муносиб ижодкор”, — деб ёзади О.Шарафиддинов. Шўро давлати олгиниш йил давомида Ҳамзани кўтар-кўтар қилди: неча авлод ёшлари “Бой ила хизматчи”, “Яша шўро!”, “Ишчилар уйғон!”ни ўқиб улғайди. Ҳамза номидаги муассаса, кўча, туманларни санаб санафига етиш мушкул эди. Ҳамза ҳақида жилд-жилд илмий, бадиий, оммавий-тарғибий асарлар ёзилди. Қайси юртда, қайси замонда ёзувчи ҳаёти ҳақида 18 серияли кинофильм яратилган?! Оламга танилган Ҳамзанинг обрў—эътиборига путур етказиш керакмиди?.. Обрў—эътибор — яхши, аммо ҳақиқат улғу, муқаддасдир. Шўро давлати буюртмаси билан ўзбек олим ва ёзувчилари бунёд этган “Ҳамза” қошонаси омонат, сохта эди. Озод

Шарафиддинов жасорат билан сохта кошонани ағдариб ташлади: пишиб, етилиб қолган мақсадни амалга оширди. Бу қилмиши билан О.Шарафиддинов Ҳамзанинг Катта Вақт юксаклигидаги ўрнидан жудо қилдими? Йўқ, аксинча. Олим Ҳамзанинг Катта Вақт юксаклигидаги ўрни, мавқеини мустаҳкамлади. Ҳамза жадид санъаткорларининг пешқадамларидан эди. У шундай бўлиб қолиши, Катта Вақт юксаклигида шу мавқени қаттиқ ушлаши лозим.

Озод Шарафиддинов Мустақил Ўзбекистон фуқароси, янгича ижтимоий-эстетик, адабий-маърифий қарашларнинг даъватчиси сифатида Чўлпон, Фитрат, Отажон Ҳошим ижодларини қайтадан ўрганди, баҳолади. “Ижодни англаш бахти” китобидаги “Ғайратий ҳақида сўз”, “Жаннати одам эди”, “Музайяна Алавия ҳақида”, “Тоҳирий ким эди?”, “Довондаги ўйлар” китобидаги “Саъдулла Қосимовни билган борми?”, “Китоблар салтанатининг маликаси”, “Тили поку, дили поку, ўзи пок” каби мақолаларида Катта Вақт минбарига кўтарилмаган, аммо ҳалол меҳнати, садоқати, виждонлилиги билан халқ дилидан ўрин олган кишиларни ёдга солади. Ғайратий, Чархий, Музайяна Алавия, Солиҳ Қосимов, Баҳри Фуломова, Ҳибзиддин Муҳаммадхонов, Юсуф Тоҳирийлар Катта Вақт юксаклигига кўтарилаётган сиймоларга елкаларини тутиб турган фидойи кишилар эдилар.

О.Шарафиддинов бир қанча ўзбек санъаткорларини Катта Вақт юксаклигига кўтарди, улар асарларини нозик талқин қилди. Нозик талқин деганда, санъаткор асарлари поэтикаси назарда тутилди. Поэтика – бадий асар гўзаллигини атрофлича ёритиб бериш, санъат асарининг ҳамиша тирик, ҳаракатдалигини кўрсатиш, катарсисга олиб борадиган назокат йўсини. Поэтика – ёзувчига қарата айтилган фикрдан кўра, китобхон қалбини ёритадиган зиё. Катта Вақт юксаклигидаги асар минг йилликлар тақвими асосида яшайди, таъсир ўтказди. Куръони карим салкам бир ярим минг йилдан бери мусулмон олами кишилари руҳониятига

тасир этиб келмоқда. Аҳмад Яссавий, Фирдавсий, Низомий, Навоий, Фузулий, Шекспир, Пушкин, Гёте сингариларнинг асарлари ҳануз инсониятга хизмат қиляпти. О.Шарафиддинов Катта Вақт олами асарларини яхши билар, вақти-вақти билан уларни талқин қиларди. “Гамлетнинг қайтиши” тақризиди мунаққид Мангу асар, Катта Вақт юксаклигининг вакили ҳақида фикр юритади: “...асарнинг муаллифи Вильям Шекспир салкам беш аср аввал туғилиб, ишаб ўтиб кетган бир ижодкор бўлса, унинг қаҳрамони Гамлет эса салкам минг йиллик тарихга эга бўлса, у ҳақдаги ривоятлар минг йил аввал одамлар ўртасида оғиздан оғизга ўтиб юрган бўлса, уларнинг бугунги, яъни ХХІ аср бошларидаги ўзбек томошабинига нима алоқаси бор? Бу қандай сеҳрли қудратки, ярим минг йил аввал айтилган сўзга боқийлик бахш этган — бошқа бир замонларда, бошқа бир халқ ўртасида, бошқа бир маданий анъаналар заминида яратилган асар бугунги томошабинни ҳам мафтун этишда, ҳаяжонга солишда давом этса, уни фикрлашга ундашдан тўхтамаса? Ҳа, Шекспир даҳо санъаткор эди — у ўз асарларида инсониятнинг мангу муаммоларини, жамиятнинг жамият қилиб тутиб турадиган асосий устунларни яхши илғаб олган, ҳар бир асарида уларни бетакрор самимият ва фавқулодда маҳорат билан ифодалаб бера олган”.

Катта Вақт мулки бўлган ҳар бир санъаткору асарнинг ўз хусусияти бор. Борди-ю, турли замон кишилари Боқий асарлардан янгиликлар топаверсалар, унда алоқалар бир томонлама — монолог бўлиб қоларди. Мангу асарлар, жонли вужуд сингари, янги замон хусусиятларини, инсонлардаги маънавий-руҳий эҳтиёжларни ўзида жамлаб, қайта намоён этади. Демак, Мангу асар ва янгилиниб бораётган замон кишилари аро ғаройиб диалог давом этади. Диалог Мангу асар ва замона донишмандлари аро мураккаб муносабатлар кўринишидир.

Озод Шарафиддинов ижодининг муҳим хусусиятларидан яна бири адабий жараёндаги ҳолат, ўзгариш, янгилиниш, изланиш каби ҳодисаларни хушёрлик билан

қуштини эди. Ижодининг бошланишидаёқ ўзбек шеърляти асрий ўзандан чиқиб кетганлигини сизди. У Миртемир, Зулфия, Мамарасул Бобоев, Шайхзода ижодидаги бақувват илдизлар моҳиятини очиб берди. Фафур Фулом, Уйғун, Мирмуҳсин, Ҳамид Фулом сингари ижодкорлар шеърлятидаги мавсумий кайфият, ҳолатларни кескин танқид қилди. Мунаққид ёш шоирлар ижодига умид билан қаради. Бошқача айтганда, “Замон — қалб — поэзия”, “Ниҳоллар”, “Лирика ҳақида мулоҳазалар” мақолалари XX аср 60-йилларидаги поэзиянинг тириклик суви, малҳами бўлди. О.Шарафиддинов, Эркин Воҳидов, Абдулла Орипов, Омон Матжон, Абдулла Шер шеърляри ҳақида завқланиб, тўлқинланиб ёзди. Лекин тўрт-беш шоирнинг ижоди ўзбек шеърлятининг умумий манзарасини бера олмасди. О.Шарафиддинов ўнлаб ёш, ҳаваскор шоирлар асарларини сабр-тоқат билан ўқиди. Унда давр шеърляти ҳақида аниқ тасаввур пайдо бўлди. “Шеър кўп, аммо шоир—чи?” мақоласида ўтган асрнинг 70-йилларидаги шеърлятни таҳлил қилди, камчиликларни аниқ, ишонарли кўрсатиб берди. Уларда “шеърлий техника мукамал, вазн равон, қофиялар бут, поэтик образларда оригиналлиқка интилиш бор”. Аммо ўртамеёна шеърларда жўшқинлик йўқ, олам тор, тақлид кучли. Бошқача айтганда, истеъдодсизлик шеърни парвоздан, узоқ яшашдан, жозибадан маҳрум қиларкан. Катта Вақт ўлчамли истеъдодсизлик билан яратилган асарларни ўзига яқинлаштирмайди. Демак, истеъдодсизлик, ўртамеёначилиқ, услубсизлик Катта Вақт юксаклигига кўтарилишдаги ғовдир.

Ижтимоий-сиёсий-мафкуравий таъқибнинг авж олиши ижодкорни кўрқоқ, журъатсиз қилиб кўяди. О.Шарафиддинов “Ҳаётийлик жозибаси, схематизм инерцияси” мақоласида ўзлигини, инон-ихтиёрини мафкуравий “терговчи” кўлига топшириб асар ёзган ёзувчи ҳолатини кўрсатади. Ҳамиша, ҳамма ерда даҳо асарлар сиёсий-мафкуравий тўсиқларни енгиб, ёзувчининг жасорати, матонати туфайли вужудга келган. Озод

Шарафиддинов ўз ҳаёти, ижоди мисолида сиёсий-мафкуравий тазйиқ нима эканлигини аниқ кўрди.

Хуллас, Озод Шарафиддиновнинг илмий-эстетик қарашлари деганда, зукко, интеллектуал инсоннинг ҳақиқат йўлида танимсиз курашганлиги, истиснодори санъаткорларни Катта Вақт юксаклигига кўтариш йўлида чеккан машаққатлари, ижодий изланишлари билдирилади.

### *Мангу силсила*

Игнанинг тешигидай булоқчалардан, ипдай-ипдай ирмоқлардан бошланган дарё умид билан денгизга интилади. Яхши ният — ярим мол... Чох, чириган тўнғак, ҳиссиз харсанг шўх ирмоқча йўлини тўсиб ташлаши мумкин. Инсон умри ҳам ирмоқ, ариқ, дарёникига ўхшайди. Озод Шарафиддинов дарёдай жўшгунича олтмиш йиллик машаққатли, мураккаб йўлни босиб ўтди. Истиқлол барча юртдошларимизга, жумладан, устозга туганмас куч, имконият берди. Президент Ислом Каримов мустақиллигимизни мустаҳкамлашга сидқидилдан киришган инсонлардан меҳрини дариг тутмади. О.Шарафиддинов истиқлол моҳиятини чуқур англади, имкониятларидан унумли фойдаланди. Олтмиш йилда амалга оширмаган ишларни 10-15 йил ичида тўлатўкис, юксак мақомда уддалади. «Жаҳон адабиёти» журналининг юзта сони, «Иждони англаш бахти», «Довондаги ўйлар» китоблари, таржималари, ватандошларига айтган безавол фикрлари — Озод Шарафиддиновдан қолган бебаҳо бойлик, қадрият.

Умрининг сўнги ўн йилида устоз глобаллашувнинг иссиқ, совуқ нафасини ҳис қилиб яшади. «Нажот — ҳамкорликда», «Барселонада ўзбек патири», «Виждон керакдир инсонга», «Мангулик шуъласи» сингари мақолаларида чайқалиб турган олам руҳи сезилади, жаҳоний тафаккур юксаклиги кўзга ташланади. «Мана, салкам ўн йилдирки, жонажон юртимиз кўксига

Мустақиллик байроғи мағрур ҳилпирамоқда, – деб ёзади О.Шарафиддинов «Виждон керакдир инсонга» мақоласида. — Биз аллақачон мустақилликнинг буюк кудратини меҳнаткаш халқ оммасига нималар беришини амалда кўриб турибмиз... Лекин мен шу йилларда фавқулодда муҳим бир соҳада ўзгаришлар қилина бошланганлигини алоҳида таъкидламоқчи эдим. Бу маънавият соҳасидир... Биз янги, демократик, адолат қарор топган жамият қурмоқдамиз. Бу жамият фақат хўжалиги ривож топган фаровон жамиятгина бўлиб қолмай, виждон ва инсоф, имон ва адолат каби умумбашарий қадриятлар тантана қилган жамият ҳам бўлмоғи керак”. Озод домла Юртбошимизнинг «Юксак маънавият — енгилмас куч» (2008), «Энг асосий мезон — ҳаёт ҳақиқатини акс эттириш» (2009) асарларини кўрмадилар. Ҳар икки китобда глобаллашув жараёнида маънавиятнинг ўрни, аҳамияти ҳақида зарур, теран фикрлар айтилган. Жамиятимизнинг асосий кучи бўлган ёшлар бу китоблардан асосли сабоқ олмоқдалар.

Озод Шарафиддинов умр бўйи ёшлар билан бўлди: таълим-тарбия берди, асарлар ёзди, таржималар қилди, давраларда тўлиб-тошиб сўзлади. Бошқача айтганда, устозлик О.Шарафиддиновнинг табиатига сингиб кетган эди. У устоз-шогирдлик фалсафасини чуқур англади, ўргатувчи масъулияти, ўрганувчи бурчини мукамал биларди. Истиклолдан кейин мангу силсила — устоз-шогирдлик муносабати тараққий этди. Юртбошимиз устозлар обрўсини кўтарди, шогирдлар учун лозим шароитларни яратиб берди. Донишманд инсонларнинг устоз-шогирдлик муносабатларини ҳозирги замон эҳтиёжи, талаблари билан бойитди, тўлдирди.

Озод Шарафиддинов устозлардан ёлчиган шогирд эди. У отасидан кўрмаган меҳрни, мардона муносабатларни Қ.Аҳмедов, С.Комилов, М.Содиқовдай мактаб ўқитувчиларидан, шоир Ҳасан Пўлатдан кўрди. САГУ (ҳозирги ЎЗМУ)га киргач, ҳақиқий устоз-шогирдлик



муносабатларининг гувоҳи бўлди. Ҳозирги Миллий университет қадимдан чин зиёли, миллатпарвар олимлар йиғилган муқаддас даргоҳ бўлган. Университетда устозу шоғирдларнинг ёзилмаган қатъий қонуни бўлган. Аввало, устоз шахсий алам, дардларини зинҳор дoston қилмас, минбардан фақат ҳақ гапни айтарди. Олимлик ва одамийлик — университетдаги устознинг юксак сифати бўлмоғи шарт эди. Университетда дарс берган одам борки, олим, сиймо бўлавермаган. Илмий ходим ҳам мақолалар ёзади, изланишлар олиб боради. Лекин талабаларга маъруза ўқиган, амалий машғулот олиб борганларнинг бари устоз бўлмаган. Олим ва устоз — университетнинг таянчи, бетакрор ўзлиги, ўқитиш, таълим беришдаги безавол йўсин. Озод Шарафиддинов университетда ҳақиқий олимларни кўрди, чин устозларни топди. Шу кунларда О.Шарафиддиновнинг «Домлалар» номли китоби ўқувчилар қўлига етиб борди. Унда Озод Шарафиддиновнинг бетакрор фазилатлари, одам танлашдаги тамойиллари, олимлик ва одамликни ўта назик талқин қилганлиги кўзга ташланади. Муаллиф йиғирмата устоз-домланинг бетакрор хусусиятларини акс эттирган. Солиҳ Қосимов, ака-ука Воҳидовлар, Нуъмон Долимов, Фулом Каримов, Абдурахмон Саъдий, Зикриё Мирҳожиев, Корнелий Зелинский, Музайяна Алавия, Матёқуб Қўшжонов, Турсун Иброҳимовлар — тиниқ, ёрқин характерлар. Уқувли ёзувчи шу характерларни ҳаракатга келтириб зўр асар яратиши мумкин. Шўро замони ҳақиқий олимнинг ярқ етиб кўринишини қўлламаган. Ажойиб олимлар ўзларига имиж танлашга мажбур бўлганлар. Солиҳ Қосимов, масалан, ўзи ясаган қиёфага ишона бошлаган. Устозлар ҳар хил кишилар бўлишларидан, шахсий ҳаётларидаги йўқотиш, қийноқларидан қатъи назар олимлик моҳиятларига хиёнат қилмаганлар. Турсун Иброҳимов деган тилшунос аждаҳо комидан қайтган — ўлимга ҳукм этилган инсон эди. У қамоқдан қайтгач, САГУда

тилшуносликдан дарс берган. Озод Шарафиддинов Т.Иброҳимовдаги энг нозик нуқтани бундай тасвирлайди: «кам куларди, бироқ бирор муносабат билан жилмайиб қўйса, шунда ҳам кўзидаги мунг йўқолиб кетмас, табассуми ҳам алланечук ғарибона ва аянчли кўринарди». Юсуф Тоҳирий бағри кенг, талабалар билан ота-боладай муомала қиладиган инсон эди. Унинг дарсида ҳеч ким зеркиб чиқмасди. Домладаги оханрабо талабаларни зумда ўзига тортиб оларди. “Мен ҳам Тоҳирий домла талабаси бўлганман. Бир куни домла аудиторияга пилдираб кириб келди. Дўмбоқ-дўмбоқ кўлларини кафедрага қўйди-да:

– Ўзбакнинг болалари, бир гап айтайми, – деди. Домла хангома бошламоқчи-ю, талаба қарши бўлармиди?

– Айтинг, домла. Эшитамиз, устоз.


– Мен композитор бўлсам, бир опера яратардим. Унга тож қилиб «Феруз» ашуласини кийдиардим. Ҳамма тинчиб қолди. Домланинг кўзига ёш келди.

– Энди дарсни бошлаймиз, – деди домла”.

Мана шундай улуғ инсон фирқавий идораларда ўзини йўқотиб қўйган. Айтадиган муҳим гапини унутган. “Домлалар” китобининг фазилатлари кўп. Ҳали бу асар, устоз ва шогирдлар ҳақида кўп гаплар айтилади.

“Домлалар”да О.Шарафиддинов У.Норматов, Н.Каримов, И.Фафуров, Б.Қосимов, Нуриддин Бобоҳўжаев, С.Содиқ ҳақида гурур билан ёзган. Домла шогирдларини қанчалик эъзозласа, шогирдлар ҳам ҳамиша устоз ҳурматини жойига қўйдилар. О.Шарафиддиновнинг ижодкор шогирдлари қанча мўл бўлса, илмий ходим издошлари ҳам шунчалик сероб эди. Чунончи, Э.Воҳидов, А.Орипов, Ў.Умарбеков, Ойдин Ҳожиева, Э.Аъзам, М.Мирзо, А.Шер, Ш.Қурбон сингарилар устоз ҳақида ўз гапларини айтмоқдалар. О.Шарафиддиновнинг йигирма еттита ҳужжатли шогирди бўлган. Улар Устоз раҳбарлигида фан номзоди илмий даражасини олганлар. Шогирдлар орасидан

омонавлари кам чиқди. Аксарият шоғирдлари ҳар қачон, ҳамма ерда устоз ҳурматини ўрнига қўядилар. Шоғирдлардан Талъат Солиҳов, Нуриддин Бобоҳўжаев, Қадимбет Султонов, Бегали Қосимов, Маъмур Абдуллаев домладан илгари вафот этдилар. О.Шарафиддинов вафот этган шоғирдларини кўмсаган, «Соғинсам, Нуриддинжон, иллайман қаерлардан?» деб мақола ёзган, шоғирди Бегали билан телефонда видолашганини йиғлаб баён этган, тоғ ошиб, дарё кечиб, аравачада Кўқонга борган, шоғирди Маъмуржон руҳи покини ёд этган. Устоз ва шоғирдлик — муқаддас, мангу силсила. У давом этса, маънавият, инсонийлик, инсоф, эзгулик миллатнинг эзгу фазилати бўлиб қолаверади.



Иброҳим Фафуров шошмасдан, тик гавдасини олдинга ташлаброқ юради. Йиғинларда сўзласа, бамайлихотир ўрнидан туради, тингловчиларга назар солади, сўнг паст овозда, сўзларни дона-дона қилиб гапира бошлайди. Фикрлари ҳамиша жонли, оҳорли, далилларга бой. Ўттиз-ўттиз беш йилдирки, адиблар, санъаткорлар, мунаққиду адабиётшунослар унинг китоблари, мақолаларини севиб ўқийди. Илмий-ижодий изланишлар, муттасил меҳнат одамни уринтириб ташлайди, дейдилар. Ундай эмас экан. И.Фафуровни танибманки, у навқирон, тетик, ишчан. Сўнгги бир-икки йил ичида сочлари сийраклашди, оқарди, холос. Соч оқараркан, тиш тушаркан, аммо одамнинг кўзи ўзгармас экан. Иброҳимжоннинг кўзлари гапиради, эъзозлайди, койийди, маъқуллайди, савол беради... Озод Шарафиддиновдай устоз, алп инсон: «...мен ҳар гал Иброҳимжон билан кўришганимда унинг кўзларидаги алланечук таъна аралаш кинояли нигоҳ қаршисида, ундаги сўз билан ифодаланмаган, лекин яққол сезилиб турадиган талабчанлик қаршисида салпал довдираб қоламан, қилган ишларимни, гапирган гапларимни бирма-бир хаёлдан ўтказиб, боримдан яхшироқ бўлишга чоғланаман», — деб ёзади («Ижодни англаш бахти», 557-бет).

Ўзбекистон халқ ёзувчиси Худойберди Тўхтабоев И.Фафуровни жуда ҳурмат қиладиганлардан. 1995 йилда «Олтин мерос» жамғармаси тузилди. Х.Тўхтабоев жамғарма раиси бўлди. Бўлим бошлиқлари, ходимлар ишни бошладилар. Аммо раис ўринбосарининг ўрни бўш. Кўплашиб шу ўринга И.Фафуровни тавсия этдик. Худойберди ака узоқ ўйланиб қолди, ниҳоят:

— Розиман. Иброҳимжонни ишга оламан. Лекин, билиб қўйинглар мен И.Фафуровга зинҳор юмуш буюрмайман, буюра олмайман. Ҳамма ишни ўзим бажаравераман, — деди.

Ўткир Ҳошимов Олий Мажлис кўмитасининг раиси бўлиб тасдиқлангач, И.Ғафуровни ўринбосарликка олди. Ҳар иккала ноиб ғайрат билан ишлашди. Лекин раис кўпинча ўринбосари хонасига кирар, бажариладиган юмушларни келишиб оларди.

Ўзбекистон Миллий энциклопедиясига И.Ғафуров ҳақида мақола ёзиб берадиган бўлдим. Мақолани олиб борсам, бўлим ходими И.Ғафуров Қомусга киритиладиганлар рўйхатида йўқлигини айтди. Ҳайрон бўлдим. Ходим билан тортишдим. Бўлмади. Бўлган гапни Ойдин Ҳожиевага айтдим. У «лов» этиб ёнди:

— Ким экан Иброҳим Ғафуровни Қомусга киритмайдиган? Иброҳим ака нолойиқ бўлса, ким жой оларкан Миллий энциклопедиядан? Ўзбекистон Миллий энциклопедияси И.Ғафуров ҳақида мақола берди. Ойдин Ҳожиева — Иброҳим Ғафуровнинг жонкуяри, чин фидоийси. У Иброҳимжонни турмуш ўртоғи бўлгани учунгинамас, замонамизнинг етук зиёлиси, билими дарё олим -мунаққидлиги, нозиктаъб адиб эканлиги учун эъвозлайди. Илм, ижод кишиси мўртроқ бўлади: ўзи учун талашиб-тортишмайди, фикри-хаёли бажараётган ишида бўлади. Ойдинхон Иброҳимжон кўнглини кўтариш, ижодга рағбатлантириш йўриқларини яхши билади. Иброҳимжон сал нарсадан боладай қувониб, зиғирдай дилсиёҳликдан хуноб бўлиб кетади. У ўглининг никоҳ тўйида сарупо кияётганида, эвараси ақиқасида қанташаётганида беҳад қувониб кетганининг гувоҳи бўлганман.

И.Ғафуров ҳамма қатори куюнади, ўкинадаи, яйрайди, дўстлар дийдори, суҳбатини кўмсайди. Лекин унинг ўз дунёси, бетакрор олами бор. Бу дунё ажойиботлари олим-мунаққиднинг «Гўзалликнинг олмос қирралари» (1964), «Ям-яшил дарахт» (1976), «Лириканинг юраги» (1982), «Ҳаё — халоскор» (2006) сингари ўн икки китоби, юзлаб мақола, бадиа, адабий портрет, мансураларида мукамал акс этган. Иброҳим

Ғафуров чиройли ёзади, китобларига ғаройиб номлар қўяди. Мунаққид китобларидаги бўлим, боб, қисмларнинг шоирона номланишини айтмайсизми: «Саодат фалсафаси», «Тонг туққан шеърият», «Оқ тонглар қасидаси», «Гул баргига ёзилган хатлар», «Навойига унсият», «Достоевский билан тунги суҳбат»...

Иброҳим Ғафуров асарларининг мояси, моҳияти нимадан иборат? Мунаққид асар поэтикасини ҳис қилади, мақолаларида беихтиёр поэтика теграсида айланади. Поэтика асарнинг териси, пўстлоғимас шарбати, нектари, тотли мағзи, ҳузурбахш асоси. Ҳақиқий олим асар ҳақида эмас, унинг ичида, поэтик моҳиятида туриб фикр-мулоҳаза айтади. Бадий асар ботинига кириш -ёзувчи билан бир дам бирга бўлиш, ҳиссиётларига шериклик қилиш, поэтика моҳиятини тушунтиришдир. Чин поэтикани англаган одам бетакрор фикрлайди, ўзини ўзи саволларга кўмиб ташлайди, иккиланади, ўйланади.

Иброҳим Ғафуров услубига хос хусусият шуки, ҳамиша шеър, лирика нима, деган савол қаршида толиби илмдай ўйланади, изланади, гоҳо ўзини ўзи инкор қилади. Лоф эмас, мунаққид китобу мақолаларида лириканинг минг бир таърифи берилган-ов... Қизиғи, минг битта таърифнинг ҳаммаси тўғри. Мунаққидлик касбининг математика, кимё, биология, борингки, адабиётшунослиқдан фарқи шундаки, у субъектив фикр айтиш, ўз тушунчаларини ифодалаш ҳуқуқига эга.

Мунаққид санъат асари ҳақида бетакрор, айни вақтда, субъектив фикр айтар экан, обрўси ортаверади. Биз субъектив деганда санъаткорона, гўзалликдан маҳрум бўлмаган, бадий асарнинг янги қиррасини ёритиб беришга интилган фикрни назарда тутамиз. Адиб, санъаткор, мунаққидлар «сал-сал» (Л.Толстой табирича, «чуть-чуть») деган сўз маъносини нозик англайдилар, «сал-сал» қалам теккизиш гоҳида асарни тамоман «очиб юборади», ойдаи эканлигини намоён қилади. Кўпинча,

«сал-сал» субъектив, лутф, бадиий безик вазифасини ўтайди. Ўтган асрнинг 70-йилларидаги ўзбек ҳикоячилигини шарҳлар экан, мунаққидда қоникмаслик, ҳикоячиликни баҳолашдаги изланишлардан кўнгли тўлмаслик ҳисси пайдо бўлади. Шунда у ўз шарҳига «сал-сал» қалам теккизадди: ўзини хижолатдан, ёзувчиларни маломатдан асрайди, «Халқимиз тулки инига қараб хуриса, кўтир бўлади, дейди. Мен ҳам агар ҳикояларимизда юксак бадиий кучга эга бўлган ижобий қаҳрамонлар ниҳоятда кам ярагиляпти, десам, янгилик очмайман, лекин тулкининг аҳволига тушишдан кўрқаман. Чунки талаб ва идеалдаги ижобий қаҳрамон кунда яратилмайди» («Жозиба», 50-бет). Бадиий асар поэтикаси ҳақида фикр айтиш, аниқроғи, поэтикани англаб етиш мушкул юмуш. Мунаққид шеърни, поэтикани англамасдан гап айтаверса, бебурд бўлади. Иброҳим Ғафуров лирика юрагини биледи, унинг зарбларини тиниқ эшитади. Шунинг учун бўлса керак, шеър ҳақида билиб-билмай, таваккал гап айтиб ташлайверадиганларни ёқтирмайди. Китобларининг гувоҳлик беришича, у бир неча бор мунаққид Н.Худойберганов билан баҳслашган. Бу танқидчи Э.Воҳидов ғазалларини ҳам, мураккаб тимсолли шеърни ҳам, оддийгина асарни ҳам «уриб», танқид қилиб ташлайверарди. Иброҳим Ғафуров «Гугурт» (Тўлқин), «Ёмғир хонанда» (А.Абдураззоқ) шеърлари таҳлилида Н.Худойберганов фикрларига қўшилмайди. Аниқроғи, шеършунос сунъий қолиплардан зинҳор фойдаланмаганлиги маъқуллигини айтади: «Танқидчи ўзига бир доира ясаб олган. Абдулла Қаҳҳор буни тоғора деб атайди. Шеърни шу доира ёки тоғорага солиб кўради, доира ичидагилари яхши, доирадан чиққанлари — ёмон. Доира эса, нафсиламри шундайки, ундан кўп дилбар шеърлар, образлар, эҳтимол, бутун бир шеърят чиқиб кетади» («Ёнар сўз», 67-бет).

Иброҳим Ғафуров шеърни талқин қиларкан, қийёсларга, тажрибага, ички ҳароратига ишонади. У шеър нима дейди-да, изланишга, руҳий ҳолатга мос жавоб топишга интилаверади: «Шеър — бу оламга татирли гап айтиш санъати.

Баъзи шеър бадандаги қон каби бўлади. Зиддиятли таначалардан ташкил топади. Булар зиддиятли тўлқинларни туғдиради. Тўлқинларнинг мингашуви, ўркак бўлиб денгиз сатҳидан кўтарилуви, эҳтиросдирки, шеър шудир» («Ёнар сўз», 7-бет). «Шукуҳ» мақоласида мунаққид ёзади: «Шеър юрак билан ёзилади, юрак билан ўқилади, юрак билан тингланади. Шунинг учун уни руҳнинг маҳсули дейдилар» («Ям-яшил дарахт», 217-бет).

Шундай шоирлар борки, уларнинг асарлари нафақат «шеър нима?» деган мангу саволга жавоб беради, балки қайси сўз, қайси бўғин, қайси урғуда шеър юраги зарби кучли, ожиз эканлигини аниқ кўрсатади. «Юрак — аланга» китобида «Назокат» деган мақола бор. Унда Саида Зуннунова шеърлари поэтикаси талқин қилинади. Мунаққид «шеър қалб амри билан дунёга келиши»ни (129-бет), у «игна билан қазиладиган ҳунарлиги»ни ёзади. Шеър руҳига сингиб бораркан, тадқиқотчи буюк сеҳрга дуч келганини англай боради.

Иброҳим Ғафуров Зулфия шеърятини сууб талқин қилади. Унинг деярли барча китобида Зулфия шеър, дostonлари теран ўрганилади. Кузатишлар шуни кўрсатадики, мунаққид Зулфия, Саида Зуннунова шеърятини ҳақида жўяли фикр айтиш мақсадида қадим юнон шоираси Сапфо, “Чили шоираси Габриэла Мистрал, югославиялик Десанка Максимович, америкалик Эдна Миллэй, болгариялик Елисавета Багряна, арманистонлик Сильва Капутикян, Россиянинг шоиралари Марина Цветаева, Анна Ахматова, Людмила Татьянаичева, Мария Петровихлар ижодини” («Ўттиз йил изҳори», 107-бет) ўрганади. Бошқача айтганда, Иброҳим Ғафуров гендер психологияси масаласини ўзбек танқидчилигига биринчилардан бўлиб олиб кирди. Ўйлаб кўрилса, шоиралар ижодидаги руҳий ҳолат ўзига хос, бетакрор бўлади. Аёл қаерда, қачон яшаганлигидан қатъи назар, унинг руҳиятида эркакларникидан жиддий фарқ



қиладиган томонлар албатта бўлади. Афсуски, шўро даврида аёл санъаткорлар руҳияти, бетакрор томонлари ўрганилмади. И.Ғафуров гендер психологиясига қўл урмаслиги мумкин эмас эди: тақдир уни истеъдодли шоира, аёлларга хос руҳий ҳолатни ўзида жамлаган Ойдин Ҳожиева билан яшаш, ижод қилиш бахтига муяссар этди. И.Ғафуров Гулчеҳра Жўрасева, Гулчеҳра Нуриллаева, Шарифа Салимова, Турсуной Содикова, Ҳалима Худойбердиева сингари шоиралар ижоди ҳақида теран талқинлар қилди.

Мунаққид ижодида яна бир хусусият кўзга аниқ ташланади. У шоир ижодини шу даражада мукамал ўрганадики, алалоқибат ўрганилаётган шоир асарларининг махражи, илдизи аниқ намоён бўлади. Ғафур Фуломни И.Ғафуров Боғбон, Ота, Куёшсевар сифатида мукамал ёритиб берди. Миртемирни «фикрга фарқ донишманд» сифатида англади. Интеллектуаллик Мақсуд Шайхзода ва Асқад Мухтор поэзиясининг мояси эканлигини белгилайди. Мунаққид Зулфияни оқила деб билади, чунки шоира вақтдан унумли фойдаланади, уни бебаҳо бойлик дея авайлайди.

Иброҳим Ғафуров шеърни тирик мавжудот деб билади. Унга эҳтиётлик билан муносабатда бўлади, ранжитиб кўйишдан ўзини тияди. Нафақат шеър, балки шеърхон руҳи, табиати, кайфияти ҳамиша ўзгариб турадики, шеърни баҳолаш ҳам ҳамиша товланиб, ўзгариб боради. XX аср япон шоири Н.Дзюнзабурда сўзлари билан айтганда: «...ҳар турли одамларда, ҳатто бир одамнинг ўзида ёшга боғлиқ тарзда ва ҳатто куннинг вақт улушлари билан боғлиқ тарзда ҳаётимиз тез ўзгариб, бошқача-бошқача бўлиб туришига кўра шеър ҳақидаги тушунча ўзгариб қолиши мумкин» («Шеърят — изланиш демак», 179-бет).

Эркин Воҳидов, Абдулла Орипов, Иброҳим Ғафуров ўзбек адабиётига ўтган асрнинг 60-йилларида кириб келдилар. Уларнинг гўзалликка, бадиий ижодга, санъатга муносабатларида яқинлик, муштараклик кўп. Мунаққид

кўпроқ Эркин Воҳидов, Абдулла Орипов ижоди ҳақида ёзади. Абдулла Орипов шеъриятидаги фалсафийлик «Генетика», «Денгизга» сингари шеърлар талқини орқали ёритилади.

Иброҳим Фафуров — Эркин Воҳидов ғазалларини, дostonларини саҳна асарларини, шахсий ҳаётини чуқур ўрганган мунаққидлардан бири. Бу икки санъаткор аро ижодий ҳамкорлик, самимий руҳий яқинлик менга Чўлпон ва Вадуд Маҳмуд аро ижодий боғлиқлик, тотувликни эслатади. 20-йилларда Чўлпон ҳақида кўп ижодкорлар, мунаққидлар мақолалар ёздилар. Лекин Вадуд Маҳмудгина Чўлпон руҳини, поэтик бетакрорлигини бошқаларга нисбатан теран англаб ёзди. Шоир халқи кузатувчи бўлади: Чўлпон Вадудни ўзига яқин тутди, унга бир неча шеър бағишлади. Вадуд Маҳмуд эса Чўлпон ҳақидаги ҳаяжонли, жонли, дадил мақолаларини эълон қилди. Иброҳим Фафуров Эркин Воҳидов ижодини севади, асарларини нозик талқин қилади. Мунаққид шеърнинг минг бир таърифини берган, деган эдик. Мана шу таърифларнинг кўпчилиги Э.Воҳидов шеърлари талқини жараёнида шаклланган. Иброҳим Фафуров учун Омон Матжон, Жамол Камол, Рауф Парфи, Ҳусниддин Шарипов, Теша Сайдали, Хайриддин Салоҳ шеърлари ўзига хос дунё. Аммо у шеърый оламлар аро Эркин Воҳидов яратган бебаҳо дунёни жуда юксак баҳолайди, ижодининг барча томонларини мукамал ўзлаштиришга интилади. Шоир ижодини таҳлил қилиб туради-да, бу шеър қачон, қандай яратилганлигини эмин-эркин сўзлаб беради. Чунки Э.Воҳидов ижодинимас, унинг ҳаётини, асарлари биографиясини яхши билади.

Иброҳим Фафуров поэзияни қанча мукамал англаса, бадий наср поэтикасини ҳам теран ҳис этади. Буни Саид Аҳмад ҳақидаги «Прозанинг шоири» китоби, Одил Ёқубов, Пиримқул Қодиров, Шукур Холмирзаев, Худойберди Тўхтабоев, Ўткир Ҳошимов тўғрисидаги

мақола, кузатувлари мисолида билиб олиш мумкин. Мунаққиднинг уқтиришича, Саид Аҳмадга «Ойбекдан хаттий порлоқлик, Абдулла Қаҳҳордан лўндалик ва ўткирлик, А.Қодирийдан пластик тасвир ўтган» (4-бет). Саид Аҳмад яратган характерлар ҳақида ёзаркан, «инсоний иқтидор одамни мунаввар этишини», «ўзидан фахрланадиган, ўзини севадиганлар ҳалол ва пок бўлишини» (117-бет) таъкидлайди. И.Фафуров «Уфқ»даги Икромжон характерини талқин қиларкан, ижодида илк бор онг оқими масаласини кўтаради. Асл поэтика қаҳрамонлар руҳияти, онгининг қайсидир қисмида ҳаракатланаётган, табиий ҳолда рўй бераётган жараённи очиб беришда намоён бўлади.

Мунаққиднинг «Юрак — аланга» китобидаги «Ҳаётнинг тоза кўзгуси» мақоласида Пиримкул Қодиров асарларидаги характерлар талқин қилинади. Ушбу мақоладаги ўзига хос тажриба диққатимни жалб этди. Яъни мунаққид П.Қодиров асарларини яхлит, бир бутун ҳодиса деб билади. У Гавҳардан («Уч илдиз») Розияга («Эрк»), Розиядан Вазирага («Олмос камар»), Вазирадан Хонзода бегимга («Юлдузли тунлар») ўтган хусусиятларни таҳлил қилади. Бундай тажрибада биографик метод кўзга «ярқ» этиб ташланади. И.Фафуров ўз ижодида кўплаб изланиш, таҳлилнинг янги кўринишларини синаб кўрган. Масалан, у адабий қаҳрамонларга, ижодкорларга мактублар йўллаган. Ҳар бир мактубда бадиий асар поэтикасининг бирор жиҳатини ёритиб беради. «Ҳаётнинг тоза кўзгуси» мақоласида фақат аёллар характерини яратишдаги муштараклик, бетакрорликларгина кўрсатилмайди. Мунаққид Маҳкам («Уч илдиз»), Искандар («Қадрим»), Саттор («Эрк»), Аваз («Қора кўзлар»), Аброр («Олмос камар»), Ёлқин («Мерос») характеридаги боғлиқликларни кўрсатади. Характерларни қиёслар экан, мунаққид ҳаёт нақадар мураккаблигини, вақт инсонлар турмуш тарзига ўз ҳукмини ўтказишини эслатади. Иброҳим Фафуровнинг П.Қодиров ижоди, қаҳрамонлари эволюцияси ҳақидаги мақоласи ёзилганига

ўттиз йил бўлди. Бу давр ичида ижтимоий-сиёсий ҳаётда муҳим ўзгаришлар рўй берди. Адабий-бадиий, фалсафий-эстетик қарашларда янгиликлар ниҳоятда кўпайди. Ҳар бир адабиётшунос, мунаққид ўзининг кечаги кунига қараса, вақтнинг нақадар буюк ислоҳотчи эканлигига ишонади. Иброҳим Фафуров ўн йиллар чамаси танқидчиликдан сал узоқлашди: ижтимоий-сиёсий фаолият билан банд бўлди. Лекин у ҳаминша ёзиб турди, таржимонлигини узлуксиз давом эттирди. Икки-уч йилдирки, И.Фафуров кадрдон маскани, адабий танқидга, бадиий ижодга қайтди. 2006 йилда файласуф-мунаққид, таржимон-адиб Иброҳим Фафуровнинг «Ҳаё — халоскор» номли асл асари чоп этилди. Англаш қийинмаски, мунаққид шўро даврида ёзган асарларини қайта кўздан кечирди: улардаги ёниқ, ҳануз навқирон мақола, танқидий очерк, адабий портретларни кўриб қувонди. Аксинча, истиқлолнинг кучли, тиниқ нури қаршисида рангсизланган, қуввати қирқилган фикр-мақола, бадиа, шарҳларни кўриб, муаллиф сифатида ўқинди, улар тарих бисоти бўлиб қолганлигини тушунди.

Биз И.Фафуровнинг ёзувчи П.Қодиров яратган адабий характерларни тасниф қилгани ҳақида сўзлашаётгандик. Мана, мунаққид «Мерос» қиссаси қаҳрамони Ёлқин Отажоновни қандай таърифлайди: «Бир жийрон от салқинда дам олиб, ўтлаб куч йиғиб туради. Иккинчи от билан Ёлқин кун тиғида гўзани культивация қилади. От қаро терга тушиб кетади. Алоҳа культивацияни тортолмай қолади. Ёлқин уни даладан олиб чиқади. Далага иккинчи отни олиб тушади. Кечга томон бу от ҳам тамом ҳорийди. Лекин Ёлқин чарчадим демайди. Икки отни ҳоритиб ўзи ҳоримаган одам қандай одам?» («Юрак — аланга», 116-117-бетлар). И.Фафуров «Қирқ беш кун» романидаги Азизхон, Дўнан полвон, Эш полвонни ҳам қора терга ботиб ишлаганини мақтаган эди. Хуллас, нозиктаъб И.Фафуровнинг шўро давридаги асарларида ижтимоийликни улуғлаш, партия кўрсатган йўлни ҳақ деб билиш камчилиги учрарди. У характер ҳақида қаерда

ёзмасин, уни ижтимоий муносабатлар жамулжами эканлигини таъкидларди. Ҳозир аксарият фикрловчи инсонлар, ҳатто рус танқидчиларининг ўзи В.Белинский, Н.Добролюбов, Н.Чернишевский асарларига танқидий муносабатда бўлмоқдалар. Айниқса, шиддатли Виссарион асарларида бўрттириш, зиғирдай фикрни баландпарвоз ўхшатишу қиёсларга ўраб ифодалаш хусусияти кучли бўлганлиги айтиляпти. Рус инқилобчи — демократлари ижтимоийликни шу даражада юксакликка кўтарганларки, асл моҳият, асос кўзга ташланмай қолган. Иброҳим Фафуров «Абадий исён», «Қалдиरोқ» мақолаларида Белинский, Добролюбов ижодини авж пардада улуғлайди («Ўттиз йил изҳори» китоби, 78-93 - бетлар). Ажабки, «Ҳаё — халоскор» китобига «Достоевский билан тунги суҳбат» номли теран маъноли бадиа киритилган. Мен бу мақолани ўқиб янгиланган, миллий истиқлол руҳи, кучини ўзига сингдирган Иброҳим Фафуровни кўрдим. Ф.Достоевский жаҳон адабиётидаги мангу барҳаёт санъаткорлардан бири. Иброҳим Фафуров бу санъаткорнинг «Жиноят ва жазо», «Телба» асарларини ўзбекчага ўтирган. Яъни Достоевский ҳаёти, табиати, ижодини мукаммал билади. У улуг санъаткор «Кундаликлари»ни ўқиб ҳайрон бўлади, наҳотки..., наҳотки... деган адоқсиз саволлар қаршисида лол қолади ва «Достоевский билан тунги суҳбат»ни бошлашга жазм қилади. Достоевский ёзишича, «рус подшоси барча мусулмон шарқига ҳукмдор бўлиши керак... Россиянинг зиммасида умумжаҳоний вазифа турибди: у Осиёни бўйсундириши ва маданийлаштириши керак... Осиёни биз олмасак, инглизлар, немислар, америкаликлар олиб кўйиши турган гап, деб ўша пайтдаги Россия ҳукмдорларини ўртаётган «хавф»ни баён этади. «Маданийлаштириш» ғояси Достоевскийдан чиқмаган. У ўша замондаги барча қудратли салтанатлар учун озуқа ғоя эди» («Ҳаё — халоскор», 324-325-бетлар). Тўғри, «маданийлаштириш ғояси» Достоевскийдан чиқмаган. В.Белинский ҳам Муҳаммад умматларини маданиятдан йироқ деб билган. Лекин

Л.Толстой бундай деб ўйламаган-ку? Аксинча, у мусулмонларнинг муқаддас китоби «Қуръони карим» ҳар хил бадъатлардан асраб қолинганлигини ёзади. Демак, гап буюк санъаткорларнинг дунёни, миллатларни, динлар тарихини билишига ҳам боғлиқ экан. Тўғри, Белинский, Достоевский, Добролюбов, Писаревлар ашаддий миллатпарвар бўлганлар. Шу хусусият улар асарлари қатқатига сингиб кетган.

Иброҳим Ғафуров адабий-танқидий фаолиятини замонавий адабиётни талқин, таҳлил қилишдан бошлаган эди. У аста-секин мумтоз асарларни, Навоий, Бобур ижодини ўзлаштира борди. Мунаққид «Ўттиз йил изҳори» асарига «Тафаккур ва ҳиссиётнинг олий нуқталари», «Ишқ шиддатининг поғоналари» мақолаларини киритган. Унда Навоий ижоди ҳақидаги кузатишлари, ўйлари, қарашларини баён этган. Навоийни ўқигани сайин мунаққиднинг қулфи дили очила борди, ундаги ҳайрат бир неча поғона ортди. «Ҳаё — халоскор»да Навоийга бағишланган ўн иккита мақола бор. Уларнинг етакчи хусусияти қисқалик, лўндалик. Ҳар бир мақола, мисоли, анор, ёнғоқ; мазмун тифиз, тотли, унутилмас. Ўзгача айтганда, И.Ғафуров Навоий поэтикасининг нақ ўзгинасини тасвирлаган қўйган. Китобда Бобур ҳақида уч ярим саҳифали мақола бор — «Қуёш бошпанаси ва Бобур». Мунаққид Бобур нафақат ўзбеклар, балки барча туркий қавмлар хусусиятини ўзида мужассам этган сиймо эканлигини ёзгач, қуйидаги ёмби фикрни баён этади: «Бобурдаги муқаддас нарса: олижаноб фикр, олижаноб кечинма. Бу ўша... қуёшдан ўзга бошпанаси йўқ одамнинг сиз билан бизга мерос қолдирган ой нуридай тиниқ хаёллари. Бизнинг ҳам ҳамон қуёшдан ўзга бошпанамиз йўқ. Сиз ахир буни инкор этмасангиз керак» («Ҳаё — халоскор», 275-бет).

Қаранг, Фёдор Достоевский Навоий, Бобурдай асл сиймолари бор «мусулмон шарқини маданийлаштирмоқчи» бўлиб ўтган-а... Дарвоқе, биз бир неча аср, йиллар давомида Бобурни «Бобир» деб келдик. Иброҳим Ғафуров битта асосли

луқмаси билан «Бобир»ни «Бобур»га айлантирган. Бу далилни ҳозирги ёш авлод билиб кўйсин дейман-да.

Биз Иброҳим Ғафуровнинг бадиий наср муаммолари ҳақидаги фикрларини Саид Аҳмад, П.Қодиров асарлари, қаҳрамонлари мисолида гапира бошлаган эдик. Мунаққид Одил Ёқубовни, унинг асарларини мукамал билади. Ёдимда, «Улуғбек хазинаси» босилгач, И.Ғафуровнинг «Роман — тарих ойнаси» тақризи босилган эди. Унда роман поэтикасига оид нозик кузатувлар бор. Мунаққид Улуғбек, Мавлоно Муҳиддин, Абдуллатиф характерларини ўрганар экан, диққати Али Қушчи характерида жамулжам бўлади. Али Қушчи характерини талқин этишда И.Ғафуров поэтикани — асар асосини топгандай бўлади: «Бу образни чизганда ёзувчининг хаёли яхши парвоз қилади. Унинг қадамларини кузатган дамда адибнинг муҳаббатли нигоҳи сезилиб туради... Али Қушчи қалбида эътиқоднинг сўнмас алангаси ёнади. Шу аланга бу образни ички бир нур билан ёритиб туради. Бу нурдан ҳатто шахзода Абдуллатиф ҳам чўчийди. Кўршапалақдек уни кўрганда қунишади. Балки мағлуб бўлади. Али Қушчи орқали адиб маърифат инсонни қанчалик сарафроз қилиши, уни мумтоз бир даражага кўтаришини ишонарли ифода этиб беради» («Ям-яшил дарахт», 93-94-бетлар). И.Ғафуров Одил Ёқубов қисса ва романларини жўшиб, ҳаяжонланиб талқин қилади. Мунаққид услубидаги ҳиссий-тимсолийлик ҳар қандай китобхонни ром этади. Гоҳо китобхон мунаққиднинг шоирона услубига маҳлиё бўлиб, назарий жиҳатдан анча хом, ўрнида ишлатилмаган фикрларни сезмай қолиши мумкин. Масалан, мунаққид «Оталарнинг қутлуғ изидан» мақоласида Эркин Воҳидов шеър, дostonларини таҳлил қилиб туриб, қутилмаганда мақола руҳига номутаносиб ҳолда бундай фикрни ёзиб юборади: «Донишманд йўлбошчи айтган: барча файласуфлар дунёни тушунтириб келдилар, энди гап уни қайта ўзгартиришда деб! Шеърят

дунёни тарбиялашни ўз уҳдасига олган. Тарбиялаш ҳам асли ўзгартириш, инсониятнинг асл идеалларига кўра ўзгартириш. Ўзгартириш эса севиш ва ҳарорат билан бўлади» («Ўттиз йил изҳори», 151-152-бетлар). Бу фикрлар муназарага чорлайди: дунёни қайта ўзгартириш қаждаю, севиш ва ҳарорат қажда?! «Доҳий Маркс» машҳур ўн бир тезисида дунёни инқилобий тарзда, яъни қурол-аслаҳа билан ўзгартириш, қон тўкиш, қурбонлар беришни масала қилиб қўяди. Шерият билан тарбиялаш зинҳор дунёни ўзгартиришмас. Машъум социалистик реализмнинг инкор қилинишига дунёни инқилобий тарзда ўзгартириш даъвати асосий сабаблардан бири бўлди.

Ҳозирги 60-70 ёшдагиларнинг руҳига соцреализм методи сингиб кетган. Лекин кўпчилик соцреализм моҳиятни тўғри англамаганидан боши берк кўчаларга бот-бот кириб чиқди.

Иброҳим Фафуров «Ҳаё — халоскор» асарида янгиланган «мен» сифатида намоён бўлди. Унинг мансура, мақола, бадиаларида санъат, санъаткорлар ҳақида янги ракурсдан туриб баҳо берилди бошланди. «Ҳаё — халоскор»даги мансураларда фикр, ғоя табиий тарзда, самимий ифодаланади. Муаллиф кўплаб воқеа, ҳодиса, шахсларга нисбатан ўзининг бетакрор нуқтаи назарини ифода этади. «Ҳаё — халоскор»га шакли мураккаб, мазмуни теран асарлар киритилган. Китобдаги асарларни мен математик формула, тенгламаларга қийсламан. Ҳар ким ўз имкони, интеллектуал даражасига кўра китобдаги формула, тенгламаларни ечади.

«Ҳаё — халоскор» моҳиятан танқидчилигимизда янги ҳодиса, модерн асарлар жамулжами. Модерн — янгича нуқтаи назар, руҳнинг шакл топиши, бетакрор услуб. Иброҳим Фафуров ўтган асрнинг 70-80 - йилларидан эътиборан модерн адабиёт, унинг қонуниятлари билан танишди. Модерн асарларда ҳиссий таъсир, руҳнинг товланишлари муҳимдир. Реалистик асарлар руҳида



шаклланган китобхон модерн услубидаги асарларга узоқ вақт кўника олмайди. Модерн асар мазмунини сўзлаб бериш мушкул, аммо ҳар қандай ўқувчи модерн асарни ўқигач, руҳида муҳим ўзгаришлар, қониқиш пайдо бўлаётганини сезади. Герман Гессе, Носсак, Кёппен, Хьюберт Лампо, Макс Фриш асарларини уқиш мушкул, аммо уларга ўрганган китобхон қалбида, руҳида ажабтовур ўзгаришлар рўй беради. Иброҳим Ғафуровнинг илк мансураларида руҳият тасвири етакчи эди. Бора-бора унинг мансураларида Шарқона донишмандлик билан Ғарбона руҳиятга таъсир тамойили кучайди. У мансураларнинг бирида руҳ тасвири масаласига эътиборни тортади. «Ўзни англаш — II»да ўқиймиз: «Француз адиби Андре Марло» ёзади: «Агар биз руҳга шакл берсак, ундан ўзимизни қутқарамиз, ундан, унинг таъсиридан халос бўламиз... Шунда мен ўзимнинг нега рассом эканлигимни тушуниб қолдим...»

Баъзи одамлар кўрқинчли тушларнинг таъсиридан қутулиши учун унинг тасвирини чизиш ёки батафсил ёзиш керак дейишади. Балки халқнинг «тушингни сувга айт...» деган ҳикматли сўзи шундан қолгандир. Ахир сув ҳам тасвирини ўзи билан бирга оқизиб кетади. Ҳар қалай Марло ўта топиб ва жуда аниқ гап айтган: «Агар биз руҳга шакл берсак, ундан ўзимизни қутқарамиз...» Қандай доно фикрлар бор дунёда!» (76-бет). Модерн — руҳга шакл бериш, руҳни ҳаракатлантириш, руҳга ўзгани ҳам ошно қилиш. Модерн асар инсонда йиғилиб қолган, намоён бўлишга интилаётган руҳга эрк беришдир.

«Ҳаё — халоскор» китобида «Фридрих Нитше — тафаккур ва хаёлот сеҳргари» номли туркум бор. И.Ғафуров, табиийки, Нитшенинг 20 жилдлик асарларини талқин қилиши мумкин эмасди. Аммо мунаққид-адиб олмон файласуф-шоири Нитше ҳақидаги ҳайратларини ифодалайди. Нитше эркин мутафаккир, донишманд эди. У бирон назария ёхуд диний қараш


йўсинини давом эттирмади: олам, табиат, инсон, аъло одам ҳақидаги ўз ақидаларини ифодалади. Немис мутафаккири оламини, одамни англашдагинамас, ўз қарашларини модерн ифодасида ҳам бетакрор эди. И.Фафуров ишончига кўра, Нитше асарлари, жумладан, «Зардушт таваллоси» мукаммал модерн асар намунаси. У нафақат ақлни бойитади, балки руҳни эркалайди, унинг эмин-эркин тараққиётини таъминлайди.

Иброҳим Фафуров таржимонлик фаолиятини реалистик асарларни ўзбекчалаштиришдан бошлади. Кейинчалик у халқ эпоси «Панчатантра»ни, «Қиёмат»ни таржима қилди. Достоевский асарлари таржимонни руҳий оламдаги ҳаракатлар, ўзгаришлар жараёни билан таништирди. И.Фафуров фусункор реализм адабиёти намунаси «Бузрукнинг кузи»ни таржима қилар экан, модерн асар руҳи, нафасини сезиб турди. Таржимон «Зардушт таваллоси»ни ўзбекча кўринишини яратар экан, модерн асар билан юзма-юз келди. Мантиқан энди И.Фафуров муҳим бир модерн асарни ўзбекчага ўгиради. Китобхонга модерн асарни ўзбек тилида ўқиш, янги йўсин асарларини ҳис қилиш, тушуниш имконини беради.

Иброҳим Фафуров асарлари истиқлолдан сўнг янги бир манба билан бойиди. У диний-тасаввуфий қарашлардир. Мунаққид-олим Навоийга улфат бўлишни, унинг яқинига келиб ўтиришни орзу қилади. Навоийга улфат бўлиш, даҳо санъаткорга дўст тутинишнинг биринчи талаби ислом дини, тасаввуф фалсафасини билишдир. И.Фафуров ўн тўрт мақолада Навоий ҳақидаги қараш, тушунишларини баён этади. Мунаққид ақидасича, Навоий собиту сайёрани, бутун борлиқни нурафшон этган сиймо. У Навоий даҳосини Нилуфар гули мисолида улуғлай олган: «Коинотнинг зилоли, коинотнинг адоқсиз зулмати ва худди шунингдек, ҳеч туганмас нурафшонлигида очилиб турган бу тирик нилуфар нақадар гўзал! У Навоийнинг космик хаёл оламларида очилиб, бизга борлиқ ва йўқликнинг

сирларидан тўхтамай сўйлаб туради. Одамзодга, ҳар бир одамга қачон ва қасрда яшамасин шу тирик шабнамга хиёнат қилма, булғама, уни сўндириб қўйма дегандай бўлади... Сиз ўзингизни ҳеч қачон нилуфарнинг коинот мовийлиги жам япроғига қўнган томчи ичида тасаввур қилганмисиз? Навоий сизда, мукаррам инсон боласида шундай шоирона тасаввур уйғониши ва ҳоким туйғуга айланишини истайди» («Ҳаё - халоскор», 216-бет).

Иброҳим Фафуров ўндан ортиқ китоб, юзлаб мақолалар ёзди, жаҳоншумул адиблар асарларини ўзбек тилига таржима қилди. У ўзлигини бус-бутун намоён этди. «Ҳаё — халоскор» олим-адиб-мунаққид Иброҳим Фафуров ижоднинг олмос қадалган тожи бўлди. Тож кийган мунаввар сиймони ҳамма кўради, унга интилади, ҳавас қилади.



Инсонлар борки, одамларсиз, улуғ мақсадларсиз яшашни яшаш демайди. Бундайларни жазоламоқчи бўлсанг, урма, сўкма — ёлғизлатиб қўй, мақсадларидан Мосуво қил. Академик Бахтиёр Назаров одамохун, юрагида ёли бор инсонлардан. Бундайларни халқ “Худо ярлақанлар”, — дейди.

Б.Назаров Иккинчи жаҳон урушидан сўнг сталинча оммавий қирғинлар барҳам топгач, 1945 йил 17 сентябрда Тошкентда туғилди. Унинг шахс, мутахассис сифатида шаклланиши 60-йилларга, ҳурфикрлик шабадалари эсиб турган замонларга тўғри келди. Бўлажак академик 1961 йилда 12-сон ўрта мактабни тамомлагач, ТошДУ филология факультетининг кечки бўлимига кирди, кундузги 159-трестнинг 9-қурилиш бригадасида ишлай бошлади. Замон тинч бўлгани билан кун кўриш анча мушкул эди. Отасиз ўсаётган Бахтиёр ноннинг нархини, пулнинг қадрини яхши биларди. Учинчи курсдан бошлаб Б.Назаров ўқишини кундузги бўлимга ўтқазди — етук мутахассис, чин инсон бўлишни орзу қилди. Университет таҳсилини тугатгач, Юқори Чирчиқ туманидаги 36-мактабда ўқитувчилик қилди.

1967 йилда Б.Назаров катта ният, қатъий ишонч билан Ўзбекистон Фанлар академияси Тил ва Адабиёт институти эшигини очди: кичик лаборант, аспирант, лаборант, илмий ходим, ЎзФА Президиуми илмий-ташкилий бўлим котиби, академия бош илмий котиби ўринбосари (1973-1979), катта илмий ходим, Тил ва адабиёт институти директори (1986-1990) бўлди.

Аспирантура муддати тугамасдан “Ўзбекистонда эстетик тафаккурнинг қарор топишида Ойбекнинг ўрни” мавзуида номзодлик диссертациясини ҳимоя қилди. Б.Назаров ижтимоий-ташкилий юмушлар билан банд бўлишига қарамай илмий тадқиқот ишини кунт билан давом эттирди. Ўзбек танқидчилиги муаммоларига

бағишланган йирик монографиясини 1977 йилда, “Ўзбек адабий танқидчилиги” асарини 1979 йилда чоп эттирди. У докторлик диссертацияси ҳимоясига жиддий тайёрланди ва 1984 йилда “Ўзбек адабий танқидчилиги методологик асосларининг шаклланиши ва қарор топиши” мавзусидаги докторлик ишини ҳимоя қилди. Олимнинг тадқиқотиغا Москва, Боку шаҳридан ташриф буюрган мутахассислар юксак баҳо бердилар.

Йигирма беш йилдирки Б.Назаров Тил ва адабиёт институти қошидаги Ихтисослашган илмий кенгаши раҳбарларидан бири. Шу муддат давомида тахминан тўрт юзга яқин олим филология фанлари номзоди, доктори илмий даражасини олиш учун диссертация ҳимоя қилди. Бошқача айтганда, мамлакатимизда, хорижда фаолият кўрсатаётган филолог — олимлар илмий тақдирида Б.Назаровнинг муносиб ҳиссаси бор.

Олим Б.Назаров 1986 йилдан буён Ўзбекистон Фанлар академияси Алишер Навоий номидаги Тил ва адабиёт институтида чоп этиладиган “Ўзбек тили ва адабиёти” илмий журнали бош муҳаррири, бош муҳаррир ўринбосари, таҳририят аъзоси. Яъни ўзбек филологияси муаммоларининг қўйилиши, ҳал қилинишида Бахтиёр Назаровнинг бевосита ҳиссаси бор. Олим ўзбек адабиётшунослиги, тилшунослиги, фольклори бўйича дунёнинг қайси мамлакатида илмий тадбир ўтказилса, ўзининг муносиб ҳиссасини қўшишга интилди. Олим АҚШ, Германия, Норвегия, Швейцария, Шри Ланка, Россия, Қозоғистон сингари кўплаб юртларда ўтказилган илмий анжуманларда иштирок этди, ваъз қилди. У кўплаб халқаро илмий-ижтимоий уюшма, қўмиталар аъзоси.

Б.Назаров 1989 йил декабрида Ўзбекистон Фанлар академиясининг мухбир аъзоси, 2000 йилдан ҳақиқий аъзосидир. 1943 йилдан то шу кунгача ўн битта адиб, олим ўзбек адабиётшунослиги, матншунослиги, адабиёти бўйича мухбир аъзо, аъзо бўлган. Фанлар академияси — тамаддуни юксак, фан тараққиётига

алоҳида эътибор бераётган илғор мамлакат донишмандлари, энг билағон олимлари уюшмаси. Бу уюшма шарафи ҳам, масъулияти ҳам юксак. Йигирма йилдирки, академик Бахтиёр Аминович Назаров ўзбек адабиётшунослиги муаммолари бўйича кенг миқёсда фаолият кўрсатмоқда.

Б.Назаров Ўзбекистон мустақиллиги арафаси, унинг биринчи йилида Ўзбекистон Республикаси Президенти давлат маслаҳатчиси (1990-1992) бўлди. У Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълими вазирининг биринчи ўринбосари (1992-1994) сифатида иш олиб борди.

Олим фаолиятининг икки қаноти бор: илмий-назарий тадқиқотлар яратиш ва шогирд тайёрлаш. Шу пайтгача Б.Назаров ўттиз уч олимнинг номзодлик ва докторлик диссертациясига илмий раҳбар бўлди. Олим шогирдлари орасида рус, қорақалпоқ, турк ва вьетнамликлар ҳам бор. Ҳар бир олим — устознинг шогирд тайёрлашда ўз услуби бор. Б.Назаров шогирд билан дўстона муносабатда бўлади, изланувчи мутахассис имкониятларини тўла намоён этишга интилади. У биргина Қорақалпоғистон Республикаси университет, институт, Фанлар академияси филиалига икки фан доктори, 6 фан номзодини етиштириб берди.

Шу пайтгача академик Б.Назаров кўплаб фан номзоди, фан докторининг диссертациясига расмий тақризчи бўлди. Бошқача айтганда, Б.Назаров шу олимлар билими, истеъдоди, инсонлигига расман қафолат берди. Шуниси ҳам борки, Б.Назаров қаттиққўл раҳбар, ўта синчков тақризчи. Унинг олимлик синовидан ўтган номзод, доктор борки, илмий даража гувоҳномасини олган.

Чин олим ҳар бир тадқиқот-китоби, мақоласи, тақризи билан мушоҳадаси кенг, қилни қирқ ёрар китобхон — мутахассислар синовидан ўтиб боради. Бахтиёр Назаров — серҳосил олим: тадқиқот асарлари, дарслик китоблари, ўзимизда ва хорижда чоп этилган юзлаб

мақолалари бор. Қирқдан ортиқ тадқиқот, танланган асарлар, жамоавий тўпламлар борки, уларга Б.Назаров масъул муҳаррир, таҳрир ҳайъати аъзоси, тақризчи бўлган.

Қатъий буюртма асосида асар ёзиш, дарслик тайёрлаш — олим эътирофидан далолат. Мамлакатимиздаги филолог талаба-бакалаврларнинг ҳаммаси етук олимлар жамоаси, хусусан, Б.Назаров тайёрлаган дарслик бўйича янги ўзбек адабиёти фанидан илм ўрганадилар. Ўрта мактабларнинг 9-11 ва яна бир қанча синф ўқувчилари Б.Назаров аъзо муаллифлари жамоаси тайёрлаган дарслик ва мажмуадан адабий сабоқ оладилар. Б.Назаров тайёрлаган дастур бўйича олий ўқув юртлари филолог-талабаларига ўзбек танқидчилиги тарихи фанидан бир неча қўлланмалар тайёрланди.

Бахтиёр Назаров Ҳамза, Ойбек, Фафур Фулом, Ҳомил Ёкубов, Матёқуб Қўшжонов, Салоҳиддин Мамажонов, кўплаб шоир, ёзувчилар ижоди ҳақида мақола, портрет, биографик очерк яратган. Олимнинг бу ишлари ҳақида ўзбек ва хорижий тилларда тақриз, мақолалар босилган.

2004 йилда Ўзбекистон Фанлар академияси Алишер Навоий номидаги Тил ва адабиёт институти Бахтиёр Назаровнинг “Фафур Фулом олами” номли жиддий тадқиқотини чоп этди. Бу асарда, назаримизда, Б.Назаров услуби, олимона синчковлиги, муаммоларни ишонарли ҳал қила олиш уқуви кўзга аниқ ташланади.

Саксон йилдирки, ўзбек адабиётшунослиги ва танқидчилиги Фафур Фулом ҳаёти ва ижоди ҳақида узлуксиз илмий изланишлар олиб борди. Фафур Фулом мавзуси туркий халқлар, собиқ шўро таркибидаги юртлар, ўзга эллар адабиётшунослигида ўрганилади. Дарвоқе, Фафур Фулом ҳақида илк мақолани француз адиби Пол Вайян-Кутюре (1961), сал кейинроқ Анри Барбюс ёзган (1935) эди. Ўзбек адабиётшунослиги, танқидчилигида сонга кўшилган олим, мунаққид борки, Фафур Фулом ҳақида ўз гапини айтган. Фафурфуломшунослик янги ўзбек адабиётшунослигининг бой, ҳамон изланаётган соҳасидир. Фафур Фулом ижоди ҳақида докторлик, кўплаб номзодлик

диссертациялари, илмий-назарий трилогия, парвози юксак портрету илмий-биографик очерклар ёзилган. Шунча илмий, назарий, танқидий, қиёсий ишлардан сўнг Фафур Фулом ҳақида гап айтиш, уни илм аҳлига маъқул қилиш амри маҳол. Лекин Фафур Фулом ҳақида ёзишнинг осон томонлари ҳам бор. Биринчидан, Фафур Фулом кенг миқёсли, теран илдизли санъаткор. Иккинчидан, Фафур Фуломнинг 1, 2, 3, 4, 10, 12 томли асарлари чоп этилганки, тадқиқотчи материал излашга унча қийналмайди. Учинчидан, қарийб 45 йилдирки, Фафур Фулом йўқ. Аммо унинг асарлари адабиётшунослик илми уммонида ишонч билан сузиб бормоқда. Танқидчи янги илмий-назарий қарашлар асосида Фафур Фулом ижодини талқин этиши мумкин. Тўртинчидан, миллий мустақиллик мафқураси қадриятларини илғор илмий-назарий қарашлар асосида қайта баҳолашни тақозо этмоқда.

Бахтиёр Назаров Фафур Фулом ижоди, унинг бадиий олами ҳақида ўзининг оҳорли сўзини айта олди. Мен Фафур Фулом ҳақидаги аксарият тадқиқотларни, танқидий очерку портретларни, эссе ва бадиий лавҳаларни ўқиганман. “Фафур Фулом олами” китобидаги концепция, талқин, таҳлил, баҳолашда бетакрорлик, ўзига хослик бор. Адабий танқид фанида, ўзлаштириш эстетикаси соҳасида кечинма, кечинмадошлик деган тушунча бор. Бирон санъат асарини ўқмоқ, англамоқ учун маълум муддат асарни яратган ижодкор руҳига кирмоқ, кечинмаларини қайта жонлангирмоқ зарур бўлади. Кечинмадошлик — эстетик жараён, асардаги гўзалликни нозик ва чуқур ҳис этмоқ. Бадиий асарники ич-ичидан ҳис қилиш шунчалик мушкул экан, санъаткор бадиий оламига кириш, уни англаш, тушунтириб бериш ўта мураккаб вазифадир. Адабий танқидчиликда “ёзувчи олами” деган ибора бот-бот қўлланилгани билан камдан-кам тадқиқотчи бадиий оламга йўл топади, унинг ажойиботу ғаройиботларидан завқ-шавққа тўлади. Шекспир, Гёте, Пушкин, Лермонтов, Достоевский, Л.Толстой, М.Шолохов ижоди билан умр бўйи шуғулланиб, улар бадиий олами ҳақида янги



фикрларни айта олган тадқиқотчилар бор. Бизда Навоий, Бобур, Фурқат, Чўлпон, Ойбек, Абдулла Қодирий, Фафур Фулом бадий оламига йўл топиш энди-энди бошланяпти. Санъаткор оламига кириш — адабиётшунослик ва танқидчилик эпопеясини яратиш демак. Мана шундай эпопеялар адабиётшунослик кадр-қимматини оширади. И.Султон, А.Қаюмов, Ҳ.Ёкубов, М.Кўшжонов, О.Шарафиддинов, Н.Комилов, Н.Каримов сингарилар санъаткор оламига кириш завқини ҳис қилганлар. Бахтиёр Назаров янги тадқиқоти билан Фафур Фулом бадий оламининг бир қанча бетакрор фазилатларини намоён эта олди.

Санъаткор оламига ҳар бир тадқиқотчи ўзи яхши биладиган “йўлакча”дан кириб боради. Озод Шарафиддинов, масалан, Абдулла Қаҳҳор, Ойбек, Фофур Фулом, Чўлпон оламига кириш учун узоқ изланди, ҳар бири ҳақида ўнлаб мақолалар ёзди. “Миллатни уйғотган адиб” асарини ёзиш учун О.Шарафиддинов қанчалик руҳий, жисмоний қийинчиликларни бошидан кечирганидан хабардорман.

Бахтиёр Назаровни Фафур Фулом оламига танқидчилик илмининг нозик томонларини билиши олиб кирди. Адабий танқидни фан дегувчилар ҳам бор. Улар ўртасидаги баҳс неча-неча ўн йилликлардан буён давом этмоқда. Танқид илмини нозик илғовчилар бу азалий баҳсга муносабатларини билдириб бўлганлар. “Биз адабий танқидни илм дегувчиларнинг далилларини асослироқ, деб топамиз, — деб ёзади Б. Назаров, — ундаги бадий мушоҳада, таҳайюл, тасаввур эса, жанрнинг мақбул ўзига хос хусусиятлари тарзида зоҳир топади, бусиз адабий танқид ўзининг том маънодаги фазилатини намоён эта олмайди”<sup>12</sup>. Олим ўз қарашларини изчил мантиққа асосланган гипотетик усул орқали давом эттиради. Гипотетик усул — фаразларга асосланиш, хаёл тизгинини узун ташлашдир. Бу усулнинг ўта нозик, симобдай у ёқ-бу ёққа бориб келиб-келиб

<sup>12</sup> Назаров Б. Фафур Фулом олами. - Тошкент, 2004. — Б.61 (Кейинги кўчирмалар ушбу китобдан олинди, қавс ичида саҳифа рақами кўрсатилади).

турадиган томони бор. Тил суяксиз — нималар демайди, фараз тизгинсиз — қандай қаёққа кетиб қолмайди. Аммо гипотеза мантиққа боғланган, биографик метод нозикликларига бўйсунган, ижодкор руҳияти товланишларини ҳисобга олган бўлса, ижобий, илмий ҳақиқатни рўёбга чиқариш мумкин. Бахтиёр Назаров Фафур Фулом оламининг концептуал асосларини ёритганда ҳам, заргарона нозик таҳлилни қўллаганда ҳам гипотетик усулнинг асосий нуқталарини ҳаминша диққат марказида тутади. Фафур Фулом дунёси асосини тадқиқотчи бундай ифодалайди: “Умр фалсафаси, ҳаётнинг қадрига етмоқ ва уни ардоқламоқ фалсафаси шоирнинг бутун ижоди бўйлаб ўтади ва, айниқса, поэтик образлар қиёфасида ўзининг бор гўзаллиги билан намоён бўлади” (10-бет).

Фафур Фулом куёшга ошиқ, беқиёс тонглар мафтун, боғу бўстонлар шайдоси, янги авлод камолидан кўнгли яйрайдиган ота эди. Шоир кузатувчи, истеъмолчи эмас, том маънода яратувчи эдики, унинг бутун ижоди моҳиятидан яратувчи меҳнатни улуғлаш гоёси ўтарди. Фафур Фулом касб, меҳнат билан боғлиқ сўзларни топиб-топиб, билиб-билиб қўлларди. “Дарангдўз”, “тонг чақар” (112-бет), “кофир”, “кофур” (110-бет), “гандҳар санъати” (157-бет), “тугантуриқ” (30-бет), “лойтувоқ”, “пайпоқдор”, “халта кўйлак”, “сўлти” (21-бет) сингари сўзлар жуда одми, гўзалликдан йироқдир. Лекин улар яратувчи меҳнат билан боғланганлиги боис алоҳида мазмун, салмоқ касб этади. Масалан, “шамъи кофурий”ни кашф этиш, яратиш инсоннинг гўзалликка бўлган алоҳида меҳрини кўрсатади. “Дарангдўз” — меҳнат қуролини яратувчи, гўзалликка хизмат қилувчи касб эгаси. Фафур Фулом поэтик оламида “ишлайиш, манглайни терлатиш” олий мақомдаги тушунчага айланган эди, у шоир ижодида ҳар томонлама исботлаб берилган.

Фафур Фулом оламида вақт қадри, умр мазмуни масаласи алоҳида ўрин эгаллайди. Танбурнинг бир зарбидан таралган уннинг қиммати йилларга тенг бўлиши мумкин, агар у яратувчи меҳнат мезони билан ўлчанса.

Шоир эътиқодича, “Меҳнат минути нондай азиз”, “Далада ҳар нафас ўпичдан ширин” (131-бет). Шоирнинг “Вақт” шеърини умр лаҳзалари симфонияси дейиш мумкин. Бу фалсафий шеърда вақтнинг микромирига, илдиз-илдизига кириб борилади.

Ижодкор микро оламда эркин ҳаракат қилаяптими, билингки, у нозик, синчиклаб таҳлилга кенг йўл очяпти; шеърдаги сўзларнинг жойлашиш тартиби, бажараётган вазифасини – структура яратиш ажойиботларини намоён қилаяптими, тадқиқотчига аниқ ҳисоб-китоб билан иш юритишни буюряпти. Б.Назаров структурал, синчиклаб таҳлиллар ҳақида мулоҳаза юритмайди, лекин бир шеърда “эҳтиёт” сўзи “эҳтиёж” ўрнини ноҳақ “эгаллаб” олганини кўрсатади. Бадий асарда етакчи, бошқарувчи сўз, иборалар бўлади. Ижодкор асосий гояни мана шу машғал сўзлар орқали очади. Б.Назаров бундай сўзларни аниқ кўради, тиниқ таҳлил қилади.

“Фафур Фулом олами”да психологик таҳлилга эътибор берилади. Фафур Фулом улуг санъаткор – кайфият кишиси эди. У гоҳо тўлиб-тошиб ёзарди, гоҳо дилидаги армонларни ифодалашга қийналиб қоларди. Ижодкордаги қомусий билим, миллий руҳ, сўзни қачон, қандай қўллаш санъатини эгаллаш ҳамиша унинг мушқулини осон қилади. Тадқиқотчи бир неча мисол орқали Фафур Фуломнинг уммоний билимини кўрсатади. Фафур Фулом миллийлик поғонасида жиддий гапларни таваккал айтиб юборади.

Фафур Фулом гапириш санъатини мукаммал эгаллаган донишманд эди. У халқона ҳазил-хузул, кулгини қалқон қилиб шундай гапларни айтадики, беихтиёр ёқа ушлайсан киши. “Ҳасан кайфий”, “Аликулнинг қарзи”, “Менинг ўғригина болам” асарларида ижтимоий-сиёсий қарашлар кулгу, ровий ҳикояси зирҳига ўралган ҳолда ифодаланади. Афсуски, Б.Назаров баъзан жуда ажойиб имконият яратадию, ундан тўлалигича фойдалана олмайди. Мен Фафур Фулом кулгуси, Фафур Фулом асарларида ровийнинг ўрни масалаларини назарда тутяпман. Китоб муаллифи “Шум бола” автобиографик

асарлигини, у биринчи шахс номидан ҳикоя қилинишини айтади. Лекин “Шум бола”даги ҳикоячи бош қаҳрамонми? Унда “опорка” тарихини, ҳиндий савдогар ҳикояларини қаёқдан билади? Фафур Фулом ровий (яширин ҳикоячи) “хизмати”дан унумли фойдаланар экан. Қаранг, “Менинг ўғригина болам”даги ровий “Ҳасан кайфий”даги, “Алиқулнинг қарзи”даги ровийга сира ўхшамайди. Хуллас, Фафур Фулом бадий оламида ровийнинг қанчадан-қанча кўриниши, ҳар хил вазифалари бор. Фафур Фуломнинг поэтик, насрий ижодини ровий образисиз тасаввур этиб бўлмайди.

Шу ўринда яна бир мулоҳазани айтмоқчиман. Фафур Фулом табиатан шоир. Унинг насрида шеърият унсурлари яққол кўриниб туради. Ҳамонки, Бахтиёр Назаров гипотетик усулдан фойдаланган экан, бу йўсиннинг яна бир қиррасини очиш мумкин эди. Гап шундаки, “Шум бола” қисса дейилгани билан у халқона дoston. Гипотетик усул бундай қарашни мантиқан исботлаб бериши мумкин. “Шум бола” асарида халқ ҳаёти, дунёқарашидаги ўзгариш шоирона тасдиқлаб берилган. Айниқса, бу фикр “Шум бола” ва “Чичиков саргузаштлари ёхуд Ўлик жонлар” қиссида исботини топиши мумкин. Фафур Фуломнинг жамики ҳажвий-юмористик асарлари қайсидир томони билан “Шум бола”га келиб уланади. Драматург Усмон Азимов “Бурун замон ҳангомалари”да масаланинг шу томонига эътибор берган ва ижодий муваффақиятга эришган.

“Фафур Фулом олами” асарида гипотетик, психологик, структурал, синчиклаб таҳлил йўлларида фойдаланилган. Фафур Фулом шахсига оид қомусий билим, юксак истеъдод, миллийлик, ҳозиржавоблилик, шиддаткорлик очилган. Тадқиқотчи Фафур Фуломнинг бот-бот иккиланиб қолишини кўрсатади:

Соч, соқол оқарди, мункайиш, тишлар...

Билинур баъзида яширин дард изи.

Яна шоир ёзди — тадқиқотчи бу ёзувларга ишора қилади:

Мукаммал аниқлик топа олгунча,  
Кўпинча ҳақ ёздим, баъзида оздим.

Ғафур Ғулом туғма донишманд эмасми, у нималар бўлаётганини, тарих ғилдираги қаёққа йўналаётганини яхши билади. Кўпинча даъват, чақириқ, янги таълимот донғи билан дил ўрнатишларини пасайтирмақчи бўлади. Лекин ижодкор қачон, қаерда, қандай шароитда, қандай мавқеда яшамасин, онгидаги табиий оқимга тўсиқ ташлай олмайди. “Ғафур Ғулом ижоди” да буюк шоир онгида кечаётган ҳолатлар, ўзгаришлар тасвирига имо-ишоралар қилинади. Бошқача айтганда, Б.Назаров талқину таҳлилларни, мантиқий фаразларни шоир онг оқимини кўрсатишга йўналтира олган. Онг оқими — бетакрор ўзлик, ҳар хил сиёсий мафкуравий зирҳларга ўралган тушунчалар.

Ғафур Ғуломнинг онгли ҳаёти, ижоди шўро тузуми шароитида кечди. Аниқроғи, шоир ижоди, ҳаёти қирғинбаротлар, оммавий қатағонлар, шахс эрки бўғилган шароитда ўтди. Истеъдод табиати шундайки, у ҳар қандай тўсиқларни енгиб ҳақиқатни баралла айтишга интилар экан. Ғафур Ғулом шўро давлати фуқароси, совет шоири сифатида обрў топди, юртлар кезди, не-не сиймолар билан қадрдонлашди. Лекин шоир Ғафур Ғулом халқ дили, тили сифатида ўзлигини бус-бутун намоён этишга қийналди. Бахтиёр Назаров Ғафур Ғулом бадиий оламига кирди, унинг онгида кечаётган оқим — ҳолатларни кўрсата олдики, бу тадқиқотчининг улкан ютуғидир.

Б.Назаров олимликнинг балоғат поғонасига етиб келди. Ўз истеъдоди, бой тажрибаси, чуқур билимини янгидан—янги тадқиқотлар яратишга, иқтидорли олимларни тарбиялашга, адабиётшуносликнинг мураккаб муаммоларини ечишга сарфлашига ишонамиз.

Абадий танқид бадиий асарлардаги, санъаткор ижодидаги, адабий жараёндаги нафосатни кашф этиб, гўзалликнинг тўла намоён бўлишига монелик қилаётган нуқсонларни билимдонлик, самимият билан кўрсатиб қадр-қиммат топган соҳа. Янги ўзбек танқидчилигининг Вадуд Маҳмуд, Ойбек, Озод Шарафиддинов, Нуриддин Шукуров сингари намояндалари бадиийликни нозик англаганликлари, истиқболни ўйлаб ижод қилганликлари, ҳақиқатпарастликлари – гўзаллик кашфиётчилари бўлганликлари сабабли ҳурмат қозонганлар. Танқидчи, табиийки, танқид ва таҳлил қилади. Мунаққид Санжар Содиқ аниқ-тиниқ ёзиб қўйганидек, **“қандай қилиб бўлса-да** (таъкид бизники – А.Р.), бадиий асарлардан камчилик топишга ва имкон борича адибларни **“чиқиб олишга”** уринмаслиги керак. У боғ – чаманга гулқайчи олиб кирган боғбонга ҳавас қилиши, боғда болта кўтариб юрган ўтинчидан йироқ бўлиши лозим. Коммунистик фирқа адабий танқидчини бадиий адабиёт соҳасидаги ишончли вакил деб билди, уни ҳам ёзувчи, ҳам ўқувчи муаллими даражасига кўтарди. Босар-тусарини билмай қолган танқидчи **“қандай қилиб бўлса-да”**, камчилик топишга, мумкин қадар **“ёзувчини чақиб”** олишга жон-жаҳди билан интилди. Ўша пайтларда ўзбек танқидчилигида гладиаторлар жангини эслатадиган ҳолатлар пайдо бўлди. Омма, афсуски, бузиб-ёрадиган танқидчиларга ўрганди, уларнинг дадиллигини идеаллаштира бошлади. Ҳануз ўшандай танқидчиликни қўмсайдиган тамошатаалаблар топилади. Бундайларда танқидчилик қобилияти бўлса-да, гўзалликни ҳис қилиш учун билим, фаросат, инсонийлик туйғуси етишмасди. Улар не-не гайри илмий ишларини амалга оширмадилар...

Ўз даврида аруз вазни, ғазал жанрини йўққа чиқаришга интилганларга қарши Эркин Воҳидов босиқлик билан жавоб қилди:

Эй мунаққид, сен газални  
Кўҳна деб камситмагил.  
Севги ҳам Одам Атодин  
қолган инсон қонида.

Шоир Жамол Камол “Адабий танқид” шеърида билса ҳазил, билмаса чин қалбида йўл тутади. У қора танқид йўлини кўрсатиб келади-да:

Шунчалар қон тўкмиш қаламинг сенинг?  
Айт-чи, нимадир аламинг сенинг?  
Қўлингда ҳамиша шайдир бешотар,  
Магар бобонгмидир Муқбил тошотар?  
Гарчи буюкларни таёқладинг сен,  
Лекин пучакларни ардоқладинг сен,  
Қилмишинг бўйладир, ишинг бу тахлит.  
Баракалла сенга, адабий танқид?... —

деган хулоса чиқаради<sup>13</sup>.

Мустақилликдан кейин жаҳон адабиёти ва танқидчилигининг эшиклари кенг очилди. Шўро даврида адабиётшунослигимиз, танқидчилигимиз биқик ҳолатга кириб қолган эди. Филолог мутахассислар жаҳон адабиётшунослиги, диний-дунёвий манбалардан маълумот олдилар, улардан ўз фаолиятларида унумли фойдалана бошладилар. Герменевтика, аксиология, структурализм, экзистенциализм, синергетика сингари тушунчалар адабиётшунослигимиз ва танқидчиликдан муҳим ўрин эгаллади. Хуллас, адабий танқидчиликда танқид қилиб ташлайверишдан кўра, мушоҳадалилик, интеллектуаллик, далилу маълумотларни умумлаштирган ҳолда таҳлилий тафаккур юритиш тамойили етакчилик қилмоқда.

Профессор Санжар Содикнинг “Роман ва танқид” китобини<sup>14</sup> ҳозирги танқидчилигимизнинг ҳолати, ундаги

<sup>13</sup> Жамол Камол. Сайланма. I - жилд. - Т.: Фан, 2007. - Б. 136.

<sup>14</sup> Санжар Содик. Роман ва танқид. - Т.: Фан, 2008.

Ўзини ўзгартиришлар акс этгандир, деган мақсадда ўқиб чиқдим. Унда ўрناق қилиб кўрсатишга лойиқ томонларига нисбатан илмий-назарий камчиликлар кўп бўлганига қарамай, адабий жараён тараққиёти учун муҳим янгилик қидирдим.

Маълумки, ҳар бир бадиий, илмий асарнинг ўқ илдизи, муаллиф концепцияси бўлади. Аксарият ҳолларда у матн руҳига сингдириб юборилган, матн остига яширинган бўлади. Китоб муаллифи “Жазирамадаги одамлар” романини берилиб, яхши асарлигидан қувониб таҳлил қилади. Мана бу фикрлар китобхон диққатини жалб этди: “Асарда айрим воқеаларнинг ҳаётда рўй бериши мумкин бўлган тартибдан бошқачароқ кетма-кетликда жойлаштирилганлиги, яъни модернистик тасвирни эслатувчи қандайдир унсурлар мавжудлигига қарамай, “Жазирамадаги одамлар” романи тўлалигича реалистик методнинг энг яхши анъаналари асосида яратилган. Унинг қизиқарли ва таъсирчан чиққанлиги реализмнинг ҳануз барҳаёт, самарадор ва имкониятлари чексиз метод бўлиб қолаётганини исботлайди” (7-бет). Эскирган адабиётшуносликнинг сунъий бир ўлчови бўларди: бадиий асар андозадаги қарашларга туша қолса, хурсанд бўлиб кетиларди. Аслида, ҳақиқий асар қолип, андозаларини бузиб ташлайди, беқийёс, бетакрорлиги билан ажралиб туради. Айниқса, изланаётган, шаклланаётган роман жанри янги-янги хусусиятларини намоён этиши лозим. С.Содиқни “Жазирамадаги одамлар” романи “тўлалигича реалистик методнинг энг яхши анъаналари асосида яратилган”лиги хурсанд қилиб юборади. Луқмон Бўрихон романида кашф этилиши лозим бўлган томонлар анчагина. Лекин “Роман ва танқид” китоби муаллифи “энг яхши анъаналарга бой реалистик методни” байроқ қилиб кўтармоқчи.

М.Алининг “Улуғ салтанат”, Т.Ҳайитнинг “Вафо маликаси” романлари анъанавий реализм талаблари асосида таҳлил қилинади. С.Содиқ Н.Исроилов, А.Саид романларини теран таҳлил қилиш ўрнига узук-юлуқ ҳолда олиб танқид қилишга тушади.



Муаллифнинг адабиётшуносликдаги янгиликларга ишонмасдан, менсимасдан муносабатда бўлганлиги “Ўзбек романи тадрижи” (И.Ёқубов) монографияси таҳлилида кўзга ташланади. Мунаққид “Ўзбек романи тадрижи” китобини таҳлил қилишга киришар экан, кутилмаган хатога йўл қўяди. Арзимасдай туюлган хатолик китобхонни гангитиб қўяди: “Афтидан, муаллиф ўзининг бундай кескин хулосасини чиқаришда ҳозирги пайтда марксизмга муносабат ўзгарганига асосланади. Фақат бу ўринда у *диалектика марксизмнинг эмас, балки Гегелнинг топилмаси эканлигини унутиб қўйган кўринади*” (43-бет, таъкид бизники — А.Р.) Наҳотки, одамзот “Гегелнинг топилмасигача” диалектикадан беҳабар бўлган?! Мактаб ўқувчисига ҳам диалектика бундан сал кам уч минг йил илгари Шарқда, “Авесто” юртида, ҳинд упанишидалари асарларида таърифланганлиги, сўнг Қадимги Юнонистонга ўтганлиги маълум. Диалектикани Гегель топилмаси деб турган мунаққид, табиийки, X-XII яшаган Мотурудий, Форобий, Беруний, Абу Али ибн Сино, Аҳмад Фарғоний, Маҳмуд Замахшарийлар жадаллий (диалектика) ҳақида асарлар ёзганларига ишонмайди. Абу Мансур Мотурудий “Китоб ал-жадал”ни ёзган бўлса, Абу Али ибн Синонинг тўрт қисмдан иборат “Аш-шифо” номли фалсафий асари бор. Унинг “Мантик” қисми 9 фан (бўлим)дан иборат бўлиб, олтинчи фан “Ал-жадал”, яъни “Диалектика” деб аталади, унда диалектиканинг назарий томонлари ёритилади, амалий қисми исботланади.

С.Содиқ “Ўзбек романи тадрижи” китобини танқид қилишда давом этаркан, ҳозирги фалсафа, нафосатшунослик, адабиётшуносликнинг теран илдизлари бўлган масалаларни исботу далилсиз инкор эта бошлайди: “Самарасиз йўналишлар деганда, синергетика, структурализм, герменевтика каби методларни, яъни И.Ёқубов оғзидан бол томиб кўкларга кўтаришга уринган

*адабиётшуносликдаги тажрибаларни* (таъкид бизники — А.Р.) кўзда тутамиз. Чиндан ҳам мазкур методлардан чет оларда баъзи олимлар фойдаланаётгани ва уларнинг шабадалари ўзбек адабиётшунослигида ҳам *сезилар-сезилмас эсаётгани* (таъкид бизники — А.Р.) маълум. Фақат ҳозирча жаҳон миқёсида ҳам, ўзбек адабиётшунослигида ҳам ўшандай янги метод тажрибалари биронта оламшумул кашфиёт берганлиги маълум эмас” (43-44-бетлар).

Сўнгги 10-12 йилда герменевтика, структурализм ҳақида фикр айтмаган, фаолиятида бу фанлар самарасидан фойдаланмаган ўзбек адабиётшуноси, нафосатшуноси қолмади ҳисоби. Ўзбек адабиётшунослигида герменевтика муаммоларига бағишланган диссертациялар ёқланди; монографиялар чоп этилди. ЎЗМУ филология факультети бакалавр, магистратураларига герменевтика, структурализмдан махсус курслар ўқиляпти. Наҳотки, професор Санжар Содик бу янгиликлардан беҳабар бўлса?

Герменевтика Шарқда ҳам Фарбда ҳам, диний китобларда ҳам, дунёвий фанларда ҳам қадимдан маълум ва машҳур. Абу Али ибн Синонинг “Аш-шифо” асари “Мантиқ” бўлимининг учинчи фани “Ал-Ибора” дейилади. Унда герменевтика ва структура ҳақида фикр юритилади. Санжар Содик ҳеч иккиланмай герменевтика, структурализм *“биронта оламшумул кашфиёт берганми?”*, деган киноявий хулосага келади. Қадимги филологияда, диний адабиётларда тафсир, таъсир, таъвил, талқин ҳақида қимматбаҳо фикрлар айтилган. Исмоил Бухорийнинг “Ал-Жомий ас-саҳих”, Замахшарийнинг “Ал-Кашшоф”, Абдуҳолиқ Ғиждувоний асарлари мумтоз тафсир, талқиннинг оламга машҳур намуналари эмасми? Ҳозир ҳам тафсир илми диншунос алломалар ижодида тараққий этмоқда? Абу Наср Форобийнинг ўзи бу оламшумул шарҳлари билан дунё фанига ҳисса қўшмаганми? Муаллиф “Герменевтика” атамасининг келиб чиқишидан хабардор бўлганида эди, бу фан соҳасини “самарасиз йўналиш”, деб атамаган бўларди.

Биронта танқидчи йўқки, талқин, таҳлил билан шуғулланмаган бўлсин. Талқин, аслида, интерпретация, унинг назарий асосларини белгиловчи фан эса герменевтикадир. Герменевтика тарихи ҳақида Фарбда Ф.Д.Шлейермахер, Поль Рикёр каби олимлар томонидан кўплаб асарлар яратилган, унинг намояндалари ҳақида ишонарли маълумотлар берилган. Герменевтика тарихи билан таниш адабиётшунос таҳлил сўзини ўйлаб ишлатади. Чунки талқин ва таҳлил бир хил ҳодиса эмас.

Танқидчи Санжар Содиқ герменевтика, структурализм ҳақида тўхталиб, “...ўшандай тажрибалар самарасизлигини, яъни шаклбозликка, мазмунсизликка йўл очганини эътироф этганлар”, — деб ёзади. Олимнинг мазкур фикри шўро адабиётшунослигидан ўтган “мерос”. Шўро ҳукумати структурализмга қарши жон-жаҳди билан курашди. У бадий адабиётдаги нафосатни ғоябозлик, мафкура билан алмаштирди. Аслида, бадий адабиёт — сўз санъати. Шарқ мусулмон адабиётида сўз танлаш, қўллаш, ўрни-ўрнида ишлатиш, маъноларини тўлалигича юзага чиқариш масаласига эътибор берилган. Фарб адабиётида рецептив — ўзлаштириш эстетикаси яқинда пайдо бўлди. Шарқ адабиётида навоийхонлик, бедилхонлик, фузулийхонлик, машрабхонлик мактаблари аллақачон ўз йўналиш, мақсадларини белгилаб олганлар. Қуръони карим тафсирилари — мусулмон оламидаги талқиншуносликнинг юксак ва кенг кўламли кўриниши. Муқаддас китоб оятлари, каломларида олам-олам маъно бор. Адабиётшуносликда ижтимоий, мафкуравий масалалар етакчилик қила бошладики, нафис сўзшунослик чекина борди.

Структурализм Санжар Содиқ ёзганидай, шаклбозлик, мазмунсизлик эмас, бадий асарнинг, сўзнинг ҳаёти, ҳаракати, моҳиятини кўрсатувчи ва таҳлил қилувчи нафис фандир. Аслида сўз руҳига кириш, унинг турли оҳангларини эшитиш, ранго-ранг товланишларини кўриш нозик адабиётшуносликнинг, мунаққиднинг ишидир. Афсуски, “Роман ва танқид” китоби муаллифи сўзни нозик ҳис қилмайди, унинг матндаги ўрни, вазифасини тушунмайди.

Китобда юқоридаги каби “диалектика марксизмнинг эмас, балки Гегелнинг топилмаси” (43-бет)га ўхшаш фикрсизлик билан ёзиб юборилган далиллар анчагина бор. Шулардан бири Вадуд Маҳмуд ижоди ҳақида. Санжар Содиқ Вадуд Маҳмуд ҳақида “Ўзбек танқидчилигида *сезилар— сезилмас из қолдирган*” (87-бет) деб ёзади. Маълумки, Вадид Маҳмуднинг мунаққидлик фаолияти ҳақида диссертация ёқланди. Унинг ҳаёти ва ижоди “Жадид мунаққиди Вадуд Маҳмуд” (Б.Каримов) китобида ёритиб берилди. бу мунаққиднинг “Танланган асарлар”и чоп этилди (— Т.: Маънавият, 2007). Ўзбек адабий танқидининг шаклланишида ўз ўрнига эга бўлган Вадуд Маҳмудга нисбатан нописандлик билан “*сезилар— сезилмас из қолдирган*” деб ёзиш ё танқид тарихидан беҳабарлик, ёки унга нисбатан ҳурматсизликдир.

“Роман ва танқид” китоби Санжар Содиқнинг адабий танқид, унинг вазифаси, назарияси масалаларига ҳам шундай енгил-елпи ёндашганини кўрсатади. Фан (соҳа)нинг мақсад, вазифасини мукамал билиб олмасдан, у ҳақда асосли мушоҳада юритиш мумкинмас. Санжар Содиқ адабий танқид бадиий асарнигина эмас, алоҳида ёзувчи ижоди, замонавий адабий жараённи ҳам ўрганиши лозимлигини ёзади. Адабий танқид янги асарлар, замонавий ёзувчилар ижоди, ҳаракатдаги адабий жараён билангина шугулланса, унинг вазифаси бир ёқлама, осонгина бўлиб қолади. Ҳақиқий танқидчи ўзи яшаб турган замон эҳтиёжлари нуқтаи назаридан ўтмиш адабиётини, мангу асарларни кўзгаб, ҳаракатлантириб туради. ХХI асрга келиб адабий танқидчи жаҳон адабиётини харитадай бемалол “ўқиб бориши” ҳаётий эҳтиёжга айланди. Афсуски, Санжар Содиқ танқиднинг ўтмиш , жаҳон адабиёти билан узвий боғлиқлиги ҳақида лом-мим демайди. Ваҳоланки, адабий танқид ўтмиш ва бугунги адабиётлараро олтин кўприқдир. Иккинчидан, адабий танқид шундай юксак маёқки, унда жаҳон адабиётида рўй бераётган ҳолатлар аниқ кўриниб туради.

Адабий танқиднинг нозик бир нуқтаси бор. У бадиий адабиёт ва адабиётшунослик ўртасидаги ўзига хос соҳа. Баъзилар уни бадиий ижод тури ҳисобласалар, айримлар учун адабий танқид — фан. Масала тарихи узок, анча чигал... Мунаққид дедукция — силлогистикага асосланади, мантиқий хулоса чиқаради, адабиётшуносдай фаолият юритади. Иккинчидан, танқидчи — ижодкор: ўзига хос услуб, қарашга эга сиймо. Ижодкор мунаққид бадиий асарни, ёзувчи ижодини, адабий жараёни ўзича кўради, талқин қилади, баҳолайди. Унинг асарлари адабий танқид намунаси бўлади. Ҳақиқий адабий танқидчи ёзувчи ҳамда китобхон ҳурматини қозонади. Чўлпон Вадуд Маҳмудни; Абдулла Қаҳҳор, Миртемир, Зулфия Озод Шарафиддиновни; Саид Аҳмад, Эркин Воҳидов Иброҳим Гафуровни; Шуҳрат, П.Қодиров Умарали Норматовни дидли танқидчи, ёрқин ижодкор бўлганликлари учун ҳурмат қилганлар. Лекин ёзувчининг ижодкорлиги билан танқидчи ижодкорлиги ўртасида фарқ бор. Ёзувчи образли тафаккур асосида ижод қилади, асарлар яратади. Адабий танқидчи, шубҳасиз, санъаткор, ўз услубига эга сиймо. Лекин у образли тафаккур асосида ижод қилмайди.

Санжар Содиқ ёзувчи ва танқидчи ижодкорлигидаги нозик асосни англаб етмайди. *“Образлилик адабиётшуносликда ҳам учраши мумкин, — деб ёзади, — лекин танқидчиликдаги каби шарт ҳисобланмайди”* (65-бет). Китоб муаллифи образли тафаккур юритиш адабий танқидчиликнинг асосий белгиси эканлигини қайта-қайта таъкидлайди: *“...аксарият мушоҳада-ю умумлашмалар худди бадиий ижодга хос образли тафаккур воситасида юзага чиқади”* (65-бет).

Адабий танқид моҳиятини англаган ёзувчи, олим борки, танқидчининг образли тафаккур юритишини айтмаган бўлсин. Александр Сергеевич Пушкин танқид — адабий фаолият тури, лекин зинҳор образлиликка асосланган беллетристика — инжа сўзшунослик, санойи


нафиса эмаслигини таъкидлайди. Унингча, адабий танқид бадий асардаги гўзалликларни кашф этувчи, камчиликларни топиб-топиб кўрсатувчи фандир<sup>15</sup>. Виссарион Белинский “Танқид ҳақида нутқ” (1842) асарида адабий танқид хусусий ҳодиса орқали тафаккурнинг умумий қонуниятларини кашф этажани, мантиқий фикрлаш унинг асосий белгиси эканлигини таъкидлайди. Иззат Султон “Адабиёт назарияси” (Т.: Ўқитувчи, 1980. — Б. 106), О.Шарафиддинов “Биринчи мўъжиза” (- Т.: 1978. — Б. 18-19), Дилмурод Қуроноф “Адабиётшуносликка кириш” (Андижон, 2002. — Б. 58-59) асарларида **образли тафаккур бадий ижодга хослигини**, адабий танқид умумий хулосалар чиқарувчи соҳалигини таъкидлаганлар. С.Содиқнинг образли тафаккур юритадан дея уриниши, “Романми ёки лағмон”, “Фанлар сангами”, “Усти ялтироқ, ичи қалтироқ”, “Йўқни йўндириш санъати” сингари беўхшов сарлавҳалар топишида, “И.Ёқубовнинг “Навоий” романи устига ёғдирган лаънат тошлари билан танишишда давом этайлик” (53-бет), “Баёнчилик эса бадий асар танасидаги фақат кесиб ташлашдан бошқа нарсага ярамайдиган зарарли қурт саналади” (21-бет) сингари пала-партиш жумлаларида кўзга яққол ташланади.

Жумладан, “Йўқни йўндириш санъати” мақоласида муаллиф Дилмурод Қуроноф, Баҳодир Раҳмоновнинг “Ғарб адабий-танқидий тафаккури тарихи очерклари” (—Т.: Фан, 2008) китоби ўқув қўлланма-хрестоматия бўлмаслигини исботлашга тиришади. Ўқув дастурида “Ғарб адабий-танқидий тафаккури тарихи” деган курс бўлмаслиги мумкин. Аммо талабалар (нафақат филологлар, балки файласуфлар, тарихчилар, санъатшунослар, журналистлар) биринчи курсдан то магистратура таълимини битиргунларича “Антик давр

<sup>15</sup> Исзуитов А.Н. Проблемы теории литературной критики. — М.: Изд. МГУ, 1980. — С. 38-39.

адабий-танқидий тафаккури”, “Ўрта асрлардаги адабий-эстетик тафаккур”, Платон, Аристотель, Антонио Минтурно, Тассо, Сидни, Жонсон, Шаплен, Корнель, Даниэль Юэ асарларини ўқишга эҳтиёж сезадилар. Аксарият ёшлар хорижий тилларни мукамал билмаганликлари боис, мазкур асарлардан беҳабар қолардилар. Қолаверса, мазкур китобдаги мақолалар, фикрлар зиёли аҳлини бефарқ қолдирмайди. Китобни тайёрлаган олимлар моддий манфаат кўрмасдан, қимматли вақтларини сарфлаб, китоб чоп эттирсалару, миннатдорчилик билдириш ўрнига уларга бўлар-бўлмас айбларни кўйиб ташлаш инсофдан бўладими?

Замон ўзгарди. Адабий-эстетик ёндашувлар янгиланди. Сохта ижтимоий танқид қилмишлари адабиётшуносликнинг ўтмишдаги хатоси бўлиб қолди. Бу хатоларни бугунги кунда қайта такрорлаш адабий жараёнга ҳам, мунаққидларга ҳам наф бермайди. Адабий танқид гўзалликни кашф этувчи фан сифатида бадиий асарлардаги, адабий жараёндаги нуқсонларни ишонарли, илмий ёритиб бериши лозим.



## ЕР ҲАРАКАТДА, ОЛИМЛАР ҲАМ...

Одамнинг оёғи ердан узилмайди, тилидан ер, арз, тунроқ, хок деган сўзлар тушмайди. Қадимги юнонлар ерни “гео” деганлар. “Хорижий сўзлар луғати” (Москва: Русский язык, 1986)да “гео” билан бошланадиган ўтгиз тўрт фан, соҳа, бўлим, касб (119-120-бетлар) мавжудлиги ёзилган. Биринчи мингйиллик охири, иккинчи мингйиллик бошларида Абу Наср Форобий, Муҳаммад Мусо Хоразмий, Аҳмад Фарғоний, Абу Райҳон Беруний, Абу Али ибн Сино сингари қомусий илм эгалари “гео”, хусусан, геология муаммолари билан шуғулланганлар.

3 XX асрда Ҳ.М.Абдуллаев, И.М.Исамуҳамедов, В.И.Попов, Н.П.Петров, Ғ.О.Мавлонов, И.Ҳ.Ҳамрабоев, О.М.Акромхўжаев, М.А.Аҳмаджонов, Ф.А.Асқаров сингари олимлар геология фани тараққиётига муносиб ҳисса қўшдилар. Ўзбекистон Фанлар академиясининг аъзолари орасида геолог олим нуфусининг кўплиги фикримизни тасдиқлайди.

Мустақиллик йилларида геология фани теранлик, миқёсийлик, кенг тармоқлилиқ касб этмоқда. Ўзбекистон Миллий университетининг олимлари академик Тўрабек Нўъмонович Долимов, профессор Виталий Иванович Троицкийларнинг “Эволюцион геология”<sup>16</sup> тадқиқотлари глобаллашув жараёнининг ҳаётбахш тамойиллари асосида яратилганлиги билан диққатни жалб этади. Эллиқ босма табоқ ҳажмидаги мазкур асарда юзлаб чизмалар, хариталар, жадваллар, кўрсатма воситалар тархи бор. Олимлар мазкур тадқиқотни яратишда жаҳон геология илмидаги тамойил, қонуният, методлардан унумли фойдаландилар. Адабиётшуносларда: “Фалончи асар фалон ёзувчи

---

<sup>16</sup> Долимов Т.Н., Троицкий В.И.. Эволюцион геология. – Т.: Ўқитувчи, 2007. Шу китоб 2004 йилда “Ўқитувчи” нашриётида рус тилида чоп этилган.



ижодининг бош китоби”, — деган гап бор. Т.Н.Долимов, В.И.Троицкий бой тажрибага эга, илмий йўналишини узил-кесил белгилаб олган, ўнлаб асарлар чоп эттирган, кўплаб шогирдлар етиштирган олимлар. “Эволюцион геология” — икки машҳур олим илмий ижодининг бош китобидир. Китоб библиографиясини кузатган мутахассис “Эволюцион геология” муаллифлари қарийб эллик йиллик илмий ижодлари давомида чоп этилган китоблар, қарашларни жамлаганликлари, умумлаштирганликлари гувоҳи бўлади.

“Эволюцион геология” тадқиқоти “Тарихий геология”, “Умумий геология”, “Статиграфия”, “Геодинамика”, “Петрология” сингари соҳаларнинг бошини бириктирди. Аниқроғи, геологиядаги бешта фаннинг ўқ илдизи “Эволюцион геология”да акс этди, яхлитлашди.

Инсон табиъатида ғаройиб ҳолат бор. Мен қачонки Тўрабек Нуъмоновичнинг геология ҳақидаги қизиқарли, илмий асосланган асарлари билан танишсам, “Геология ҳам ўлмас бадий асарга ўхшайди-да”, — деган фикрга келавераман. Қаранг. Ҳақиқий адабиётшунос — мунаққид асар атрофида гирди капалак бўлавермайди. Асар руҳига киради, моҳиятни ёритади. “Геолог ҳам дарҳол ернинг “ичига” киради”, марказга интилаверади: пўстлоқ, мантия, геологик ҳавзалар, лаққа чўғ — марказ ҳақида ишонарли маълумот беради. Геолог ҳам, мунаққид ҳам ўз объектининг жони, томирлардаги қони, азалий — абадий қонуниятлари ҳақида жўшиб, берилиб ёзса, ҳурмат қозонади.

Геологлар ўрганадиган “бадий асар”—ер яккаю ягона, ибтидоси бор-у интиҳоси кўринмайдиган соҳа. Адабиётшунослар ўлмас асарлар ёшини аниқлаш мақсадида турли қиёс, солиштирувлардан фойдаланадилар. “Эволюцион геология” асари муаллифлари геохронология — мутлақ вақт масаласини ўртага қўядилар. Ер сайёраси ўз ўқи атрофида узлуксиз ҳаракатда бўлади. Бу ҳаракат қачон, қандай бошланган?

Геологлар вақтни эон, эратема, давр, аср дея белгиланганлар. Қизиқ-а, бирон одам юз йил яшаса, ҳамма қойил қолади. Бир аср-а?! Геологияда аср энг кичик вақт бирлиги экан. Энг узоқ, катта вақт Архей эон дейилади. У энг қадимги тоғ жинсларининг пайдо бўлган жойи ва вақтини (докембрий, хронотопини) кўрсатади. XX асрнинг 80-йилларида Австралияда энг қадимги тоғ жинси ГНЕЙС топилди. Унинг ёши тўрт миллиард беш юз эллик миллион йил деб белгиланмоқда. Архей эон тўрт ярим миллиарддан икки ярим миллиард йилни ўз ичига олади. Эон, эратезма, даврлар ҳақида ўйласак, бизнинг кўниккан тақвимларимиз нақадар қисқа вақтни қамраб олишини кузатамиз. Катта Вақт юксаклигига кўтарилган, адабиёт аршининг сўнмас юлдузи дейилаётган мангу асарлар ёши ўртачароқ геологик эрага ҳам тўғри келмас экан.

Геологиядаги Архей эон, эратема, давр, асрлар қандай белгиланади, ўлчанади деган савол ҳаммани қизиқтиради. Биз вақт ўлчовчи табиат ҳодисаларини, юзларча соат турларини биламиз. Ахборот технологияси вақтни беҳато ўлчашда ўзига хос воситаларни тавсия этмоқда. Вақт, унинг аниқ, изчил ҳаракатини кузатиш — инсон табиатига чуқур сингиб кетган. Одам зоти ер қачонлардир пайдо бўлганини, вақти-соати келиб ерда қиёмат-қойим бўлишини ҳам билади. Олимлар ернинг ёши ўн миллиард йилгача бўлишини айтадилар. Ер “қаригач”, “вафот” этишини ҳам биладилар. Фан “апокалипсис” (қиёмат) тушунчасига илмий, мантиқий жавоб топиб қўйган. Ернинг “ҳаёти” қуёшга—мангу нур манбаига боғлиқ. Қуёшнинг нур, иссиқлик тарқатиш қуввати тугагач...

Ернинг ёшини ўлчовчи “соат” ҳақида гапирмоқчи эдик. “Эволюцион геология”да табиатнинг мўъжизаси циркон ҳақида гап боради. Луғатларда циркон (циркониий, форсчаси — зарғун) қимматбаҳо тош эканлиги, оқиш тусдаги бу қимматбаҳо жинс олтин,

гавҳардан-да қимматроқ туриши ёзилган. Муҳтарам академик Тўрабек Долимов цирконнинг “соатлик” функциясини осонгина тушунтирадилар:

— Биокимё фанида элементлардан элементларга ўтадиган ҳолат изотоплар дейилади. Цирконда уран ва қалай элементи мавжуд. Йиллар, минг йиллар, асрлар, эралар, эонлар давомида уран элементи ўзидаги изотопларни қалай (свинец)га ўтказди. Ўтказилган изотоплар йиғиндиси вақт ўлчовини билдиради. Яъни, ернинг мангу “соати” уран ва қалайни ўзида жамлаган геологик минералдир. Циркон полеозой, мезозой, кайназой сингари геологик гуруҳ, даврларни рўёбга чиқаради.

Геологлар ер қатламига қаватма-қават кириб борадилар: пўстлоқ, пўстин, ҳавзалар, улардаги узлуксиз ҳаракат, ниҳоят радиуси олти минг километр келадиган ер ўзаги. Ўзак — олов, узлуксиз ҳаракат. Миллиард йиллар давомида ер ўзаги нечун музлаб қолмади? Ерда узлуксиз ҳаракат бор. Ер ўқи радиусида босим ҳамиша кучли бўлади. Босим кучли ҳарорат, оловни пайдо қилади. Олов ўзига йўл излайди. Лавалар ҳавзаларни тўлдира боради. Бу жараён эон, эратезма, даврлар давомида рўй беради. Конларнинг пайдо бўлиши ҳавзаларга, лавалар ҳаракатига боғлиқ.

Дарвоқе, қазилма бойликлар, конлар ҳақида... Яқин-яқинларгача геологияни коншунослик фани дер эдилар.

“Ўзбекистон Миллий энциклопедияси”да (Тошкент, Қомуслар бош таҳририяти, 1997) “Геология фанлари” қисми: “Ўзбекистон ҳудудида фойдали қазилмаларни излаб топиш ва ўрганиш жуда қадим вақтлардан бошланган” (429-бет), — деган жумла билан бошланган. Ўзбекистон Республикаси ҳудуди, умуман Ўрта Осиё ва Қозоғистон геологларнинг ҳақиқий лаборатория майдони. Еримизнинг унумдорлигини ифодалайдиган мана бу гапни ҳамма эшитган: “Кузда далада қолиб кетган кетмоннинг дастаси баҳорда нав-ниҳол кўчатга

айланади”. Геологлар ҳам ерга урилган чўкич “жаранглаб” биронта маъдан, минералга урилишини айтадилар. Аммо геология фақат кон излашни бош мақсад қилиб қўймайди. Геология мукамал, мураккаб фан. Индуктив, дедуктив метод асосида геологлар ер сайёрасини яхлит ҳолда ўрганадилар. Буюк, даҳо олимлар умумлашмалар асосида ўз кашфиётларини яратадилар. Жаҳон геологлари Ҳабиб Абдуллаев, Иброҳим Ҳамрабобов сингари буюк олимлар кашфиётини тан оладилар. “Эволюцион геология” тадқиқоти муаллифлари хаосдаги эгри чизиқлар ҳаракатидаги синергетика қонуниятини асос қилиб олганлар. Бу метод орқали улар конларнинг номеъерий қонуниятлар асосида пайдо бўлишини исботладилар. Номеъерий қонуниятлар фанга кенг миқёсда ёндашув, глобаллашувнинг мусбат натижаларини ҳисобга олиш натижасида пайдо бўлади.

Т.Долимов, В.Троицкий тадқиқотларида кўптизимлилик (системали талқин, таҳлил, қиёсий, типологик ёндашув) методи кўзга ташланади. Геология фанида структурали ёндашув ҳам эътиборли ҳисобланади. Қисқаси, ҳозирги илғор геология фани янги метод, ёндашув, талқин йўсинларини асос қилиб олсагина илгари силжиши мумкин. “Эволюцион геология”да жаҳон геологиясидаги янгиликлар заррама-зарра ўрганилган ва амалиётда қўлланилган. “Эволюцион геология” — фанга юксак илмий-назарий нуқтаи назардан қарашнинг самараси. У Т.Долимов ва В.Троицкий илғор геология фанининг дарғаларидан эканлигини кўрсатувчи далил. Ҳозирги геологларнинг бузрукларидан бири, Россия ва Европа фанлари академиясининг аъзоси, Москва Давлат университети профессори, сал кам юз ёшли Виктор Ефимович Хаин “Эволюцион геология” асари ҳақида ёзади: “Менинг фикримча, муаллифлар жуда долзарб ва фойдали ишни бажарганлар, чунки Дунё геологик адабиётида бу турдаги китоб ҳали яратилган эмас”.

## МУНДАРИЖА

|  |            |
|--|------------|
| <b>I. Адиблар, асарлар...</b>                              |            |
| Истеъдод қадри.....  | 3          |
| Хотима-хотира асар.....                                    | 18         |
| Абдулла Қаҳҳор университети.....                           | 31         |
| Саралар саноғидаги роман.....                              | 39         |
| Ҳамид Олимжон шеъриятида диёр мадҳи.....                   | 58         |
| Интеллектуал сиймо.....                                    | 65         |
| Ҳазрати инсон ёди.....                                     | 69         |
| Ёзувчи тақдири – адабий авлод тарихи.....                  | 76         |
| Замон санъаткор талқинида.....                             | 85         |
| Асарлари яшаяптики.....                                    | 104        |
| Таваллуд топаётган қўнгил муждалари.....                   | 113        |
| <b>II. Болалик салтанати</b>                               |            |
| Фаройиб салтанат.....                                      | 137        |
| Ижодий ўзлик сари йўл.....                                 | 187        |
| Болаликнинг беғубор осмони.....                            | 209        |
| <b>III. Талқинчилик маҳорати</b>                           |            |
| Танқид майдонида туриш машаққати.....                      | 217        |
| Озод Шарафиддиновни англаш:                                |            |
| <i>Устоз умрининг юлдузли онлари.....</i>                  | <i>224</i> |
| <i>Озод Шарафиддиновнинг адабий-эстетик қарашлари.....</i> | <i>229</i> |
| <i>Мангу силсила.....</i>                                  | <i>241</i> |
| Мунаввар сиймо.....  | 246        |
| Олимнинг ойдин йўли.....                                   | 262        |
| Адабий танқид – гўзаллик кашшофи.....                      | 272        |
| <b>IV. Ўзга соҳаларга назар</b>                            |            |
| Ер ҳаракатда, олимлар ҳам.....                             | 282        |

*Адабий-танқидий нашр*

**Абдуғафур Расулов**

**Бетакрор ўзлик**

*Муҳаррир: Маҳкам Маҳмудов*

*Техник муҳаррир: Беҳзод Болтабоев*

*Мусахҳиҳа: Камола Болтабоева*

«MUMTOZ SO'Z»

масъулияти чекланган жамияти

нашриёти

Тошкент, Навоий кўчаси, 69.

Тел: 241-60-33

Босишга рухсат этилди 8.07.2009 Қоғоз ўлчами 84x108 1/16

Адади 300. Шартнома 23-09 А. Буюртма 09.

Баҳоси келишилган нарҳда

“MUMTOZ SO'Z”

масъулияти чекланган жамиятининг

матбаа бўлимида чоп этилди.

Манзил: Тошкент, Навоий кўчаси, 69.

Тел: 241-81-20



## Абдуғафур Расулов

1937 йил 1 июлда Тошкент шаҳрида туғилган. САГУ (ҳозирги ЎзМУ)нинг филология факультетини битирган (1959).

1959-1968 йилларда Қарши Давлат пединститутида ишлаган. 1969 йилдан бери Мирзо Улугбек номидаги ЎзМУ доценти (1970), профессори (2004).

А.Расулов Ўзбекистон Ёзувчилари уюшмаси аъзоси (1979), филология фанлари доктори (2002), Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ёшлар мурабийси (2003,) Ўзбекистон Республикаси Фан арбоби (2007).

«Янги замон — янги қаҳрамон» (1977), «Озод Шарафиддинов» (1980), «Танқидчилик уфқлари» (1985), «Олим ва таржимон» (1985), «Илми ғарибани кўмсаб...» (1998), «Истеъдод ва эътиқод» (2000), «Ардоқли адиб» (2001), «Танқид, талқин, баҳолаш» (2006), «Шарафли Шарафиддиновлар» (2006), «Бадийлик — безавол янгилик» (2007) китоблари, 400 га яқин мақола ва тақризлар муаллифи.

ISBN 978-9943-363-49-6



9 789943 363496